Ключевые слова: менеджмент, физическое воспитание, наука, профессиональный спорт, GR менеджмент, PR и HR менеджмент.

UDC: 796.83.049

ISSUES OF TRAINING AND RETRAINING OF MANAGERIAL PERSONNEL IN THE FIELD OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN UZBEKISTAN

Anvarbek Jumaniyazov, Shavkat Yoldashev

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

anvar-mirzo.13.12.1987@mail.ru

Abstract. This article is presented about personnel training in the field of physical education and sports management is aimed at acquiring modern technologies in the field of physical education and using them in continuous education. This system of training administrative staff allows to form a professional person capable of effective management activities.

Keyword: Management, physical education, science, professional sports, GR managers, PR and HR managers.



УЎК: 796.02

СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ином Ибрагимов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,

Чирчиқ, Ўзбекистон

inom@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада бўлажак тренерлар тизимдаги спорт таълим муассасаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга эътибор қаратиши кераклиги бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тренер, креативлик, жисмоний тарбия, спорт, малака, компетентлик, карьера, интеграция.

Бугун барча соҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам замонавий талаблар ҳамда янгича ишлаш услубига эга мутахассисларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бунда халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассисларни тайёрлаш ишлари соҳа олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ҳозирда дунё олимлари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларининг касбий билимлари, амалий кўникмалари, соҳавий малакаларини оширишнинг илмий-услубий ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг муҳим жиҳати шундаки, спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда аҳоли орасида оммавий спортни ривожлантиришда турли соҳалар ҳамкорлигига эътибор қаратилмоқда. Натижада, бир томондан иқтисодий юксалиш ортмоқда, иккинчи тарафдан жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари дунёқарашида моддий манфаатдорликнинг асосий мотивга айланиши, жисмоний кучни доминант сифатида билиш каби муаммолар юзага келмоқда. Бу эса бўлажак жисмоний тарбия

ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини комплекс ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни ташкил қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори, 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-сонли қарори, 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига спортчиларимизни комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-5281-сонли қарори, 2021-йил 5-ноябрдаги “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «workout» спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5282-сон қарорлари мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бизга маълумки ҳар бир тушунча ва ҳодисанинг моҳиятини англаш, кейинги жараёнларни тўғри таҳлили қилиш, ўзлаштиришда қул келади. “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти тушуниш ва бошқа тушунчалардан фарқлаш, мазкур тушунчалар ўзида акс эттирган жараён ва кўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда ушбу соҳа мутахассисларининг ўқув жараёнларини такомиллаштириш, машғулот юкламаларини оптималлаштириш, жисмоний сифатларини ошириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Бироқ, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари деярли бажарилмаган.

Педагогнинг креативлик салоҳияти унинг умумий хусусиятларида намоён бўлади. Ушбу хусусиятлар шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив салоҳият негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади. Тренер креативлик қобилиятига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- барча компетенцияларга мос равишда машғулотларни ташкил этиш;
- ўздан касбий тажрибаси юқори ҳамкасблари билан ҳамкорликда фаолият юритиш;
- машғулотлардан ташқари ҳам ўқувчи-спортчилар билан ишлаш;
- машғулотлар жараёнида янги замонавий методлардан, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Тажрибалардан маълумки, яхши ёки ёмон таълим методи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Таълим методларининг ижобий ёки салбий натижа бериши ўқитувчининг касбий тайёрлигига боғлиқ. Бунда ўқитувчининг касбий маҳорати билан бирга ижодкорлиги: 1) соҳаси ва фанини мукамал эгаллаган бўлиши; 2) ўз билганларини бошқаларга ўргата билиши; 3) ўқув фаолиятини самарали ташкил эта олиши; 4) таълим-тарбия жараёнининг натижаларини одилонга баҳолай олиши; 5) ўқувчининг имкониятларини англаган ҳолда уни тўғри йўналтира олишни ўз ичига олади.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларда ҳам креативликни ривожлантириш: ўз фаолиятига ижодий ёндашишни ўргатади; ўзидаги камчиликларни тузатиш бўйича машғулотларни ташкил қилишга ўргатади; тезкор ва тактик тафаккурни ривожлантиради ҳамда мусобақа шароитида рақибни камчиликларини аниқлашга ўргатади.

Адабиётлар рўйхати:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.

- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-сонли қарори.
- 3) Абдиев А.Н. Яккакураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фандок. ... дис. –Т.: ЎзДЖТИ, 2004. – 210 б.
- 4) Абрамова В.В. Формирование профессиональной компетентности будущих учителей физической культуры. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Ростов-на-Дону, 2006. – 28 с.
- 5) Бавтрюков И.А. Формирование психолого-педагогической компетентности у будущих специалистов по физической культуре и спорту. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Ульяновск: 2009. – 25 с.
- 8) Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – М.: Физкультура и спорт, 2000. – 331 с.

УДК: 796.02

РАЗВИТИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В СПОРТИВНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Ином Ибрагимов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Узбекистан
inom@gmail.com*

Аннотация. В статье разработаны предложения и рекомендации будущим тренерам сосредоточить внимание на развитии интеграционных процессов в системе спортивного образования.

Ключевые слова: тренер, креативность, физическое воспитание, спорт, квалификация, компетентность, карьера, интеграция.

UDC: 796.02

DEVELOPMENT OF INTEGRATION PROCESSES IN SPORTS EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Inom Ibragimov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
inom@gmail.com*

Abstract. The article develops proposals and recommendations for future coaches to focus on the development of integration processes in the system of sports education.

Keywords: coach, creativity, physical education, sport, qualification, competence, career, integration.



UDK 617-805

TALABALAR ILMIY TADQIQOT FAOLIYATI SAMARADORLIGINING GUMANITAR ASOSLARI

Rashid Kadirov

*Buxoro davlat universiteti
Buxoro, O'zbekiston
rashidkadirov500@gmail.com*

Аннотация: Мақоллада jismoniy tarbiya va sport ta'limi yo'nalishlarining professor o'qituvchilar va talabalar hamkorligida ilmiy tadqiqot ishlarini faollashtirishning ilg'or yondashuvlari, hamda tadqiqot maqsadidan kelib chiqib sohaning ilm-fan va ta'lim integratsiyasi, talabalarni ilmiy tadqiqot ishlariga jalb etish xususiyatini aks etuvchi ijtimoiy gumanitar tushunchalar tahlili va tegishli xulosalar qilingan.

Таянч со'злар: fan va ta'lim integratsiyasi, ilmiy tadqiqot faoliyati, gumanitar texnologiya, ilmiy markaz, ta'lim resurslari.

Кирish. Oliy ta'lim jarayonida shaxsga yo'naltirilgan yondashuvni amalga oshirish o'qituvchi va talaba o'rtasidagi yangi munosabatlarning kelib chiqishiga sabab bo'ldi [3]. Shaxsga yo'naltirilgan ta'limning o'ziga xos jihati talabani ta'lim sub'ekti rolida tan olish, uni har tomonlama rivojlantirish uchun qulay, zarur muhitni yaratish, ilmiy tadqiqot faoliyati samaradorligining zamonaviy shakl va usullarini o'quv jarayoni joriy etish orqali jismoniy tarbiya o'qituvchilari, sport trenerlarining ta'lim muassasalari va sport

maktablarida pedagogik faoliyatni ilmiy tashkil etish va amalga oshirishning kasbiy va umum-ilmiy bilim, ko'nikma va malakalarni rivojlantirishga erishiladi.

Maqsad va vazifalar: Talabalarining ilmiy tadqiqot ishlarini faollashtirishning ilg'or yondashuvlari va pedagogik imkoniyatlari haqida ma'lumotga ega bo'lish uchun nazariy-empirik ma'lumotlarni yig'ish va tahlil qilishdan iborat.

Tadqiqot usullari va tashkil etilish. Oliy ta'lim jarayonida hamkorlikdagi ilmiy faoliyati sifatini oshirishga qaratilgan nazariy va amaliy tadqiqotlar ko'lamini bitta tadqiqot doirasida to'liq yoritish qiyin. Shunday bo'lsa-da, biz tadqiqot maqsadidan kelib chiqib talabalarni ilmiy tadqiqot ishlariga jalb etish holatini aniqlovchi so'rovnomalar natijalari va ijtimoiy gumanitar tushunchalarni tahlil qilingan va tegishli xulosalarga o'rin berildi.

Oliy ta'lim jarayonida jismoniy madaniyat, psixologiya (sport), sport faoliyati (faoliyat turlari bo'yicha) ta'lim yo'nalishlaridan qatnashgan 128 nafar talabalarining ilmiy faoliyat to'g'risidagi munosabatlarini o'rganish maqsadida mini-so'rovnomalar o'tkazildi (1-jadvalga qarang).

Jadval 1. Talabalarining ilmiy faoliyat to'g'risidagi tasavvurlarini o'rganish (n=128)

| № | Savollar | 1- "yo'q" | 2-"ha"dan ko'ra ko'proq "yo'q" | 3- "bilmay- man" | 4-"yo'q"dan ko'ra ko'proq "ha" | 5-"ha" |
|----------------------|------------|--------------|-----------------------------------|---------------------|-----------------------------------|--------|
| 1 | A – shkala | 78 | 12 | 14 | 15 | 9 |
| 2 | B – shkala | 42 | 27 | 20 | 21 | 18 |
| 3 | S – shkala | 25 | 12 | 8 | 42 | 41 |
| Jami javoblar 394 ta | | 155 | 51 | 42 | 78 | 68 |

Jismoniy madaniyat, psixologiya (sport), sport faoliyati (faoliyat turlari bo'yicha) ta'lim yo'nalishlaridan 128 nafar talabalarining uchta shkaladan iborat (I. A – shkala: Kasbiy faoliyat bilan sohaning ilmiy faoliyati o'rtasidagi bog'liqlik to'g'risida tasavvurga egasizmi? – 1 2 3 4 5., II. B – shkala: Sizningcha, asosiy mutaxassislik mashg'ulotlarida fan qonuniyatlari va pedagogik hodisalar mohiyatini ilmiy tushunishga intilasizmi? – 1 2 3 4 5., III.S – shkala: Siz uchun fakultetda ilmiy faoliyat bilan shug'ullanishning ma'qul imkoniyalari, ustozlar xayrixoxligi bilan moslashuvchan shart-sharoitlar bo'lganida faoliyatga kirishasizmi? – 1 2 3 4 5.) savollarga 394 ta javob variantlari tahlil qilindi. Natijada: 155-"yo'q", 51-"ha"dan ko'ra ko'proq "yo'q", 42- "bilmayman", 78-"yo'q"dan ko'ra ko'proq "ha", 68-"ha" javoblar asosida aksariyat talabalarining ilmiy faoliyat to'g'risidagi tasavvurlari shakllanmagan bo'lsada 17% talabalar tomonidan dastlabki qiziqish va intiluvchanlik munosabatlarini aks etuvchi statistik tendensiyaning mavjudligi tegishli faoliyat mazmunini qayta yo'naltirishni taqozo etadi. Talabalarining mavjud ilmiy tadqiqot faoliyat mazmunining tahlili oliy ta'lim jarayonining rasmiy sanalgan kurs ishi, bitiruv malakaviy diplom yozish bilan cheklangan. Shuning uchun talabalarni ilmiy tadqiqot faoliyatiga o'rgatish, jalb etish muammolari hozirda oliy o'quv yurtlarining oxirigacha o'z yechimini topmagan eng muhim didaktik vazifalaridan biri bo'lib qolmoqda. O'zining bilish va ilmiy faoliyatini oliy ta'lim sharoitida boshlaydigan talaba o'zi haqida allaqachon shakllangan tasavvurga ega, nazarimizda bu g'oyani o'zgartirish (aniqlashtirish) orqali nafaqat kundalik faoliyat muammolarini muvaffaqiyatli hal qila olishi, balki o'zini-o'zi kasbiy rivojlantirishi mumkinligi to'g'risida insonparvar texnologiyalar muhim ahamiyatga ega. Manbaalarda gumanitar texnologiya tushunchasiga har xil yondashuvlar mavjud. E.Ostrovskiy va P.Shedrovitskiy tomonidan gumanitar texnologiyalar – tashqi (ham ijtimoiy, ham tabiiy) muhit muammolariga ko'ra odamlar o'rtasidagi aloqa va munosabat qoidalari va asoslarini yaratish, tarbiyalash, qayta ishlash yoki o'zgartirishga qaratilgan texnologiyalar majmui sifatida ta'rif berilgan [1]. Gumanitar texnologiyalar – bu shaxs yoki odamlar guruhiga ta'sir ko'rsatuvchi texnologiyalardan iborat qo'shimcha o'quv resurslar to'plami, ko'pincha faoliyatni maqsadga yo'naltirishning "yumshoq" ta'sir texnologiyalari deb ham ataladi.

Hozirga qadar gumanitar texnologiyalarni qo'llash masalalari ko'rib chiqilgan nashrlar tahlilida mualliflar tomonida har xil fikrlarni kuzatish mumkin. Bizning fikrimizcha gumanitar texnologiyalarning harakat mexanizmini tushunish uchun manbalarda keltirilgan eng muhim resurslarini bilishimiz kerak [2]:

- insonning hayotiy qiziqishlarini ro'yobga chiqarishni va hayot sifatini yaxshilashni ta'minlaydigan texnologiyalar, ya'ni fan va ta'limning integral resurslari, o'tkazilgan ilg'or ilmiy tadqiqotlar metodologiyasi va natijalarini modellashtirish orqali mutaxassislik fanlarini o'qitish resurslarini yangilash;

- resurs talab texnologiyalar bu – axloq, qadriyatlar, fanlar-aro bilimlar, g'oyalar, ko'p millatli, ko'p madaniyatli, dinlararo, transprofessional va shaxslararo o'zaro ta'sir, bag'rikenglik, mas'uliyat va ularni kasbiy faoliyat, dasturlar, loyihalalar va texnologik yechimlar toifasiga o'tkazish;

- rivojlantirish loyihalari va dasturlarini ishlab chiqish va o'quv jarayonida amalga oshiruvchi kreativ g'oya va professional etika bilan qurollangan, hamda o'qitishning ta'lim resurslarini doimiy yangilab borishga qodir mutaxassislarning mavjudligi.

Xulosa. Talabalar ilmiy-ijodiy faoliyatini tashkil etish hamda yosh ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash borasida ta'lim yo'nalishlari o'quv jarayoning asosiy vazifalari qatoridan muhim o'rin egallashi kerak:

- ilmiy-tadqiqot faoliyati bilan shug'ullanishga hohishi va qobiliyati bo'lgan iqtidorli talabalarni aniqlash, ularni ilmiy-tadqiqotlarga jalb etish, ilmiy-tadqiqot ishlarini individual va jamoa bo'lib bajarishga o'rgatish orqali ularning ilmiy-ijodiy qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish uchun tashkiliy, metodik va moddiy-texnikaviy shart-sharoitlar yaratish;

- kafedralarda olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarida talabalarining keng ishtirokini ta'minlash, yoshlarga turli shakldagi ilmiy ijodini rag'batlantirishning samarali mexanizmlarini joriy etish;

- talabalarining ilmiy-ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va ro'yobga chiqarib imkonini beruvchi o'quv-ilmiy laboratoriyalar, ilmiy markaz, turli ilmiy-ijodiy to'garaklarni faoliyatiga keng jalb etish, diagnostik va korreksion o'lchov jihozlari bilan ta'minlash;

- talabalar o'quv mashg'ulotlari va ilmiy-tadqiqot ishlarining integral tizimini ta'minlash, uzviylikda mustaqil ish, kurs loyihasi, malakaviy bitiruv ishi, magistrlik va doktorlik dissertatsiyalari doirasida turli xildagi faol o'quv-tadqiqot ishlarini mustaqil o'rganishga imkon yaratish.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Бережнова Л.Н., Богословский В.И. Научно-исследовательская работа студента как гуманитарная технология: Учебное пособие. – СПб.: ООО «Книжный Дом», 2007. – 208 с.
- 2) Митин А.Е., Филиппова С.О., Митин Е.А. Теоретические и методические подходы к применению гуманитарных технологий в подготовке специалистов по физической культуре: монография/ под ред. В.А.Бордовского. СПб., 2009.

УДК 617-805

ГУМАНИТАРНЫЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ

Рашид Кадилов

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

rashidkadirov500@gmail.com

Аннотация: В статье рассмотрены передовые подходы сотрудничества профессорско-преподавательского состава и студентов физкультурно-спортивного образования по активизации научно-исследовательской работы, а также концептуальные понятия интеграции науки и образования, социально-гуманитарных основ, которые наиболее отражающие характер привлечения студентов к научно-исследовательской работе и соответствующие выводы.

Ключевые слова: Интеграция науки и образования, научно-исследовательская деятельность, гуманитарные технологии, научный центр, образовательные ресурсы.

UDC 617-805

HUMANITARIAN FOUNDATIONS FOR THE EFFICIENCY OF STUDENTS' RESEARCH ACTIVITIES

Rashid Kadirov

Bukhara State University

Bukhara, Uzbekistan

rashidkadirov500@gmail.com

Abstract. The article discusses the advanced approaches of cooperation between the faculty and students of physical culture and sports education to intensify research work, as well as the conceptual concepts of the integration of science and education, social and humanitarian foundations that most reflect the nature of attracting students to research work and relevant conclusions.

Key words: Integration of science and education, research activity, humanitarian technologies, scientific center, educational resources.



TALABALARNING HARAKATLANISH FAOLLIGI KO'RSATKICHLARINI ANIQLASH VA SOLISHTIRISH (TAJRIBA BOSHIDA)

Egamberdi Qilichev, Axmatjon Akbarov

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

akbarov19542089@gmail.com

Annotatsiya. Talabalar harakatlanish faolligini xarakterlaydigan ko'rsatkichlar uchun pedagogik tajriba boshida nazorat va tajriba guruhlarini sinalluvchilari ishtirokida olingan ma'lumotlar hamda ularni o'zaro solishtirish natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: harakatlanish faolligi, jismoniy tarbiya vositalari, statistik ishonchlilik, eng kichik kvadratlar usuli.

Kirish. So'nggi o'n yillarda inson salomatligi, ularning harakatlanish faolligi, ularni sog'lom turmush tarziga rioya qilishi darajasi, bularning inson hayotidagi o'rni va ahamiyati hamda bularning inson salomatligini saqlash, yanada sog'lomlashtirish va mustahkamlash bo'yicha amalga oshirilgan tadqiqot natijalarini tahlili hozirgi zamonda jamiyatning eng muhim muammolaridan biri – bu insonlarning o'z salomatligi darajasini pasayib borishiga befarqlik hollarini tobora ko'proq uchrayotganligini ko'rsatdi. Vujudga kelgan bunday vaziyatning asosiy sabablari sifatida esa, tashqi muhit shart-sharoitlari doimiylikini buzilishi (ekologik sindrom), insonlarning harakatlanish faolligi tanqisligi, pedagoglarning kasbiy mahoratini yetishmasligi va odamlarning o'z salomatligini saqlash, mustahkamlab borish va shakllantirish masalalarida ommaviy savodsizligi singari omillarni ta'kidlashmoqda. Yuqorida zikr etilganlar harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarini o'rganish qanchalik dolzarb ekanligini ko'rsatib turibdi.

Maqsad va vazifalar. Pedagogik tajriba boshida nazorat va tajriba guruhlarini sinalluvchilari ishtirokida talabalar harakatlanish faolligini xarakterlaydigan ko'rsatkichlarning son qiymatlarini aniqlash, olingan ma'lumotlar asosida tanlanmaning asosiy statistik xarakteristikalarini hisoblash, nazorat va tajriba guruhlarida hisoblangan natijalar farqining statistik ishonchliligini eng kichik kvadratlar usulidan foydalanib solishtirish.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, eng kichik kvadratlar usuli, statistik ishonchlilik darajasini hisoblash usullaridan foydalanildi. Pedagogik tajribada nazorat (NG, n=62) va tajriba-sinov (TG, n=62) guruhlariga ajratilgan, jami 144 nafar O'zDJTSU talabalaridan tashkil topgan sinalluvchilar ishtirok etishmoqda. Ikkala guruh sinalluvchilar uchun ham harakatlanish faolligi va STTning kognitiv (axborotlik), emotsional (munosabat), motivatsion (ehtiyoj), konativ (tayyorlik), amaliy (faollik) va integral ko'rsatkichlari aniqlandi va statistik tahlil qilindi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Nazorat va tajriba guruhlarini talabalar harakatlanish faolligi va sog'lom turmush tarzi (STT) ko'rsatkichlari bo'yicha pedagogik tajriba boshlanishida aniqlangan ma'lumotlar, ularning statistik xarakteristikalari, jumladan har bir guruhdagi sinalluvchilarning boshlang'ich tayyorgarlik darajasini solishtirish imkonini beradigan standart og'ish (o'rtacha kvadratik chetlashish) va variatsiya koeffitsienti qiymatlari ham, va nisbiy farqlari quyidagi jadvalda keltirilgan.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlarning tahlili har bir o'rganilgan ko'rsatkich uchun aniqlangan variatsiya koeffitsienti kattaliklari NG da $V=10,60\%$ va $V=13,84\%$ oralig'ida va TG da $V=10,30\%$ va $V=13,42\%$ oralig'ida tebranishini ko'rsatdi. Variatsiya koeffitsienti son qiymatlarining gradatsiyaning "qoniqarli" sohasini quyi qismida joylashganligi kuzatildi. Shuningdek, nazorat va tajriba-sinov guruhlariga mansub bo'lgan talabalar harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarining shaklanganlik darajalari aniqlandi. Jumladan, NG da yuqori darajadagi harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarining shaklanganligi guruhdagi talabalar 3 nafarida (4,84%), o'rtacha darajasi 27 nafarida (43,53%) va past darajasi 32 nafarida (51,61%) kuzatilgan bo'lsa, TGda esa yuqori darajadagi harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarining shaklanganligi guruhdagi talabalar 4 nafarida (6,45%), o'rtacha darajasi 25 nafarida (40,32%) va past darajasi 33 nafarida (53,23) kuzatildi. Shu bilan birga talabalar harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarini NG va TG uchun aniqlangan kattaliklar o'rtacha arifmetik qiymatlarining nisbiy farqi 4,63 % va 6,53 % oralig'ida tebranishi ham NG va TG talabalarini tayyorgarlik darajasini yetarlicha yaqinligini ko'rsatib turibdi.

| Harakatlanish faolligi va STT ko'rsatkichlari | Nazorat guruhi | | Tajriba guruhi | | Farqi | |
|---|----------------------|-------|----------------------|-------|----------|-----------|
| | $\bar{x} \pm \sigma$ | V, % | $\bar{x} \pm \sigma$ | V, % | Absolyut | Nisbiy, % |
| Kognitiv (axborotlik) | 6,56±0,85 | 12,96 | 6,93±0,93 | 13,42 | 0,37 | 5,64 |
| Emotsional (munosabat) | 7,44±1,03 | 13,84 | 7,87±1,01 | 12,83 | 0,43 | 5,78 |
| Motivatsion (ehtiyoj) | 8,07±0,93 | 11,52 | 8,45±0,94 | 11,12 | 0,38 | 4,71 |
| Konativ (tayyorlik) | 7,12±0,97 | 13,62 | 7,45±0,98 | 13,15 | 0,33 | 4,63 |
| Amaliy (faollik) | 6,13±0,65 | 10,60 | 5,73±0,59 | 10,30 | 0,40 | 6,53 |
| Integral ko'rsatkich | 7,21±0,92 | 12,76 | 6,79±0,83 | 12,22 | 0,42 | 5,83 |

NG va TG sinaluvchi talabalarida pedagogik tajriba boshida olingan ushbu natijalarining o'zaro farqining statistik ishonchliligi eng kichik kvadratlar usulidan foydalanib baholandi va bunda nazorat va tajriba guruhlar natijalari farqi $P > 0,05$ ahamiyatlilik darajasida statistik ishonchsiz farq qilishi aniqlandi. Pedagogik tajriba boshidagi NG va TG talabalarining ushbu natijalarini o'zaro bir-biriga yaqinligi hamda bu farq statistik ishonchsiz ekanligi pedagogik tajribani uslubiy jihatdan to'g'ri tashkil etilganligidan dalolat beradi.

Xulosa. Tajriba boshida olingan ma'lumotlar bo'yicha nazorat va tajriba guruhlar uchun hisoblangan variatsiya koeffitsienti son qiymatlarini gradatsiyaning "qoniqarli" sohasini quyi qismida joylashganligi, shuningdek ikkala guruh talabalarining harakatlanish faolligi ko'rsatkichlarining o'rtacha arifmetik qiymatlarini bir-biriga yaqinligi hamda nisbiy farqlarni 4,63% va 6,53% oralig'ida tebranishi va hamma testlar bo'yicha o'rtacha nisbiy farqni 5,46%ga teng bo'lishi pedagogik tajribani uslubiy jihatdan to'g'ri tashkil etilganligini isbotidir.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Акбаров А. Спортда педагогик тадқиқот натижаларини интерпретация қилиш усуллари солиштириш // Фан-спортга, 2021, № 6, 62-64 б.
- 2) Акбаров А., Буриев Б.У., Адашева М.У., Отношение студентов педагогического вуза к двигательной активности, Олимпийский спорт и спорт для всех, 2020. С.162-164.

УДК: 796

ОПРЕДЕЛЕНИЕ И СРАВНЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ (НАЧАЛО ЭКСПЕРИМЕНТА)

Эгамберди Киличев, Ахматжон Акбаров

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

akbarov19542089@gmail.com

Аннотация. Приведены результаты, полученные в начале эксперимента с участием испытуемых контрольной и экспериментальной групп для показателей, характеризующих двигательную активность студентов, а также результаты их взаимного сравнения.

Ключевые слова: двигательная активность, средства физического воспитания, статистическая достоверность, метод наименьших квадратов.

UDC: 796

DETERMINATION AND COMPARISON OF STUDENTS' MOTOR ACTIVITY INDICATORS (BEGINNING OF THE EXPERIMENT)

Egamberdi Kilichev, Akhmatjon Akbarov

Uzbek State University of Physical Culture and Sports

Chirchik, Uzbekistan

akbarov19542089@gmail.com

Abstract. The results obtained at the beginning of the experiment with the participation of the subjects of the control and experimental groups for indicators characterizing the physical activity of students, as well as the results of their mutual comparison are presented.

Key words: motor activity, means of physical education, statistical reliability, least squares method.

E-SPORTS AS A MEANS OF ACTIVE RECREATION FOR STUDENTS OF SPORTS UNIVERSITIES

Elena Kosmina, Mariya Teodorovich

*Lesgaft National State University of Physical Education, Sport and Health
St Petersburg, Russian Federation
e.kosmina@lesgaft.spb.ru*

Abstract: This article presents data on assessing the level of e-sports qualification of students and the main features of their leisure activities. Most of the respondents are professional athletes in their chosen sport, representing teams of St Petersburg or Russian national teams.

Keywords: leisure activities, recreation, e-sports, computer sports, students sport.

Introduction: e-sports is a teams or individual competition based on a computer games or preparation for it. In June 2016 computer sport (e-sports) was officially included into All-Russian register of sports. Most of the students of Lesgaft NSU, St Petersburg are professional athletes of various sports, as well as members of Russian national teams. Many of them spend their free time playing computer games and use these games as a means of stress reliever [3]. Number of students make major gains in e-sports as well as in main sport and regard e-sport as a second chosen sport: they spend time not only playing, but also practice and belong to university sport teams. 79% of responded students practice chosen sport 3-8 times a week, the data is presented in following table:

| Trainings per week | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 and more |
|--------------------|----|----|----|----|------------|
| % | 11 | 10 | 34 | 16 | 29 |

Purpose of the study and research objectives: to highlight the features of leisure among the sports university students, who use computer games as a means of active recreation.

Research objectives are: To identify the main features of leisure activities of students of the sports university and to assess the level of e-sports qualification of students who choose computer games as a means of recreation.

Methods and organization of research: observation, questionnaire method, methods of mathematical statistics. To enter university e-sports team all the candidates fill in the application form. This article analyzes questionnaires of candidates to Lesgaft NSU, St Petersburg university e-sports team for the last 3 years (2018-2021) and includes over 350 respondents.

Research results: the following table presents experience of practicing chosen e-sports discipline:

| Experience | <1 year | 1-2 years | 2-3 years | 3-4 years | >5 years |
|------------|---------|-----------|-----------|-----------|----------|
| % | 6 | 12 | 23 | 12 | 47 |

47% of respondents have practiced e-sports for more than 5 years, 12% have practiced e-sports for 3-4 years. The obtained data may indicate that majority of players had started practicing chosen e-sports discipline in school and after entering Lesgaft NSU, St Petersburg decided to enter university e-sports team and realize their skills.

The following table presents the number of time that students devote to training in the chosen discipline of e-sports:

| Time | 1-2 hours | 3-4 hours | 5-6 hours | All the free time |
|------|-----------|-----------|-----------|-------------------|
| % | 17 | 36 | 28 | 19 |


Most of the interviewed students practice computer sports 3-6 hours a day. According to respondents this time is enough to successfully complete all study tasks, attend training in the main sport and complete training in e-sports in the chosen discipline.

Next table shows number of hours, that have been spent by student in the chosen game discipline.

| Hours | <1000 | 1000-2000 | 2000-3000 | 3000-4000 | 4000-5000 | >5000 |
|-------|-------|-----------|-----------|-----------|-----------|-------|
| % | 15 | 21 | 18 | 12 | 11 | 23 |

The number of hours spent in the game for many gaming disciplines is an informative indicator for evaluating the level of the game of an e-sports player. The data obtained can be compared with the number of hours spent in the game by professional athletes to achieve the level of the highest sports mastery: Danil «gpk~» Skutin: 9213 hours – active player “Virtus Pro” (Dota 2); Magomed “Collapse” Khalilov: 7269 hours and Ilya “Yatoro” Mulyarchuk: 8677 hours – active players of the team “Team Spirit” (Dota 2). This information gives a rough idea of what players are aiming to and the approximate level to enter university sports team.

In most classical sports during the first year of training an athlete spends about 312 hours per year on training, during the fourth year of training corresponding to the stage of sports specialization – about 1040 hours per year. At the stage of improving sports mastery – approximately 1456 hours per year and at the stage of higher sports mastery – 1664 hours per year. The data are given in accordance with federal standards for sports training in various sports. If we compare this indicator to e-sports and the number of hours spent on a computer game would correlate with level of sports mastery, 23% of candidates are on the level of higher sports mastery and most of the students (51%) are on the stage of sports specialization. Thus, the same time spent on a game and on classical sports are usually has different labor



efforts. This is the reason why we do not recommend to use this indicator as a major criteria of evaluation e-sports athlete level of mastery.

This picture shows number of students wishing to join university e-sports teams according to the year of education. It can be seen that number of students who choose computer sport as a means of active recreation decreases with the growth of the course year. We relate this to general changes in attitudes and domination of professional activity perfection among students.

Conclusions: we have extracted major features of leisure activities for sports university students, who chose e-sport as a means of recreation. These identified features allow to conclude, that the greatest interest in computer games and participation in e-sports competitions is shown among students of the first three years of undergraduate studies. Students gain the main gaming experience in computer games even before entering the University, in the secondary schools. During studying at the University students acquire professional knowledge, skills and experience necessary for implementation professional duties and gradually lose interest in computer games, reaching a certain level of readiness to perform professional activities.

References:

- 1) Aksentiev A. L. The mode of training and rest for the effectiveness of the training process and sports mastery // Regional Bulletin. – 2019. – №18. – P. 21–23.
- 2) Dashkova E. V., Miroshnichenko P. N. Regards the development of active tourism in the Republic of Adygea // Bulletin of the Chechen State University. – 2017. – № 3. – S. 71-81.
- 3) Shubin K. Y., Kosmina E. A., Makarov A. A. The use of computer games as a means of relieving the psycho-emotional stress of highly qualified rowers // Scientific notes of the Lesgaft University. – 2019. – № 11(177).

УДК: 796.011.1

КИБЕРСПОРТ КАК СРЕДСТВО АКТИВНОГО ОТДЫХА СТУДЕНТОВ СПОРТИВНОГО ВУЗА

Елена Космина, Мария Теодорович

*Национальный государственный университет физической культуры,
спорта и здоровья имени П.Ф. Лесгафта
Санкт-Петербург, Российская Федерация
e.kosmina@lesgaft.spb.ru*

Аннотация: В статье приведены данные оценки уровня киберспортивной подготовленности студентов, основные особенности их досуговой деятельности. Большинство респондентов являются профессиональными спортсменами в избранном виде спорта, входят в сборные команды Санкт-Петербурга или России.

Ключевые слова: досуговая деятельность студентов, киберспорт, компьютерный спорт, студенческий спорт.



СТУДЕНТЫ И ВЫПУСКНИКИ МГАФК – ВЫДАЮЩИЕСЯ ПРЕДСТАВИТЕЛИ ОЛИМПИЙСКОГО ДВИЖЕНИЯ В МЕДИАПРОЕКТЕ «ОЛИМПИЙСКАЯ СЛАВА АКАДЕМИИ»

Матвей Лебедев, Александр Контанисов, Армен Демирчоглян
*Московская государственная академия физической культуры
Малаховка, Российская Федерация*
mlvio@inbox.ru

Аннотация: В данной статье отражены выдающиеся спортивные достижения студентов и выпускников Академии – призеров и победителей Олимпийских игр, которые представлены в рамках реализации медиапроекта «Олимпийская слава МГАФК» на протяжении 1952-2022 гг.

Ключевые слова: медиа, интернет-пространство, олимпизм, олимпийские игры, спортивное движение.

Актуальность. В настоящее время значимость Олимпийских игр, как международных спортивных состязаний атлетов, представляющих различные страны мира, является одним из приоритетных позиций, затрагивающих все уровни жизни, включая культурный, символический, экономический и т.д.

Каждая Олимпиада привлекает внимание миллионов людей со всего мира, и любая образовательная организация высшего образования гордится, когда среди ее студентов и выпускников есть те, кто смог завоевать медали на Играх Олимпиад [2].

Не случайно, среди мировых спортивных движений, именно олимпийское движение остается самым популярным и наиболее приоритетным по уровню значимости, продолжает продвигать идеалы Олимпизма – достоинства тела, воли и разума.

МГАФК как специальное учебное заведение по подготовке специалистов физической культуры и спорта ведет летоисчисление с 1931 года. За этот период подготовлено более двадцати пяти тысяч специалистов, свыше тысячи двухсот пятидесяти выпускников – мастера спорта международного класса, заслуженные мастера спорта, победители и призеры международных соревнований, 137 человек – заслуженные тренеры Российской Федерации, СССР и РСФСР.

В 2021 году Академия отметила 90-летний юбилей со дня основания [3, 6].

335 золотых, серебряных и бронзовых Олимпийских медалей завоевано выпускниками и студентами вуза на Олимпийских, Паралимпийских и Сурдлимпийских играх.

Целью работы было разработать и представить медиапроект «Олимпийская слава МГАФК» (<http://olympicmgafk.tilda.ws>).

Задачи:

- обратить внимание общественности на возможность представления информации с использованием современных медиасредств нового поколения;
- найти, систематизировать и представить информацию о заслуженных выпускниках и студентах Академии (включая текстовые материалы, фотоматериалы и видеоматериалы) – победителей и призеров Олимпийских, Паралимпийских и Сурдлимпийских игр;
- подготовить интернет-площадку, где будут размещены материалы, с возможностью пролангации, обновления и мониторинга профильных тематических информационных материалов.

Объектом работы было медиaprостранство, включая сайт Академии, тематические спортивные сайты и интернет-страницы, а также текстовые и фотоматериалы из фондов архива МГАФК.

Работа над медиапроектом проводилась в рамках приоритетных направлений развития региональных олимпийских академий при содействии Олимпийского Комитета России (ОКР) и поддержке Московской областной олимпийской академии в период с 2020-2022 гг.

Потребовалось найти, систематизировать и представить обширный объем информации и материалов из различных доступных интернет и текстовых источников.

Поскольку в Академии достаточное количество выпускников и студентов, завоевавших медали на Играх Олимпиад (147 чел.), на страницах медиапроекта размещена наиболее важная и емкая информация, в т.ч. фотографии спортсменов, имя, фамилия, вид спорта, завоеванные медали на играх Олимпиад, включая дату и страну проведения.

В общей сложности, с 1952 по 2022 гг. выпускники и студенты академии приняли участие в 33-х (тридцати трех) Играх Олимпиад, без учета Паралимпийских и Сурдлимпийских игр.

На странице медиапроекта размещены видеоматериалы, посвященные освещению темы Олимпизма в МГАФК, в частности: видеофрагменты научных конференций по проблемам

Олимпизма и Олимпийского движения, интервью с ведущими специалистами и учеными, в частности, с доктором философских наук, профессором В.И. Столяровым о проблемах и актуальных вопросах современного спорта, д.социол.н., профессором Фоминым Ю.А., видеоматериал «Музей истории спорта и Олимпийской славы МГАФК», с акцентом на социально-культурную и историческую значимость затронутых вопросов [3, 4, 5, 6].

Медиапроект был отмечен и получил высокую оценку академика РАО, д.пед.н., профессора Сейранова С.Г., д.пед.н., профессора Починкина А.В., а также д.соц.н., профессора Фомина Ю.А.

В 2022 году медиапроект был представлен на XXXIII Всероссийской научной сессии Центральной олимпийской академии в РГУФКСМиТ, где был отмечен среди лучших научных сообщений и презентаций (II место).

Обновленный вариант медиапроекта «Олимпийцы МГАФК», размещенный сегодня на сайте академии, позволяет демонстрировать большое количество материалов, посвященных теме Олимпийских, Паралимпийских и Сурдлимпийских игр, участия в них выпускников и студентов академии, является наглядным, удобным для восприятия и активно используется в учебно-образовательных и справочно-информационных целях.

Библиография:

- 1) Степанов, И.В. Проблема определения границ медиасферы в работах Никласа Лумана, Элвина Тоффлера, Маршалла Макклюза / И.В. Степанов // Вестник Самарского государственного технического университета. – 2020. - №1 (4). – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problema-opredeleniya-granits-mediasfery-v-rabotah-niklasya-lumana-elvina-tofflera-marshalla-makklyuena> (дата обращения: 14.12.2021).
- 2) Тиосова, Т.Н. Проблемы олимпийского образования в России / Т.Н. Тиосова // МНИЖ. – 2013. - №11-3 (18). – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-olimpiyskogo-obrazovaniya-v-rossii> (дата обращения: 15.04.2022).
- 3) Московская государственная академия физической культуры: [сайт]. – URL: <https://mgafk.ru> (дата обращения: 15.04.2022).
- 4) Олимпийская слава МГАФК. – URL: <http://olympicmgafk.tilda.ws/> (дата обращения: 15.04.2022).
- 5) Олимпийский комитет России: [сайт]. – URL: <https://olympic.ru> (дата обращения: 15.04.2022).
- 6) Паралимпийский комитет России: [сайт]. – URL: <https://paralymp.ru> (дата обращения: 15.04.2022).
- 7) Лебедев, М.А. Медиапроект «Студенты и выпускники МГАФК – победители и призеры Олимпийских игр 1952-2021 гг.» / М.А. Лебедев, А.Г. Демирчоглян, П.В. Нестеров; науч. Рук. А.Т. Контанистов // Олимпийское движение, физическая культура и спорт в современном обществе, 18-19 ноября 2021 г.: материалы VIII Всероссийской научно-практической конференции с международным участием / ред.-сост. П.В. Нестеров; Московская государственная академия физической культуры. – Малаховка, 2021. – С. 253-259.

UDC: 796.032

STUDENTS AND GRADUATES OF THE MGAFK ARE OUTSTANDING REPRESENTATIVES OF THE OLYMPIC MOVEMENT IN THE MEDIA PROJECT “OLYMPIC GLORY OF THE ACADEMY”

Matvey Lebedev, Alexander Kontanistov, Armen Demirchoglyan

Moscow State Academy of Physical Education

Malachovka, Russian Federation

mlvio@inbox.ru

Summary. This article reflects the sporting achievements of outstanding students and graduates of the Moscow State Academy of Physical Education, which were presented as part of the media project “Olympic Glory of the Moscow State Academy of Physical Education” during 1952 – 2022.

Keywords: media, internet, olympism, Olympic Games, sports movement.



TALABALARNING JISMONIY TAYYORGARLIGINI TABAQALASHTIRILGAN HOLDA NAZORAT QILISH TEXNOLOGIYASI

Farhod Masharipov, Aziz Ro'zmetov

Urganch davlat universiteti

Urganch, O'zbekiston

farhod0972@inbox.ru

Annotatsiya. Maqolada oliy ta'lim muassasalari talabalarining jismoniy tarbiyasining modul texnologiyasi orqali tashkil qilish masalalari bayon qilingan.

Kalit so'zlar: oliy o'quv yurti, jismoniy tarbiya mashg'uloti, jismoniy tayyorgarlik, tabaqalashtirish, modul texnologiyasi.

Kirish. O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, oliy ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirishni amalga oshirish belgilab qo'yilgan [1]. Jumladan, oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish; xalqaro tajribalardan kelib chiqib, oliy ta'limning ilg'or standartlarini joriy etish, jumladan o'quv dasturlarida nazariy bilim olishga yo'naltirilgan ta'limdan amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim tizimiga bosqichma-bosqich o'tish; oliy ta'lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo'shadigan, mehnat bozorida o'z o'rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yishni nazarda tutadi.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Jismoniy tarbiya nazariyasi va amaliyoti yuzasidan ilmiy uslubiy adabiy manbalarni o'rganish tahlili shuni ko'rsatadiki, jismoniy tarbiya ta'limi jarayonlariga zamonaviy axborot kommunikatsion va pedagogik texnolo-giyalarni joriy qilinishi darajasi hali yetarli darajada emas. Buning sabablaridan biri pedagogik faoliyatda ta'lim texnologiyalarining nazariy – metodologik asoslarining yetarlicha ishlab chiqilmaganligidir. Jismoniy tarbiya sohasi o'qituvchi va murabbiylari axborot kommunikatsion texnologiyalari bilan ishlashni o'zlashtirib olmas ekan, jismoniy tarbiya va sport ta'limi darajasini zamon talablari darajasida oshirishni imkoni bo'lmaydi [2,3,4].

Hozirgi vaqtda ta'lim oldida muayyan vazifa turibdi: bo'lajak mutaxassisni asosiy axborot bilan ta'minlash, undan amaliy vazifalarni hal etish uchun foydalanish ko'nikma va malakalarini singdirish, bo'lajak mutaxassisda mustaqil ravishda kasbga xos yangi axborotlarni butun kasbiy faoliyati davri davomida olish zarurligi to'g'risida tasavvur shakllantirish [5]. Oliy ta'limning zamonaviy faoliyati sharoitlarida jismoniy tarbiya jarayoni yuqori darajada boshqariladigan va individual – yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Faqatgina individual xususiyatlar va birinchi navbatda, jismoniy tayyorgarlik darajasini haqiqatdan va amalda hisobga olish orqali jismoniy tayyorgarlikni, xususan jismoniy tarbiyani samarali individuallashtirish ta'minlanadi. Bunga ushbu jarayonni tezkor boshqarish asosida erishish imkoni bo'ladi. O'z navbatida, boshqarish tezkorligi va samaradorligi joriy rejimda kelib tushadigan shug'ullanuvchilar holati to'g'risidagi axborotga bog'liqdir [6].

Bunday axborotni zarur hajmda modul tizimi orqali ko'rish va olish mumkin. Ma'lumki, modulli o'qitish tizimi ta'limga yo'naltirilgan texnologiyalardan foydalangan holda pedagogik jarayonni tashkil etishning asosiy elementlariga kiradi. Modul tizimining maqsadi o'quv jarayonida asosiy boshqaruv qarorlarini qabul qilish, jismoniy tarbiya o'quv jarayoni mazmuniga tuzatishlar kiritish uchun zarur bo'lgan axborotlarni kiritish va olish hisoblanadi. Bunda jismoniy tayyorgarlikni modulli ko'rsatkichlari modeli shug'ullanuvchilarning rivojlanish xususiyatlari va yo'nalishini kuzatib borish bo'yicha maxsus muolajalarni nazarda tutishi lozim [7].

Natija va muhokamalar. Jismoniy holatni tabaqalashtirilgan holda nazorat qilish asosida jismoniy tarbiyaga ixtisoslashmagan bo'lg'usi mutaxassislarning jismoniy tayyorgarligi tuzilmasini optimallashtirish texnologiyasini amalga oshirish quyidagi holatlar bajarilgandagina mumkin bo'ladi:

1. Jismoniy tarbiya maqsadlari, vazifalari va mazmunini ifoda etish kasbiy faoliyatning o'ziga hos xususiyatlari asosida qurilishi kerak, jismoniy tarbiya jarayonining o'zi esa amaliy xususiyatga ega bo'lishi lozim.

2. Tayyorgarlikning turli tarkiblarini aks ettiruvchi jismoniy tayyorgarlikning ko'p blokli tuzilmasi ishlab chiqilishi zarur.

3. Ishlab chiqilgan jismoniy tayyorgarlik tuzilmasiga muvofiq jismoniy tayyorgarlikni kompleks nazorat qilish va uning tarkibiy qismlarini tabaqalashtirilgan holda nazorat qilish dasturlari ishlab chiqiladi.

4. Jismoniy tayyorgarlikning individual profilini tuzish uchun talabalarning jismoniy holatini kompleks nazorat qilish tashkil etiladi.

5. Talabalarning jismoniy tarbiya jarayoni variantli tarzda, ularning individual xususiyatlarini inobatga olish va kasbiy muhim harakat qobiliyatlari hamda shaxsning psixofiziologik xususiyatlarini maqsadli rivojlantirish asosida tashkil qilinishi kerak.

6. Talabalarning jismoniy tarbiya jarayoni variantliliigi an'anaviy jismoniy tarbiya vositalari hamda qo'shimcha ergogenik vositalar hisobiga ta'minlanishi zarur, ular bo'lajak mutaxassisning kerakli sifatlarini tabaqalashtirilgan holda rivojlan-tiruvchi jismoniy mashqlar "bankiga" to'planishi lozim.

7. Tayyorgarlikning turli tomonlarini tabaqalashtirilgan holda nazorat qilish ta'minlanadi va kuzatilgan natijalar asosida jismoniy tayyorgarlik jarayonidagi kamchiliklarni bartaraf etish uchun zarur bo'lgan korreksiyalash tadbirlari amalga oshiriladi.

8. Talabalarning jismoniy tarbiya jarayonida har xil shakldagi mashg'ulotlardan foydalaniladi: majburiy jismoniy tarbiya o'quv mashg'ulotlari, qo'shimcha fakultativ va sport mashg'ulotlari, mustaqil jismoniy tarbiya mashg'ulotlari, jismoniy holatni korreksiyalash bo'yicha uy vazifalari.

9. "Jismoniy tarbiya" fani dasturidan o'rin olgan nazariy bo'limdan tashqari, talabalarga sog'lom turmush tarzi malakalarini shakllantirishga qaratilgan axborot beruvchi fanlararo kurslar ham taklif qilinadi. Bunda amaliy mashg'ulotlar nazariy material bilan mustahkamlanadi.

10. Jismoniy tarbiya o'qituvchilari taklif etilayotgan texnologiyani amalga oshirish doirasida tadbirlar tashkil etish uchun uslubiy jihatdan tayyorlangan bo'lishlari kerak. Buning uchun jismoniy tarbiyaga ixtisoslashmagan bo'lajak mutaxassis talabalar bilan ishlaydigan jismoniy tarbiya o'qituvchilari uchun uslubiy materiallar ishlab chiqilishi zarur.

11. Oliy ta'lim muassasasidagi inventarlar, sport jihozlari va uning moddiy-texnika bazasi talabalarning optimal jismoniy tayyorgarligi tuzilmasini shakllan-tirishga qaratilgan jismoniy tarbiya o'quv jarayoni talablariga mos kelishi kerak.

12. Taklif etilayotgan texnologiyani amalga oshirishning barcha bosqichlarida talabalar va jismoniy tarbiya o'qituvchilari joriy jismoniy holat va jismoniy tayyorgarlik jarayoni holati to'g'risida teskari aloqa bilan ta'minlanishi lozim.

Adabiyotlardagi ma'lumotlarni tahlil qilish va zamonaviy oliy ta'lim tizimi talablarini inobatga olish, shuningdek, jismoniy tarbiyaga ixtisoslashmagan oliy ta'lim muassasalari talabalar va o'qituvchi-larining anketa so'rovi natijalari asosida biz shunday taxmin qilishimiz mumkinki, agar mashg'ulotlardagi jismoniy yuklamalar talabalarning jismoniy rivojlanishining individual xususiyatlari, joriy funksional holati va jismoniy tayyorgarlik darajasini inobatga olgan holda taqsim-lansa, jismoniy tarbiyaga ixtisoslashmagan oliy ta'lim muassasalari talabalarining jismoniy tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish mumkin.

Bunday axborotni talabalarning jismoniy tayyorgarliklarini modul tizimiga kiritish orqali vizual ko'rib olish mumkin, u, o'z navbatida, agar uning tuzilmasi va tashkil qilinishi quyidagilarni amalga oshirishni ta'minlansa, samarali bo'ladi:

1) jismoniy tayyorgarligi, jismoniy rivojlanishi va funksional holatini tashxislashni muntazam ravishda, dinamik rejimda amalga oshirish zarur;

2) tahlil qilinayotgan ko'rsatkichlarning o'zgarishiga asoslanib, jismoniy tayyorgarlikni baholash. Baholash ballari olingandan so'ng har bir test va sinov natijalarining o'sish dinamikasini (%) aniqlash tavsiya qilinadi, ularning yig'indisi jismoniy va funksional holatning asosiy ko'rsatkichlari bo'lib xizmat qiladi;

3) jismoniy sifatlarining har xil tomonlarini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarning tahlilini ma'lum bir modullarga birlashtirish lozim. Biz uchta modulni ajratishni taklif qilamiz: "*jismoniy tayyorgarlik*", "*jismoniy rivojlanish*" va "*funksional holat*";

4) kuzatilayotgan parametrlarni baholashni me'yorlangan kattaliklar bo'yicha (ko'rsatkichlarning yagona shkalaga keltirilishi) bu parametrning organizmning jismoniy va funksional tayyorgarligining integrativ ko'rsatkichiga ta'sirini hisobga olgan holda amalga oshirish maqsadga muvofiq;

5) modul ko'rsatkichlari natijalari to'g'risidagi axborotni ishlab chiqish va uzatish avtomatlashtirilgan rejimda kompyuter texnologiyalari yordamida pedagogik jarayonning barcha ishtirokchilarining unga chiqish imkoniyati bilan amalga oshirilishi lozim.

E'tirof etish lozimki, jismoniy tayyorgarlik, jismoniy rivojlanish va funksional tayyorgarlikning rivojlantirish va uni kuzatib borishning modulli texnologiyasi, oliy ta'lim muassasalari talaba-larining jismoniy sifatlarini tabaqalashtirilgan holda rivojlantirish texnologiyasining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Mazkur texno-logiya jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini individuallashtirish hamda tabaqalashtirishni ta'minlaydi.

Biz tomonimizdan ishlab chiqilgan jismoniy tayyorgarlik, jismoniy rivojlanish va funksional holat darajasini modulli texnologiyasi boshqa tizimlardan farqli ravishda quyidagilarni ta'minlaydi:

- jismoniy sifatlarini dinamik rejimda tashxislash, kuzatilayotgan ko'rsatkichlarni yagona shkalaga keltirish (me'yorga keltirish) tahlil qilinayotgan ko'rsatkichlarning o'zgarishlariga asoslanib, jismoniy sifatlar ko'rsatkichlarini baholashni;

- jismoniy tayyorgarlikning turli tomonlarini aks ettiruvchi individual ko'rsatkichlarni ham integrativ, ham tabaqalashtirilgan holda uchta tarkib modullar bo'yicha: "jismoniy tayyorgarlik", "jismoniy rivojlanish" va "funktional holat" bo'yicha baholashni;

- avtomatlashtirilgan rejimda axborot texnologiyalari yordamida unga chiqish imkoniyati bilan barcha pedagogik jarayon qatnashchilarini modul ko'rsatkichlari natijalari to'g'risidagi axborotni ishlab chiqish va uzatishni.

Xulosa. Oliy ta'lim muassasalari talabalarining tabaqalashtirilgan jismoniy tayyorgarligi uslubiyatini ishlab chiqish doirasida biz tomonimizdan uning asosiy tarkibiy qismi sifatida jismoniy tayyorgarlik, jismoniy rivojlanish va funktsional tayyorgarlikni modul texnologiyasi ishlab chiqildi. Bunda o'tkazilgan modul ko'rsatkichlari natijalari jismoniy yuklamani me'yorlash mezonlari hamda jismoniy mashqlar bilan shug'ullanish uchun uslublar hamda vositalarni tanlashda asos bo'lib hisoblanadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-sonli Farmoni, 2020 yil 24 yanvar.
- 2) Виленский М.Я., Соловьев Г.М. Основные сущности характеристики педагогической технологии формирования физической культуры личности // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2001. №3. С. 2-7.
- 3) Пешков В.Ф. Оценка результативности модели и технологии системы профессиональной восстановительно-профилактической подготовки педагогов по физической культуре // Вестн. Томского гос. Пед. Ун-та. 2011. Вып. 13 (115). С. 156-161.
- 4) Булгакова Н. Ж. Научное обоснование инновационных преобразований в сфере физической культуры и спорта // Теория и практика физической культуры. – 2001. - № 1. – С. 10.
- 5) Машарипов Ф.Т. Современные образовательные технологии организации физического воспитания студентов вузов. // Олимпизм: истоки, традиции и современность. Сборник статей Всероссийской с международным участием научно-практической конференции «ВГИФК». – Воронеж: 2021. С. 217.
- 6) Кошбахтиев И.А. Средства информатизации образовательного и учебно-тренировочного процессов по физическому воспитанию студентов, спортсменов // Фан-спортга. – Ташкент, 2005. – №1.- С. 13-16.
- 7) Сокунова С.Ф. Модель контроля физической подготовленности студентов на основе мониторинга и диагностики // Вестник Ульяновской государственной сельскохозяйственной академии. – 2010. – №2 (12). – С. 107-111.

УДК: 796.325-055.25.

ТЕХНОЛОГИЯ ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО КОНТРОЛЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ СТУДЕНТОВ

Фархад Машарипов, Азиз Рузметов
Ургенчский государственный университет
Ургенч, Узбекистан
farhod0972@inbox.ru

Аннотация. В статье описана организация физического воспитания студентов высших учебных заведений по модульной технологии.

Ключевые слова: вуз, занятия физического воспитания, физической подготовленности, дифференциация, модульная технология.

UDC: 796.325-055.25.

THE USE OF STRATIFIED CONTROL TECHNOLOGY IN PHYSICAL FITNESS TRAINING FOR STUDENTS

Farhod Masharipov, Aziz Rozmetov
Urgench State University
Urgench, Uzbekistan
farhod0972@inbox.ru

Abstract. The article describes the organization of physical education of students of higher educational institutions through the module technology.

Key words: higher educational establishment, physical training classes, physical training, stratification, module technology.

СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Миробид Махамов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

obidd@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада спорт таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: спорт, ҳамкорлик, ривожланиш, интеграция, тизим, таълим, инновация.

Кириш. Жаҳонда ҳамкорликни ривожлантириш нафақат иқтисодий томонлама балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга, соҳанинг барча бўғинлари ўртасида интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим бериш услублари, таълим соҳасига инновацион ёндашувларни жорий қилиш ишларини янада ривожлантириш, соҳада сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу маънода жисмоний тарбия ва спорт йўналишда таълимий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад иқтидорли кадрларни тайёрлаш ва истиқболда юртимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган кадрларни этказиб беришдан иборат. Бу каби долзарб масалаларни тубдан ҳал этишнинг ягона ечими педагог кадрлар тизими фаолиятини янада ривожлантириш ҳисобланади.

Айниқса, спорт-таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, уларда иқтидорли спортчиларни тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Бу жараёнларда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига бўлган масъулият янада кучаймоқда. Зеро, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчи-ёшларни спортга жалб қилиш ва уларнинг жисмоний фаолигини оширишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоғи лозим. Шу каби вазифаларни ҳал этиш жараёнида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари бошланғич тайёргарлик босқичи баскетболчилар тайёргарлигини ривожлантириш ҳамда ушбу муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш керак бўлади.

Муассасалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишларини ривожлантириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилади. Бу борда спорт таълим муассасалари ўртасида назарий ва амалий ҳамкорлик қилиш ишларини тизимли ташкил қилиш ўз самарасини беради.

Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик тизими фақатгина таълим муаммоларини ечишга мўлжалланмайди. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларининг ҳамкорлик фаолияти самарадорлигини белгилашда қуйидаги мезонларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак бўлади:

- жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари орасида ўзаро манфаатдорликни шакллантириш;
- жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларининг фаолият даражаси ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш;
- жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари ўртасида тажриба алмашиш ишларини ривожлантириш ҳамда тажрибали тренерлар тайёрлашга йўналтириш.

Жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ривожлантириш мақсадида қуйидаги бир қатор вазафаларни амалга ошириб бориш зарур:

- биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартлар асосида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятни ошириш, ўқув жараёнининг илмий-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилаш зарур. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқларга асосланган таълим, илм-фан ва амалиёт ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш малакали мутахассислар тайёрлашда асосий мезонлар бўлиб хизмат қилади;

- иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари фаолиятига замонавий илм-фан ютуқларининг жорий қилиб борилиши, тренерларни компетентлиги оширишга қаратилган малака ошириш курсларининг доимий ташкил қилиб борилиши, таълим муассасаси муаммоларини

ўрганишда илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиниши ва натижалари асосида ўқув машғулотларни йўлга қўйилиши ўқувчи-спортчилар тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасаларида мазкур омилларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги, олимпия захиралари коллежларида эса умуман ўрганилмаганлиги зарурий чоралар кўришни тақозо этмоқда;

- учинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожига спорт таълим муассасалари асосий локоматив вазифасини бажаради. Уларнинг фаолиятларини спорт таълим муассасалари орасида интеграцион жараёнларни кучайтириш, спорт таълим муассасалари ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, спорт таълим муассасалари ўқитувчи-тренерларининг педагогик компетентлик хусусиятларини янада ошириш, спорт таълим муассасалари тарбияланувчилари орасида селекция ишларини амалга оширишда хорижий тажрибадан фойдаланиш методикасини жорий қилиш каби мезонлар асосида такомиллаштириши зарур ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2015-йил 4-сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”. -Б.29.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-сонли қарори.
- 4) Столов И.И. Спортивный резерв: состояние, проблемы, пути решения. - М.: Советский спорт, 2008.-132.
- 5) Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – М.: Советский спорт, 2005. - 820 с.

УДК: 796.21.57.

ПУТИ РАЗВИТИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ СПОРТИВНЫМИ УЧЕБНЫМИ ЗАВЕДЕНИЯМИ

Миробид Махамов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта,
Чирчик, Узбекистан
obidd@mail.ru*

Аннотация. В данной статье разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию сотрудничества между спортивными учебными заведениями.

Ключевые слова: спорт, сотрудничество, развитие, интеграция, система, образования, инновация.

UDC: 796.21.57.

WAYS TO DEVELOP COOPERATION BETWEEN SPORTS EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Mirobid Maxamov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
obidd@mail.ru*

Abstract. This article discusses the issues of the systemic organization of the Annotation. In this article, proposals and recommendations for the further development of cooperation between sports educational institutions have been developed.

Key words: sport, cooperation, development, integration, system, education, innovation.



SPORTCHI TALABALAR IJTIMOY FAOLLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI

Isomiddin Musayev

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

mussa@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada Sportchi talabalar ijtimoiy faolligini oshirishning pedagogik shart – sharoitlari yoritib o'tilgan. Xususan, unda sportchi talabalarning intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish, iqtidorli va faol sportchilarni saralash, ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda, musobaqa oldi tayyorgarlik mashg'ulotlarida pedagog-murabbiylarning o'rgatishdagi ahamiyati, iqtidorli va faol talabalarni maqsadli tayyorlash yo'llari, ijtimoiy hamda siyosiy-psixologik nuqtai nazardan jismoniy faollikka oid masalalar haqida fikrlar yuritilgan.

Kalit so'zlar: Pedagogik shart–sharait, ijtimoiy faollik, intellektual va ijodiy salohiyat, pedagog-murabbiy, ijtimoiy, siyosiy, psixologik, jismoniy faollik, jismoniy tarbiya va sport.

Mustaqillik yillarida amalga oshirilayotgan ko'plab islohotlar, mamlakat rivoji va kelajagining mustahkam asosi sifatida qaralmoqda. Davlatning kelajagi va ravnaqi unda kamol topayotgan yoshlarning intellektual salohiyati va har jabhadagi faolliklari, yutuqlariga bog'liq.

Yoshlarning intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish, iqtidorli talabalarni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, ularning amalga oshiradigan faoliyati uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, yigit-qizlarning ijtimoiy-siyosiy salohiyati, huquqiy ongi va huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish jamiyatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar davlat siyosati darajasida ekanligini namoyon etadi. Ilm-fan, san'at, madaniyat, sport, adabiyot kabi ko'plab sohalarda yosh iste'dodlarni aniqlash, iqtidorli bolalarni tanlab olish va o'qitish, salohiyatini yanada yuksaltirish tizimini tashkil qilish, intellektual imkoniyatlarini namoyon etishga yordam berish bo'yicha ishlar sifatini oshirish zarurati bugungi rivojlanish asrining asosiy talablaridan biriga aylanmoqda.

Yuksak salohiyatli, har bir jabhada o'z qobiliyatiga ega yoshlarning faoliyatini yanada qo'llab-quvvatlash maqsadida Prezident farmon va qarorlari qabul qilinmoqda. Bu ham, o'z navbatida, bugungi kunda mamalakatimiz yoshlariga yaratilayotgan keng imkoniyat va sharoitlarning ko'rinishi desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunda pedagog va psixolog olimlar tomonidan o'quvchilar o'rtasida qobiliyatlarning shakllanishiga doir ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda. Qobiliyat bilim va malakalarning o'zida ko'rinmaydi, balki ularni egallash tizimida namoyon bo'ladi, ya'ni, mazkur faoliyat uchun muhim bo'lgan bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish jarayonida turli sharoitlarda qanchalik tez, chuqur, yengil va mustahkam amalga oshirishida namoyon bo'ladi. Talabalarning sportga bo'lgan layoqati, uning psixologik va fiziologik tuzilishi xususiyatidir. Talabani qiziqishi bo'yicha tanlagan sport turi doirasida tahlil etilsa, qobiliyatlari individual psixologik xususiyatlar sifatida tavsiflanadi va buning asosida tafovutlanadigan xislatlar, fazilatlar yotadi. Shuning uchun har bir shaxsdan bir xil natija, bir xil sifat kutib bo'lmaydi, chunki insonlar o'z qobiliyati bo'yicha bir-biridan muayyan darajada farq qiladilar. Ijodiy qobiliyatlar rivojlantirish, yangi g'oya, kashfiyot va yangiliklar yechishda namoyon bo'ladi. Talaba yoshlar o'rtasida ana shunday ijodiy qobiliyatga ega liderlarining kamol topishi bugungi ta'lim-tarbiya jarayonidagi bosh vazifalardan biri bo'lib kelmoqda.

Iqtidorli, qobiliyatli sportchi talabalar bilan boshlang'ich tayyorgarliklarini hisobga olingan holda, o'quv jarayonida psixologik va pedagogik tayyorgarligi asosida amaliy mashg'ulotlar o'tkazish orqali jismoniy rivojlanganlik darajasi aniqlanadi. Jismoniy qobiliyatli yuqori talabalarni maqsadli tayyorlash quyidagi yo'nalishlarda olib boriladi:

- kengaytirilgan o'quv rejasi bo'yicha tanlangan sport turi bo'yicha o'qish (tayyorlanish), qo'shimcha malakaga ega bo'lish;
- maqsadli dastur bo'yicha yakka tartibda (individual) o'qitish (tayyorlash);
- chuqurlashtirilgan dastur bo'yicha o'qitish (tayyorlash, jismoniy mashqlar, maxsus mashqlar, rivojlantiruvchi mashaqlar va boshqalar).

Qobiliyatli, iqtidorli sportchi talabalar bilan ishlash samaradorligini oshirishda ta'lim jarayoni bilan bogliqlikda mustaqil mashqni bajarish o'qitishning eng muhim metodi bo'lib, unda ushbu toifa talabalari mashg'ulotlarga tayyorlanish, olingan bilim, malaka va ko'nikmalarni mustahkamlash jarayonida ularning individual faolligi hamda ijodiy qobiliyati ham yanada oshadi. Yuqoridagi omillardan uzluksiz ta'lim jarayoni: Bolalar usmirlar sport maktablari, Olimpiya zahiralari kollejlari, Jismoniy tarbiya va sport ta'lim

muassasalari ta'lim jartayonlarida tashkil etish ta'lim sifatini oshishiga, sportchi talabalar yuqori natijalarga erishishiga xizmat qiladi.

Mahoratli pedagog- murabbiy talabalarni sportdagi qiziqishi va qobiliyatini o'z vaqtida anglab, uning faolligini kasbiy ehtiyoj va motivlar asosida oliy maqsad va yuksak orzularini real dunyoda ob'ektivlashtiradi.

Faollik bilan harakatlanayotgan sportchi talabani tayyorlashda pedagog-murabbiy, ijtimoiy va ilmiy bilim, huquqiy me'yorlar va majburiyatning mujassamlashuvi natijasi shaxsda ifodalaydi. Bu tarkiblarning sifati, ya'ni bilimlarni qay darajada o'zlashtirilganligi, ularning odatga aylantirilganligi musabaqa jarayonida faollikning namoyon etish darajasini belgilaydi. Ijtimoiy hamda siyosiy-psixologik nuqtai nazardan jismoniy faollik:

- yorqin ifodalangan jismoniy faollik;
- shunchaki ifodalangan jismoniy faollik;
- ifodalanmagan jismoniy faollik kabi ko'rinishlarda namoyon bo'lishi mumkin.

Talabalar bilim tayyorgarligini mazkur tarzda baholash, ularning sportga qiziqish darajasini individual tarzda oshirishni ta'minlaydiki, buni amaliy jihat deb ko'rsatish mumkin. Chunki, ehtiyoj va motivlar shaxsni harakatga, bizning nazarimizda, o'z ustida faol shug'ullanishga undaydi.

Sportchi talabalarni ijtimoiy faolligini ta'minlashda pedagog tarbiyachilar o'quv mashg'ulotlar jarayonida qadriyatlarga yo'naltirilganlik, ijtimoiy faoliyatga ehtiyojlarning yaqqol ifodalanganligi hamda ularga oid bilim va ko'nikmalar, aniq faoliyat turi bilan shug'ullanish uchun maqsadning shakllantirishi muhim hisoblanadi.

Sportchi talaba yoshlarning kasbiy faolligini pedagogik jihatdan baholashda ko'rsatilgan darajalar, shaxsning o'ziga ishonchi, muloqot ko'nikmasiga ega ekanligi, tashqi ijtimoiy qo'zg'atuvchilarga munosabat (reaksiya) bildira olishi, muhitga emotsional bog'liqligini ko'rsata oladi. Sportdagi faolligi nafaqat sport musabotalari yuqori natijalarga erishishning muayyan darajada ifodalanishida, balki, Vatan va uning tarixi hamda madaniyatiga bo'lgan qiziqish, ular bilan g'ururlanish, ona tili, milliy qadriyat, milliy madaniyat va an'analarga ehtiromlar ko'rsata olish, madaniy va moddiy boyliklarga bo'lgan munosabat, shu Vatanda istiqomat qilayotganligini sharaflar bilan namoyon etish, yashayotgan hudud va uning tabiatini saqlashda bevosita ishtiroki bilan belgilanadi. Bizningcha, bu tarkiblarning qatorida burchni his etish, millat va Vatanga mansublik, vatanparvar-sodiqlik, hudud va mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy-madaniy hayotida qatnashish istagi, o'zining fuqarolik haq-huquqini anglash hamda ijtimoiy-madaniy faoliyat turi bilan shug'ullanish, fidoyilik ko'rsata olishga tayyor turish kabilar sport ustasi fenomenining muhim tarkiblari hisoblanadi. Talabalar sportga va mustaqil hayotga tayyorlash amaliyotida mazkur komponentlarni shakllantirish masalasiga pedagog murabbiylar alohida e'tibor qaratish lozim.

Bugungi kun pedagog-murabbiylari sportchi talabalarning o'z kasbini ustasi, jahon arinalarida O'zbekiston bayrog'ini yuqori pog'onalariga ko'tartirish bilan birga mamlakatning ijtimoiy-siyosiy talqinini muhim indikator sifatida ta'lim-tarbiya jarayonida quyidagilarni ham e'tiborga olishni ko'rsatib o'tish mumkin:

- jamiyat va uning iqtisodiy, siyosiy, madaniy va iqtisodiy sohasiga (sferasiga) doir bilim;
- jamiyat hayotini ta'minlashda siyosiy, iqtisodiy, madaniy va ijtimoiy institutlarning funksional ishtiroki;
- talaba yoshlarda fuqarolik pozitsiyasini namoyon etish uchun motiv, qiziqish va istakning mavjudligi;
- sport sohasida faollik ko'rsatish uchun ma'naviy-huquqiy asos.

Ko'rsatilgan mezonlarni sportchi talabalarning g'alabaga bo'lgan ishonchini oshirishda qo'llash shaxs komponentlari va faoliyatining tarkibiy qismlarini mujassam etib, ularning sportga bo'lgan umumiy faolligini ta'minlaydi.

Sportchi talabalarning jismoniy tayyorgarlik darajasi, ijtimoiy munosabatlar kontekstida individual tafovutni tavsiflab, yoshlarni jarayonlarga nisbatan munosabatini ifoda etib, ularning kamolotiga ta'sir ko'rsatadi. Agarda, talabaning jismoniy tayyorgarligi samarali bo'lmasa yoki ijtimoiy me'yorlarga mos tushmasa, u holda kasbiy tayyorgarlik aniq xulqda ifodalangan muammo sifatida baholanadi.

Shu tariqa, sportchi iqtidorli talabalarni saralash va tayyorlash jarayonlarning vujudga kelishi hamda kechishini ta'minlashda pedagog- murabbiylar yoshlarning individual ishtirok etishini ta'minlashi nazarda tutiladi. Bu holat o'z navbatida:

- sportchi talabalar ta'lim-tarbiyasi uchun mo'ljallangan adabiyotlarni, zamonaviy, ya'ni axborot yoki tayyor bilim beradigan manba emas, balki axborotning bilim shakliga keltirishni o'rgatuvchi manbalarini yaratishni;
- mahoratli sportchi yoshlarning ijtimoiy-psixologik portretini tayyorlash (buning uchun yoshlarning faollik darajasini baholash psixologik testlari ishlab chiqishni);

- talabalar faolligini oshirishga ta'sir ko'rsatuvchi ekzo va endo omillarni belgilab olishni (belgilangan omillar talaba yoshlar faoliyatini boshqarishda amaliy ahamiyat kasb etadi) taqozo etadi.

Xulosa o'rnida, ta'lim sohasidagi islohotlarning muhim yo'nalishi – bu mustaqil fikrlaydigan, mustahkam e'tiqodga ega bo'lgan, o'z kasbini qadrlaydigan iqtidorli va iste'dodli yoshlarni aniqlash, ular bilan doimiy ravishda ta'lim-tarbiya ishlarini olib borish natijasida ularning intellektual salohiyatini oshirishdan iborat. Zero, shunday muhim vazifa oldida har pedagog-murabbiy ma'suliyatimizni his qilmog'imiz va yosh, intellektual, iste'dodli kadrlar shakllanishiga zamin yaratib bermog'imiz lozim.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. –T.: O'zbekiston, 2017. – 25-b.
- 2) Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. - Toshkent: O'zbekiston, 2018.– 529-bet.
- 3) Yo'ldoshev Q. Adabiyot o'qitishning ilmiy-nazariy asoslari.T.,”O'qituvchi”,1996.41-bet.
- 4) Umarov A.O. Ijtimoiy-madaniy taraqqiyotni ta'minlash va komil inson shaxsini shakllantirishda mutolaaning roli. Sos.f.d.dissertatsiya avtoreferati. – T., 2005.– 56 b.–33-bet.
- 5) Xaydarov F.I., Xalilova N.I. Umumiy psixologiya. T., 2009.
- 6) Nabiev F. Fuqarolik jamiyati sharoitida mafkuraviy immunitetni kuchaytirishda ma'naviyatning o'rni. Globallashuv. Ommaviy madaniyat, milliy g'oya. /Ilmiy-amaliy maqolalar to'plami. T.: “Ma'naviyat”, 2009. – 69-b.

УДК: 796.31.92.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ-СПОРТСМЕНОВ

Исомиддин Мусаев

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
mussa@mail.ru*

Аннотация. В данной статье освещены педагогические предпосылки повышения социальной активности учащихся – спортсменов. В частности, были обсуждены вопросы развития интеллектуального и творческого потенциала студентов-спортсменов, отбора талантливых и активных спортсменов, роли педагогов-тренеров в организации учебно-воспитательного процесса, подготовке к соревнованиям, пути целенаправленной подготовки талантливых и активных студентов, вопросы физической активности с социальной и политико-психологической точек зрения.

Ключевые слова: педагогические условия, социальная активность, интеллектуальный и творческий потенциал, педагог–тренер, социальная, политическая, психологическая, физическая активность, физкультура и спорт.

UDC: 796.31.92.

PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT-ATHLETES

Isomiddin Musayev

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
mussa@mail.ru*

Abstract. this article covers the pedagogical conditions for increasing the social activity of athlete students. In particular, it discusses the development of the intellectual and creative potential of students, the selection of talented and active athletes, the importance of pedagogical coaches in the organization of the educational process, pre-competition training, the ways of targeted training of talented and active students, issues related to physical activity from a social and political and psychological point of view.

Key words: pedagogical conditions, social activity, intellectual and creative potential, pedagogical coach, social, political, psychological, physical activity, physical education and sports.



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Нурали Назаров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

nurali.nazarov@mail.ru

Аннотация. Мақолада глобаллашув жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий аҳамияти шунингдек, спортнинг маънавий баркамол ҳамда жисмоний соғлом авлодни шакллантиришдаги ўрни фалсафий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, глобаллашув, ёшлар тарбияси, соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт, спортни оммавийлаштириш.

Долзарблиги. Ўзбекистоннинг буюк келажигини бунёд этиш бугунги ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, олимларнинг ва умуман барчанинг асосий вазифасидир. Ушбу ислохотлардан кўзланган бош мақсад ҳам “фарзандларимизнинг истейдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб беришди” [1]. Бу борада, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш нафақат инсон танасини такомиллаштиради балки, унинг ахлоқий сифатларини бойитади.

Тадқиқотнинг мақсади. Глобаллашув жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий аҳамиятини, спортнинг маънавий баркамол жисмоний бақувват ҳар томонлама етук соғлом авлодни шакллантиришдаги ўрнини фалсафий жиҳатдан ёритиб беришдан иборат.


Тадқиқотнинг усуллари: тарихийлик, мантикийлик, ворисийлик, сиёсий таҳлил, умумлаштириш.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Маълумки, ҳалқимизнинг энг масъулиятли машғулотларидан бири тарбиядир. Ёшлар онгида миллий тафаккурни шакллантириш, маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор берилиб келмоқда. Зеро, бу муҳим вазифа фақат маънавий – ахлоқий тарбия орқали ҳал қилиниши мумкин. Инсон маънавияти ва маърифати, ақл – заковати, юксак ахлоқ-одоби, серқирра иқтидори, салоҳияти, диёнати, жасорати ва шу қабилар миллий тарбиянинг маҳсулидир. Сир эмаски, ёшларни баркамол, бағрикенг қилиб тарбиялаш учун муҳим соҳа бўлган спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти кундан кун ортиб бормоқда. Ҳозирги даврга хос бунёдкорлик ишларини ҳам ақлан, ҳам жисмоний баркамол кишиларгина муваффақиятли амалга оширадilar. Улар ўз муваффақиятлари билан ўртоқлашадilar. Ўзгаларни ҳам муваффақиятга эришишлари учун бағрикенг толерант бўладilar. Шахсни толеранлик руҳида тарбиялаш бу фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бу борада А.Абдуллаев ва Ш.Хонкелдиевларнинг фикрича, “Спортчи” сўзи талаффуз этилганда кўз ўнгимизда нафақат кучли, чидамли ва чакқон ҳамда қадди қомати келишган йигит ёки киз образи гавдаланибгина қолмай, иродали, тўғри, ҳақ сўзли, ҳаётга доимо яхши умид билан қарайдиган, оптимистик, ҳар қандай қийинчиликларни осон енгувчи, камтарин инсондир [2]. Зеро, спортчи уни кўрқув эмас, балки, ахлоқий нормалар бошқараётганлигини тушунган пайтдан у мураббийга, дўстларига, ўртоқларига, спортчиларига кўрққани учун эмас, балки виждони буюргани учун хушмуомалада бўлади.

Глобаллашув жараёнида ҳозирги таҳликали дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилаётган турли салбий жиҳатлар, тўполонлар, тартибсизликлар негизига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда давлатнинг ўсиб-униб келаётган ёшларга, уларнинг жамиятдаги қизиқишлари, ҳуқуқларига, манфаатларига эътиборсизлиги, улардаги ёшларга оид сиёсатнинг ҳозирги замоннинг янги таҳдидларига жавоб бермаслиги оқибати эканлиги алоҳида кўзга ташланади. Айниқса, ҳозирда қатор жамиятлар, ҳаттоки ривожланган жамиятларда ҳам муаммо бўлиб келаётган ёшлар тарбияси, уларни миллий хусусиятларни ҳурмат қилишга ундаш, иш билан банд қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ўргатишга кам эътибор қаратилаётгани, қайси бирларида эса умуман уйдасидан чиқмаётганлиги ачинарли ҳолатларга олиб келмоқда. Бу эса глобаллашув даврида жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий вазифасини англаш, унинг аҳамиятини жамиятдаги шахсни ўз мулоҳаза ва хулосаларига нисбатан масъулият ҳиссини сезишга йўналтиришнинг аҳамиятини доимий таҳлил қилишни талаб қилади.

Глобаллашув даврида спортнинг оммавийлигини ҳар томонлама ошириш ва унинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти адабиётларда кенг таҳлил қилинмоқда. Айнан спортда ғалаба имкониятларининг тенглиги, биринчи бўлишга интилиш, нафақат рақибини балки, ўзини ҳам енгиш каби замонавий жамият учун муҳим бўлган қадриятлар яққол намоён бўлади. “Спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун, аввало, мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас” [3]. Ақлий ва жисмоний тарбиянинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги масаласи табиий-илмий фанлар асосида улуғ рус физиологлари И.М.Сеченов ва И.П.Павловларнинг илмий тадқиқотлари орқали исботланган. И.П.Павлов “мен бутун ҳаётим бўйи ақлий ва жисмоний меҳнатни севдим, кўпроқ иккинчисини. Айниқса, миёда пайдо бўлган фикрни ҳал қилиш учун ақлимни кўлим билан боғлаганимда ўзимни жуда яхши ҳис қилар эдим” – деб ёзган эди. Унутмаслигимиз керакки, жисмоний тарбия ақлий тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги ва янги улкан имкониятлар очди. Шу билан бирга унинг салбий томонига эътибор берсак, биргина жисмоний тарбия ва спортда ахлоқий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Глобаллашув жараёнида жисмоний тарбия ва спортда тарбиявий – ахлоқий ишларни амалга ошириш заруриятининг ошиб боришини қуйидаги мисол орқали ҳам ўз кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Глобаллашув жараёни таъсири натижасида дунё спортидаги асосий муаммолар таснифи

Глобаллашув борган сари кучайиб бораётган очиқлик ва жадаллик натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражасининг юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралиб жисмоний тарбия ва спорт ривожланиши учун кенг шароитларни яратади. Шу билан бирга спортдаги турли салбий ҳолатларни вужудга келтирувчи воситаларнинг бир қанчасини тарқалишига ҳам сабаб бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал. Глобаллашув жараёнининг жисмоний тарбия ва спортга таъсири

| № | Ижобий | Салбий |
|----|---|--|
| 1 | Халқаро спорт интеграцияси | Допинг муаммоси кўпайиши |
| 2 | Ҳамкорлик алоқаларининг ривож | Спортчиларнинг коммерциялашуви |
| 3 | Спортга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши | Диний тарғибот амалларининг юзага чиқиши |
| 4 | Спортчиларнинг эркин ҳаракатланиши | Сиёсий ислохотларни амалга ошириш “восита”си |
| 5 | Замонавий спорт маданиятининг юзага келиши | “Оммавий маданият” ривожига хисса қўшиши |
| 6 | Ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятининг ошиши | Эгоцентризм |
| 7 | Илм-фан ютуқларининг спортга тезликда кириб келиши | Ахборот хуружларининг ортиши |
| 8 | Спорт қадриятининг ривожланиши | Криминал |
| 9 | Халқаро ёрдам имкониятларининг ошиши | Гуманизм ғояларининг емирилиши |
| 10 | Ўзаро эркин мулоқотнинг ёйилиши | Агрессив спорт фанатизмининг ривож |

Хулоса. Глобаллашув шароитида жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш восита, усулларидан кенг фойдаланишимиз ҳамда ёш спортчиларнинг дунёқарашини миллий менталитетимиз ва қадриятларимиз асосида ривожлантириб боришимиз асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Адабиётлар:

- 1) Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 2 сентябр.

- 2) Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. – Фарғона: Университет нашриёти. 2001.- 31-б.
- 3) Жўраев Н. Гоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси. Т.:“Ўзбекистон”. 2001. 39-40 бет.
- 4) Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2016. 70-71 бетлар.

УДК: 796.81.4.

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ И СПОРТ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Нурали Назаров

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчиқ, Ўзбекистон

nurali.nazarov@mail.ru

Аннотация. В статье философски освещается воспитательное значение физической культуры и спорта в условиях глобализации, а также роль спорта в формировании духовно гармоничного и физически здорового поколения.

Ключевые слова: физическая культура и спорт, глобализация, воспитание молодежи, здоровый образ жизни, массовый спорт, популяризация спорта.

UDC: 796.81.4.

PHYSICAL EDUCATION AND SPORT IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION

Nurali Nazarov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

nurali.nazarov@mail.ru

Abstract. The article philosophically highlights the educational value of physical culture and sports in the context of globalization, as well as the role of sports in the formation of a spiritually harmonious and physically healthy generation.

Keywords: physical culture and sports, globalization, youth education, healthy lifestyle, mass sports, popularization of sports.



УДК 796.92.092.

ЭРКИН КУРАШЧИ ҚИЗЛАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Азамат Примбетов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Нукус, Ўзбекистон

azamat.primbetov@list.ru

Аннотация. Мақолада эркин курашчи қизларнинг машғулот жараёнларини ташкил қилиш асослари ва уларнинг таркибий қисмлари таҳлил қилинган. Шунингдек, эркин курашчи қизларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини режалаштириш жараёнлари ёритилган.

Калит сўзлар: кураш, эркин кураш, эркин курашчи қизлар, ўқув-машғулот жараёнлари, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик.

Долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси олдида турган муҳим вазифалардан бири бу – ўсмир спортчи қизлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар қилиб тайёрлашдир. Айниқса, эркин курашчи қизларни тайёрлаш ва уларни мусобақаолди тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб ҳисобланмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Эркин курашчи қизлар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Эркин кураш техникаси – бу мусобақа қоидаларида руҳсат этиладиган усуллар, қарши усуллар ва ҳимояланишлар йиғиндисидир. Усуллар – бу мақсадга йўналтирилган хужум ҳаракатлари бўлиб, улар ёрдамида курашчи рақибидан устунликка эришади. Ҳар бир усул икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – усул қўллаш учун ушлаб олиш. Ушлаб олишлар юқоридан, пастдан, орқадан, олдиндан, ён томондан ва бошқаларга ушлаб олишларга бўлинади. Ушлаш усулни муваффақиятли бажаришда катта аҳамиятга эга. Бутун усулларни бажариш сифати

ушлаб олишнинг қай даражада оқилона амалга оширилганлигига боғлиқ. Иккинчи қисмда турли хилдаги ҳаракатлар: тик туришда – ўтказишлар, ташлашлар, ағдаришлар; партерда –ўгиришлар ва партерда ташлашлар бўлиши мумкин.

Эркин кураш усулларни амалга ошириш пайтида бир вақтнинг ўзида оёқлар билан турли ҳаракатлар ҳам бажарилади, яъни булар – чалишлар, қоқишлар, илишлар, олдиндан илиб отишлар, чирмашлар, орқадан илиб отишлар. Бу ҳаракатларнинг кўпчилиги орқадан, олдиндан, ёндан, ичкаридан, ташқаридан бажарилиши мумкин.

Бир хилдаги ушлаш билан бир қатор ҳаракатларни бажариш мумкин ва, аксинча, бир хил ҳаракатнинг ўзи турли ушлашлар билан бажарилиши мумкин. Масалан, қўлдан ва гавдадан ушлаб ташлашни, зарба билан ағдаришни амалга ошириш мумкин. Лекин рақибни эгилиб қўл, гавда, қўл ва бўйиндан ушлаб ташлаш ҳам мумкин.

Курашчи ҳар қандай усулни ҳужум ва қарши ҳужум учун қўллаши мумкин. Усул ёки унинг бир қисмини алдамчи ҳаракат сифатида қўллаб, курашчи ҳақиқий ниятидан рақиб диққатини чалғитиш ва бошқа усул билан ҳужумни амалга ошириш учун қулай шароитларни тайёрлаши мумкин.

Қарши усуллар – бу рақиб ҳужумига жавоб тариқасида бажариладиган мақсадли ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида курашчи рақибни устидан устунликка эришади. Қарши усуллар мураккаб техник ҳаракатларга киради. Қарши ҳужум уюштираётган курашчи бир зумда тўғри қарор чиқариши ва рақибни усулни амалга оширишга улгурмаслиги учун ўз ҳаракатларини ҳужум қилаётган рақиб ҳаракатлари билан аниқ мослаштириши лозим.

Ҳимояланишлар – бу рақибнинг усулларни (қарши усулларни) бажаришига тўсқинлик қилувчи мақсадли ҳаракатлардир.

Ҳимояланишлар дастлабки ва бевосита ҳимояланишларга ажратилади. Дастлабки ҳимояланиш олдиндан, яъни рақиб усулни амалга оширишдан аввал бажарилади. Бевосита ҳимояланиш рақиб ҳужумини тўхтатишга қаратилган. Бундай ҳимояланиш самарадорлиги унинг ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Бевосита ҳимояланиш усул бошида, усулни бажариш давомида ёки усулни бажариш охирида амалга оширилиши мумкин. Ҳамма техник ҳаракатлар курашчилар томонидан турли ҳолатлардан туриб бажарилади. Асосий ҳолатлар қуйидагилар: тик туриш, партер ва кўприк. Тик туриш – бу курашчининг ҳолати бўлиб, унда у оёқларда тик туради. Ўнг, чап ва ялпи тик туришлар ажратилади. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, баланд, ўрта ва паст бўлиши мумкин. Тик туришда курашиш яқин, ўрта ва узоқ масофаларда олиб борилиши мумкин. Партер – бу курашчининг дастлабки ҳолати бўлиб, у тиззаларида туради. Бунда текис ёзилган қўлларнинг кафтлари билан гиламга таяниб турилади, қўллар тиззалардан 20-25 см. Узоқликда жойлашади. Партерда баланд ҳолат ва паст ҳолат фарқланади. Баланд ҳолат – бу курашчининг партердаги дастлабки ҳолати, паст ҳолат эса – бу курашчининг тиззаларда туриб, билаклар билан гиламга таяниш ҳолатидир. Партерда курашиш пайтида курашчилардан бири пастда, иккинчиси юқорида бўлади. Партерда юқоридаги ҳолатда турган курашчи кураш бошланишидан олдин истаган дастлабки ҳолатни эгаллаши мумкин. Фақатгина қўл кафтлари пастдаги курашчининг елкасида туриши лозим.

Мамлакатимизда қизларнинг эркин кураш спорт турига қизиқишининг ортиши натижасида иқтидорли спортчиларни етиштириш мунтазам равишда рақобатнинг кескинлашиб боришига, машғулотлар жараёни шиддатини талаб даражасида кучайтиришга олиб келмоқда. Ф.А.Керимов фикрича “Ҳозирги пайтда спорт курашининг ҳар хил турлари билан нафақат эркаклар, балки хотин-қизлар ҳам шуғулланади. Хотин-қизлар билан ишлаш тренердан аёллар организми тўғрисида маълум бир билимга эга бўлишни тақозо этади. Аёллар организмининг хусусиятларини тренировка жараёнини тузишда ҳисобга олиш жуда муҳимдир”. Бу ёндашувга кўра, ҳар бир тренер ва мураббий спортчи эркин курашчи қизларнинг биологик хусусиятлари ҳамда физиологик жараёнларидан келиб чиқиб машғулотларни ташкил қилиши лозим.

Ҳозирда эркин курашчи қизлар тайёргарлигининг турли бўғинларида ўқув-тренировка жараёнини мунтазам такомиллаштириб бориш йўллари излаш, жисмоний тайёргарликнинг энг самарали усулларни аниқлаш бўйича амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар босқичларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бунда қуйидаги босқичлар асосида эркин курашчи қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим (1-жадвал).

Ушбу босқичлар асосида эркин курашчи қизларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини режалаштириш педагогик жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бу босқичлар ва уларнинг вазифалари, услублари, машғулот юкламасининг усуллари биринчидан, ўсмир дзюдочи қизларни тайёрлашда уларнинг техник-тактик маҳорати ва функционал ҳолатини назорат қилиш усулларини юқори даражада такомиллаштириш имкониятини яратади; иккинчидан, эркин курашчи қизларнинг ўқув-машғулот жараёнини бошқариш, ўқув жараёни сифатини ва рақобатбардош

курашларнинг самарадорлигини оширишга имкон беради; учинчидан, эркин курашчи қизларнинг куч салоҳиятидан фойдаланишга эътиборни қаратган ҳолда уларнинг рақобатбардош фаолият кўрсаткичларини ривожлантиришга сабаб бўлади.

1-жадвал. Эркин курашчи қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш босқичлари

| I. Дағлабки тайёргарлик босқичи | | |
|--|-----------------------------|--|
| Дағлабки тайёргарлик босқичи | вазифалар | мускул кучини кучайтириш машқлари, тезлик-куч қобилиятларини ривожлантириш машқлари |
| | услуглар | ўйин, динамик ҳаракатлар |
| | воситалар | турли хил ташқи қаршилиқларга эга воситалар |
| | машғулот юкламасининг усули | доимий ва ўзгарувчан |
| II. Ўқув-машғулот босқичи | | |
| Ўқув-машғулот босқичи | вазифалар | тезлик-куч қобилиятларини ривожлантириш, кўп томонлама куч машқларини ишлаб чиқиш, мушак-скелет тизимини ривожлантириш |
| | услуглар | динамик ҳаракатлар, такрорий ҳаракатлар |
| | воситалар | ўртача зичликдаги воситалар |
| | машғулот юкламасининг усули | ўзгарувчан |
| III. Чуқурлаштирилган машғулот босқичи | | |
| Чуқурлаштирилган машғулот босқичи | вазифалар | тезлик-куч қобилиятини ривожлантириш, тана массаси таркибини оптималлаштириш, кучни сарфлаш қобилиятини ривожлантириш |
| | услуглар | юқори тезликда зарба, динамик ва максимал ҳаракат, ўйин |
| | воситалар | ўзи ва рақибининг оғирлигига қаршилик кўрсатадиган машқлар, турли хил спорт анжомлари билан машқлар |
| | машғулот юкламасининг усули | ўзгарувчан |
| IV. Юқори спорт маҳорати босқичи | | |
| Юқори спорт маҳорати босқичи | вазифалар | маҳсус куч тайёргарлигини ошириш, максимал интенсивлик асосида тезлик-куч қобилиятини ривожлантириш, чидамлилиқни ошириш |
| | услуглар | максимал интенсивлик, максимал куч, статодинамик ҳаракатлар |
| | воситалар | рақиб билан машқлар, штанга, маҳсус тренажёрлар билан машқлар |
| | машғулот юкламасининг усули | умумий жамланган |

Хулоса. Эркин курашчи қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш босқичлари асосида уларнинг ўқув-машғулотлар жараёнларидаги энг самарали ва натижадор услубларни аниқлаш мумкин.

УДК 796.92.092.

ПРОЦЕССЫ ОРГАНИЗАЦИИ ТРЕНИРОВОК ДЕВУШЕК ПО ВОЛЬНОЙ БОРЬБЕ

Азамат Примбетов

Нукусский филиал Узбекского государственного университета физической культуры и спорта

Нукус, Узбекистан

azamat.primbetov@list.ru

Аннотация. В статье анализируются основы организации тренировочных процессов борцов вольного стиля и их составляющие. Также освещены процессы планирования общей и специальной физической подготовки борцов вольного стиля.

Ключевые слова: борьба, вольная борьба, вольная борьба девушек, тренировочные процессы, общая и специальная физическая подготовка.

UDC 796.92.092.

THE PROCESSES OF ORGANIZING THE TRAINING OF GIRLS IN FREESTYLE WRESTLING

Azamat Primbetov

Nukus branch of the Uzbek State University of Physical Educations and Sports

Nukus, Uzbekistan

azamat.primbetov@list.ru

Abstract. The article analyzes the basics of organizing the training processes of freestyle wrestlers and their components. Also, the processes of planning the general and special physical training of female freestyle wrestlers are covered.

Keywords: wrestling, freestyle wrestling, freestyle wrestling girls, training processes, general and special physical training.



ҲОЗИРГИ ДАВР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Нигора Примова, Икром Ахмедов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,

Чирчиқ, Ўзбекистон

nigora.primova@mail.ru, i.axmedov2@jtsu.uz

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон учун иқтисодий фаннинг нисбатан янги йўналиши бўлган жисмоний тарбия ва спорт иқтисодиётининг назарий асослари тадқиқ этилган. Жисмоний тарбия ва спортнинг товар сифатидаги ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг замонавий бозорлари, ҳамда улар ривожига технологияларнинг таъсири аниқланган. Жисмоний тарбия ва спортга бўлган талабга таъсир этувчи омиллар, спорт иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари белгиланган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, жисмоний тарбия ва спорт иқтисодиёти, иқтисодий таҳлил, технологиялар, спортни тижоратлаштириш, спорт индустрияси, хизматлар, спорт маҳсулоти, соғломлаштириш, профессионал спорт.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонининг 232-бандида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган [1].

Бугунги кунда жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси ҳозирча талабга жавоб бермайди. Мисол учун, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги 131 та шаҳар ва туманда жорий йилги мусобақаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган. Ёки республика миқёсида ўтказилган 230 та мусобақада айрим шаҳар ва вилоят жамоалари умуман иштирок этмаган. Бу миллий терма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда спорт кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланди. Бу соҳага катта молиявий воситалар ва катта миқдордаги ишчи кучи жалб қилинган. Спортни бошқариш ва молиялаштиришнинг янги моделлари ишлаб чиқилмоқда ва доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда [3].

Тадқиқотнинг мақсади спорт иқтисодиётининг фан сифатида шаклланиши, унинг тарихи, ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш асосида унинг истиқболларини белгилашдир.

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада ривожланган мамлакатларда бу соҳада тўпланган тажриба таҳлил қилинган ва мамлакатимизда бу соҳа ривожига мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича муҳим фикрлар таклиф этилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Шу билан бирга, бир томондан тижоратлаштириш ва профессионаллаштириш тенденцияларининг ўсиб бориши, шунингдек, иккинчи томондан бюджет маблағлари атрофидаги кучайиб бораётган рақобат спорт ўз ихтиёрида бўлган ресурслардан мустақил равишда қандай қилиб фойда олишни ўрганиши лозимлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда кўпгина мамлакатлар аҳолиси ўзларининг спорт фаолиятига (фаол спорт турлари) ва пасив спорт турларига (томошабинлар учун спорт) бўлган қизиқиш сезиларли даражада ошди. Буни кўплаб далиллар тасдиқлайди: масалан, 2005-2006 йй. Германияда хусусий секторда спорт харажатлари 53 миллиард евро икки ялпи ички маҳсулотнинг 3,4 фоизини ташкил этди ҳамда қишлоқ хўжалигига сарфланадиган харажатлар билан тенглашди. Спорт соҳасида 750 минг киши бевосита ёки билвосита иштирок этди ёки меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 2% дан кўпроғини ташкил этган ҳолда кимё саноатида банд бўлганлар улушига тенглашди. Шуниси қизиқки, фаол спорт турлари томошабинлар учун спорт турларига қараганда юқори иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб барча спорт харажатларининг 80 фоизидан ортигини унга тўғри келади.

Фарбда ҳам узок вақт давомида спорт ва иқтисодиёт, иккита алоҳида мустақил соҳа сифатида қаралган. Спортга бу сеvimли машғулот, бўш вақтни ўтказиш воситаси сифатида қаралиб, иқтисодиёт, касб ва савдо билан ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблашган. Бугунги кунда ҳамма нарса тубдан ўзгарди. Спортда, шубҳасиз, шиддатли рақобат шароитида яхши пул топиш мумкин бўлди, шу билан бирга анъанавий спорт манбалари тобора чекланиб бормоқда.

Спорт тадбирининг иқтисодий самарасини баҳолаш зарурати равшандир. Бу, айниқса, давлат бюджети тақчиллиги ва давлат маблағлари атрофида рақобатнинг кучайиши билан боғлиқ. Бугунги кунда инсонлар ажратилган маблағлар қай даражада самарали ишлатилганлигини ва ундан бошқа мақсадларда яхшироқ фойдаланиш мумкинлигини билишни истайдилар. Бошқача қилиб айтганда, тегишли спорт лойиҳасини (чемпионат, турнир ўтказиш) амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин муқобил вариантларни кўриб чиқиш керак, масалан кўргазмалар ташкил этиш, мактаблар, касалхоналар қуриш ва бошқалар.

Бундай қарорлар учун энг муҳимлари иқтисодий самараларнинг мутлақ йиғиндиси эмас, балки қиёсий устунликлардир. Спорт тадбирларининг рентабеллигини текшириш 1976 йилда Монреалда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг молиявий муваффақиятсизлигидан кейин зарур бўлган. Ўша пайтда 1,2 миллиард Канада доллари миқдорда камомад солиқ тўловчилар томонидан тўланиши керак эди. Кейинги барча Олимпия ўйинлари ташкилотчиларга фақат фойда келтирди. 1-жадвалда спорт тадбирларини ўтказиш пайтида юзага келадиган омиллар ва уларнинг таъсир даражаси ҳақида қисқача маълумот берилган.

1-жадвал. Спорт тадбирларининг ижобий ва салбий омиллари

| Иқтисодий омиллар | Ижтимоий-демографик омиллар | Сифат омиллари | Эҳтимолий омиллар |
|---|--------------------------------|--|---|
| Чипта нархи; аҳолининг даромад даражаси; муқобил таклифлар; кўшимча харажатлар. | Аҳоли сони; этник хусусиятлар. | Иштирок этувчи жамолар ҳолати; илгарги ютуқлари; ийинчиларнинг машхурлиги. | Мусобақа натижалари; уйиннинг ҳаққонийлиги; натижаларни прогнозлаш даражаси; оби-ҳаво шароитлари. |

Албатта, спорт иқтисодиётининг ўрганилмаган жиҳатлари кўп. Улардан баъзилари умумий хусусиятга эга. Бу, биринчи навбатда, молиялаштириш, спортни бошқариш, спорт соҳасидаги меҳнат бозори, спортга ҳомийлик масалалари. Аммо, шунингдек, спортнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш ва тезкор ҳал қилишни талаб қиладиган кўплаб масалалар мавжуд.

Vasiliy Solovev, Andrey Grachikov, Mariya Teodorovich

*Lesgaft National State University of Physical Education, Sport and Health,
St Petersburg, Russian Federation
a.grachikov@lesgaft.spb.ru*

Abstract: the article discusses the experience of the I.M.Sibiriyakov volunteer movement of Lesgaft NSU, St. Petersburg and a long-term plan for the development of a volunteer association developed on its basis.

Keywords: leisure activities, volunteering.



UO'K:796

DZYUDOCHI-TALABALARNING JISMONIY VA TEXNIK KO'RSATKICHLARI O'RTASIDA KORRELYATSIYANI O'RGANISH

Alisher Tangriev

*O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti
Chirchiq, O'zbekiston
a.tangriyev@bk.ru*

Annotatsiya. Pedagogik tajriba boshida jismoniy tarbiya mashg'ilotlari jarayonida dzyudochi-talabalarning jismoniy va texnik ko'rsatkichlari o'rtasida korrelyatsiya koeffitsientlarini o'rganish natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: dzyudochi-talabalar, kuch, tezlik, chidamlilik, texnik harakatlar, korrelyatsiya koeffitsienti.

O'zbek dzyudochilarining nufuzli xalqaro musobaqalarda muvaffaqiyatli ishtirok etishiga qaramay, dzyudochilarning erishilgan tayyorgarlik darajasini saqlab qolish va yanada rivojlantirish ob'ektiv zaruriyat hisoblanadi. Ta'kidlash joiz-ki, dunyoning yetakchi dzyudochilariga nisbatan ko'p hollarda o'zbek sportchilarining texnik tayyorgarligi hali ham yuqori darajada emas. Demak, respublikada faoliyat yuritayotgan dzyudochilarni tayyorlash amaliyoti ilmiy asoslangan dasturlarni izlash va ishlab chiqish uchun keyingi tadqiqotlarni talab qiladi, chunki ularda qo'llaniladigan o'quv vositalarining aniq tuzilishi yo'q. Bu muammoni hal etish turli sharoitlar bilan murakkablashib, ular orasida sportchilarning jismoniy

tayyorgarligi va texnik harakatlari ko'rsatkichlari va ular orasidagi korrelyatsion bog'lanish muhim ahamiyat kasb etadi. Aytilganlar tanlangan mavzuning dolzarbligini anglatadi.

Maqsad va vazifalar. Pedagogik tajriba boshida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari jarayonida dzyudochi-talabalarining jismoniy va texnik harakatlar ko'rsatkichlari o'rtasida korrelyatsiya koeffitsientlari qiymatlarini hisoblash va ular orasidagi korrelyatsion bog'liqlikni o'rganish. Buning uchun Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsienti qiymatlarini hisoblash va olingan hisoblash natijalarini solishtirish, muhokama qilish.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, pedagogik tajriba, matematik-statistika usullaridan foydalanildi. Mavjud adabiyotlar materiallarini tahlili va o'z tajribamizdan kelib chiqib jismoniy va texnik harakatlarni xarakterlovchi sinov-testlari tanlab olindi. Pedagogik tajriba boshida O'zDJTSU dzyudochi-talabalari orasidan tayyorgarlik darajalari bir-irlariga yaqin bo'lgan nazorat (NG, n=24) va tajriba (TG, n=24) guruhlarini tashkil etildi. Nazorat guruhida mashg'ulotlar an'anaviy tarzda va tajriba guruhida esa maxsus ishlab chiqilgan mashqlar majmuasiga e'tibor qaratilgan holda o'tiladi. Tanlangan jismoniy va texnik harakatlarni xarakterlovchi sinov-testlari natijalari o'rtasida Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsientlari hisoblandi va tahlil qilindi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Tanlangan testlar bo'yicha nazorat va tajriba guruhlaridzyudochi-talabalar pedagogik tajriba boshida ko'rsatgan natijalari, ularning statistik xarakteristikalarini 1-jadvalda keltirilgan.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlarni tahlili shuni ko'rsatadi-ki, pedagogik tajriba boshida Ngda ham, Tgda ham, o'rganilgan hamma testlar bo'yicha olingan natijalar asosida hisoblangan variatsiya koeffitsient qiymatlari qoniqarli gradatsiya sohasida ekanligi kuzatildi. Chunonchi, Ngda bu ko'rsatkichlar $V=10,55\%$ va $V=13,49\%$ oralig'ida, Tgda esa $V=10,71\%$ va $V=13,74\%$ oralig'ida tebranishi aniqlandi. Shuningdek, tablangan sinov testlari bo'yicha Ngda va Tgda olingan natijalarning o'rtacha arifmetik qiymatlarini absolyut farqlari 0,16 dan 15,4 birlikkacha va nisbiy farqlari 0,46% dan 2,68% gacha kattaliklarni tashkil etmoqda.

1-jadval. **Nazorat va tajriba guruhlaridzyudochi-talabalarining pedagogik tajriba boshida talangan testlar bo'yicha ko'rsatgan natijalari, ularning statistik xarakteristikalarini solishtirish**

| O'rganilgan ko'rsatkichlar | Nazorat guruhi | | | Tajriba guruhi | | | Absolyut | Nisbiy , % |
|---|----------------|----------|-------|----------------|----------|-------|----------|------------|
| | \bar{x} | σ | V, % | \bar{X} | σ | V, % | | |
| O'ng qo'l kuchi, kg | 27,64 | 3,43 | 12,41 | 27,32 | 3,48 | 12,74 | -0,32 | 1,16 |
| Polga qo'llar bilan tayangan holda qo'llarni yig'ib-yoyish, marta | 17,37 | 2,04 | 11,74 | 17,14 | 2,02 | 11,79 | -0,23 | 1,32 |
| Joyidan uzunlikka sakrash, sm | 247,3 | 33,36 | 13,49 | 245,1 | 33,67 | 13,74 | -2,2 | 0,89 |
| 100 m.ga yugurish vaqti, s | 13,42 | 1,42 | 10,58 | 13,73 | 1,49 | 10,85 | 0,31 | 2,31 |
| 5x10 m.ga mokisimon yugurish, s | 7,84 | 0,98 | 12,50 | 7,63 | 0,97 | 12,71 | -0,21 | 2,68 |
| 2000 m.ga yugurish vaqti, s | 292,7 | 34,36 | 11,74 | 298,8 | 34,38 | 11,51 | 6,1 | 2,08 |
| 6 min davomida yugurish, m | 1226,8 | 129,4 | 10,55 | 1211,4 | 130,6 | 10,78 | -15,4 | 1,26 |
| Joyidan 3 hatlab sakrash, sm | 791,34 | 101,96 | 12,88 | 794,27 | 100,44 | 12,65 | 2,93 | 0,37 |
| 10 marta o'tirib turish vaqti, s | 12,44 | 1,35 | 10,85 | 12,32 | 1,32 | 10,71 | -0,12 | 0,96 |
| 8 marta "Okuri-ashi-baray" tashlashvaqti, s | 14,86 | 1,86 | 12,52 | 14,67 | 1,87 | 12,75 | -0,19 | 1,28 |
| 15 marta "Okuri-ashi-baray" tashlashvaqti, s | 34,73 | 3,97 | 11,43 | 34,89 | 4,09 | 11,72 | 0,16 | 0,46 |

Dzyudochi-talabalarining jismoniy va texnik ko'rsatkichlari o'rtasida korrelyatsiya koeffitsientlarini tahlili tajriba boshida Ngda ham, Tgda ham, jismoniy sifatlar texnik harakatlar xarakteristikalarini bilan, asosan, kuchsiz korrelyatsion bog'lanishda ($r = 0,24$ var = 0,37 oralig'idajoylashgan) ekanligini ko'rsatdi.

Xulosa. Shunday qilib, pedagogik tajriba boshida Ngda ham, Tgda ham, o'rganilgan hamma testlar bo'yicha olingan natijalar asosida hisoblangan variatsiya koeffitsient qiymatlari qoniqarli gradatsiya sohasida ekanligi, shuningdek ularning o'rtacha arifmetik qiymatlarini absolyut farqlari va nisbiy farqlarida kichkinaligi pedagogik tajribani uslubiy jihatdan to'g'ri tashkil etilganligidan dalolat hisoblanadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Акбаров А. Взаимосвязь показателей технических действий и скоростно-силовых способностей на этапе углубленной подготовки молодых дзюдоистов Теория и методика физической культуры, 64(2), 50–56. 2021. https://doi.org/10.48114/2306-5540_2021_2_50
- 2) Акбаров А. Спорте математик тахлил усуллари: ўқув қўлланма. – Chirchiq, O'zDJTSU. – 228

УДК: 796

ИЗУЧЕНИЕ КОРРЕЛЯЦИИ МЕЖДУ ФИЗИЧЕСКИМИ И ТЕХНИЧЕСКИМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ ДЗЮДОИСТОВ-СТУДЕНТОВ

Алишер Тангриев

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

a.tangriyev@bk.ru

Аннотация. Приведены результаты изучения коэффициентов корреляции между физическими и техническими показателями дзюдоистов-студентов на занятиях физической культуры в начале педагогического эксперимента.

Ключевые слова: дзюдоисты-студенты, сила, скорость, выносливость, технические действия, коэффициент корреляции.

UDC: 796

STUDYING THE CORRELATION BETWEEN THE PHYSICAL AND TECHNICAL INDICATORS OF JUDOISTS-STUDENTS

Alisher Tangriev

Uzbek State University of Physical Educations and Sport,

Chirchik, Uzbekistan

a.tangriyev@bk.ru

Abstract. The results of studying the coefficients of correlation between the physical and technical indicators of judoists-students in the process of physical education at the beginning of the pedagogical experiment are given.

Keywords: student judoists, strength, speed, endurance, technical actions, correlation coefficient.



UO'K: 796

ДЗЮДОЧИ-ТАЛАБАЛАРНИ МАЙМУАВИЙ ТАЙЙОРЛАШНИНГ АҲАМИЯТINI ПЕДАГОГИК О'РГАНИШ

Alisher Tangriev

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

a.tangriyev@bk.ru

Аннотация. Jismoniy tarbiya mashg'ilotlarida dzyudochi-talabalarining majmuaviy tayyorgarlik darajasini oshirishda qo'llanadigan vosita va usullar, ularning ustunlik va kamchiliklarini ekspert baholash usuli bilan o'rganish natijalari keltirilgan.

Калит so'zlar: majmuaviy tayyorgarlik, dzyudochi-talabalar, konkordatsiya koeffitsienti, ekspert baholash.

Кириш. Mustaqillik sharofati bilan O'zbek dzyudochilarining nufuzli xalqaro musobaqalarda muvaffaqiyatli ishtirok etishiga qaramay, dzyudochilarning erishilgan tayyorgarlik darajasini saqlab qolish va yanada rivojlantirib borish ob'ektiv zaruriyat hisoblanadi. Shuning bilan birga, dunyoning yetakchi dzyudochilariga nisbatan ayrim hollarda o'zbek sportchilarining majmuaviy tayyorgarligi hali yuqori darajada emasligi uchrab turadi. Demak, respublikada faoliyat yuritayotgan dzyudochilarni majmuaviy tayyorlash amaliyoti ilmiy asoslangan dasturlarni izlash va ishlab chiqish uchun keyingi tadqiqotlarni talab qiladi, chunki ularda qo'llaniladigan vositalarining aniq tuzilishi yetarlicha emas. Bu muammoni hal etish turli real sharoitlar bilan murakkablashib, ular orasida sportchilarning majmuaviy tayyorgarligi va texnik harakatlari ko'rsatkichlari va undagi muammolar muhim ahamiyat kasb etadi. Aytilganlar tanlangan mavzuning dolzarbligini anglatadi.

Мақсад ва vazifalar. Jismoniy tarbiya mashg'ilotlarida dzyudochi-talabalarining majmuaviy tayyorgarlik darajasini oshirishda qo'llanadigan vosita va usullar, ularning ustunlik va kamchiliklarini ekspert baholash usuli yordamida o'rganish. Shu maqsadda anketa savollari ishlab chiqish va sohaning yetuk mutaxassislarini jalb etgan holda anketa sorovi o'tkazish, olingan natijalarni tahlil qilish.

Тадqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, pedagogik tajriba, ekspert baholash va matematik-

statistika usullaridan foydalanildi. Mavjud adabiyotlar materiallarini tahlili va o'z tajribamizdan kelib chiqib majmuaviy tayyorgarlik jarayonini xarakterlovchi omillar tanlab olindi. Pedagogik tajriba boshida yakkakurash sport turlari (xususan, dzyudo) sohasida ko'p yillar faoliyat olib borayotgan tajribali murabbiylar (25 kishi), yuqori mahoratli sportchilar (27 kishi) va (21 nafar) pedagoglardan (jami 73 respondent) iborat ekspertlar guruhining oldindan ishlab chiqilgan savollar bo'yicha fikr-mulohazalari o'rganib chiqildi. Olingan ma'lumotlar asosida ekspertlar fikrining o'zaro mos kelish darajasi konkordatsiya koeffitsienti quyidagi formula yordamida baholandi

$$W = \frac{12 \cdot S}{m^2 \cdot (n^3 - n)}$$

Bu yerda S – har bir sportchi uchun berilgan rang (daraja) qiymatlari yig'indisi o'rtacha arifmetik kattaligidan og'ishlari kvadratlari yig'indisi, m –so'rovnomada ishtirok etishi uchun taklif etilgan ekspertlar (hakamlar) soni, n – tajriba davomida tadqiq qilingan omillar soni.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Taklif etilgan (quyidagi omillarni dzyudochilarni majmuaviy tayyorlash jarayonidagi ahamiyatiga ko'ra eng yuqorisidan pasayib 56eclama tartibida 12 ta o'ringa joylashtiring) anketa savollari va ularga bildirilgan ekspertlar fikri bo'yicha ma'lumotlar 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval. Taklif etilgan anketa savollari va ularga bildirilgan ekspertlar fikri bo'yicha ma'lumotlar

| Omillar | EKSPERTLAR qo'ygan o'rinlar soni | | | | | | | | | | | | Bal-lar | O'rni |
|--------------------------|----------------------------------|---|---|----|---|---|---|---|---|----|----|----|---------|-------|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | | |
| Jismoniy | 4 | 6 | 4 | 5 | 6 | 4 | 6 | 8 | 7 | 8 | 7 | 8 | 524 | 10 |
| Texnik | 13 | 8 | 4 | 2 | 7 | 5 | 4 | 7 | 6 | 7 | 5 | 5 | 437 | 3 |
| Taktik | 3 | 4 | 8 | 9 | 6 | 6 | 8 | 5 | 9 | 6 | 7 | 2 | 475 | 9 |
| Maxsus | 9 | 5 | 7 | 7 | 4 | 7 | 9 | 7 | 7 | 7 | 1 | 3 | 429 | 2 |
| Irodaviy | 6 | 6 | 7 | 8 | 5 | 6 | 7 | 6 | 7 | 5 | 5 | 5 | 457 | 4 |
| Psixologik | 4 | 7 | 9 | 7 | 7 | 7 | 5 | 6 | 4 | 4 | 6 | 7 | 459 | 5 |
| Majmuaviy | 12 | 9 | 7 | 2 | 9 | 6 | 3 | 8 | 5 | 6 | 4 | 2 | 398 | 1 |
| Funksional | 2 | 4 | 6 | 12 | 6 | 8 | 8 | 6 | 7 | 5 | 5 | 4 | 474 | 8 |
| Inson | 2 | 5 | 4 | 5 | 6 | 7 | 6 | 5 | 5 | 7 | 10 | 11 | 555 | 11 |
| Zamonaviy texnologiyalar | 5 | 6 | 8 | 7 | 4 | 7 | 9 | 5 | 6 | 7 | 5 | 4 | 461 | 6 |
| Me'yoriy hujjatlar | 4 | 5 | 3 | 5 | 6 | 7 | 3 | 4 | 4 | 8 | 11 | 13 | 561 | 12 |
| Tayyorlash tizimi | 9 | 8 | 6 | 4 | 7 | 3 | 5 | 6 | 6 | 3 | 7 | 9 | 464 | 7 |

Jadvalda krltirilgan ma'lumotlarni tahlil qilish ekspertlarga dzyudochilarni majmuaviy tayyorlash jarayonidagi ahamiyatiga ko'ra eng yuqorisidan pasayib 56eclama tartibida 12 ta o'ringa joylashtirish uchun taklif etilgan omillar orasida, soha mutaxassislarining fikriga ko'ra, eng yuqori ahamiyatlisi bu sportchilarni majmuaviy tayyorlash (ya'ni, tayyorgarlik jarayonida turli tayyorgarlik shakllari nisbatini optimal nisbatda olib 56eclama) belgilanganligini va bu omil eng yaxshi (ya'ni enf kam $\Sigma = 398$ ball to'plagan) natija ekanligini kuzatish mumkin. Bu 73 ta ekspertning 12 ta omilni 876 marta baholash jarayonidagi hamma omillar ballari bo'yicha o'rtacha arifmetik qiymat 474,50 ballda ancha (76,50 ballga yaxshi) past.

Ekspertlarning fikriga ko'ra, 12 omil orasida Majmuaviy tayyorgarlikdan 56 eclam yuqori ahamiyatilikda maxsus ($\Sigma = 429$), texnik ($\Sigma = 429$), irodaviy ($\Sigma = 457$), psixologik ($\Sigma = 459$) tayyorgarlik turlari, Zamonaviy texnologiyalar ($\Sigma = 461$) va Tayyorlash tizimi ($\Sigma = 464$) omillarini ko'rsatganlar.

O'rganilgan 12 ta omil orasida eng past ahamiyatlilar sidatida ekspertlar Me'yoriy hujjatlar ($\Sigma = 561$), inson ($\Sigma = 555$) va jismoniy tayyorgarlik ($\Sigma = 524$) omillarini ta'kidlaganlar. Shuning bilan birga, o'rtachadan og'ishlar kvadratlari summasi 26581,0 ni tashkil etdi va ekspertlar fikrining o'zaro mos kelish darajasi konkordatsiya koeffitsientini qiymati $W=0,22$ ga tengligi aniqlandi. Ushbu ko'rsatkich 73 nafar ekspert tomonidan 12 ta omil baholangan hol uchun normal ekspert baholash hisoblanadi.

Xulosa. Shunday qilib, Pedagogik tajriba boshida yakkakurash sport turlari sohasida ko'p yillar faoliyat olib borayotgan tajribali murabbiylar), yuqori mahoratli sportchilar va pedagoglardan borat bo'lgan, jami 73 respondent – ekspertlar guruhining oldindan ishlab chiqilgan anketa savollari bo'yicha fikr-mulohazalari asosida olingan ma'lumotlar ekspertlar fikrining o'zaro mos kelish darajasi konkordatsiya koeffitsienti yordamida baholandi va normal ekspert baholash hisoblanishi aniqlandi.

УДК: 796

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КОМПЛЕКСНОЙ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ-ДЗЮДОИСТОВ

Алишер Тангриев

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

a.tangriyev@bk.ru

Аннотация. Приведены результаты изучения преимуществ и недостатков применения средств и методов при повышении степени комплексной подготовки студентов-дзюдоистов на занятиях физической культуры методом экспертных оценок.

Ключевые слова: комплексная подготовка, студенты-дзюдоисты, коэффициент конкордации, экспертная оценка.

UDC: 796

PEDAGOGICAL STUDY SIGNIFICANCE OF INTEGRATED TRAINING OF JUDOISTS-STUDENTS

Alisher Tangriev

Uzbek State University of Physical Educations and Sport

Chirchik, Uzbekistan

a.tangriyev@bk.ru

Abstract. The results of studying the advantages and disadvantages of using means and methods while increasing the degree of complex training of judo students in physical education classes by the method of expert assessments are given.

Key words: comprehensive training, judo students, concordance coefficient, expert assessment.



УДК 796.92.093.62

ТАЛАБАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Хабибулла Гурсунов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчик, Ўзбекистон

habibullo@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда талабалар спортини ривожлантиришни бошқариш муаммоларини назарий ва услубий таҳлил қилиш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: спорт, талаба, талабалар спорти, бошқариш, талабалар спортни бошқариш, талабалар спортини ривожлантириш, назария, услубий таҳлил.

Кириш. Ўзбекистонда талабалар спортини ривожлантиришни бошқариш жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб “олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш ишларини, шунингдек, умуман Ўзбекистонда талабалар спортини ривожлантиришни таъминлайдиган устувор йўналишлар тизими” нинг илмий-назарий асосланиши ҳисобланади.

Талабалар спортини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини қисқача таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги босқичда давлат бошқаруви тизимида талабалар спорти ҳаракатини янада ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Тадқиқот мақсади: замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда талабалар спортини ривожлантиришни бошқариш муаммоларини назарий-услубий таҳлили.

Тадқиқотнинг вазифаси:

1) Талабалар спортини ривожлантиришни ижтимоий-шахсий бошқаришнинг педагогик тамайлари, функциялари ва усуллари белгилаш;

2) Педагогик бошқариш механизми мазмуни ва ташкилий-дидактик тузилиши асослаш;

Тадқиқотнинг долзарблиги: Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт сифатининг яхшиланиши жисмоний

тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар яхшиланди. Ўзбекистоннинг турли ҳудудий бирликларида жисмоний маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилган муайян мақсадли режалар ва дастурлар республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Бу Олимпия ўйинлари, талабалар олимпиадалари ва спорт турлари бўйича жаҳон биринчиликлари натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, бунда етакчи давлатлар спортчиларни юқори натижаларга тайёрлаш учун барча имкониятларини фаол сафарбар қилмоқдалар, бу билан ўз ижтимоий-иқтисодий тизимлари, жумладан, инсон ва салоҳият кўрсаткичларининг устунлигини кўрсатмоқдалар. Қўлга киритилган олтин медаллар ҳар қандай давлат учун халқаро майдонда ижобий обрў-эътибор келтиради.

Спорт мутахассислари таъкидлашларича, умуммиллий ва халқаро даражадаги расмий спорт мусобақалари, жумладан, талабалар спортида ҳам рақобатли кураш янада кучаяди. Шу муносабат билан машғулот жараёнида турли инновацион ютуқлардан фойдаланишга қаратилган замонавий воситалар, масалан, рақамли технологиялар ва бошқаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш чораларини кўришга тайёр бўлиш керак.

Самарали машғулотлар жараёнини ташкил этишга нисбатан замонавий талабалар энг юқори даражадаги инновацион воситалар ва усуллардан фойдаланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу жаҳон спорт ҳаракатида етакчи ўринларни сақлаб қолиш ва спорт захирасини эрта ва сифатли тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг фикрича, олий таълим муассасаларида умуммиллий ва халқаро даражадаги расмий спорт мусобақаларини ривожлантириш ва таъминлаш тизимининг технологик таркибий қисмига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жаҳон спорт ҳаракатининг ривожланиш йўналишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, умуммиллий ва халқаро даражадаги спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётган етакчи давлатлар энг сўнгги авлод илғор “рақамли” технологияларидан фойдаланишга асосланган спортни ривожлантиришнинг самарали негизини ташкилий ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашда улардан фойдаланишга йўналтирилган замонавий маҳсулотларни жуда фаол яратмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида талабаларнинг умуммиллий ва халқаро даражадаги расмий спорт турлари билан шуғулланиши учун самарали шароитлар яратилмоқда. Ҳуқуқшунослар, олимлар ва мураббийлар таркиби саъй-ҳаракатлари орқали Ўзбекистонда талабалар спортини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга кўра, қуйидагилар спорт ва педагогик амалиётда жорий этиш учун долзарб бўлган етакчи йўналишлар ҳисобланади:

- Ўзбекистон аҳолисининг турли тоифалари ва гуруҳларига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароитлар яратиш;
- жисмоний тарбия ва спортни аҳолининг соғлом турмуш тарзига йўналтириш, уларнинг ҳаракатланиш фаоллигини ошириш;
- ўқувчи ёшларнинг, шу жумладан олий касбий таълим муассасаларида касбий-амалий жисмоний тайёргарлигининг турли шакллари мақбуллаштириш;
- умуммиллий ва халқаро даражадаги расмий спорт мусобақалари самарадорлигини ошириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг рақобатбардош тизимини шакллантириш;
- спорт соҳасида спортчи ва мураббий сифатида иштирок этувчи шахсларни суғурталаш ва ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг самарали тузилмасини яратиш;
- жисмоний тарбия ва спорт фаолияти таъминотини такомиллаштириш ва ташкилий-бошқарув, кадрлар, илмий-услубий, тиббий-биологик, допингга қарши, шунингдек, бир қатор бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш;
- жисмоний тарбия ва спорт базасини замон талабларига мувофиқ моддий-техникавий ва молиявий ривожлантириш;
- спорт иншоотларида ҳуқуқ-тартиботнинг самарали тизимини, спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида профилактик фаолиятнинг шакллари ва усулларини таъминлаш.

Талабалар спортини бошқариш тузилмаси самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг санаб ўтилган ва бошқа йўллари кўриб чиқишда, ҳозирги босқичда талаба ёшларнинг сон ва сифат таркибини тавсифлаш керак.

Статистик материалларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги пайтларда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони жуда тез ўсиб кетди.

Мавжуд маълумотларга кўра талабаларнинг қарийб 95 фоизини ташкил этувчи ёшларнинг ёши 17 ёшдан 22 ёш оралиғидаги яққол бир хиллик билан тавсифланади.

Бироқ, статистик тадқиқотлар асосида шуни айтиш мумкинки, умуман олганда, бу бошланғич ва ўрта касб-хунар таълими тизимида ўқиётган ўқувчилар сонидан деярли учдан бир қисмга ортиқ.

Дарҳақиқат, олий таълим муассасалари талабалари – бу замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда уларга жисмоний тарбияни бошқариш бир қатор мавжуд муаммолар билан чегараланган ёшлардир.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси талабаларнинг ёш авлод ҳаётида ижодий иштирок этиш жараёнини мураккаблаштиради ва давлат томонидан саъй-ҳаракатлар самарадорлигини кескин ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. Айнан шунинг учун ҳам талаба ёшларни тарбиялашда жисмоний тарбия воситалари ва усулларида фойдаланишнинг педагогик жараёнини илмий асослашга қаратилган, ва уларнинг шаклланишининг муҳим ижтимоий-педагогик ва психологик муаммоларини ҳал қилинадиган таълимнинг тутган ўрни сезиларли даражада ошади. Тадқиқотчи Ш.З.Хуббиевнинг фикрича (2016), қайд этилган муаммолар, биринчи навбатда, қуйидагилар туфайли юзага келади:

- талабаларнинг касбий тайёргарлиги ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбиянинг илмий-услубий асосланганлиги етарли даражада эмаслиги;

- олий таълим муассасаларида “Жисмоний тарбия” фанидан ҳудудий илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқиш ва педагогик амалиётга жорий этишнинг нотўлиқлиги ва самарасиз таъминланганлиги;

- ҳозирги босқичда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни бошқариш муаммоларини илмий-таҳлилий ҳал этишга олий таълим муассасалари педагогик ва бошқарувчи мутахассисларининг заиф тайёргарлиги [3].

Ушбу тадқиқот вазифаларини ҳал қилишнинг бир қисми сифатида, биринчи навбатда, ўрганилган муаммонинг мавзу соҳасининг назарий ва услубий-амалий жиҳатларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ишнинг асоси ва мақсади ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот учун нафақат маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг талабалар спортини ривожлантиришга оид турли ёндашувлар ва концепциялар тўғрисидаги қарашларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин, балки олий таълим муассасалари шароитида жисмоний тарбия ва спорт ишлари самарадорлигини таъминловчи устувор йўналишлар тизими сифатида унинг ташкилий-бошқарув воситаларини танлашнинг мақбул доирасига ҳам эътибор қаратиши мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тадқиқот муаммосини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон таълимининг ҳозирги ҳолати талаба шахсини тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг функционал вазифасини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Шу муносабат билан олий таълим муассасалариларда жисмоний тарбия ва спорт ишларининг янгиланган мазмунига асосланган, талабаларнинг спорт тайёргарлигини самарали бошқариш бўйича янги муаммоларни ҳал этишга қаратилган талабаларни аниқлаштириш, шу билан бирга унинг мақомини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlili, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – xar bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza, 2017 yil 14 yanvar. – T.: “O'zbekiston”, 2017. – 104 b.
- 2) Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq / Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent: “O'zbekiston” NMIU, 2017. – 32 b.
- 3) Хуббиев Ш.З. Ҳаваскор спортчи ва профессионал спортчини тайёрлаш хусусиятлари // Жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти. 2016. № 7. 96-98 б.
- 4) Карпов В.Ю., Шчедрин Ю. Н., Шчеголев В.А. Жисмоний тарбия ва спорт талабаларни ижтимоийлашув омиллари сифатида // Ахборот технологиялари, механика ва оптиканинг илмий-техник ахборотномаси. 2004. № 12. 215-218 б.
- 5) Миронов В.В., Драчев С.С., Сидоркевич И.М. Жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари ва ташкилотларида бошқарув. СПб. : СПб ДУ, 2000. 112 б.

УПРАВЛЕНИЕ РАЗВИТИЕМ СТУДЕНЧЕСКОГО СПОРТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Хабибулла Турсунов

Узбекский государственный университет физической культуры спорта

Чирчик, Узбекистан

habibullo@gmail.com

Аннотация. В данной статье рассматриваются результаты исследования по теоретико-методическому анализу проблем управления развитием студенческого спорта в современных социально-экономических условиях.

Ключевые слова: спорт, студент, студенческий спорт, управление, управление студенческого спорта, теория, методический анализ.

UDC 796.92.093.62

MANAGEMENT OF STUDENT SPORTS DEVELOPMENT: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Habibulla Tursunov

Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

Chirchik, Uzbekistan

habibullo@gmail.com

Abstract. This article discusses the results of a study on theoretical and methodological analysis of the problems of managing the development of university sports in modern socio-economic conditions.

Key words: sport, student, student sport, management, student sport management, theory, methodological analysis.



UDK: 796: 411

JISMONIY TARBIYA VOSITALARI YORDAMIDA TALABA SHAXSINING O'ZINI RIVOJLANTIRISH QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH

Azizbek Uzoqov

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

azizbek.hoshimjon@gmail.com

Annotatsiya. Sportchilarni sport musobaqalariga psixologik jihatdan tayyorlash, ularning jismoniy va ruhiy tayyorgarlik darajasini yanada oshirish – sport amaliyotida sportchilarning g'alaba qozonishi ilmiy asoslash hamda sport mutaxassislar va murabbiylar sportchilarni musobaqaga psixologik jihatdan tayyorlashga alohida e'tibor berishlari maqsadga muvofiq. O'z-o'zini rivojlantirish va ularning shaxsini takomillashtirish, shaxsiy hususiyatlarni rivojlantirish, ko'nikma va malakalarini o'sishini ta'minlashdan iborat.

Kalit so'zlar: o'z-o'zini rivojlantirish, shaxsiyat, o'z-o'zini rivojlantirish modellari, o'z-o'zini rivojlantirish qobiliyatini shakllantirish, jismoniy tarbiya.

Mavzuning dolzarbligi. O'zbekistonda kadrlar tayyorlash yangi dasturi ishlab chiqilgandan so'ng, ta'lim malakalarini oshirish yondashuvining yangi paradigmasiga aylanadi. Ta'limning maqsadi – ijtimoiy va kasbiy salohiyatli, ijodkor, jismonan va ruhan sog'lom, harakatchan va bag'rikeng, hayot yo'lining istalgan bosqichida o'zini rivojlantirishga tayyor insonni tayyorlashdan iborat.

Qobiliyat ta'limning aql-zakovati va mahorat tarkibiy qismlarini birlashtiradi, kompetentsiya kontsepsiyasi "natijalarga yo'naltirilgan" ta'lim mazmunini talqin qilish mafkurasini o'z ichiga oladi.

Tadqiqotning maqsadi: jismoniy tarbiya vositasida universitet o'quv jarayoniga o'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasini loyihalashtirish va joriy etish.

Malakalarni shakllantirish yondashuvi sohasidagi tadqiqotlar va bu boradagi ko'plab tadqiqotlarimizga va kuzatuvlarimizga asoslanib biz ushbu sohada vakolatlarni shakllantirish uchun beshta o'z-o'zini rivojlantirish modellarining jismoniy tayyorgarligining yaxlit yo'nalishini ajratib ko'rsatamiz.

- Sog'liqni saqlashni takomillashtirish va shaxsiyat bilan bog'liq o'z-o'zini rivojlantirish modeli;
- O'z-o'zini rivojlantirishning sog'lomlashtiruvchi va axloqiy modeli;
- O'zini rivojlantirishning sog'lomlashtiruvchi va ijtimoiy modeli;
- O'z-o'zini rivojlantirishning kasbiy va shaxs bilan bog'liq modeli;
- O'z-o'zini rivojlantirishning interaktiv-sport modeli.

Barcha modellar o'zaro bog'liqdir. Sog'lomlashtirish va shaxsiyat bilan bog'liq bo'lgan o'z-o'zini rivojlantirish modeli uchun muhim tamoyillar jismoniy tarbiyani uyg'unlashtirish printsiplari, psixofizik individual qobiliyatlar tamoyili, moslashish tamoyili, optimizm tamoyili, o'ziga ishongan holda jismoniy tarbiya tizimiga bo'lgan ishonch tamoyilidir.

Axloqiy o'z-o'zini rivojlantirish modelining o'ziga xos tamoyillari quyidagilardan iborat: o'z xatti-harakatlari va ushbu shaxs oldida sodir bo'layotgan har bir narsa uchun shaxsiy javobgarlik, ijtimoiy va axloqiy e'tiqodlarning barqarorligi, erkin tanlov, axloqiy barqarorlik printsipti, doimiy o'zini o'zi boshqarish, ijtimoiy qadriyatlarga e'tibor berish.

Ijtimoiy o'z-o'zini rivojlantirish modeli uchun muhim tamoyillar quyidagilardir: jamiyatning huquqiy normalariga rioya qilgan holda ijtimoiy faoliyat, tinchlik tamoyili, ijtimoiy me'yorlar bilan cheklangan erkinlik tamoyillari.

Kasbiy va shaxsiga bog'liq o'z-o'zini rivojlantirish modeli quyidagi tamoyillar bilan tavsiflanadi: tanlangan kasbda o'zini namoyon qilish va o'zini o'zi tasdiqlashga tayyorlik va ushbu sohada doimiy takomillashtirish, ijodiy salohiyatni rivojlantirish tamoyillari.

Tadqiqot vazifalari. Sportning o'z-o'zini rivojlantirish modeli uchun muhim bo'lgan tamoyillar quyidagilardir: ixtiyoriylik, mavjud sport pedagogik va madaniy muhiti, ochiqlik, o'zaro ta'sir, maksimal o'zini namoyon qilish, hamkorlik va vatanparvarlik.

Har bir pedagogik model tizimiga qisqacha tavsif beramiz. Shuni ta'kidlash kerakki, ular birinchi navbatda sog'liqni saqlashni yaxshilash, sog'liqni saqlash va targ'ib qilishga qaratilgan. Biroq, o'z-o'zini rivojlantirishning shaxsni rivojlantirish modelida ushbu yo'nalish asosiy va istiqbolli hisoblanadi.

Ushbu modeldagi shaxsning o'zini o'zi rivojlantirish, mutaxassisning sog'lom turmush tarzini shakllantirishga yordam beradigan sog'lomlashtirish yo'nalishiga ega. Tadqiqotning birinchi yilida ushbu model muhim sabablarga ko'ra asosiy hisoblanadi.

Bizning tadqiqotlarimizga ko'ra, sog'lig'i sababli maxsus tibbiy guruhga ajratilgan talabalar soni yildan-yilga ko'payib bormoqda.

Kasbiy va shaxsiyat bilan bog'liq bo'lgan o'z-o'zini rivojlantirish modeli tanlangan kasbda o'zini namoyon qilish va o'zini o'zi tasdiqlashga tayyorlik printsipti bilan ajralib turadi, shu bilan birga ushbu sohada shaxsiy ijodiy salohiyatni rivojlantirishda doimo o'zini o'zi takomillashtirish.

Tanlangan kasbdagi farqlash ushbu modelning etakchi tamoyilidir. Yuqorida aytib o'tilgan vazifalar tanlangan ixtisoslashuv xususiyatlarini hisobga olgan holda o'z-o'zini rivojlantirishga e'tiborni qaratgan holda jismoniy tarbiya jarayonida amalga oshiriladi.

Sportning o'z-o'zini rivojlantirish modeli. Ushbu modelning vazifasi jismoniy tarbiya sohasida kasbiy rivojlanish va natijalarni o'sishi uchun o'z imkoniyatlariga tayanib, professional hayotning ko'plab sohalarini biladigan mutaxassisni tayyorlashdir.

Shaxsning o'z-o'zini rivojlantirishning interaktiv sport modeli, avvalo, ma'lum bir yo'nalish bo'yicha mutaxassisni tayyorlash (sog'lomlashtirish, ijtimoiy va axloqiy rivojlanish, kasbiy yo'nalish) bo'yicha yaxlit universitet jarayonida PE intizomining ta'lim tizimining dolzarb o'zini o'zi rivojlantirish vazifalarini hal qiladi.

Shu bilan birga, universitetda (agar mavjud bo'lsa) yoki boshqa joylarda maktabdan tashqari sport seksiyalari bilan shug'ullanadigan, uni asosiy universitet mashg'ulotlari bilan birlashtirgan ajoyib qobiliyatlarga ega bo'lgan yoki ularni jismoniy tarbiya doirasida har qanday yo'nalishda rivojlantirishga tayyor bo'lgan talabalar mavjud. Tanlangan mutaxassislikni o'zlashtirish uchun.

Nazariy va amaliy tahlillardan kelib chiqib, universitet bunday talabalarga sportda yaxshi natijalarga erishgan taqdirda yordam beradi.

Bir tomondan, ushbu modellar boshqa jismoniy tarbiya modellari uchun namuna bo'lib xizmat qiladi, chunki ushbu model bilan shug'ullanadigan talabalar jismoniy madaniyatga katta e'tibor berishadi va sport yutuqlari bo'lsa, ular bilan universitet va mamlakatni faxrlantiradi. Boshqa tomondan, ular shaxsiyat va sportning o'zini rivojlantirish uchun ideal vazifasini bajaradilar.

Ushbu model bilan shug'ullanadigan talabalar odatda o'zlarining shaxsiy murabbiylari va o'quv mashg'ulotlarining individual rejalariga ega bo'lishadi, shu bilan birga ular barcha talabalar bilan birgalikda jismoniy madaniyatning nazariy kursini o'rganadilar. Jismoniy tarbiya sohasida bu jismoniy madaniyat yordamida o'z-o'zini rivojlantirish va takomillashtirish uchun yo'naltiruvchi yo'nalishdir.

Xulosa. Jismoniy tarbiya yordamida o'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasini shakllantirish masalasi juda yaxshi o'rganilmagan, bu esa jismoniy tarbiyada talabalarning shaxsiyatini, o'z-o'zini rivojlantirish modellari va darajalarini ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etishni rag'batlantirdi.

Jismoniy tarbiyani o'rganish jarayonida universitetning ajralmas o'quv jarayonining yetakchi yo'nalishlaridan biri ekanligi isbotlangan. Shuningdek nostandart vaziyatlarda o'zini o'zi boshqarish qobiliyatiga ega bo'lgan, doimiy ravishda harakat qilishga intiladigan, malakali, jismonan kuchli va sog'lom

mutaxassislarni tayyorlashning ustuvor yoʻnalishlaridan biri hisoblanadi. Oʻz-oʻzini rivojlantirish va ularning shaxsini takomillashtirish, shaxsiy hususiyatlarni rivojlantirish, koʻnikma va malakalarini oʻsishini taʼminlashdan iborat.

УДК: 796: 411

ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ САМОРАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ СТУДЕНТА СРЕДСТВАМИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ

Азизбек Узоков

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

azizbek.hoshimjon@gmail.com

Аннотация. Психологическая подготовка спортсменов к спортивным соревнованиям, дальнейшее совершенствование их физической и психической подготовки – научная основа успешности спортсменов в спортивной практике, и специалисты в области спорта и тренеры должны уделять особое внимание психологической подготовке спортсменов к соревнованиям. Речь идет о саморазвитии и совершенствовании личности, развитии личностных качеств, обеспечении роста своих навыков и способностей.

Ключевые слова: саморазвитие, личность, модели саморазвития, формирование способности к саморазвитию, физическое воспитание.

UDC: 796: 411

FORMATION OF SELF-DEVELOPMENT SKILLS OF THE STUDENT'S PERSONALITY BY MEANS OF PHYSICAL TRAINING

Azizbek Uzoqov

Uzbek State University of Physical Educations and Sports

Chirchik, Uzbekistan

azizbek.hoshimjon@gmail.com

Abstract. Psychological preparation of athletes for sports competitions, further improvement of their physical and mental preparation – the scientific basis for the success of athletes in sports practice, and sports professionals and coaches should pay special attention to the psychological preparation of athletes for competitions. It is about developing oneself and improving one's personality, developing personal qualities, and ensuring the growth of one's skills and abilities.

Keywords: self-development, personality, models of self-development, formation of self-development ability, physical education.



UDC:796.23

METHOD TO INCREASE SCHOOL STUDENTS' INTEREST IN SPORTS AND ADAPT TO SPORTS ACTIVITIES

Muborak Urazova

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

muborakurazova03@gmail.com

Abstract. The main issue today is that regular physical training and sports activities of schoolchildren always increase their interest in sports. This makes them psychologically and physiologically healthy. Increases interest and knowledge in sports.

Keywords: Sports training, voluntary training, technical and tactical training, physical exercises, special exercises.

Introduction. In order for schoolchildren to play sports, it is necessary to increase interest in sports. Sport is the face of every country and nation. When the flag of our country flies high in front of the world and our national anthem is played, the world recognizes our country. Unique things are being done in the field of sports as well as in the education of native children who can protect the honor of our country. Attracting young people to the field of sports, instilling in them positive attitudes towards sports, and raising defenders of the original country should become the duty of every person.

Great work is being done in the field of sports in our country. As a result of these efforts, our country's athletes are among the leaders in international competitions and are raising their position in front of the world. Nowadays, most of our youth spend their free time in unproductive activities, and as a result, there

are many unpleasant events, including joining all kinds of inappropriate groups, excessive learning and spending their free time on computer games. And the saddest crime is one of the problems and concerns facing our society. Adaptation of adolescent athletes to sports clubs is the ability to withstand physical training and the psychological strength to overcome them with persistence and perseverance. Physical activity is considered a natural factor affecting the adolescent. Earth's gravity, created by nature, has always influenced mankind. Muscle activity is an important factor in the adaptation of a person to his environment. It is through movement activity that interaction between the organism and the environment takes place, it adapts to the living environment. The fact that movement activity is an integral part of life activity does not mean that all people can perform intense muscle work for long periods of time. Such work ability is achieved as a result of long-term regular training and adaptation. This process is mainly observed in people who are associated with intense muscle activity, that is, in athletes. Adaptation in sports activities of teenage athletes is different from the adaptation of a person to field activities with its multi-level and makes special demands on the adolescent organism.

Purpose and objectives. The first stage is related to the strengthening of activity in the functional system that ensures the performance of the given training.

The second stage is the stagnation of the functional system.

The third stage is defined by a violation of the balance between the demand for training and its satisfaction. This condition occurs as a result of exhaustion of the centers that ensure the control of internal organs and other organs.

Methods and organization of research. In a number of studies, it has been determined that, in addition to physical, technical and tactical aspects, the need for special psychological preparation of teenage athletes for competitions is of great importance. This preparation should be focused on the development of the athlete's willpower, confidence in his own strength, the nature of the upcoming competition, its scope, and the features of the opponents.

Adaptation to sports in adolescents is determined by the general process of sports activities through the interest in a certain type of sport and the performance of these sports activities, continuous implementation:

- By performing special physical exercises, a person gets the necessary physical training and general physical fitness;
- It requires systematic and long-term training from the athlete in order to perform physical exercises and acquire high technique in the chosen sport;
- It is related to the improvement of the adolescent's adaptation to sports activities;
- Adaptation to sports activities in teenagers is related to the maximum manifestation of physical and mental strength;
- Sports activity is related to mental and physical struggle, which has a deep and special character during a sports competition.

Willingness factors are of great importance in the struggle for victory of teenage athletes, because highly qualified athletes have a high level of physical, technical and tactical training.

The following can be included in the content of the willful preparation of a teenager for his adaptation to sports circles: pursuit of a goal; discipline; confidence; initiative; independence; bravery; evidence; persistence.

Voluntary effort in the adaptation of teenagers to sports circles is related to the following:

- voluntary effort to relieve muscle tension;
- voluntary effort at the time of heightened attention;
- voluntary effort associated with overcoming exhaustion and fatigue;
- willpower associated with compliance with the agenda;
- related to overcoming the feeling of fear, emotional stress, etc.

Conclusions. All of the above should be well formed in the teenager, otherwise the process of adaptation to sports will be difficult or it may not happen at all.

In the field of sports, as in any other field, the physical training of a will-to-be teenager in sports circles is of great help in adapting to this activity.

Based on the above, it can be concluded as follows. In the adaptation of adolescent athletes to sports circles, psychological and physiological health of the teenager is the basis of adaptation to sports circles.

УДК:796.23

СПОСОБ ПОВЫШЕНИЯ ИНТЕРЕСА ШКОЛЬНИКОВ К СПОРТУ И АДАПТАЦИЯ К ЗАНЯТИЯМ СПОРТЕ

Муборак Урзова

Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

muborakurazova03@gmail.com

Аннотация. Главный вопрос сегодня заключается в том, что регулярные занятия физической культурой и спортом школьников всегда повышают их интерес к спорту. Это делает их психологически и физиологически здоровыми. Повышает интерес и знания о спорте.

Ключевые слова: Спортивная подготовка, добровольческая тренировка, технико-тактическая подготовка, физические упражнения, специальные упражнения.



УДК:796.07

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ГИМНАСТИКА МАШҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ғайрат Юсупов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчик, Ўзбекистон

yusupov.gayrat@bk.ru

Аннотация. Мақолада талабаларнинг жисмоний ривожланишида гимнастика машқларидан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, талабаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва саломатлигида оғишлари бўлган ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: спорт, жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш, гимнастика, гимнастика машқлари, саломатлик, соғлом турмуш тарзи.

Долзарблиги. Жаҳон амалиётини кузатиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг жисмоний сифатлари, спорт турлари бўйича техник-тактик ҳаракатлари юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Айнан аҳолининг барча қатламларини оммавий спорт билан шуғулланишга жалб қилишни такомиллаштириш, шу билан бир қаторда спортга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларни жисмоний тайёргарлигида асосий гимнастика воситаларини амалиётга жорий қилиш талабини кўймоқда. Жумладан, талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу сабаб талаба ёшларни функционал, жисмоний тайёргарлигини ошириш юзасидан илмий ишлар амалга оширилган. Бироқ талаба ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражаси билан бирга саломатлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Талабаларни соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали жисмоний ривожланишини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, анкета-сўров, морфологик ва функционал индекслар асосида талабаларнинг саломатлик даражасини баҳолаш, педагогик тажриба, педагогик тестлаш, математик статистика усуллари.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Республикамизда олий таълим тизимини модернизация қилиш янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда амалга оширилмоқда ва унинг олдига рақобатбардош, жисмонан ва маънан етук, кенг доирадаги интеллектуал салоҳиятга ва юқори ишчанлик қобилиятига эга малакали кадрларни тайёрлаш вазифасини кўймоқда. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбияга ажратилган соатларнинг мунтазам камайиб бориши кузатилмоқда, ваҳоланки жисмоний тарбия дарслари кўпчилик талабалар учун ҳаракат фаоллигини сақлаб қолишнинг ягона йўлидир. Ундан ташқари, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича машғулотларнинг ягона услубияти йўқ, талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва саломатлигида оғишлари бўлган ўзига хос хусусиятлари инobatга олинмаган. Жисмоний тарбия воситалари ёрдамида талаба-ёшлар организмнинг ички заҳираси

даражасини анча ошириш, саломатлигида учрайдиган турли ўзгаришларни олдини олиш ёки ривожланиш суръатини камайтириш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири Р.Г.Узьянбаева, Ю.М.Юров, О.А.Мельникова, О.А.Козлова, С.Г.Оболочков, И.Н.Юрченя, Н.А.Барташевич, Н.А.Саркисова, В.А.Абаев, Т.В.Барышникова, Е.Ю.Кизиляеваларнинг фикрича, саломатлигида оғишлари бўлган талабалар билан ишлаш ҳисобланади, бундай талабалар контингенти ўртача 5% дан 20% гача атрофида. Е.Н.Максимова, Е.К.Гильфанова, М.Ассекретов, О.Н.Кривошекова, С.Е.Бабинов, Т.И.Крылов, С.Н.Якименко, И.Н.Григорьеваларнинг маълумотларига кўра, олий таълим муассасалари битирувчиларини 42% да сурункали касалликлар, 50% да морфофункционал патология учрайди. В.К.Спирин, Л.А.Семенов, С.П.Миронова, Д.А.Беляеваларнинг маълумотларига асосан талабаларнинг саломатлигидаги оғишлар, нозологик тузилишига кўра, аксарият таълим муассасаларида қуйидагича тақсимланган: таянч-ҳаракат аппарати касалликлари 34%, юрак-қон томир тизими касалликлари 22%, кўриш аъзолари касалликлари 12%. В.А.Лаптев (2003), О.Н.Кривошекова (2018) ва бошқалар томонидан нафақат жисмоний тайёргарлик даражасининг пасайиши, балки саломатлик ҳолатига кўра махсус тиббий гуруҳга тааллуқли бўлган талабалар сони ошганлиги аниқланган.

Саломатлик ҳолатида аниқланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, талабалар орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилишни тарғиб этиш ўзини оклайди ва илмий асосланган ҳисобланади. Вазифа шундан иборатки, ҳар бир инсонга саломатлик ҳолати ва ёшга хос хусусиятларига мос келадиган жисмоний машқлар мажмуи, айниқса, соғломлаштирувчи гимнастика турлари тавсия қилиниши зарур. Шу сабабдан Ю.В.Менхен, А.В.Менхенлар олий мактабнинг вазифаси назарий билимлар, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш билан биргаликда талабалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат, деб ҳисоблашади. Таъкидлаш жоизки, талаба-ёшлар жисмоний тарбияни касалликларни олдини олиш, жисмоний ишчанлик ҳолатини, жисмоний тайёргарлик даражасини сақлаш ва мустаҳкамлаш, “мослашувчанлик ўзагини” ҳосил қилишдаги, ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирига нисбатан юқори мослашувчанлик имкониятларини таъминлашдаги аҳамиятини тўлиқ англаб етишмайди.

Бу ишларни амалётда татбиқини таъминлаш учун қуйидагича таклиф-тавсияларни берамиз:

1. Талабаларнинг жисмоний ривожланишни баҳолаш учун бир хил даражадаги жисмоний тайёргарликка эга бўлган талабаларни ўз ичига олувчи ўқув, тайёргарлик ва махсус гуруҳларни жамлашда фойдаланиш мумкин.

2. Саломатлигида оғишлари бўлган талабаларнинг мавжудлигини инобатга олиб, уларнинг турига қараб манзилли нозологик коррекциялаш учун алоҳида гуруҳларни шакллантириш ва олий таълим муассасаларида факультатив машғулотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Талабалардаги ортиқча вазни олдини олиш ва коррекциялаш учун соғломлаштирувчи гимнастиканинг иккита туридан фойдаланиш энг самарали услублардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқилган услубиятнинг асосини классик аэробика ва фитнес-аэробика машғулотлари учун махсус танлаб олинган машқлар мажмуалари ташкил этди, улар машғулотнинг аэроб ва кучга йўналтирилган қисми учун усулларни тузиш ва ўзига хос тарзда улардан фойдаланиш бўйича бир-биридан фарқ қилди. Уларнинг қўлланилиши нафақат қизларнинг тана тузилишини коррекциялашга, балки соғлиқни янги сифат даражасига чиқишига имкон яратади. Тўғри қад-қоматни шакллантириш бўйича турли-туман машқлардан фойдаланиш, жумладан, тана мушакларини мустаҳкамлаш, коррекцияловчи машқларни қўллаш юзасидан тавсиялар берилди.

Хулоса. Талаба ёшларнинг саломатлик ҳолати бўйича олинган натижалар ҳаракат фаоллигини етишмаслигини кўрсатади ва бу саломатлик ҳолатида турли оғишларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатни бартараф қилиш мақсадида барча олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия кафедраларини қайта тиклаш, жисмоний тарбия бўйича соатлар ҳажмини ҳафтасига 6 соатгача кўпайтириш ва ўқув режа жадвалига киритиш, мустақил таълимни самарали ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Васенков Н.В. Формирование мотивационно-ценностного отношения к физ. Культуре у студентов / Н.В.Васенков Б.А.Акишин // Теор. И практ. Физ. Культ. – 2008. №12. – С. 77-79.
- 2) Васенков Н.В. Формирование здорового образа жизни в системе высшего образования / Васенков Н.В., Хабибулин И.М., Гусев П.М.// Наука и образование : Новое время.-2018-№1 (24)- С. 144-147
- 3) Лубышева Л.И. Концепция физкультурного воспитания: методология развития и технология реализации // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. – 1996. - № 1. – С. 5-11.

УДК:796.07

ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГИМНАСТИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ В ФИЗИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ УЧАЩИХСЯ

Гайрат Юсупов

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Узбекистан, Чирчик

yusupov.gayrat@bk.ru

Аннотация. В статье подчеркивается важность использования гимнастических упражнений в физическом развитии студентов. Также были проанализированы специфические особенности студентов с отклонениями в уровне физического развития и здоровья.

Ключевые слова: спорт, физическая культура, физическое развитие, гимнастика, гимнастические упражнения, здоровье, здоровый образ жизни.

UDC:796.07

THE IMPORTANCE OF USING GYMNASTIC EXERCISES IN THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF STUDENTS

Gayrat Yusupov

Uzbek State University of Physical Education and Sports

Uzbekistan, Chirchik

yusupov.gayrat@bk.ru

Abstract. The article highlights the importance of using gymnastic exercises in the physical development of students. Also, specific characteristics of students with deviations in their level of physical development and health were analyzed.

Keywords: sports, physical education, physical development, gymnastics, gymnastic exercises, health, healthy lifestyle.



УЎК: 796.81.02.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ СПОРТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РОЛИ

Баходир Эшанкулов, Абдималик Шопулатов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

matonat07@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда малакали мутахассислар тайёрлаш зарурияти ҳамда мазкур жараёнда нодавлат спорт таълим муассасаларининг роли таҳлил қилинган. Шунингдек, нодавлат спорт таълим муассасалари орқали малакали спортчиларни тайёрлаш ривожланган демократик ва эркин иқтисодиётган асосланган жамиятларга хос эканлиги илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, таълим, тизим, нодавлат таълим муассасалари, эркин иқтисодиёт, демократик жамият.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, охириги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Натижада, мазкур соҳаларнинг илғор тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги ихтисосликлар шакллантирилиб, кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Эндиликда малакали кадрларни тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда соҳани замонавий илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, мутахассисларни ташкилий-услубий ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини ривожлантириш

бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш лозимдир. Бу эса бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни таёрлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим муаммоларни ўрганиш имкониятини яратиб беради. Натижада соҳадаги муаммоларни комплекс назорат қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга эришилади [12].

Ҳозирда хориж тажрибаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар турли мақомдаги спорт-таълим муассасаларини ташкил қилиш ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган ислохотларни олиб бориш самарали эканлигини кўрсатди [2,3]. Хусусан, мамлакатда нодавлат спорт-таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш нафақат малакали спортчиларни тайёрлаш балки аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга бўлган хоҳиш ва қизиқишини оширишга олиб келади. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-302-сон қарорининг қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади [4,5].

Қарорга кўра, 2022 йил 1 июлдан спорт соҳасидаги мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чоралари жорий этилади: ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт-таълим муассасаси учун давлатнинг бино ва иншоотларини 2024 йил 1 январгача ижара тўловларисиз берилади ҳамда 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан хизматларни кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларини 50 фоизга камайтирилади. Шунингдек, нодавлат спорт-таълим муассасасини божхона божини тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи конун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган нодавлат спорт-таълим муассасалари тренерларига бир марталик пул мукофотлари тўланади.

Мазкур ишларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда нодавлат спорт-таълим муассасаларининг сони ва сифатини ортиб боришига хизмат қилади. Улар томонидан Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб бўлган спортчиларнинг тайёрланиши давлат ва нодавлат спорт таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириб, соҳа мутахассисларида ўз устида ишлаш, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш тажрибасини ошириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришда фаол бўлиш, намуна ва ибрат кўрсатиш ишларига масъулият билан ёндашишига олиб келади [6,7,8].

Нодавлат спорт-таълим муассасалари мустақил ва нотижорат ташкилот сифатида жисмоний тарбия ва спортни қуйидаги йўналишларини ривожлантириш ўз самарасини беради:

- жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга ижобий таъсир қилади. Мустақил ташкилот ҳамда давлат томонидан берилган имтиёзлар ҳисобига спорт машғулотларини қизиқарли ва мазмунли ташкил қилиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини инобатга олган ҳолда спорт тўғрракларини ташкил қилиш имкониятини беради. Бу эса ёшларни спортга жалб қилиш имкониятини янада оширади;

- нодавлат спорт-таълим муассасаларининг ташкил қилиниши спорт-таълим муассасалари ўртасида рақобатни ривожлантириб, мутахассисларнинг ўз устида ишлаш, таълим беришда сифатга устуворлик бериш позициясининг шаклланишига олиб келади;

- спорт-таълим муассасаларидаги мутахассисларнинг ўқувчи-спортчиларга бўлган муносабатининг ўзгаришига олиб келади. Спортчи-ўқувчиларга бўлган ёндашув, яъни “даромад ва шуҳрат” келтириш эмас, балки ҳамкорликда меҳнат қилиш орқали муваффақиятга эришиш ва бу жараёнда ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш сифатида ёндашувни шакллантиради.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”.-Б.29.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни”.- Б.37.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024-йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига спортчиларимизни комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ- 5281-сон қарори.

- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 июлдаги “Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–302-сонли қарори.
- 6) Губа В.П. Теория и методика современных спортивных исследований: монография.-М.: Спорт, 2016. – 232 с.
- 7) Andriamampianina, P., Moussa, A.S. The Training of Physical-Education Teachers in France and China: A Comparative Analysis of Curricula and Attitudes. Int Rev Educ 51, 23–34 (2005).
- 8) Бубка С.Н., Булатова М.М., Есентаев Т.К. Менеджмент подготовки спортсменов к Олимпийским играм.-М.: Спорт, 2019. – 480 с.

УДК: 796.81.02.

РОЛЬ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ СПОРТИВНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В РАЗВИТИИ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Баходир Эшанкулов, Абдималик Шопулатов

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

matonat07@mail.ru

Аннотация. В данной статье анализируется необходимость подготовки квалифицированных специалистов в области физической культуры и спорта, а также роль негосударственных спортивных образовательных учреждений в этом процессе. Научно обосновано, что подготовка квалифицированных спортсменов через негосударственные спортивные учебные заведения присуща обществам, основанным на развитой демократической и свободной экономике.

Ключевые слова: физическое воспитание, спорт, образование, система, негосударственные образовательные учреждения, свободная экономика, демократическое общество.

UDC: 796.81.02.

THE ROLE OF NON-GOVERNMENTAL SPORTS EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF TRAINING QUALIFIED SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS

Bahodir Eshankulov, Abdimalik Shopulatov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

matonat07@mail.ru

Abstract. This article analyzes the need to train qualified specialists in the field of physical culture and sports, as well as the role of non-governmental sports educational institutions in this process. It is scientifically proved that the training of qualified athletes through non-state sports educational institutions is inherent in societies based on a developed democratic and free economy.

Keywords: physical education, sports, education, system, non-governmental educational institutions, free economy, democratic society.



2-Sho'ba. SPORTCHILARNI TAYYORLASHNING ZAMONAVIY TIZIMINING INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI

Секция 2. ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ СПОРТСМЕНОВ

2nd Section. INNOVATIVE TECHNOLOGIES OF THE MODERN SYSTEM OF TRAINING ATHLETES



УЎК:796.42

ТАЯНЧ-ХАРАКАТ АППАРАТИ ШИКАСТЛАНГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ УЛОҚТИРУВЧИЛАРНИ БИОМЕХАНИК ХУСУСИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Шерзод Абдиев, Рухиддин Одилов

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,
Чирчиқ, Ўзбекистон*

sherzodabдиев759@gmail.com, ruhiddinodilov@gmail.com

Аннотация. Мақолада таянч-ҳаракат апарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни нозологиясини инобатга олган ҳолда жисмоний воситаларини меъёрлаш ва ишлаб чиқиш орқали юқори натижаларга эришиш, ўтказилган педагогик кузатувлар жараёнидан олинган натижалар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Таянч ҳаракати апарати, тезлик куч, умумий мусобақа машқлари, куч қобилиятини ривожлантириш.

Муаммонинг долзарблиги. Республикамизда бугунги кунда долзарб бўлган пара енгил атлетикачиларни спорт машғулотларини ўрганиш ва спорт фаолиятини самарадорлиги ва ишончилигини ошириш каби ўзига хос вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон “Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш”га доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади [1]. Таянч-ҳаракат апаратига шикастланган спортчиларнинг пара енгил атлетика улоқтириш машғулотларида техник элементларни ўзлаштиришда биомеханик кўрсаткичларини ўрганганимизда муаммоли жойлари аниқланди ва асосий муаммоларни ечишнинг мумкин бўлган ечимлари кўрсатилди [2, 3].

Тадқиқотнинг мақсади таянч-ҳаракат апарати шикастланган юқори малакали улоқтирувчиларни техник элементларни ўзлаштиришда биомеханик кўрсаткичларидан келиб чиқиб спорт машғулотларини оптималлаштириш юзасидан таклиф ва тавсифлар ишлаб чиқишдан иборат.


Тадқиқотнинг вазифалари таянч-ҳаракат апарати шикастланган пара енгил атлетикачи улоқтирувчиларни мусобақа машқлари техник заҳирасида модел хусусиятларини коррекциялаш ҳисобига улоқтирувчиларнинг индивидуал имкониятлари оптималлаштириш;

Тадқиқотнинг янгилиги Ўрганилаётган улоқтириш турлардаги техник тайёргарликни назорат қилиш учун сараланган машқларни бажариш учун видеотасвир таҳлилдан фойдаланишга асосланган – биомеханик хусусиятларни аниқлаш усулларида фойдаланиш тавсия этилади.

Дастакли стул ёрдамида ядрони ўтириб иткитиш техникасини таҳлил қилиш қулайлиги учун биз, мусобақа машқларини бешта асосий босқичга ажратамиз: бошланғич ҳолат, орқага бурилиш, ўлик нуқта, якуний ҳаракат ва снарядни қўлдан чиқариш сонияси.

Ушбу мусобақа машқда улоқтириш ускунасига ўтиришда бошланғич ҳолатнинг хусусиятлари сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Дастгоҳ устунини ушлаб туриш вертикал равишда бошнинг эгилиш даражасида, бўйиннинг энг паст нуқтада тутиб турадиган қўлнинг елка-бўғин даражасигача бажарилиши мумкин. Дастгоҳгача бўлган масофа алоҳида танланади ва спортчининг антропометрик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Улоқтириш йўналишига перпендикуляр бўлган тоснинг ҳолати (тос ўқи) ҳам сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ҳолат биринчи навбатда спортчининг мусобақа машқларда тана мушакларини қўша олишига боғлиқ бўлади. Мушаклари

фаол ишлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ўтиришда тос ўки ва ядро иткитиш йўналишига перпендикуляр бўлиб орасидаги катта бурчак билан амалга оширилади. Қисқа чайқалишлар туфайли ушбу спортчи машқни бажаришда кўшимча қийинчиликни, бўшлиғини керакли даражада бажара олмасликни аниқланди, шунинг учун унга тананинг мушакларини фаол ишлатиш қийин кечади, бу елкаларининг ўки ва иткитиш йўналишига перпендикуляр орасидаги бурчакнинг нисбатан катта қийматини очиб беради.



1-расм. Сагиттал текисликда тананинг, чап ва ўнг елкаларининг эгилиш бурчакларини вақтга боғлиқлиги ва йўналиши.

Excel дастури ва математик статистик усулларида ҳамда модел хусусиятларидан фойдаланиб, юқори малакали 4 спортчининг дастакли ва дастаксиз стул ёрдамида ўтириш ҳолатида улоқтиришни амалга ошириш техникасини биомеханик маълумотлари аниқланди.

Мусобақа машқларни видео кузатув асосида биомеханик хусусиятларнинг таҳлили ўтказилиб, уларнинг модел хусусиятлари билан таққослаш амалга оширилди. Биомеханик хусусиятларни аниқлаш учун энг яхши уриниш натижалари ҳисобга олинди. Тажриба гуруҳи спортчиларининг натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ушбу алгоритмга биноан ҳар бир мусобақада олтига ўлчов ўтказилди. Ҳар бир мусобақада машқдаги техник заҳиралар аниқлангандан сўнг, техник тузатиш амалга оширилди- ушбу машқларни бажариш техникасини бўйича индивидуал тавсиялар берилди.

1-жадвал. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тажриба гуруҳи спортчиларининг мусобақа ва мусобақа олди синов натижалари.

| № | Ф.И.Ш | Тур | Тест 1 | Тест 2 | Тест 3 | Тест 4 | Тест 5 | Тест 6 |
|---|-------|-------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | | | (11.03) | (17.03) | (14.04) | (29.04) | (14.05) | (21.05) |
| 1 | Н.Х | ядро | 13,04 | 12,95 | 13,38* | 13,45* | 13,47* | 13,81* |
| 2 | Л.О | найза | 26,09 | 26,11* | 26,26* | 26,32* | 26,42* | 26,53* |
| 3 | И.В | ядро | 10,38 | 10,38* | 10,42* | 10,51* | 10,65* | 10,68* |
| 4 | Қ.Н. | ядро | 10,49 | 10,71* | 10,81* | 11,43* | 11,43* | 11,68* |
| 5 | А.Д | ядро | 9,06 | 9,13* | 9,15* | 9,15 | 9,18* | 9,21* |
| 6 | И.В | диск | 19,68 | 19,86* | 19,94* | 19,98* | 19,91* | 21,16* |
| 7 | Х.М | диск | 22,49 | 22,54* | 22,69* | 22,68 | 22,80* | 22,82* |
| 8 | Қ.Н. | найза | 21,13 | 20,53* | 21,49* | 21,56* | 21,64* | 21,67* |
| 9 | Х.М | ядро | 7,02 | 7,34* | 7,70* | 7,77* | 7,80* | 7,82* |

* энг яхши шахсий натижалар.

Изоҳ: Тажриба давомида ҳар бир спортчиларни мусобақа ва мусобақа олди жараёнида улоқтириш турлари бўйича олти марта синовдан ўтказилди ва ҳаммаси бўлиб 6 нафар спортчи тегирилди. Тадқиқот гуруҳининг спортчилари синовдан ўтказиш натижаларини таҳлил қилишда (n = 6) спортчилар тегишли турлар бўйича энг яхши кўрсаткичлардан юқори бўлган 9 та натижани бажарди.

Хулоса. Таянч-ҳаракат аппарати шкастланган юқори малакали улоқтирувчиларни кўплаб мусобақалардаги натижаларини таҳлил қилганимизда кузатилган 6 нафар спортчимиз Ўзбекистон чемпионатида 9 тур бўйича 9 та шахсий натижани ўрнатган бўлса 2020 йил Паралимпия ўйинларида 9 тур бўйича 5 та шахсий рекордни ва 2 та биринчи, 2 иккинчи ва 1 учинчи ўринларни эгалладилар. Улоқтирувчиларни биомеханикасини ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики спортчиларни техник заҳираларни аниқлаш, натижа ва техник тайёргарлик ўртасида функционал алоқаларни ўрнатишга имкон берди.

Библиография:

- 1) О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 18-maydagi "Paralimpiya harakatini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5114-son Qarori.
- 2) Миржамолов М.Х. Таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган ўқувчиларда мускул фаолиятининг бузилиш тартиби учун функционал тизим динамикаси // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 680-685.

- 3) Svetlichnaya, N.K. Integral approach in assessing the functional state of adaptive and healthy physical culture / N.K. Svetlichnaya // Олимпийский спорт и спорт для всех: Материалы XXVI Международного научного Конгресса, Казань, 08-11 сентября 2021 года / Под общ.ред.Р.Т. Бурганова. – г. Казань: Поволжская государственная академия физической культуры, спорта и туризма, 2021. – Р. 412-414.

УДК:796.42

ОПРЕДЕЛЕНИЕ БИОМЕХАНИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ МЕТАТЕЛЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ ОПОРНО- ДВИГАТЕЛЬНОГО АППАРАТА

Шерзод Абдиев, Рухиддин Одилов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Узбекистан*

sherzodabdiev759@gmail.com, ruhiddinodilov@gmail.com

Аннотация. В статье представлены результаты, полученные в процессе педагогических наблюдений, достижения высоких результатов за счет стандартизации и развития физических средств с учетом нозологии высококвалифицированных метателей с ограниченными возможностями.

Ключевые слова: базовый аппарат движения, скоростная сила, общие соревновательные упражнения, развитие силы.

UDC:796.42

DETERMINATION OF BIOMECHANICAL CHARACTERISTICS OF HIGHLY QUALIFIED THROWERS WITH MUSCULOSKELETAL DISORDERS

Sherzod Abdiyev, Rudiddin Odilov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

sherzodabdiev759@gmail.com, ruhiddinodilov@gmail.com

Abstract. Article tayanch-movement akarati shkastlangan yukor malakali ulaktirovchilarnigianin inobatga olda hismoniy means of rationing and ishlab chikish orkali Yukori natijalarga erishish, itkazilgan pedagogic kuzatuvlar zhara jarezan alingan natijalar ethylgan.

Key words: basic movement apparatus, speed force, general competitive exercises, strength development.



UO'K: 796.85

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ГУРУҲИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Шавкат Абидов

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада ёш футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ўйиннинг техник ва тактик техникасини такомиллаштиришга ёрдам берадиган энг самарали ўқув воситаларини, машғулотларни таъминлайдиган усулларни фаол излаш ва танлашни талаби бўйича маълумотлар ёритилган. Бундан ташқари ёш футболчиларнинг йиллик циклдаги техник ва тактик тайёргарлиги хусусиятларининг ўйин ва мусобақа фаолиятнинг муваффақиятига таъсирини ўрганиб чиқилган.
Калит сўзлар: техника-тактика, ёш футболчилар, турли даврлар, техник-тактик камчиликлар, турли машқлар.

Долзарблиги. Замонавий футбол техник-тактик жиҳатдан мураккаб, динамик, яъни тезкор қарор қабул қилишни ва ўзгарувчан ташқи шароитларда ҳаракат фаолиятларини ўзгартиришни талаб қиладиган спорт тури кўпроқ тезлик-куч сифатни, индивидуал техник кўникмалар, шунингдек гуруҳ ва жамоавий тактик ўзаро боғлиқликни максимал даражада фойдаланишга қаратилди. Футбол тобора такомиллашиб бормоқда ва бу сўнгги ўн йилликларда бутун дунё кузатаётганининг яққол далилидир [1].

Бугунги кунда футбол спорт турида ёш захирани сифатли тайёрламасдан, футбол оламида юқори натижаларини кўрсатиш мумкин эмас. Губа В. Р., Лексаков А. В. Каби муаллифлар ҳар қандай футбол жамоасининг, хусусан ёшларнинг муваффақиятини белгилайдиган тўртта асосий позицияни

ажратиб кўрсатадилар: “биринчиси-техника, иккинчиси-тактика, учинчиси-ахлоқий ва иродавий тайёргарлик, тўртинчиси-функционал ҳолатлардир. Булар, аслида, бошқа спорт турлари каби, футбол спорт турининг асосини ташкил этади. Лекин истеъдот асосида шакилланади.” Хорижлик ва маҳаллий мураббийлар ўз жамоаларининг техник ва тактик тайёргарлигига катта аҳамият беришмоқда. Ўқув машқларини танлаш жамоанинг тактик ўйин схемаларини, футболчиларнинг футбол майдонидаги ҳолатлари бўйича ўзаро алоқалар вариантларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади [2,4,5,].

Машғулотларда ўйинчиларнинг ҳужум ва ҳимоядаги ҳаракатлари машқлар орқали шакиллантириб, ўйиннинг ҳар бир элементларини юқори автоматик ҳолатга олиб келинади. Замоनावий мураббийларнинг тактик ишларига мисол қилиб Конте А. Челси ФК (Англия), шу Сарри М. Наполи ФК (Италия), Гвардиола Х. Манчестр Сити ФК (Англия), Клопп Й. Левирпул ФК (Англия), Гончаренко В. Нинг икки соатлик машғулотлари келтирилган. ФС Цска (Россия) ва бошқалар, ўз жамоаларининг техник-тактик тайёргарлигига катта эътибор беришди. Аммо бу иш футболчиларнинг ўзлари футбол бўйича билим ва кўникмаларини ўзлаштиришларига асосланади. Европанинг энг кучли футбол лигаларида максимал натижаларга эришишга имкон беради, шу билан бирга мураббийларнинг тактик режаларини амалга ошириш учун энг юқори индивидуал маҳорат ва қобилиятини намойиш этади [2,4].

Ишнинг мақсади. Ўқув-машғулот гуруҳи футболчиларининг бир йиллик ўқув циклида техник–тактик тайёргарлик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари ва ташкил этилиши. “Пахтакор” академияси шуғулланувчи ёш футболчиларнинг машғулот жараёнини узоқ муддатли режалаштириш мисолидан фойдаланиб, биз вазибалар қандай белгиланганлигини, уларнинг ечимини ёш футболчиларнинг техник ва тактик тайёргарлигини муваффақиятли ривожланишига олиб келишини кузатдик.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Футболда, шу жумладан ёшлар футболда ўқув жараёнини оптималлаштириш, қуриш ва ташкил этиш масалалари асосан спорт машғулотлари назарияси ва методологиясининг замоनावий ютуқларига асосланади. Шу билан бирга, футбол соҳасида қўлланиладиган машғулотлар ва мусобақа фаолиятнинг турли жиҳатлари бўйича катта миқдордаги материаллар тўпланган. Шу билан бирга, мусобақа фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ўйини қондалари тайёргарлик даврида ўқув жараёнини оқилона қуриш асосида малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини оптималлаштириш муаммосини кўриб чиқишда ушбу спорт турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади [2,3,5].

Ўнта учрашувда футболчиларнинг ўйинларини кузатиш туфайли ёш спортчилар 368-350 техник ва тактик ҳаракатларни амалга ошираётганини аниқладик. Асосан футболчилар ўйин давомида қисқа ва ўрта тўп узатишлар олдинга – 27,3%, ушлаш – 15,5%, танлаш – 15%, уриш – 9% каби ўзаро алоқаларни амалга оширишди. Ўйиннинг қолган элементлари камдан – кам ишлатилади, тўпни олиб юриш – 1,5%, тепиш – 2,8%, бош билан ўйнаш-2,6%, тўпни йўқотиш эса 25% га этади. Икки гуруҳнинг ёш футболчилари ўртасида яққол фарқлар бўлмади. Таҳлиллар тадқиқот бошида назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўйинчиларнинг фаолияти ва техник-тактик тайёргарлиги ўртача ҳисобда тахминан бир хил эканлигини аниқлашга имкон берди.

Хулоса. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, педагогик тажриба охирида, техник ва тактик тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган махсус машқлар таъсири остида, тажриба гуруҳи ўйинчилари тўп танлашдан ташқари барча кўрсаткичлар бўйича назорат гуруҳи ўйинчиларидан сезиларли даражада устун бўлишди, бу ерда натижанинг фоизлари ошади. Назорат гуруҳи тажриба гуруҳига нисбатан 10% катта.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Лисенчук Г.А. Направленность тренировочного процесса в зависимости от индивидуальных особенностей футболистов. // Наука в олимпийском спорте. – 2004. - № 1. – С. 22-27.
- 2) Губа В.П., Лексаков А.В. Теория и методика футбола: учебник для студ. Высш. Учеб. Заведений. – М. Спорт, 2018.- 621 с.
- 3) Кузнецов А.А. Футбол. Настольная книга детского тренера / А.А. Кузнецов. – М.: Проф-Издат. 2011. – 408 с.
- 4) Многолетняя подготовка юных футболистов. Путь к успеху: учеб.-метод. Пособие / В. В. Николаенко, В. Н. Шамардин. – К.: Саммит-книга, 2015. – 360 с.
- 5) Спортивные игры: техника, тактика, методика обучения: учеб. / Ю.Д. Железняк, Ю.М. Портнов, В.П. Савин, А.В. Лексаков; под ред. Ю.Д. Железняк, Ю.М. Портнова. – М.: Академия, 2008. – 518 с.

УДК: 796.85

ИССЛЕДОВАНИЕ – ОПТИМИЗАЦИЯ ТРЕНИРОВОЧНОГО ПРОЦЕССА ФУТБОЛИСТОВ ТРЕНИРОВОЧНОЙ ГРУППЫ

Шавкат Абидов

*Ўзбекский государственный университет физического культуры и спорта
Чирчиқ, Ўзбекистан*

Аннотация. В статье рассматриваются наиболее эффективные средства обучения, которые помогут устранить существующие недостатки в технической и тактической подготовке юных игроков, улучшить технические и тактические приемы игры, активно использовать методы, которые обеспечат обучение и информацию о том, как выбрать. Кроме того, он изучал влияние характеристик технической и тактической подготовки молодых игроков в годовом цикле на успех игровой и соревновательной деятельности.

Ключевые слова: техника-тактика, молодые игроки, разные периоды, технико-тактические недостатки, разные упражнения.

UDC: 796.85

STUDY – OPTIMIZING THE TRAINING PROCESS OF TRAINING GROUP FOOTBALL PLAYERS

Shavkat Abidov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

Abstract. The article discusses the most effective training tools that will help eliminate the existing shortcomings in the technical and tactical training of young players, improve the technical and tactical techniques of the game, actively use methods that will provide training and information on how to choose. In addition, he studied the influence of the characteristics of technical and tactical training of young players in the annual cycle on the success of gaming and competitive activities.

Key words: technique-tactics, young players, different periods, technical-tactical shortcomings, different exercises.



УОЎК: 796.87

МАЛАКАЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ ФОРМАЛ БЕЛГИЛАРИНИ АНИҚЛАГАН ҲОЛДА МУСОБАҚАОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Валихан Анашов

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон
valixan.boks@mail.ru*

Аннотация. Мақолада малакали боксчиларнинг индивидуал жанг олиб бориш услуби, психофизиологик методлар ҳамда такомиллаштириш йўллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Малакали боксчилар, индивидуал услуб, асаб тизими, ўқув-тренировка, техник-тактик тайёргарлик.

Долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳеч кимга сир эмас. Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш борасида Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қабул қилиниши соҳага эътиборнинг тасдиғидир.

2021 йил 29 апрелдаги ПҚ-5099 сонли “Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори, бокс спорт туридан иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш долзарблиги, зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилишида бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилган [1].

Боксчиларнинг ҳар томонлама-жисмоний, техник-тактик, психологик тайёргарлигини ташкил қилиш, уларнинг мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, айниқса, бокс жангларида рақобатнинг кескин ошганлиги юқори малакали боксчиларни тайёрлашда индивидуал ёндашув тамойилини амалга ошириш масалалари бугунги кунда долзарблик касб этмоқда. Бизда, индивидуал

стили, асаб тизимининг тури боксчиларнинг тренировка қилганлик даражаларини таҳлил қилиш позициясидан кўриб чиқилган ишлар алоҳида қизиқиш уйғотди. Масалан, асаб тизими кучли бўлса бу асосан хужум стилида, аксинча асаб тизими кучсиз бўлса ҳимоя стилида жанг олиб боришини Е.П.Ильин [2] кўрсатиб беришган.

Тадқиқотнинг мақсади – малакали боксчиларнинг индивидуал стилини ҳисобга олган ҳолда мусобақа олди тайёргарлигини такомиллаштириш. Тадқиқотнинг мақсадига мувофиқ уни амалга оширишда қўйидаги **вазифа** қўйилди: турли индивидуал услубда жанг олиб борувчи юқори малакали боксчиларнинг формал белгиларини аниқлаш.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки, инсон индивидуаллиги белгиларини аниқлашдаги биологик омиллар ичида доминант рол марказий асаб тизимига мансуб. Спортчининг индивидуал хусусиятлари, уни беллашувни олиб боришнинг тактик усулида ва қўллайдиган техник-тактик арсеналида намоён бўлади, уларнинг жангдаги хилма хиллиги ва мукамал эгалланиши – рингдаги муваффақият омилларидан бири ҳисобланади. Индивидуал-психологик хусусиятлар мажмуасини жисмоний сифатларга таъсирини ва мазкур мажмуани фаолиятнинг энг самарали стили билан бирга бўлишини билиш, тренировка жараёнини индивидуаллаштириш позициясидан тузишни сезиларли даражада рационаллаштириши мумкин. Ушбу арсенални қўлланилиши характери спортчиларнинг индивидуал хусусиятлари билан белгиланади, улар спортчилар психикаси ва морфологик хусусиятлари ҳамда ҳаракат қобилиятларининг ривожланиши даражалари билан белгиланади. Ҳар бир спортчи индивидуал хусусиятлари билан белгиланган фаолиятининг индивидуал стилини шакллантириши орқали мақсад сари ўз йўли билан бориб натижага эришади. У ёки бу қобилиятларни намоён қилишга кўмаклашадиган ҳамда уларни намоён қилинишининг кучсиз ва кучли томонларини индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуасини билиш, спорт фаолияти турининг спецификасида қўлланиладиган ориентацияни ва кейинчалик саралашни анча мақсадли амалга ошириш ва шу асосда ўқув-тренировка жараёнини бошқаришни максимал индивидуаллаштириш имконини беради. Индивидуал услубини аниқлаш ва эксперт баҳолаш маълумотлари бўйича 6 нафар спортчиларнинг қисқача тавсифлари тузилди, бу, тренировка жараёнини индивидуаллаштириш йўллари аниқлаш учун формал фарқловчи белгилари бўйича таянч маълумотларга эга бўлиш мақсадида амалга оширилди. Ушбу қисқа тавсифлар 1-жадвалда келтирилган.

Бунга кўра формал белгилар асосида ҳар бир спортчига алоҳида индивидуал машқлар берилди. Т.М.-овнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тайёргарлик босқичи давомида ҳафтасига 3-4 соатдан олтига тренировка (пайшанба куни УЖТ) ўтказди. Яқинлаштирувчи мусобақалар босқичида маълум бир мавзудаги “лапа”ларда ишлашга устиворлик берилди. Бундай мавзулар спортчилар фаолиятининг индивидуал стилидан келиб чиққан ҳолда қўйидагиларни ташкил қилди: “Тезкор чекинаётган рақибга нисбатан такрорий хужум”, “Суръатни ўтказиб юбориш билан кўриб хужум қилиш”, “Рақибнинг тайёргарлик ҳаракатларига нисбатан саросимага солувчи хужум”. Асосий мусобақалар босқичида “лапа”лардаги индивидуал дарсларнинг тематикаси асосий рақибларнинг жангни индивидуал олиб бориш стили билан белгиланади.

Ж.Р.-ов, мазмун жиҳатидан Т.М.-овга нисбатан асаб-мушак аппаратининг хусусиятлари, асаб тизимининг намоён бўлиши хусусиятлари, психик хусусиятлари ва сифатлари, жисмоний ривожланиши, техник-тактик ҳаракатларининг хусусиятлари бўйича тўлиқ қарама-қарши. Унинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, тренировка жараёнининг ихтисослаштирилганлигини ва махсус тайёргарлик воситаларининг жадаллигини функционал базавий тайёргарлик босқичини ўртасидаёқ амалга оширилди. Махсус тайёргарликнинг ёрдамчи воситаларини, бошқача айтганда, махсус машқларни: ҳаракатланиш, бокс копида зарба техникасини такомиллаштириш катта ҳажмда қўлланилди. Ушбу спортчини юқори спорт натижаларига эришишида юқори жанговар кайфият, ички психик сафарбарлик, ҳиссий барқарорлик, техник-тактик ҳаракатларининг ишончлилиги хал қилувчи омиллар бўлди.

1-жадвал. **Спортчиларнинг формал белгилари бўйича индивидуал тавсифлари**

| | |
|---|---|
| <p>Т.М.-ов. Ҳиссий реактивлик. Пластиклиги мавжуд. Невротиклиги унча ифодаланмаган. Кўзғалиш жараёни томонга нисбатан мувозанатлашмаган. Лабил. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти юқори. Асаб тизими кучли. Спорт формасига тез эришади. Юкламага реакцияси ифодаланган. Стили позицион-хужумкор.</p> | <p>Ж.Р.-ов. Ҳиссий реактивликунча ифодаланмаган. Ригидли. Невротиклиги унча ифодаланмаган. Мувозанатлашган. Лабил. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти юқори. Асаб тизими кучсиз. Спорт формасига секин эришади. Юкламага реакцияси ифодаланмаган. Стили маневрли-ҳимояланувчи.</p> |
|---|---|

| | |
|--|--|
| <p>О.А-ов. Ҳиссий реактивлик. Пластиклиги мавжуд. Невротик. Мувозанатлашган. Лабил эмас. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти ўртача. Асаб тизими кучсиз (кузатишлар бўйича). Спорт формасига секин эришади. Юкламага реакцияси ифодаланган. Стили маневрли-ҳимояланувчи.</p> | <p>А.С-ов. Ҳиссий реактивлик. Ригидли. Невротик. Қўзғалиш жараёни томонга нисбатан мувозанатлашмаган. Лабил. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти ўртачадан юқори. Асаб тизими кучли. Спорт формасига тез эришади. Юкламага реакцияси ифодаланмаган. Стили маневрли-хужумкор.</p> |
| <p>С.О-ов. Ҳиссий реактивлиги унча катта ифодаланмаган. Пластиклиги мавжуд. Невротиклиги унча катта ифодаланмаган (кузатишлар бўйича). Мувозанатлашган. Лабил эмас. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти ўртачадан юқори. Спорт формасига кириш мўътадил. Юкламага реакцияси ифодаланган. Стили маневрли- хужумкор.</p> | <p>М.И-ов. Ҳиссий реактивлиги унча катта ифодаланмаган. Пластиклиги мавжуд. Невротик. Мувозанатлашмаганлиги тормозланиш жараёни томонга. Лабил эмас. Асаб тизими ҳаракатчан. Ишчанлик қобилияти ўртача. Асаб тизими кучли. Спорт формасига секин эришади. Стили позицион- ҳимояланувчи. Юкламага реакцияси ифодаланган.</p> |

О.А-ов жангни олиб бориш манераси бўйича спорт фаолиятининг маневрли-ҳимояланиш стилини аниқлаш мумкин бўлди. У, позицион-хужумкор спортчиларга қарши энг кам самара билан жанг олиб бориши мумкин. Ушбу камчиликни бартараф қилиш учун “лапа”лардаги индивидуал дарсларда ва тренировка жангларида, спортчини ташаббусни ўз қўлига олишга, ўзининг ҳимоя ҳаракатларини мустақкам эканлигига ишончни шакллантириш, юзага келган ҳолатда беҳосдан саросимага солувчи хужум ҳаракатларини қўллаш учун фойдаланишга, масофани кескин ўзгартириш билан қарши хужум қилиш малакаси ривожлантирилди.

А.С-ов. Боксчини жангни олиб боришининг индивидуал манераси маневрли-ҳимояланувчи каби тавсифланди. Унинг ҳимоя ҳаракатлари ва қарши олувчи хужумлари энг самарали. У, олдиндан тайёрланган хужумларини қулай лаҳзани танлашга кўп вақт сарфлаши орқали етарлича кескин бажарди. Спортчи асаб тизимининг лабиллигини ва ҳаракатчанлигини ҳамда ҳиссий реактивлигини ҳисобга олиш орқали, қутилмаганда беҳосдан саросимага солувчи хужум қилиш қобилиятини тарбиялашга қаратилди. Бундай хужумлар ҳамкорликда ишлашдан кейин юқори самара бера бошлади.

С.О-ов. Спортчининг асосий кирраларидан бири – асаб жараёнлари пластиклигининг юқорилиги. Спортчини яхши ҳаракатланишини шакллантириш зарур бўлди, чунки боксчи яхши ҳаракатлана олмаса, хужум ҳаракатларида ҳам ва ҳимоя ҳаракатларида ҳам ўз ниятларини амалга ошира олмайди. Хужум ва ҳимоя ҳаракатларини баланслаштириш учун жангни олиб боришнинг индивидуал манерасини ҳаракатланишлар техникасини ва ҳимоя ва қарши хужум ҳаракатларини кенг арсеналини қўллаш тактикасини такомиллаштириш йўналишида мақсадли қайта шакллантирилди.

М.И-ов бошқа индивидуал хусусияти – асаб тизимининг кучи (чидамлилиги) ҳисобланади. Юқори малакали боксчилар фаолиятининг индивидуал стилини ҳар хил томонларини тавсифлайдиган маълумотлар асосида, уларнинг мусобақаолди тайёргарлиги босқичини бошқаришни иккита конкрет ҳолати кўриб чиқилди. Биринчиси – йиллик циклда кўп маргалик мусобақаолди тайёргарлигини бошқариш; иккинчиси – йиллик циклда тўпланган жанговар потенциални тўлақонли амалга ошириш учун асосий мусобақалар босқичида мусобақаолди тайёргарликни бошқариш. Тайёргарлик вақтида вазифалар қўйилди, тренировка қилганлик даражасини кескин ошириш, масъулиятли турнирда иштирок этиш моделини апробация қилиш, конкрет рақиб билан жангни олиб бориш манерасини такомиллаштириш.

Бундай формал белгиларини аниқлаб олиб, спортчиларга шу асосида мусобақа олди тайёргарлигини такомиллаштириш ўзининг якуний босқичида 2021 йилда Осиё чемпионатида 6 нафар боксчилар 1-ўринни эгаллаб ғалаба қозонишди.

Хулоса. Фаолиятининг индивидуал стили хусусиятларини ҳисобга олиш билан юқори малакали боксчиларни мусобақаолди тайёргарлигини такомиллаштириш қуйидагиларда ифодаланган, биз томондан таклиф қилинган услубиятни етарлича самарадор эканлигини кўрсатди:

- спортчиларни экстремал ҳолатларда стресс таъсирларга чидамлилигини оширишда;
- тренировка қилганлик даражасини, умумий ва махсус ишчанлик қобилиятини оширишда;
- юқори малакали боксчиларнинг психик ишончлилигини оширишда;
- спортчини ички сафарбарликка қобилиятини, уни психик ҳолатини бошқара олиш малакасида;
- “муваффақиятга эришишга” мотивациясини ошириш ва “муваффақиятсизликдан қочишга” мотивациясини пасайтиришда.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-апрелдаги PQ-5099 сонли “Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.www.lex.uz.
- 2) Ильин Е.П. Психология индивидуальных различий. – Издательский дом «Питер», 2011.
- 3) R.D.Xalmuxamedov, V.N.Shin, S.S.Tajibayev, G'.Q.Rajabov, V.D.Anashov. “Bokschilarning sport pedagogik mahoratini oshirish”. Darslik, 2020 yil.
- 4) R.D.Xalmuxamedov, V.N.Shin, S.S.Tajibayev, F.K.Turdiyev, G'.Q.Rajabov. “Boks nazariyasi va uslubiyati”. Darslik, 2018 yil.
- 5) Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н., Каипов Б.У., Икрамов А.Х. «Построение предсоревновательного этапа подготовки боксеров-юниоров к ответственным соревнованиям». Ташкент, 2006.

УДК: 796.87

ПОВЫШЕНИЕ ГОТОВНОСТИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ БОКСЕРОВ К СОРЕВНОВАНИЯМ С ВЫЯВЛЕНИЕМ ФОРМАЛЬНЫХ ПРИЗНАКОВ

Валихан Анашов

*Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Ўзбекистан
valixan.boks@mail.ru*

Аннотация. В статье представлена информация об индивидуальном стиле борьбы, психофизиологических методах и приемах квалифицированных боксеров.

Ключевые слова: квалифицированные боксеры, индивидуальный стиль, нервная система, подготовка, технико-тактическая подготовка.

UDC: 796.87

IMPROVING THE READINESS OF QUALIFIED BOXERS FOR COMPETITIONS WITH THE IDENTIFICATION OF FORMAL SIGNS

Valixan Anashov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
valixan.boks@mail.ru*

Abstract. The article presents information about the individual style of wrestling, psychophysiological methods and techniques of qualified boxers.

Keywords: Qualified boxers, individual style, nervous system, training, technical and tactical training.



УО‘К: 796.83

**БОКС БЎЙИЧА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРДА МУРАББИЙНИНГ
ОБРЎЙСИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ
ДИНАМИКАСИ**

Валихан Анашов, Рустам Халмухамедов, Юрий Серебряков

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистан
ruc.dek.boks@mail.ru*

Аннотация. Мақолада бокс бўйича бўлажак мутахассислар ўртасида ёш спортчилар мураббий обрўйсининг профессионал таркибий қисмининг фаолият блокини шакллантириш муаммоларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: мураббий, обрўй, касбий компетенция.

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ҳозирги вақтда глобал рақобат шарт-шароитлари барча соҳаларда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш – жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий таълимига бўлган талабларини ошириш, шунингдек, турли даражалар уларнинг фаолиятини чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда ушбу йўналиш бўйича илмий фаоллик Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Жисмоний тарбия соҳасидаги мутахассиснинг касбий тайёргарлиги муаммоси умумий жиҳатдан олдинга қўйилганлиги ва тизим сифатида назарий таҳлил қилинмаганлигини ҳисобга олиб, бу

йўналишда мақсадли илмий изланишлар олиб бориш зарурияти пайдо бўлди.

Мураббийнинг обрўйси – бу, алоҳида касбий позиция бўлиб, мураббийни ўқувчиларга таъсирини белгилайди ва унга қарорлар қабул қилиш, баҳолаш, маслаҳатлар бериш ҳуқуқини беради, унинг асосларини шакллантиришнинг энг қулай босқичи – мутахассисни касбий тайёргарлиги жараёни ҳисобланади. Айнан шу вақтда, талабалар ўз мутахассисликлари билан танишади, зарурий билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиради, у тўғрисидаги ўз тасаввурларини шакллантиради ва ўзларининг касбий фаолиятида унга интиладиган мутахассис портретини яратишади [1; 2; 3; 4, 5; 6 ва б.].

Жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги касбий таълимнинг шаклланган амалиётини таҳлил қилиш, ҳозирги вақтда, мураббийнинг обрўйсини шакллантиришнинг методологик асослари етарли ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатди. Бу обрўйнинг шаклланган асосларига эга бўлган мураббийларни тайёрлашга жамиятнинг объектив эҳтиёжи билан ушбу муаммони етарлича назарий ва амалий ишлаб чиқилмаганлиги ўртасидаги мавжуд қарама-қарши фикрларда ўз аксини топган.

Мазкур қарама-қарши фикрлар тадқиқотларимизнинг муаммосини белгилайди, у, жисмоний маданият ва спорт бўйича мутахассисларда мураббийнинг обрўйсини шаклланганлигини зарурий ва реал даражалари ўртасидаги мос келмасликни енгиб ўтиш имконини берадиган омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади – ёш спортчилар мураббийнинг обрўйси асосларини шакллантиришнинг психолого-педагогик шартларини аниқлаш.

Кўйилган мақсадга эришиш учун ва тахминни тасдиқлаш учун ишимизда қуйидаги **вазифа** ечилди: бокс бўйича бўлажак мутахассисларда ёш спортчилар мураббийи обрўйининг профессионал компонентининг фаолият блокени шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти – жисмоний маданият ва спорт бўйича мутахассисларни касбий тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – касбий тайёрлаш жараёнида ёш спортчилар мураббийнинг обрўйси асосларини шакллантириш.

Бокс бўйича бўлажак мутахассисларда ёш спортчилар мураббийи обрўйининг профессионал компонентининг фаолият блокени йўналтирилган шакллантириш самарадорлигини асослаш ва экспериментал текшириш учун 2020-2021 ўқув йилларида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг “бокс” мутахассислиги бўйича “Танланган спорт тури назарияси ва услубияти” фанини таҳсил олаётган 3-курс талабалари билан педагогик тажриба ўтказилди. Курсларни танлашда талабаларнинг 3 ва 4-курсларда педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётидан ўтишлари асос қилиб олинган, бу эса касбий фаолиятдаги обрўйнинг фаолият блокени ривожланишини аниқлаш имконини беради.

Тажриба ҳақиқий ўқув жараёни шароитида бўлиб ўтди ва шу билан талабаларни уларнинг илтимосига биноан экспериментал дастур бўйича ўқиш учун танлаш имкониятини истисно қилди. Экспериментал (n = 27) ва назорат (n = 31) гуруҳлар аниқланди, улар дастлабки даражага кўра обрў қисмларининг шаклланиши сезиларли даражада фарқ қилмади ва бир хил эди, бу констатация тажриба натижаларидан далолат беради.

Экспериментал гуруҳ (ЭГ) 6-7 семестр давомида ТСТНУни муаллифлик дастури бўйича, назорат гуруҳида (НГ) дарслар эса стандарт бўйича ўтказилди. ЭГ ва НГда обрўйнинг фаолият блокенининг шаклланиш даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш икки марта – олтинчи семестр охирида ва саккизинчи семестр бошида амалга оширилди, бу уларнинг ривожланиши динамикасини кузатишга имкон берди.

Муаллифлик дастуридан талабалар ўртасида мураббийнинг обрўй-эътибор асосларини ривожлантиришга қаратилган маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар курси киритилган.

Машғулотлар мақсади талабаларнинг обрўй ва унинг фаолият блоки бўйича билимларини чуқурлаштириш эди.

Ўқув жараёнида фаолият блокени ривожлантириш учун мураббийнинг амалий фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоли вазиятлар яратилди ва талабаларга уларни таҳлил қилиш ва ечимини аниқлаш таклиф қилинди. Бу талабалардан ишонтириш, ўз нуқтаи назарини исботлаш, муаммо бўйича ўз қарашларини ҳимоя қилиш қобилиятини намойиш этишни талаб қилди.

Машғулотларнинг бундай ташкил этилиши ўқувчиларга нафақат кенг билимларни эгаллашга, балки ўз қобилиятлари ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришга, мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантиришга, шунингдек, жамоада шахслараро муносабатларни ташкил этиш қобилиятини ривожлантиришга имкон берди.

Обрўй асослари малакаларининг барча гуруҳлари шакллантирилган амалий жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ушбу обрўй компонентлари блокани ривожлантиришнинг муҳим воситасига айланди.

Талабаларга мураббийнинг касбий фаолияти билан боғлиқ махсус моделлаштирилган вазиятларда (ўқитувчилик, тарбиявий, ҳакамлик, ташкилий ва бошқалар) турли функцияларини бажариш вазифалари берилди. Бу обрўйнинг касбий қисмининг фаолият компонентини шакллантирилган даражани аниқлаш имконини берди

ЭГ аъзолари берилган вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашдилар, билимларни экстраполяция қилиш қобилиятини кўрсатдилар, бир хил муаммони ҳал қилишнинг бир неча усулларини таклиф қилдилар, шунингдек, ўзларининг ва бошқа жамоа аъзоларининг фаолиятини таҳлил қилиш қобилиятини кўрсатдилар. Тажриба шуни кўрсатдики, энг катта қийинчиликлар талабалардан ўз нуқтаи назарини ишontiриш ва исботлаш учун ўз қобилиятларини намоиш этишни талаб қиладиган вазиятлардан келиб чиқади. Улар, айниқса, НГ да яққол намоён бўлди, бу эрда талабалар муаммоли вазиятларни қисман ҳал қила олдидлар, жамоада этакчини аниқлай олдидлар ва ўзларининг коммуникатив қобилиятларини намоиш этдилар.

Шундай қилиб, обрўйнинг касбий компоненти фаолият блоканинг юқори даражада шаклланишини ЭГ талабалари 3-курсда – 32,7%, 4-курсда – 37,4%, 3-курсда НГ талабалари – кўрсатдилар. 10,45%, 4-курсда – 11,2% (жадвалга қаранг).

Ушбу кўрсаткичлар бўлажак мутахассисларда обрўйнинг касбий қисмининг фаолият компонентини мақсадли ривожлантириш шарти билан уларнинг касбий фаолиятда обрўйни шакллантириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкинлигини кўрсатади. Буни талабалар томонидан БЎСМда педагогик амалиётни ўташ жараёнида мураббийнинг обрўйи асослари шаклланган бўйича яқуний назорат натижалари ҳам тасдиқлайди.

Касбий фаолият шароитида ЭГ талабалари обрўйли муносабатларни ўрнатиш масалаларида чуқур билим кўрсатдилар, бу болалар билан “умумий тил” ни тезда топишда, ёш спортчилар билан нафақат ўқув жараёнида фаол ишлашда, балки ундан ташқарида ҳам ўқувчиларнинг ахлоқий, кадрият, маданий асосларини шакллантириш бўйича уларнинг фаолияти йўналишида намоён бўлди.

Бу йўналишлар бўйича НГ талабалари мураббий фаолиятининг назарий ва амалий тайёргарлиги пастигини кўрсатди.

Хулоса. Олинган натижалар ЭГ талабалари ўртасида мураббий обрўйлари таркибий қисмларидан бири фаолият блокани шаклланиш даражаси сезиларли даражада ошганлигини таъкидлаш имконини беради. Бу нафақат уларнинг назарий материални чуқур билишида, обрўйнинг касбий, шахсий ва ижтимоий қисмларидан амалда фойдаланиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва далилларни келтира олиш қобилиятида, балки мураббийнинг обрўйи феномени ҳақида чуқурроқ ўрганишга қизиқишида ҳам намоён бўлди.

Адабиётлар:

- 1) Абдиев А.Н. Индивидуал дарсда тренер махоратининг асослари. //Монография, УзГИФК, 2000. – 169 б.
- 2) Андриади И.П. Авторитет учителя и процесс его становления: дис.... д-ра пед. Наук / И.П.Андриади. – М., 1997. – 391 с.
- 3) Корх А.Я. Тренер: Деятельность и личность: учеб. Пособие / А.Я.Корх. – М.: Терра-Спорт, 2000. – 120.
- 4) Кузьмина Н.В. Проблемы повышения профессионализма педагогов / Н.В.Кузьмина, А.А.Реан // Вопросы психологии. – 1989. - № 5. -С. 185-186.
- 5) Сластенин В.А. Педагогика: учеб. Пособие / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко. – 3-е изд. – М.: Школа-Пресс, 2002. – 512 с.
- 6) Турдиев Ф.К. Бокс тренерининг индивидуал дарс олиб бориш жараёнидаги махсус коникмаларини шакллантириш: Дис....канд.пед.наук. – Т., 2002. – 32 с.
- 7) Хозяинов Г.И. Акмеология физической культуры и спорта / Г.И.Хозяинов, Н.В.Кузьмина, Л.Е.Варфоломеева. – М.: Академия, 2005. – 208 с.

УДК: 796.83

ДИНАМИКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ СФОРМИРОВАННОСТИ ОСНОВ АВТОРИТЕТА ТРЕНЕРА У БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО БОКСУ

Валихан Анашов, Рустам Халмухамедов, Юрий Серебряков
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
ruc.dek.boks@mail.ru

Аннотация. В статье приведены результаты анализа проблем формирования деятельностного блока профессиональной составляющей репутации тренера юных спортсменов у будущих специалистов по боксу.

Ключевые слова: тренер, авторитет, профессиональная компетентность.

UDC: 796.83

DYNAMICS OF FORMATION OF YOUNG BOXERS COACH'S REPUTATION FUNDAMENTALS

Valixan Anashov, Rustam Xalmuxamedov, Yuriy Serebryakov
Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
ruc.dek.boks@mail.ru

Abstract. The article presents the results of the analysis of the problems of formation of the activity block of the professional component of the reputation of a coach of young athletes among future boxing specialists.

Key words: trainer, authority, professional competence.



УОЎК: 796.84

ЮЎҚОРИ МАЛАКАЛИ ТАЛАБА-БОКСЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚАОЛДИ ТАЙЎРГАРЛИКЛАРИ ЖАРАЎНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Валихан Анашов, Рустам Халмухамедов, Юрий Серебряков
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчик, Ўзбекистон
ruc.dek.boks@mail.ru

Аннотация. Мақолада асосий мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичида юқори малакали талаба-боксчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини оптималлаштириш модели ёритилган.

Калит сўзлар: бокс, машғулот, мусобақа, тайёргарлик, юклама, модель, режалаштириш.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Бокс – рақибларни яққаурашдаги вариатив ва конфликтли характери, юқори ҳиссий кучланиши ва спортчилар организмга таъсирининг хилма хиллиги билан – спортнинг энг мураккаб турларидан бири ҳисобланади [2;5 ва б.] Ўта юқори талаблар боксчининг психикасига, унинг жисмоний сифатларига, ахлоқий-иродавий ва техник-тактик тайёргарлигига кўйилади [1;3;5 ва б.].

Ушбу сифатларни ривожлантиришнинг анча катта даражада бўлиши, атлетларнинг тайёргарликларига ижобий таъсир кўрсатади, бу, беллашувнинг барча даврларида ченаравий тезкор зарбаларни бериш ва катта куч самараси билан бажаришга шароит яратади [4].

Бунинг тасдиғи сифатида, яхши атлетик ва функционал тайёргарликка эга бўлган, ўз вақтида энг кучли боксчилар бўлмиш Руфат Рискиев, Владимир Шин, Феликс Пак, Артур Григорян, Мухаммад-Қадир Абдуллаев ва бошқаларни, Ўзбекистон шарафини Халқаро аренада химоя қилган боксчиларнинг ёш авлоди бўлмиш Рустам Саидов, Бекзод Хидиров, Санжар Рахмонов, Ҳасанбой Дусматов, Фазлиддин Ғоипназаров, Баходир Жалолов, Муроджон Ахмадалиев, Шаҳобиддин Зоиров, Бобо-Усмон Батуров, Миразизбек Мирзахалилов ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқори малакали талаба-боксчилар контингентига мурожат қилиш, аввалам бор, амалий зарурат билан боғлиқ, у, бошланғич, ўрта ва юқори даражадаги спортчиларни тайёрлаш анча фарқ қилишидан иборат. Агар, биринчилар ва иккинчилари учун ўзининг амарадорлигини кўрсатиб бўлган машғулотларни тузишнинг анъанавий усуллари маҳоратнинг етарлича юқори даражасини таъминласа, учинчилари учун эса, зарур бўлган талабларга жавоб бермай қолади. Улар, кўпинча,

анча паст тоифадаги спортчилар учун қўлланиладиган принциплар билан қарама-қаршиликка киради ва спорт такомиллашуви жараёнини тормозловчи омилга айланади [8; 5].

Талабаларнинг жисмоний заҳираларини шакллантириш ва ривожлантириш қонуниятлари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги, ўқув-машғулот жараёнини коррекция қилиш учун ҳаракат амалларининг параметрларини назорат қилиш имконини берадиган тадқиқотларни ўтказиш заруратини чақиради.

Ушбу муаммонинг долзарблиги ва педагогик аҳамияти, уни назарий ва амалий ишлаб чиқиши даражасининг етарли эмаслиги тадқиқот мавзусини танлашни белгилаб берди.

Тадқиқотнинг мақсади – талаба-боксчиларнинг мусобақаолди тайёргарликлари жараёнини оптималлаштириш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – юқори малакали талаба-боксчиларнинг ўқув-машғулот жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – асосий мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичида юқори малакали талаба-боксчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини оптималлаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифаси: юқори малакали талаба-боксчиларни йилнинг асосий мусобақаларига бевосита тайёргарлик босқичидаги машғулот жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотларда қўйилган мақсад ва вазифадан келиб чиққан ҳолда, илмий тадқиқотларнинг қуйидаги усуллари қўлланилди: илмий-методик адабиётларнинг назарий таҳлили ва умумлаштирилиши, педагогик кузатишлар, педагогик тестлаш, математик статистика усуллари. Тадқиқотларда юқори малакали 22 нафар боксчилар иштирок этишди. Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини баҳолаш учун ҳар бирида 11 нафардан юқори малакали талаба-боксчилар бўлган тажриба ва назорат гуруҳлари ташкил қилинди.

Машғулот жараёнини тузишни оптималлаштириш муаммоси мутахассисларни ҳар доим ҳам қизиқтирган ва амалиётда у ёки бу муваффақият билан ечилган. Ҳозирги вақтда, спорт соҳасида жуда катта тажрибавий материал йиғилган, амалий тажриба эса кенг миқёсда умумлаштирилган пайтда, ушбу муаммони ишлаб чиқишнинг янги имкониятлари пайдо бўлди.

Машғулот жараёнини мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичида ташкил қилишда, унинг доирасида зарурий юклама ҳажмини рационал жойлаштириш имконияти туғилади, бу, микроциклларни тузишга бир қатор талабларни қўяди. Шунини айтиш лозимки, нафақат тикланиш учун зарурий шароит пайтида, балки янги микроциклнинг бошланишида махсус ишчанлик қобилияти даражасини оширишда машғулот вазифаларини мажмуавий ечишни назарда тутадиган микроциклларни тузишнинг барча анъанавий схемалари ушбу талабларни қондирмайди. Шунинг учун, катта юклама ҳажмига ва шу вақтнинг ўзиде бир хил йўналганликка эга микроциклларни тузишнинг янги шакллари аниқлаш ва топиш керак. Лекин, бир қатор муаллифларнинг тадқиқотларида (1; 3; 5 ва б.) катта ҳажмдаги бир хил йўналганликка эга юкламалар, машғулот дастурларини бажаришни таъминлайдиган жисмоний сифатлар ва қобилиятларни бостирилишига кўмаклашиши кўрсатилган. Агар, катталиги ва йўналганлиги ҳар хил бўлган юкламалар билан ва уларга мос келадиган тикланиш жараёнларининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда, юкломани машғулотларни рационал уйғунлаштириш асосида берилса, юқоридаги фактдан қочиб қутилса бўлади. Бунда, организм юкламаларнинг ҳар бир турига специфик реакцияларни табақалаштириш ва бир вақтнинг ўзиде тўплаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун, микроциклни тузишнинг бундай шакли катта ҳажмдаги юкламаларни реализация қилишга имконият яратади, лекин тезкор қобилиятларда, аэроб ва анаэроб иш унумдорлигида ёрқин ифодаланган ўсишни кутиш керак эмас.

Юқори малакали талаба-боксчилар тўғрисида бундай тадқиқотлар мавжуд адабиётларда учрамади.

Ўқитиш ва машғулот орқали таъсирларни ташкил қилиш жараёнининг мазмунининг адекватлигини ташкилий-педагогик асослашни технологик амалга ошириш, мазмунни структуралаштириш ва динамик коррекцияни мантиқан таъминловчи спортчининг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини шакллантиришни аниқлаш ва баҳолашни назарий ишлаб чиқилган модели ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Спорт тайёргарлиги натижаларини оптимал режалаштириш, спортчининг мақсадга эришишини кафолатлайдиган жисмоний тайёргарлиги даражасини кейинчалик тавсифлайдиган, параметрларнинг катта бирлигини кўрсатадиган модели тавсифларни микдорий моделлаштиришдан келиб чиқади.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, биз, спорт тайёргарлиги жараёнининг динамикасини таъминлайдиган шароитлар билан мос равишда боксчиларнинг спорт фаолиятлари турларини маълум бир структурали схемада режалаштирдик.

Педагогик тажрибанинг бошида, биз, “Талаба-боксчиларнинг машғулот воситаларини асосий мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичида тақсимлаш” деб номланган махсус дастурни (моделни) ишлаб чиқдик. Ушбу модел, юкламанинг машғулот йўналганлиги параметрлари бўйича Тошкент шаҳри боксчилари учун қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Бокс федерацияси томонидан тасдиқланган моделдан анча фарқ қилади.

Машғулот юкласини тавсифлайдиган барча параметрлар бўйича, биз таклиф қилган тажриба гуруҳи боксчиларини (ТГ) тайёрлаш модели, бажариладиган жисмоний машқлар хажмининг бир хилдалиги (5040,0 мин) пайтида, назорат гуруҳи (НГ) боксчилари учун тайёрланган моделдан анча даражада фарқ қилади. УЖТ воситалари ТГ 2170,0 минутни ташкил қилди, НГ эса – ушбу катталиқ анча юқори бўлди (3113,0 мин). Фоизлардаги нисбатда, бу, мос равишда 43,05% ва 2,6% ни ташкил қилди. МЖТ воситаларини қўллаш хажми эса, ТГ да НГ даги боксчиларникига қараганда анча катта бўлди (2870,0 мин ва 1927,0 мин). Уларнинг фоизлардаги нисбати 62,6% ва 56,95% кўринишида бўлди. ТГ боксчилари юкламанинг катта қисмини НГ спортчиларига нисбатан жадалликнинг 2-зонасида бажаришди, яъни ЮҚЧ 176 зарба/минутга қадар. НГ боксчилари снарядларда ва лапаларда ишлашга ва жадаллиги 176 зарба/минутдан ортиқ бўлган машғулотларга анча кўп вақт сарфлашди.

Мусобақаолди босқичида жадалликнинг 3-зонасидаги машғулот юкламасининг хажми, қоидага кўра, Р.Д.Халмухамедовнинг (2009) айтишига қараганда ҳам жисмонан ва ҳам психик ўта толиқишга олиб келади. Бундан ташқари, муаллифнинг фикрига кўра, юқори жадалликдаги катта хажмли юкламалардан юзага келадиган прогресс қилувчи толиқиш, зарбаларнинг тезкорлиги ва аниқлиги кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

ТГ боксчиларини асосий мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичининг барча даврларидаги катта юкламалар, машғулот қилган спортчи организмни, қўшимча адаптацион сакрашни чақиришга қобилиятли, стресс ҳолатига қадар етказишга интилиш билан белгиланади. Ушбу вазифани анча муваффақиятли ечишга кўмаклашадиган омил бўлиб, спортчи организмнинг функционал тизимларига қўшимча талабларни қўядиган жанговар амалиёт — 88 мин, снарядлар ва лапалар — 865,1 мин, техник маҳоратни такомиллаштириш — 726,8 мин хизмат қилади.

Юқори малакали талаба боксчиларни асосий мусобақаларга мусобақаолди тайёргарликларини биз таклиф қилган модели, спортчи имкониятларини максимал реализация қилиш имконини беради. ТГ боксчиларини ушбу тайёргарлик босқичини А, В, С блок остиларга бўлиш ва ҳар бир машғулотда домий равишда куч, тезкорлик ва тезкор-куч кўрсаткичларини ошириш, вегетатив характердаги адаптация омили билан устивор белгиланади. Катта микдордаги машқларни ўртача суръат билан бажариш, жисмоний сифатларнинг ўсишига кўмаклашадиган алмашинув жараёнларини яхшилайти. Бунда, микроциклларнинг йўналганлиги, қоидага кўра, ривожлантирувчи характерга эга бўлади.

Хулоса. Машғулот юкламаларини янги шуғулланаётган боксчидан тортиб, то спорт устасининг ҳаракат тизимларига педагогик таъсирини татқиқ қилишга уринишлар, кўп йиллик спорт тайёргарлигининг умумий тушунишга ҳозирча етарлича аниқлик киритмади, лекин мазкур муаммони ечишда маълум бир ориентирлар белгиланган. Шу туфайли, фазода, юқори даражадаги тайёргарликка эга спортчи-талабаларнинг алоҳида тоифасига йўналтирилган, таклиф қилинган моделни амалга ошириш тўғрисидаги илмий билимларнинг пайдо бўлиши жуда ўз вақтидадир.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Агашин Ф.К. Применение биомеханических станков в тренировке боксеров / Ф.К.Агашин, М.Ф.Агашин // Бокс. Ежегодник. – М.: Физкультура и спорт, 1991.-С. 49-50.
- 2) Гаськов А.В. Теоретические аспекты построения спортивной тренировки в единоборствах / А.В.Гаськов, В.А.Кузьмин. – Красноярск: Изд-во Краснояр. Гос. Ун-т, 2003. — 111 с.
- 3) Мансур Хамда. Индивидуализация общей и специальной силовой подготовки боксеров высокой квалификации на предсоревновательном этапе: автореф. Дис.... канд.пед.наук. – М., 2009. – 23 с.
- 4) Мокеев Г.И. Теоретико-методологическое обоснование предсоревновательной подготовки спортсменов в структуре долговременного тренировочного цикла / Г.И.Мокеев, А.Г.Ширяев // Физическая культура в системе образования: сб. ст. 5-й Науч.-практ. Конф. – Красноярск: Изд-во Краснояр. Гос. Ун-та, 2012. – С. 63-70.
- 5) Стрельников В.А. Циклическая структура и планирование тренировочного процесса в боксе / В.А.Стрельников, А.Г.Самаринов. – Улан-Удэ: Изд-во БГУ, 2007. – 132 с.
- 6) Никифоров Ю.Б. Особенности современного бокса и тенденции его развития / Ю.Б.Никифоров // Бокс: ежегодник. – М.: Физкультура и спорт, 1994. – С. 10-13.
- 7) Филимонов В.И. Бокс. Спортивно-техническая и физическая подготовка / В.И.Филимонов. – М.: ИНСАН, 2010. – 432 с.
- 9) Халмухамедов Р.Д. Технология оптимизации учебно-тренировочного процесса единоборцев /Р.Д.Халмухамедов. – Т., 2009. – 158 с.

УДК: 796.84

ПУТИ ОПТИМИЗАЦИИ ПРОЦЕССА ПРЕДСОРЕВНОВАТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СТУДЕНТОВ-БОКСЕРОВ

Валихан Анашов, Рустам Халмухамедов, Юрий Серебряков
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Ўзбекистон
ruc.dek.boks@mail.ru

Аннотация. В статье приведена разработанная модель оптимизации тренировочного процесса студентов-боксеров высокой квалификации на этапе непосредственной подготовки к основным соревнованиям.

Ключевые слова: бокс, тренировка, соревнование, нагрузка, модель, планирование.

UDC: 796.84

WAYS TO OPTIMIZE THE PROCESS OF PRE-COMPETITIVE TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED STUDENTS-BOXERS

Valixan Anashov, Rustam Xalmuxamedov, Yuriy Serebryakov
Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
ruc.dek.boks@mail.ru

Abstract. The article presents the developed model for optimizing the training process of highly qualified boxing students at the stage of direct preparation for the main competitions.

Key words: boxing, training, preparation, load, model, planning.



УОЎК: 796.82.86

ЮЎҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ АНИЎҚЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲАРАКАТ КООРДИНАЦИЯСИНИ БАҲОЛАШ

Аскар Артиков
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон
artiqov.80@mail.ru

Аннотация. Ишда ҳаракат координацияси малакали футболчиларининг техник ҳаракатларни бажаришига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Ҳаракат координациясини техник ҳаракатларни самарали таъсир этишга оид фикрлар берилиб, уларни баҳолаш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: аниқлик ҳаракатлари, техник ҳаракатлари, мусобақа фаолият, ҳаракат координацияси.

Долзарблиги. Замонавий футболда ўйин шиддати ошиб бормоқда, бу эса футболчидан, биринчи навбатда, қутилмаган ўзгарувчан муҳитда, вақт ва майдонни чегараларида техник ва тактик ҳаракатларни тез ва самарали бажариш қобилиятини талаб қилади. С.В.Голомазов [1] фикрича, бу аниқлик кўрсаткичлари бўлиб, улар ҳаракат фаолиятларининг самарадорлиги мезонларини топиш энг муҳим, аммо айна пайтда энг қийин ҳисобланади.

Сўнгги йилларда инсон ҳаракат фаолиятларининг аниқлигини ўрганиш учун кўплаб тадқиқотлар ўтказилди. Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг адабий манбаларини таҳлил қилишдан кўриниб турибдики, ҳаракатларнинг самарадорлиги турли хил ҳиссий тизимларнинг устун ишлаши билан белгиланадиган ҳолатлар учун турли хил ташқи таъсирлар остида аниқлик ўзгаришини тавсифловчи аналитик боғлиқликлар кенг ўрганилган.

Баъзи асарларда аниқ ҳаракатларни бажариш қобилияти ирсият нуқтаи назаридан, восита вазифасининг табиати, ҳаракат аппарати ривожланишининг индивидуал хусусиятлари нуқтаи назаридан инсоннинг ўзига хос хусусияти сифатида қаралди. Функционал йўналиш, ихтисослашув ва танадаги биомеханик силжишлар табиати нуқтаи назаридан ташқи жисмоний фаолият таъсирига алоҳида эътибор бериладиган тадқиқотлар мавжуд.

Турли хил ташқи таъсирлар остида аниқ ҳаракатларни ташкил этиш ва қуришнинг асосий нақшларини аниқлашга имкон берадиган биомеханик тадқиқотлар билан боғлиқ ишларни таъкидлаш керак [1, 4, 5]. Машғулотларда ва мусобақаларда дарвозага зарбалар аниқлигини белгилувчи омиллар ўрганилди, футболчиларнинг техник маҳоратини назорат қилишнинг назарий

асослари ва усуллари ишлаб чиқилди [3]. Махсус вазифаларда футболчиларнинг ажойиб ҳаракатларининг аниқлигини ошириш усуллари ва футболчиларнинг ҳаракат фаолиятининг фазовий-вақтинчалик хусусиятлари ўрганилади.

Бироқ, ташқи визуал бошқарув сигнали шароитида футболчининг ҳаракатланишда қарорларни қабул қилиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда техниканинг мақсадли аниқлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳозирда етарли даражада ўрганилмаган. Ҳаракат координацияси фазилатлари даражаси ва уларнинг техникаларнинг мақсадли аниқлигига таъсири ўртасидаги боғлиқлик етарлича ўрганилмаган.

Маълумки, спортчининг вертикал барқарорлигини сифат ва миқдорий баҳолаш мураккаб мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб қиладиган спорт турларида, хусусан футболда жуда муҳимдир [4]. Шунинг учун восита ва мувофиқлаштириш фазилатларини ўрганиш футболчиларнинг техник техникасининг мақсадли аниқлигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан биридир.

Ишининг мақсади – юқори малакали футболчиларнинг техник техникасининг мақсадли аниқлигига таъсир қилувчи ҳаракат координациясини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари: ушбу тестда статик вертикал барқарорликни баҳолаш биологик “Стабилитан 01-2” (ОКБ “ритм”) ва “Стабмед 2.0” дастури (таҳлил қилиш учун) билан “Стабилоанализер” ёрдамида амалга оширилди [2]. Стабилометриқ ўрганиш учун футболчи вертикал равишда тик турган стабиллоплатформага жойлаштирилди, икки оёғи, қўллари танаси бўйлаб эркин, боши текис, олдига қараб. Стабилографик кўрсаткичлар учта намунада юклашдан олдин ва кейин “толерантлик назорати” тести давомида анализатор ёрдамида қайд этилди: очик кўзлар (ОК); юмук кўзлар (ЮК); тескари алоқа тести “нишон” (Н).

Тадқиқотни ташкил етиш ва предметларнинг хусусиятлари. Ўзбекистон у-21 терма жамоасининг 2021 йилги ўқув-машғулот йиғинлари давомида 25 нафар футболчиси изланишда иштирок этди.

Тадқиқот натижаларини муҳокамақилиш. Футбол юқори даражада координация спорт тури, шунинг учун спортчининг вертикал барқарорликни сақлаш қобилиятининг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш жуда муҳимдир. Вертикал барқарорликни сақлаш қобилияти мувозанат функциясининг (ҚСФ) сифатини тавсифлайди, бу фоиз сифатида ифодаланади (максимал қиймат 100%)

Синов шартларига кўра, футболчи кўзларини очик ҳолда тик турган ҳолда тик туриши керак эди (ўқ). Бундай ҳолда, афферент маълумотларнинг барча каналлари (визуал, вестибуляр, проприосептив) ички тескари алоқа туфайли биологик қонунларига мувофиқ ишлайди.

Футболчиларда ОК билан ҚСФ нинг ўртача қийматлари 91,3% ни ташкил қилади. ОК билан ҚСФ кўра, футболчилар шартли равишда 3 гуруҳга бўлинган:

Биринчи гуруҳга 9 та футболчи киритилган бўлиб, улар ўртача даражадан паст вертикал барқарорлик кўрсаткичлари билан сўралганларнинг умумий сонининг 36 фоизини ташкил етган (80% дан 90% гача).

Иккинчи гуруҳ вертикал барқарорликнинг ўртача кўрсаткичлари (8% дан 32% гача) бўлган 91 спортчидан (95%) иборат бўлди.

Учинчи гуруҳ бу кўрсаткич бўйича юқори савияга ега бўлган 8 нафар футболчидан (32%) иборат бўлди (95% дан ортик).

ЮК билан ҚСФ таҳлили шуни кўрсатдики, ўртача натижа 85,4% ни ташкил этди. Шу билан бирга, максимал қиймат 95% ва минимал қиймат 68%. Бу кўрсаткичга кўра футболчилар ҳам 3 гуруҳга бўлинди:

1) 68% дан 85% гача бўлган қийматлар ўзгариши билан гуруҳ. Ушбу намуна паст даражадаги ҚСФ кўрсаткичлари бўлган гуруҳ сифатида тавсифланган. 12 (48%) футболчидан иборат эди.

2) гуруҳ ўртача ҚСФ билан футболчилар иборат 86% учун 90%. Унга 6 (24%) футболчи киритилган.

3) гуруҳ иборат 7 (28%) устидан юқори ҚСФ қиймати билан футболчилар 90%.

Текширилган гуруҳдаги спортчиларнинг 48% натижаларга эга стабилографик текширув қониқарсиз даражани кўрсатди реакцияларни мувозанатлаш учун компенсациядир. Хусусан, стабилометриқ кўрсаткичларнинг пасайтирилган қийматлари аниқланди ва визуал анализаторнинг статик мувозанатни сақлашдаги катта ҳиссаси қайд этилди, бу координацияни қўллаб-қувватлашнинг паст асосий даражасидан далолат беради. Ушбу футболчиларга машғулот жараёнида мувозанат реакцияларини яхшилаш учун қўшимча усулларни киритиш бўйича тавсиялар берилди.

Вектрограм (ВВП) нинг нормаллаштирилган майдонининг ўртача чизиқли тезликка боғлиқлиги аниқланди: футболчиларнинг НИП кўрсаткичи қанча юқори бўлса, чизиқли тезлик қиймати шунча юқори бўлади.

Ўтказилган синов футболчилар танасининг мувозанатини сақлашни таъминлайдиган функционал тизимларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлигини кўрсатади. Таянч соҳаси кўрсаткичларини таҳлил қилиш футболчининг барқарорлик даражасини тавсифлайди. Футболчининг кўллаб-қувватлаш майдонининг ишчи юзаси кўрсаткичларининг тарқалиши қанчалик кичик бўлса, унинг барқарорлиги шунчалик юқори бўлади. Худуднинг кўпайиши барқарорликнинг ёмонлашишини кўрсатади. Ушбу қийматларнинг барчаси ҚСФни тавсифлайди ва умумий масса маркази (УММ) тебранишларининг ўртача умумий ўзгаришини аниқлайди.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Голомазов С., Чирва Б. Футбол. Основы и организация тренировки точности технических приемов. – М., 2013. – 51 с.
- 2) Малахов, М. В. Функциональная стабильнографическая диагностика в спорте высших достижений / М. В. Малахов с соавтор. //Инженерный вестник Дона. – 2012. – Т. 23. – № 4 – 2. – С. 25-28.
- 3) Смирнов А.А. Техническая подготовка юных футболистов на основе направленного развития функции вестибулярного анализатора: автореф. Дис. . канд. Пед. Наук / Смирнов Александр Александрович; ГДОИФК им. П.Ф. Лесгафта. Л, 1988. — 22 с.
- 4) Шестаков М.П. Особенности тестирования координационных способностей футболистов. Известия ЮФУ. Технические науки. С. 145-148.
- 5) Полевщиков М.М., Роженцов В.В., Палагина Н.И. Методика оценки точности двигательных действий спортсмена игровых видов спорта. // Современные наукоемкие технологии. – 2016. – № 2-2. – С. 363-367.

УДК.796.82.86

**ОЦЕНКА КООРДИНАЦИИ ДВИЖЕНИЙ, ВЛИЯЮЩИХ НА ТОЧНОСТЬ
ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ИГРОКОВ**

Аскар Артиков

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
artiqov.80@mail.ru*

Аннотация. В работе представлена информация о влиянии координации движений на выполнение технических действий квалифицированными игроками. В координатах движения даны точки, касающиеся эффективного влияния технических действий, и указаны способы их оценки.

Ключевые слова: точность движений, технические движения, соревновательная деятельность, координация движений.

UDC:796.82.86

**ASSESSMENT OF COORDINATION OF MOVEMENTS AFFECTING THE
ACCURACY OF HIGHLY SKILLED PLAYERS**

Askar Artikov

*Uzbek State University of Physical Education and Sports
Chirchik, Uzbekistan
artiqov.80@mail.ru*

Abstract. The paper presents information on the influence of movement coordination on the performance of technical actions by qualified players. In the coordinates of the movement, the points concerning the effective impact of technical actions are given, and the methods of their assessment are indicated.

Keywords: precision of movements, technical movements, competitive activity, coordination of movements.



SPECIFIC FEATURES OF IMPROVING THE TECHNIQUE OF PLAYING IN FRONT OF THE NET IN TENNIS

Nafisa Axmedova, Abdullo Azamatov, Nigora Azamatova
*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchik, Uzbekistan*

Annotation. In this article, we have reviewed a complete overview of the ways in which tennis players can improve their technique of playing in front of the net. The most effective exercises were used in it.

Key words. Improvement, physical training, vestibular stability, efficiency.

Introduction. The main technical methods when playing near the net are blows from the summer. Exits to the grid, as a rule, are the completion of the attacking combination, but the main difficulties in performing the strike itself are related to its preparation. And the reason for this is the lack of time. The experiments showed that the time for preparation available to a tennis player who has taken a position at the net is not more than 0.1 seconds. The time limit largely determines the fundamental parameters of the shock technique. First of all, this is the widespread use of a universal grip for punches on the right and left. For the technique of performing strikes from the summer, the height of the point of impact is also of great importance.

Purpose and objectives. With an unsuccessful, high and not very quick response from an opponent, a tennis player who goes to the net can afford a rational, for this case, swing for a powerful final blow. But the tennis player on the back line is also forced to attack with a sweeping stroke. In this case, the netter needs to prepare to meet the ball at a mid or low point. At a mid-height point above the net, you can usually use a powerful flat kick. In this case, for an effective response, the flight speed of the ball bypassing the stroke will help. It is necessary to direct him to an unprotected area of the opponent's court, using a rigid structure (dynamics of movement on the ball, body, arm, hand) of a blocking blow. Swing in this case, can lead to loss of time, more difficult removal of the racket on the ball, a failure in the entire coordination chain. The most difficult are the strikes from the flight at a low point. The art of playing with flying in a low point is the ability not to raise the ball high.

Research methods and organization. Physical training. Due to the fact that strikes from the grid from the summer are carried out mainly in forward movement, and often in the jump and without swing, it is necessary to learn how to use the energy of run and jump. To do this, you need to be able to transfer, in an unsupported position, the center of gravity upon impact, and with it the energy enclosed in the moving body, onto the ball. In addition to the typical tennis exercises used by tennis players to develop sprint speed, jerk power in different directions, jump agility and vestibular stability, gymnastic and acrobatic exercises were added to the basis of the experimental complex of special physical training for improving the game from the summer. 1. Exercises on the bar. Swinging. Rocking followed by a range jump. 2. Exercises on the rings. Swinging. Rocking followed by a range jump. 3. The same exercises on parallel bars. 4. Flip-flops on the mat forward through the head. 5. Jumping with a running start on hands followed by somersault over the head. These exercises, if possible on the conditions, it is advisable to use three times a week, for half an hour.

The findings of the study and their discussion. Technical training. The technique, bearing in mind the movement pattern is not complicated. But this blow is used, as a rule, in extreme situations. To improve the technique of blows when playing near the net, exercises are needed that improve the skill in difficult competitive situations. When working with these exercises, I mean improving the polysyllabic tennis reaction. Reactions are divided into simple and complex. The start-up athlete's reaction is an example of a simple reaction. The athlete knows exactly in advance which of the signals will follow and what exactly his response should be. In tennis, and in many sports games, everything is much more complicated. How the opponent will play, where and how he will direct the ball – each time it is a mystery that you need to not only solve, but also to respond to as quickly as possible. An opponent can try to circle a tennis player near the net by a direct kick along the side line, an oblique kick, a candle or, in rare cases, direct the ball to his legs – short to the middle of the net. Therefore, the reaction of a tennis player at the net is called a three-compound or four-compound. It is her and must first be developed. Otherwise, the tennis player is in serious danger. Prominent experts, with extensive experience, warned: “exercises with a monosyllabic and two-syllable response, for example: playing from the summer at the net against each other only in a predetermined direction; or actions of the reticulum, when using only low direct or oblique encircling strokes against it while completely ignoring the candles, they can, with frequent and prolonged use, blunt the three compound and four-compound reactions necessary for the netter”.

Conclusion. Thus, the whole variety of forms and the necessary specific physical, psychological and technical components of the game at the grid is improved only in the process of a competitive meeting. And as our studies have shown, most tennis players avoid access to the net. In general, all this explains the small volume of unstable and ineffective games in the net of the leading young tennis players of Uzbekistan. To remedy the situation, along with the traditional methods of improving the game at the net, described in numerous tennis manuals, one can recommend an exercise that would significantly increase the volume of competitive practice of playing at the net. The essence of the main training exercise, a multicomponent methodological scheme for improving the game near the grid, consists of a game with a competitive score with a special task.

Bibliography:

- 1) Ахмедова Н.И., Азаматов А.И., Азаматова Н.И. “Ўзбекистон ва жаҳон ракетка усталарининг токио-2020 XXXII ёзги олимпия ўйинларида иштироки натижалари ва педагогик таҳлили” Fan-Sportga №6 2021.
- 2) Akhmedova N.I., Lutfullina R.A., Azamatov A.I., Azamatova N.I. Method of improving the technique of playing in tennis in front of the net. // Eurasian journal of academic research Innovative Academy Research Support Center UIF. 06.06.2022. Page 514-543.
- 3) Нигора Азаматова Исаходжаевна, Нафиса Ахмедова Исаходжаевна, Абдулло Азаматов Исахўжа ўғли, Румия Лутфуллина Анваровна. “Ўзбекистон терма жамоаси теннисчиларининг олимпия ўйинларида натижа динамикаси ва спорт формаси таҳлили”. “Science and Education”. 16.05.2022й. 1379-1382 бетлар.
- 4) Nigora Azamatova Isaxodjayevna, Nafisa Axmedova Isaxodjayevna, Abdullo Azamatov Isaxo'ja o'g'li, Rumiya Lutfullina Anvarovna. “Agreed rules, disciplinary procedures, sanctions and other forms of combat against doping in sport”. “Science and Education”. 16.05.2022. 1800-1806.
- 5) Ахмедова Н.И. Азаматов А.И., Пулатов Ш.А. Ёш теннисчиларда тана мувозанати турфунглигининг ҳаракатланаётган объектга реакция аниқлигининг намоён этишдаги роли // Academic Research In Educational Sciences Volume 1|ISSUE | 2020 ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. 20.12.2020.

УДК: 796

ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕХНИКИ ИГРЫ ПЕРЕД СЕТКОЙ В ТЕННИСЕ

Нафиса Ахмедова, Абдулло Азаматов, Нигора Азаматова
Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан

Аннотация. В этой статье мы рассмотрели полный обзор способов, с помощью которых теннисисты могут улучшить свою технику игры перед сеткой. В нем были использованы самые эффективные упражнения.

Ключевые слова: совершенствования, физическая подготовка, вестибулярная устойчивость, эффективность.



УОК: 796.07

14-16 Ёшли ГАНДБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Парахат Базарбаев
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти
Нукус, Ўзбекистон
paraxat.bazaryavev86@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада 14-16 ёшли гандболчиларнинг жисмоний тайёргарлик жараёнини ташкил қилиш асослари ёритилган.

Калит сўзлар: гандбол, жисмоний тайёргарлик, машғулот жараёнлари, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик.

Долзарблиги. Бугунги кунда гандбол спорт турининг ҳозирги ҳолати жамоавий рақобатнинг кескин кучайиши билан ажралиб туради. Яъни, ғалабага эришиш учун гандболчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг янада мукамал воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ёш спортчиларни узак муддатли тайёрлашнинг услубий асослари таълим жараёнини такомиллаштириш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу

вазият спорт машғулотларини режалаштириш ва ташкиллаштириш усуллари бўйича амалий тадқиқотларни талаб қилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: 14-16 ёшли гандболчиларнинг жисмоний тайёргарлик жараёнини ташкил қилиш асосларини илмий-назарий таҳлил қилиш.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. 14-16 ёшли гандболчилар жисмоний тайёргарлигини кураш машқлари орқали ривожлантириш замонавий спорт тренировкаси амалиётида спортчининг энг муҳим жисмоний фазилатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки куч маълум даражада ўйинчининг майдонда ҳаракатланиш тезлигини, юқорига сакрашнинг баландлиги даражасини белгилайди. Куч ўз характериға кўра: мутлақ куч, нисбий куч, “портловчи” ва “стартга оид” бўлиши мумкин. Кучни ривожлантирувчи машқлар жуда кўп бўлиб булардан бири шерикла қарама қарши ҳолатда жойлашиб бир-бирларини ўнг қўлларини ушлаб бошловчининг ишорасидан кейин шериклар бир-бирин ўзининг тамонига қараб тортишишни бошлашадилар белгиланган вақт ичида ва шериклар қўлларни алмаштиришади.

Спорт машғулотларида мушаклар ўз узунлигини ўзгартирмасдан (статик, изометрик) ва қисқарган ҳолда (устун келадиган режим) куч кўрсатади.

Мушаклар чўзилганда устун келадиган ва тўсиқсиз режимлар биргалашиб “динамик режим” тушунчасини ҳосил қилади. Кучни тарбиялаш жараёнида куч қобилятларининг барча турларини ривожлантириш керак. Портиловчи кучни ривожлантирувчи машқлар жуда кўп бўлиб булардан бири тўлдирма тўпни бош орқасидан, юқоридан кўкрак олдидан, пастдан, оёқлар орасидан тезликта улоқтириш белгиланган вақтда ёки белгиланган бажариш суратида бажариш.

Кучни оғирликлардан фойдаланиш характери бўйича ривожлантиришга қаратилган машқларни икки гуруҳға бўлиш мумкин: ташқи оғирланиш ёки қаршиланиш ва ўз оғирлиги ёки баданнинг қисман оғирлиги орқали бажариладиган машқлар.

Машқларнинг биринчи гуруҳи гандболчининг мушаклари ривожланиши учун катта имконият яратади. Юк кўтариш ва қаршилиқлардан (гантеллар, ядролар, тўлдирма тўплар, оғир тошлар, штанга, рақибнинг оғирлиги ёки қаршилигини энгиш, эспандерлар ва ҳоказо) кенг қўламда фойдаланиш ва уларнинг турли-туманлиги тренировка юкланмасининг ҳажмини белгилаб беришга шароит яратади. Бундай керакли машқлар мушаклар гуруҳининг ривожланишиға қаратилган бўлиб, у спортчини тезда катта кучланишлардан тўлиқ бўшашиш қобилятиға ўргатишға ёрдам беради. Шу билан биргалиқда шериги томонидан кўрсатиладиган ҳар хил қаршилиқлар орқали бажариладиган машқлар спортчилардан катта ирода кучини талаб қилади. Негаки улар фақат кучдагина мусобақалашиб қолмасдан, шу кучдан олий даражада самарали фойдалана олишда ҳам баҳшлашадилар.

Иккинчи гуруҳға кирадиган машқлар бу-снарядда бажариладиган гимнастик машқлар, арқонға чиқиш, ўз вазнини куч билан кўтариш, ўтириш-туришлар, оёқ тиззаларини ярим буккан ҳолатда юриш ва ҳоказолар ҳисобланади. Ўз оғирлигиға қаршилиқ кўрсатиш орқали бажариладиган машқлар ўйинчилар учун аста-секин бажаришдан тез бажаришға, оддийдан мураккабға ўтиш усулида берилади. Бу машқларни бажаришда мушак гуруҳлари ишға қанчалик кам жалб қилинган бўлса, баданнинг силжиш йўли қанчалик қисқа бўлса ва баданнинг камроқ қисми оғирлик бўлиб қаршиланса, уларни шунчалик кўпроқ такрорлаш лозим.

14-16 ёшли гандболчиларнинг умумий жисмоний тайёргарликни баҳолаш:

30 метр масофаға югуриш: Баланд стартдан бажарилади. Секундомер ўйинчининг биринчи ҳаракатидан ёқилади. Финиш умумий қўлланиладиган қоидаға биноан қайд этилади.

Жойидан туриб узунликка сакраш: Сакраш икки оёқ билан депсиниб бажарилади. Масофани аниқ тўғрилиқда аниқлаш учун оёқ товон қисмининг орқа томони бўр билан бўялиб қўйилади. Сакрагандан сўнг ерда (полда) қайд этилган белги билан масофа ўлчанади.

Жойидан уч ҳатлаб сакраш: Белгиланган чизикдан икки оёқда депсиниб биринчи сакраш бажарилади ва бир оёққа тушиб, сўнг тушган бир оёқда депсиниб, иккинчи сакраш бажарилади ва шу оёқдан депсиниб учинчи сакраш бажаралиб икки оёққа тушилади.

Жойида туриб узоққа тўп (вазни 1 кг ёки аёллар қўл тўпи) улоқтириш:

5 метрли кенгликдаги коридордан узоққа жойидан туриб ўнг ва чап қўлларда бажарилади. Ўтирган ҳолатда узоққа тўп (вазни 1 кг ёки аёллар қўл тўпи) улоқтириш. Девор қаршисида оёқларни олдинға узатиб ўтирган дастлабки ҳолатда икки қўл бош ортиға тўғри чўзилган ҳолатда бажарилади.

100 м масофаға моксишон югуриш: Майдоннинг юза чизиги ўртасидан ўйинчи 6 метрли чизиккача тезланиб югуриб, сўнг яна 9 метрли чизикка бориб қайтади, сўнг 20 метрли майдон марказидаги чизикка бориб қайтади, сўнг яна 9 ва 6 метрли чизикка бориб қайтади. Машқ бажарилганини ҳисоблаш учун спортчи албатта оёқларини ушбу чизикларға текказиб қайтиши шарт.

Купер тести: Стадион бўйлаб 12 дақиқа югуриш лозим. Ушбу вақтда югуриб ўтилган масофа ҳисобга олинади.

14-16 ёшли гандболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолаш:

Тўпни мўлжалга тўғри отиш: Дарвоза ўртасидан 6 метрли масофадан дарвоза бурчакларига 40x40 сантиметрли мўлжал (нишон) ўрнатилади ва ушбу мўлжалга гандболчилар таянган ҳолда 12 марта (6 марта бир бурчакка ва 6 марта иккинчи бурчакка) тўп отишни бажарадилар (бажариш вақти 2 дақиқа).

Маълум нишонга (деворга) тўп узатиш: 3 м оралиқ масофадаги деворга 2 м баландликда диаметри 30 см бўлган нишонга 30 сония ичида бир қўллаб тўп узатилади ва девордан қайтган тўпни икки қўллаб илиб олинади. 30 м масофага тўпни ерга уриб устунни айланиб қайтиш. Старт чизиғига қарама-қарши 7,5 метрга гимнастика ўриндиғи кўндаланг қўйилади, 15 метрли масофага эса тўпни ерга уриб югуриб гимнастика ўриндиғидан сакраб ўтиб, старт олган жойга қайтиб келинади. Машқ галма-гал ўнг ва чап қўлда бажарилади (устунчани айланиб ўтишда тўп устундан йироқдаги қўлда бўлиш керак).

Ўнг ва чап қўлларда тўпни улоқтириш: Ўнг ва чап қўлларда улоқтирилган масофа натижасидаги фарқ нисбатан % аниқланади. Кучли қўл натижаси кучсиз қўл натижасига бўлиниб, 100 га кўпайтирилади. 30 м югуриш ва 30 м тўпни ерга уриб олиб юриш натижалари-даги фарқ орқали тезликдаги чаққонлик аниқланади. Бунинг учун 30 м югуриш натижасини ўнг қўл билан ерга уриб олиб юриш натижасига бўлиб, 100 га кўпайтирилади.

Майдон ўйишчилари учун комплекс машқлар (масофа – 88-90 м): Ҳар иккала дарвоза майдонида 6 ва 9 метрли чизиққа бир қатор қилиб 2 устунча қўйилади. Дастлабки ҳолатда 6-м чизиқда турган ўйинчи 2 устунчани уч марта айланиб ўтади: 9 метргача олди билан тез югуриб 6 метрга орқа билан қайтади. Сўнг қарама-қарши дарвоза майдонига югуриб, устунлар ёнида ушбу машқни қайтаради, сўнг 6 м чизиқда ётган тўпни олиб, қарама-қарши 9 метрли чизиққа келиб, сакраб дарвозага тўп отади. Тўп дарвоза чизиғидан ўтган пайтда вақт қайд этилади.

Дарвозабон учун комплекс машқлар: Дарвоза марказида жойлашган дарвозабон дарвоза устунларининг юқори ва пастки қисмларига қўйидаги тартибда қўли билан тегиши лозим: ўнг томон пастки бурчак, чап томондаги юқори бурчак, чап томондаги пастки бурчак (бир серия). Машқ беш сериядан ташкил топади.

6 м масофага чиқиш: 6 метрли дарвоза майдонида 5 та устунчалар ўрнатилади. Дастлабки ҳолат: майдонга юзланиб дарвоза марказида жойлашилади. Ўйинчи тез югуриб 6 м чизиқда жойлашган 1-устунчага келиб қўлини унга текказади ва орқа билан қайтиб, дарвозанинг чап устунига чап қўлини текказади; сўнг ўнг қўли билан дарвозанинг ўнг устунига тегади, кейинчалик 2-чи устунчага тез югуради, орқа билан дарвозанинг ўнг томон устунига ўнг қўли билан тегиб ва шундан сўнг дарвозанинг чап устунига чап қўлини текказиб, сўнг 3-устунгача тез югуради, орқа билан чап устунга қайтиб, чап қўлини текказади. Ҳар-ҳил ёшдаги гандболчилар (ўсмирлар ва қизлар) тайёргарлигининг натижалари ва балларини комплекс назорат жадвали бўйича махсус адабиётларда келтириб ўтилган.

Хулоса. Гандбол спорт турида умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, техник-тактик ва психологик тайёргарликни ривожлантириш энг аҳамиятли масалалардан бўлиб, юқоридаги меъёр талабларга ҳар бир мураббий ўзининг иш фаолиятида қатъий риоя этиши лозим. Сабаби 14-16 ёшли гандболчиларни тайёрлашда стандарт талабларга риоя этган ҳолдагина у ўзининг самарасини бериши сўзсиз.

УДК: 796.07

ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОЦЕССА ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ГАНДБОЛИСТОВ 14-16 ЛЕТ

Парахат Базарбаев

*Институт переподготовки и повышения квалификации специалистов по
физической культуре и спорту*

Нукус, Узбекистан

paraxat.bazaryayev86@mail.ru

Аннотация. В данной статье описаны основы организации процесса физической подготовки гандболистов 14-16 лет.

Ключевые слова: гандбол, физическая подготовка, тренировочные процессы, общая и специальная физическая подготовка.

FUNDAMENTALS OF THE ORGANIZATION OF THE PROCESS OF PHYSICAL TRAINING OF HANDBALL PLAYERS AGED 14-16

Parakhat Bazarbayev

*Institute of Retraining and Advanced Training of Specialists in Physical Culture and Sports
Nukus, Uzbekistan*

paraxat.bazaryavev86@mail.ru

Abstract. This article describes the basics of organizing the physical training process of 14-16-year-old handball players.

Keywords: handball, physical training, training processes, general and special physical training.



UO*К: 796.74

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН XVIII – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ (АҚШ, ОРЕГОН-22)

Акмалжон Баратов

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон*

abm19861220@mail.ru

Аннотация. Мазкур тезисда енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаси ҳақида қисқача маълумот ва Орегон-22 жаҳон чемпионати натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинлари, мусобақа, спорт натижалари, рекорд.

Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаси World Athletics халқаро енгил атлетика ташкилоти томонидан мазкур спорт тури бўйича ўтказиб келинадиган энг нуфузли мусобақа ҳисобланади. Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари тарихига назар соладиган бўлсак, бу мусобақанинг дастлабкиси 1983 йил 7-14 август кунлари Финландиянинг Хельсинки шаҳрида ташкил этилган. Ўша пайтдаги қондаларга мувофиқ мусобақа ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, ўз навбатида ушбу мусобақа келгуси йилда бўлажак Олимпия ўйинлари учун яхшигина тайёргарлик вазифасини ҳам ўтаган. Бироқ, 1987 йил Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган мусобақалардан сўнг мазкур жаҳон чемпионати мусобақаларини ҳар тўрт йилда эмас, балки ҳар икки йилда бир ўтказишга қарор қилинади ва учинчи бор ўтказилиши керак бўлган мусобақа 1991 йил Япониянинг Токио шаҳрида 23 августдан 1 сентябрга қадар ўтказилади. Қуйидаги жадвал орқали енгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаси ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш имкони мавжуд.

Санок тартибида енгил атлетика бўйича 18-жаҳон чемпионати 2022 йил 15-24 июл кунлари Америка Қўшма Штатлари Орегон штати Южин шаҳрида ташкил этилди. Бу эса ушбу мусобақа АҚШда илк марта ташкил этилиши билан ҳам эътиборга молик. Мусобақалар Южин шаҳридаги Орегон университети ҳудудида жойлашган Бил Хэйвард номидаги мухташам енгил атлетика стадионида ўтказилди. Дастлаб қабул қилingan қарорга мувофиқ 2021 йил 6-15 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган эди. Бироқ, 2020 йил 8 апрелда ушбу мусобақа дунёда тарқалган COVID-19 пандемияси оқибатида бир йилга қолдирилди. Шундай бўлсада, спортчилар тайёргарликни оптимал ҳолатга келтириш учун яна бир йил қўшимча машғулотлар ўташи учун имконият юзага келди.

1-жадвал. Енгил атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаси ҳақида маълумот

| № | Йил | Давлати | Шаҳари | Санаси | Стадион | Турлар сони | Спортчилар сони |
|---|------|-----------|-----------|------------------|-----------------|-------------|-----------------|
| 1 | 1983 | Финляндия | Хельсинки | 7-14 август | Олимпия | 41 | 1355 |
| 2 | 1987 | Италия | Рим | 28 авг.- 6 сент. | Олимпия | 43 | 1451 |
| 3 | 1991 | Япония | Токио | 23 авг.–1 сент | Олимпия | 43 | 1517 |
| 4 | 1993 | Германия | Штутгарт | 13-22 август | Готтлиб-Даймлер | 44 | 1689 |
| 5 | 1995 | Швеция | Гётеборг | 5-13 август | Уллеви | 44 | 1804 |
| 6 | 1997 | Греция | Афина | 1-10 август | Олимпия | 44 | 1882 |
| 7 | 1999 | Испания | Севилья | 20-29 август | Олимпия | 46 | 1821 |

| | | | | | | | |
|----|------|------------|----------|------------------|----------------------|----|------|
| 8 | 2001 | Канада | Эдмонтон | 3-12 август | Commonwealth Stadium | 46 | 1677 |
| 9 | 2003 | Франция | Сен-Дени | 23-31 август | Стад де Франс | 46 | 1679 |
| 10 | 2005 | Финляндия | Хелсинки | 6-14 август | Олимпия | 47 | 1688 |
| 11 | 2007 | Япония | Осака | 24 авг.– 2 сент. | Нагаи | 47 | 1981 |
| 12 | 2009 | Германия | Берлин | 15-23 август | Олимпия | 47 | 2013 |
| 13 | 2011 | Ж.Корея | Дегу | 27 авг.– 4 сент. | Дегу | 47 | 1848 |
| 14 | 2013 | Россия | Москва | 10-18 август | Лужники | 47 | 1974 |
| 15 | 2015 | Хитой | Пекин | 22-30 август | Миллий | 47 | 2000 |
| 16 | 2017 | Б.Британия | Лондон | 5-13 август | Олимпия | 48 | 2038 |
| 17 | 2019 | Қатар | Доха | 27 сент.- 6 окт. | Халифа | 49 | 1972 |
| 18 | 2022 | АҚШ | Южин | 15-24 июль | Билл Хэйвард | 49 | 1972 |
| 19 | 2023 | Венгрия | Будапешт | 9-27 август | | | |

Юқори савияда ташкил этилган мазкур мусобақада 192 мамлакатдан 1972 нафар атлет иштирок этди. Енгил атлетиканинг 49 та тури бўйича эркак ва аёллар ўртасида 30 та мавсумнинг энг яхши натижаси, 8 та миллий рекорд, 10 та чемпионат рекорди, 47 та шахсий рекорд, 31 та жаҳон лидери, 2 та жаҳон рекорди қайд этилди.

Мусобақалар якуни бўйича умумжамоа ҳисобида АҚШ (328 очко) 1-ўрин, Ямайка (110 очко) 2-ўрин, Эфиопия (106 очко) 3-ўринни эгалладилар. Жами 192 мамлакат делегацияси иштирок этган бўлиб, улардан 45 та давлат вакиллари медалларга эга чиқдилар.

Осиё китъаси вакиллари Хитой 5-ўрин (2+1+3), Япония 9-ўрин (1+2+1), Қозоғистон 22-ўрин (1+0+0), Қатар 22-ўрин (1+0+0), Ҳиндистон 33-ўрин (0+1+0), Ж.Корея 33-ўрин (0+1+0), Филиппин 40-ўрин (0+0+1) билан кифояланди. Қуйида медаллар ҳисоби бўйича ўринлар кетма-кетлигини тақдим этиб ўтамиз.

2-жадвал. Мусобақа якунида медаллар бўйича маълумот

| № | Давлат | Олт. | Кум. | Бр. | Жами | № | Давлат | Олт. | Кум. | Бр. | Жами |
|----|------------|------|------|-----|------|---------|--------------|------|------|-----|------|
| 1 | АҚШ | 13 | 9 | 11 | 33 | 22 | Қозоғистон | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 2 | Эфиопия | 4 | 4 | 2 | 10 | | Марокаш | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 3 | Ямайка | 2 | 7 | 1 | 10 | | Португалия | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 4 | Кения | 2 | 5 | 3 | 10 | | Қатар | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 5 | Хитой | 2 | 1 | 3 | 6 | | Словения | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 6 | Австралия | 2 | 0 | 1 | 3 | | Венесуэла | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 7 | Перу | 2 | 0 | 0 | 2 | 30 | Нидерландия | 0 | 3 | 1 | 4 |
| 8 | Польша | 1 | 3 | 0 | 4 | 31 | Литва | 0 | 1 | 1 | 2 |
| 9 | Канада | 1 | 2 | 1 | 4 | | Украина | 0 | 1 | 1 | 2 |
| | Япония | 1 | 2 | 1 | 4 | 33 | Жазоир | 0 | 1 | 0 | 1 |
| 11 | Б.Британия | 1 | 1 | 5 | 7 | | Буркина-Фасо | 0 | 1 | 0 | 1 |
| 12 | Норвегия | 1 | 1 | 1 | 3 | | Хорватия | 0 | 1 | 0 | 1 |
| 13 | Доминикан | 1 | 1 | 0 | 2 | | Греция | 0 | 1 | 0 | 1 |
| | Гренада | 1 | 1 | 0 | 2 | | Ҳиндистон | 0 | 1 | 0 | 1 |
| | Нигерия | 1 | 1 | 0 | 2 | Ж.Корея | 0 | 1 | 0 | 1 | |
| 16 | Бельгия | 1 | 0 | 2 | 3 | 39 | Испания | 0 | 0 | 2 | 2 |
| | Швеция | 1 | 0 | 2 | 3 | 40 | Барбадос | 0 | 0 | 1 | 1 |
| | Уганда | 1 | 0 | 2 | 3 | | Чехия | 0 | 0 | 1 | 1 |
| 19 | Бразилия | 1 | 0 | 1 | 2 | | Исроил | 0 | 0 | 1 | 1 |
| | Германия | 1 | 0 | 1 | 2 | | Филиппин | 0 | 0 | 1 | 1 |
| | Италия | 1 | 0 | 1 | 2 | | Пуэрто-Рико | 0 | 0 | 1 | 1 |
| 22 | Багам ор. | 1 | 0 | 0 | 1 | | Швейцария | 0 | 0 | 1 | 1 |
| | Франция | 1 | 0 | 0 | 1 | Жами | 49 | 49 | 49 | 147 | |

Ўзбекистон енгил атлетика делегацияси ҳам бир нафар баландликка сакраш тури бўйича спортчи билан иштирок этди ва якунда 196 см натижа билан 5-ўринни эгаллади. Бу эса ўзбек енгил атлетикаси тарихида жаҳон чемпионатларидаги энг яхши кўрсаткич экани эътиборлидир. Спортчиларимизда келгуси мусобақаларда бунданда юқори натижалар кутиб қоламиз.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) <https://www.worldathletics.org/records/competition-performance-rankings>.
- 2) https://www.worldathletics.org/World_Athletics_Championships.pdf.

УДК: 796.74

АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ XVIII ЧЕМПИОНАТА МИРА ПО ЛЕГКОЙ АТЛЕТИКЕ (США, ОРЕГОН-22)

Акмалжон Баратов

Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

abm19861220@mail.ru

Аннотация. В данном тезисе содержит краткий обзор соревнований чемпионата мира по легкой атлетике и анализ результатов чемпионата мира в Орегоне-22.

Ключевые слова: Чемпионат мира, Олимпийские игры, соревнования, спортивные результаты, рекорд.

UDC: 796.74

ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE XVIII WORLD ATHLETICS CHAMPIONSHIPS (USA, OREGON-22)

Akmaljon Baratov

Uzbek State University of Physical Education and Sports

Chirchik, Uzbekistan

abm19861220@mail.ru

Annotation. This thesis contains a brief overview of the World Athletics Championships and an analysis of the results of the World Championships in Oregon-22.

Keywords: World Championships, Olympic Games, competitions, sports results, record.



УО'К: 796.97

КУЧ СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГИМНАСТИКА МАШҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

Миржалол Бекмирзаев

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,

Чирчик, Ўзбекистон

bekmirjalol@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада куч сифатини ривожлантиришдаги муаммолар таҳлил қилинган ҳамда куч сифатини ривожлантиришда гимнастика машқларидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, сифатлар, куч, портловчи куч, креативлик, компетентлик, методология.

Куч – деганда спортчининг ташқи қаршиликни енгиб ўтиш ёки мушак кучланиши ҳисобига унга қаршилик кўрсатиш қобиляти тушунилади деб таърифлайдилар. Умумий куч – бу спортчининг махсус ҳаракатларига тааллуқли бўлмаган ҳолда спортчи томонидан намоён қилинадиган куч. Мутлак куч- инсон кучи потенциалини тавсифлайди ва изометрик тартибда чекланмаган вақтда максимал эркин мушак ҳаракатининг катталиги билан ёки кўтарилган юкнинг энг юқори оғирлиги билан ўлчанади. Нисбий куч – яъни спортчининг 1 кг вазнига тўғри келадиган куч спортчининг шахсий оғирлигини енгиб ўтиш имконияти кўрсаткичи ҳисобланади. Бу усулларнинг тезкорлик билан бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Куч чидамлилиги – бу спортчининг нисбатан узоқ вақт давомида мушак кучланишларини намоён қилишга бўлган қобилятидир, деб таърифлашади. Тезкор куч- мушакларнинг нисбатан кичик ташқи қаршиликни енгиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тез бажаришга бўлган қобилятида акс этади. Портловчи куч – қисқа вақт ичида ўз шиддатига кўра катта кучланишларни намоён қилиш қобилятини тавсифлайди. Юртимиз муаллифлари Л.Р.Айрапетянц, А.А.Пўлатовлар А.М.Ачиллов, Ж.А.Акрамов, О.В.Гончаровалар куч қобилятиларини икки турга ажратади.

1) Статик ва сушт ҳаракатлар шароитларида намоён бўладиган шахсий куч қобилятилар.

2) Енгувчи ва ён берувчи хусусиятли тез ҳаракатларни бажаришда ёки кўникувчи ишдан енгувчи ишга тез ўтишда намоён бўладиган тезлик куч қобилятилари.

Юқорида келтирилган муаллифлар кучни яна икки кучни яна икки турини кўрсатишади яъни тезлик куч ва нисбий куч: Тезлик куч – қобилиятларининг муҳим тури “портлаш” кучидир. Портлаш кучининг юқори кўрсаткичларини кам вақт ичида намоён этиш қобилиятларидир.

Нисбий куч – мутлак, куч катталигининг жисм массасига нисбатан муносабати билан, яъни жисмнинг бир кило оғирлигига тўғри келадиган куч катталиги билан баҳоланади. Бир кўрсаткич ҳар хил вазндаги инсонларнинг тайёргарлигини таққослаш учун қулай, деб қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этади.

$$\text{Нисбий куч} = \frac{\text{Максимал куч}}{\text{Жисм оғирлиги}}$$

Портловчи кучни жисмоний тарбия назарияси ва услубиятига оид хорижий ва юртимиз адабиётларини таҳлил этиш натижасида маълум бўлдики, спорт турлари назариясида (гандбол, футбол, волейбол, баскетбол, оғир атлетика, кураш ва бошқаларда) алоҳида мақолаларда муаллифлар портловчи кучни жисмоний сифат деб таҳрифлаганлар. Л.П.Матвеев жисмоний сифат атамасини номувофик деб, жисмоний қобилият атамасини киритишни таклиф этади. Шу тариқа, сўнгги йиллардаги адабиётларни таҳлил қилиш натижасида кўпчилик муаллифлар ушбу қобилият атамасини қабул қилишган.

Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, муаллифларнинг айримлари портловчи кучни тезкор кучнинг таркибига киришини таҳкидлашган. Бу ҳақида қуйидаги параграфда тўхталиб ўтамиз.

What does digital marketing mean in sports? In fact, there are a lot of opportunities, nowadays digital information is increasingly “consumed”, it was found that in Great Britain, a person spends an average of three and a half hours a day on social networks and Google search engines. This means that you can be close to the ‘heartbeat’ of your target audience when you use the latest digital marketing tools available. Now we can track the engagement of an individual in this situation throughout their entire digital journey. Examples of digital marketing programs: digital television – with television, people can already access their accounts, social networks, watch video and navigate through the news feed. Digital tools – devices that collect data that is then uploaded to a phone or computer, for example: fitness bracelets with which you can measure blood pressure, pulse, count the number of steps taken and calories burned – all this falls under the scope of digital marketing programs. We can also show sports online competitions as a clear example of digital

marketing, for example, during the Pandemic period, the first international weightlifting 1-cup online competition was organized, which in turn shows that digital marketing is a requirement and obligation of the present time. Digital marketing goes offline worldwide using: digital television, mobile applications and interactive screens.

Digital marketing has undeniable advantages over traditional marketing, including:

- the ability to deliver information about the product teams and athletes to many consumers in a short period of time;
- the ability to communicate with a wider audience and find customers in unexpected places;
- the price is relatively cheaper than usual;
- ability to control and monitor;
- transparent tracking of impact effectiveness and other opportunities.

In conclusion, the following opinion points to the growing need and need for digital marketing in sports:

- special programs on the smartphone not only monitor events in real time, but also actively participate in them;
- remote online participation in sports online competitions in the current situation;
- promote the product or service with maximum efficiency;
- to participate in international competitions, it is possible to book one of the state hotels where the competition will take place remotely in advance.

Nowadays, digital marketing in the field of sports is developing rapidly. This requires us to carry out extensive and effective activities based on a deeper study and application of the direction of digital marketing, keeping up with the times.

References:

- 1) Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PF-4947 "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan". People's word newspaper, February 8, 2017 issue.
- 2) Tillyakhodjaev A.A., Yusupov M., Akbarov N.G'. Marketing. Manual. – T.: ECONOMY, 2019.
- 3) Galeeva R.B. (2013). Marketing approach to sport development in the region. Regional economy: theory and practice
- 4) Yuen B. (2008). Sport and urban development in Singapore. Cities, 25(1), 29-36. Doi: 10.1016/j.cities.2007.11.004.

УДК: 796.072.26

ЦИФРОВОЙ МАРКЕТИНГ В СПОРТЕ И ЕГО ПРЕИМУЩЕСТВА

Азизхон Тилляходжаев

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
Azizbarca@mail.ru*

Аннотация: В данном тезисе рассматривается вопрос реализации цифрового маркетинга спортивными организациями не только в сети Интернет, но и посредством офлайн-коммуникаций, с использованием мультимедийного оборудования спортивных сооружений, клиентских баз данных, спортивной аналитики и других возможностей. Цифровой маркетинг применяется как к традиционным спортивным продуктам, так и к партнерским брендам спортивных организаций.

Ключевые слова: цифровой маркетинг, реклама, интернет, спортивный маркетинг, современный маркетинг, традиционный маркетинг.



TO‘PSIZ MAYDONDA FAOL HARAKAT QILISH FUTBOLCHI QIZLARINING JISMONIY TAYYORGARLIGINING MUHIM KO‘RSATKICHIDIR

Sardor Tolipov, Nodirbek Yusupov, Aziz Shermuxamedov

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O‘zbekiston

nodirbek-1978@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada futbolchi qizlarning o‘yin faoliyati ko‘p jihatdan yuqori texnik mahoratning namoyon bo‘lishi uchun asos bo‘lgan jismoniy tayyorgarligi darajasiga bog‘liqligini ko‘rish mumkin. Futbolchi qizlarning jismoniy tayyorgarligi jamoa, guruh va individual texnik-taktik harakatlar samaradorligiga bog‘liq bo‘lgan yeng muhim omillardan biriliginini keltirilgan.

Kalit so‘zlar: o‘yin texnikasi, jismoniy holat, raqib, futbolchi, o‘yin holati, jamoa, taktik vazifalar, joy tanlash, natija, motorli faoliyat, omillar, mashg‘ulot jarayoni

Ohirgi xalqaro musobaqalar tahlili shuni ko‘rsatdiki, zamonaviy futbolda guruhli texnik va taktik harakatlarning tuzilishi va tashkil etilishi o‘zgargan. O‘yin harakatlarining shiddati oshdi, futbolchi qizlarning o‘yin funksiyalari kengaydi, maksimal va submaksimal tezlikda harakatlanish hajmi, ularning mahoratining universalligi. Ushbu rivojlanishlar futbolchilarni tayyorlash tizimiga texnik va taktik metodlarni bajarish tezligini oshirish, pozision o‘yin harakatlarining oldindan tayyorlangan dasturlari hajmini oshirish asosida futbolchilarning improvizatsiya harakatlarini oshirish uchun yangi yondashuvlarni talab qiladi.

Futbolchi qizlarning o‘yin faoliyati ko‘p jihatdan yuqori texnik mahoratning namoyon bo‘lishi uchun asos bo‘lgan jismoniy tayyorgarligi darajasiga bog‘liqligini ko‘rish mumkin.

Ma‘lumki, futbolchilarning jismoniy tayyorgarligi jamoa, guruh va individual texnik-taktik harakatlar samaradorligiga bog‘liq bo‘lgan yeng muhim omillardan biridir. Futbolchi qanchalik texnik va taktik jihatdan barkamol bo‘lmasin, u hiech qachon yaxshi va ko‘p qirrali jismoniy tayyorgarliksiz muvaffaqiyatga yerisha olmaydi. Hatto bitta futbolchining jismoniy tayyorgarligi zamonaviy futbol standartlariga javob bermaydigan jamoa ham muvaffaqiyatga yerisha olmaydi. Birinchidan, chunki har bir o‘yin yepizodida bir nechta futbolchilar bir vaqtning o‘zida ma‘lum bir o‘yin muammosini hal qilishadi. Buning uchun ular tezlikni, makonni va o‘yin harakatlarini izehil bajarishlari kerak. Ulardan kamida bittasi tegishli funksiyaga yega bo‘lmasa, unda o‘yin yepizodi muammosini hal qilish mumkin bo‘lmaydi. Masalan, jismoniy sharoiti zaif bo‘lgan o‘yinchi taktik jihatdan foydali pozitsiya uchun kurashda raqibdan oldinga o‘tishga vaqt topa olmaydi yoki to‘p uchun yakka kurashni yo‘qotadi va hokazo [1, 2].

O‘yinchining mahorati to‘pni nazorat qilishi va jismoniy tayyorgarlik darajasi bilan belgilanadi. Yuqori malakali futbolchi qizlar o‘yinning turli texnik usullarini namoyish etishdan tobora ko‘proq to‘psiz o‘ynashga o‘tmoqdalar, bu o‘yinni jamoaviy tushunishning asosi, jamoaning o‘ynashi va jismoniy darajasining ko‘rsatkichini belgilaydi. O‘yinda futbolchilarning maydonda to‘psiz harakatlari quyidagilardan iborat:

- maydonda qulay vaziyat tanlashdan;
- raqibga, jamoadoshlariga, har bir aniq o‘yin holatining to‘piga nisbatan o‘yinchining joylashuvi xususiyatlari;
- o‘yinchining o‘z jamoasi tomonidan to‘p yo‘qotilgandan keyin, ya‘ni zonani, o‘yinchining to‘p bilan va to‘psiz himoyadagi harakatlari.

Futbolchining to‘psiz harakatlari va joy tanlash ikki xil, ammo o‘zaro bog‘liq o‘yin harakatlaridir. To‘psiz harakat to‘psiz o‘yinchi bosib o‘tgan masofa va boshqa harakatlar ko‘rsatkichlari bilan baholanadi. Joy tanlash-bu o‘yin tafakkurining sifat tomoni va futbolchining jismoniy holati, ya‘ni jamoaning taktik vazifasini hisobga olgan holda uning yarata olishi, tez baholay olishi va optimal yechimni mohirona topa olishidir. Bu shuni anglatadiki, harakat qobiliyati to‘pni ishonchli yegallashdan ko‘ra muhimroq sifatdir [4].

To‘psiz o‘yinchining harakati, ayniqsa uni yo‘qotib bo‘lgandan keyin, asosan Iroda tufayli amalga oshiriladi. Shuning uchun o‘yinchi to‘pni yo‘qotib qo‘ygandan keyin raqibni xuddi shu xoxishi bilan ta‘qib qilishga, shuningdek raqib darvozasiga gol urishga majburdir.

Joyni tanlash-bu futbolchilarning ijodiy fikrlash darajasi bilan belgilanadigan o‘yin faoliyati. Ijodkorlik himoya va hujum pozitsiyalaridan baholanadi, bu yerda hal qiluvchi omil-bu o‘yinchining xatti-harakatlarining tezligi va tabiati, ya‘ni u tomonidan taktik vaziyatlarni hal qilish samaradorligi. Ushbu faoliyatning samaradorlik darajasini bir o‘yinda o‘yinchi tomonidan to‘pga tegishning miqdoriy ko‘rsatkichlari bilan baholash mumkin. Axir, hatto yaxshi o‘qitilgan futbolchi ham anaerobik

imkoniyatlarning yeng yuqori darajasida ishlashga qodir, agar u maydonda to'g'ri joy tanlay olmasa, jamoaga foyda keltirmaydi [3].

Yuqori malakali futbolchilarni tayyorlash jarayonida olib borilgan sonli kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, hozircha bu faoliyatga yetarli ye'tibor berilmayapti. Asosiysi unutildi-sportchilar faoliyatining taktik tomoni, bu to'psiz o'ynashning aqliy jarayonlarini takomillashtirish uchun juda muhimdir, bu futbolchilarning o'yin vaziyatlarini idrok yetish, ularni baholash va uning malakasini qamrab oladi, ya'ni o'yinchi hal qilishni o'rganadigan daqiqalar aniq o'yin vaziyatlar.

O'yin qonunlari, faoliyatning tabiati, futbolchilar, murabbiylar va mutaxassislarning ish yuki haqidagi ma'lumotlar o'yinlarni kuzatish va tahlil qilish orqali olinadi.

O'yin davomida futbolchilarning motor faoliyati va faoliyati juda xilma-xil yekanligi isbotlangan.

Masalan, bitta o'yinda turli xil rol o'ynaydigan futbolchilar quyidagi metrlarni boshqaradilar:

- himoyachi-5,900 – 7,300 m;
- yarim himoyachi -8,200 -9,300 m;
- hujumchi-5,100 -6,500 m.

Ulardan maksimal va submaksimal intensivlik 900 dan 1400 m gacha va futbolchi ishlaydigan segmentlar soni 80-115 ni tashkil qiladi. Bundan tashqari, bir o'yinda hujumchi to'pni 83 martagacha qabul qiladi va uni 107 – 124 soniya davomida o'z nazorati ostida ushlab turadi, yarim himoyachi o'yinchi to'pni 12 8 martagacha uchratadi va u bilan 223 soniyagacha aloqada bo'ladi. Himoyachi mos ravishda 48-63 marta va 57-75 soniya. Shunga qaramay, O'zbekistonda ham, xorijda ham mutaxassislar to'psiz futbolchilar harakatining o'ziga xos jihatlari haqida juda kam ma'lumotga yega.

Futbolchilarning to'psiz harakatidagi kamchiliklar cheklangan harakatchanlikda, yetarli o'yin yepchilligida namoyon bo'ladi, statik o'yin va harakatlarning noaniqligi bilan ajralib turadi.

To'psiz futbolchilarning harakatlari samaradorligiga quyidagi omillar ta'sir qiladi:

- sportchining tajribasi va taktik yetukligi;
- to'g'ri pozitsiyani tanlashning asosiy tamoyillarini bilish;
- jismoniy tayyorgarlik darajasi;
- futbolchining ruhiy holati va boshqalar.

Biroq, bu sifatlar taktikaning maxsus nazariy bilimlariga ham bog'liq o'yinning eng muhimi:

- uchburchakda futbolchilarning harakati;
- to'pdan to'pga harakat;
- futbolchilarning maydon kengligi va uzunligida joylashishi.

Uchburchakdagi harakat jamoaviy o'zaro tushunish va tushunishning asosidir, bu harakatlarning birligini, maydonning kengligi va chuqurligidagi to'p uzatishlarini ko'rsatadi va jamoaning o'ynash uslubiga qarab hajmi va shakli jihatidan farq qilishi mumkin. Agar jamoaning o'yinchilari maydonda joylashsa, ular bir-biriga uchburchaklar zanjirini hosil qiladigan chiziqlar bilan bog'lanishi mumkin bo'lsa, unda bu nafaqat hujumlarni amalga oshirishga, balki o'zlarini muvaffaqiyatli himoya qilishga ham imkon beradi.

To'pning uzluksiz va tez harakatlanishi sportchilarning o'yin davomida yaratilgan vaziyatlarni hisobga olgan holda turli shakldagi uchburchaklar zanjiridagi mos harakati bilan ta'minlanishi kerak. Maqsadga muvofiq harakatlar va to'pni yegallashda jamoa uchun bo'sh joy va undagi harakatlardan to'g'ri foydalanish ishonch bilan kuchaytiriladi.

Raqibning g'amxo'rligidan ozod bo'lish uchun sportchi to'pga o'tadi va to'pdan uzoqlashadi. Biroq, bunday harakatlar o'yinchining kosmosdagi yo'nalishiga, harakatlarni bajarish intensivligiga va ularni jamoadoshlarning harakatlari bilan muvofiqlashtirishga bog'liq.

Ushbu omillar yopiq o'yinchini raqib hibsonasidan quyidagi tarzda ozod qilish mumkinligini taxmin qilishga imkon beradi:

- to'pga yegalik qiluvchi sherik tomon turli yo'nalishlardan va har xil burchak ostida chiqish;
- to'pni yegallab turgan sherigining yo'nalishi bo'yicha, raqibning o'zini parvarish qilishdan ozod qilish yoki sherigi uchun joy bo'shatish uchun;
- harakat yo'nalishini to'pga, keyin yesa to'pdan o'zgartirish.

O'yinchini raqib qaramog'idan ozod qilishga qaratilgan harakat, ayniqsa, o'z vaqtida amalga oshirilsa va jamoadoshlarining harakatlari bilan muvofiqlashtirilsa, o'rinli bo'ladi. Bunday harakatlar himoyachilarning harakatlarini cheklaydi, xato qilishga majbur qiladi. O'yinchilarni faqat bir yo'nalishda, ya'ni faqat to'pga yoki shunga o'xshash tarzda amalga oshiriladigan raqib qaramog'idan ozod qilish. Taktik mulohazalar. Birinchi holda, o'yinchilar maydonning cheklangan maydonida aniqlik hosil qiladi, ikkinchidan, aksincha, o'yin maydoni haddan tashqari ko'payadi va sherigiga uzatish yo'nalishini tanlash

cheklangan bo‘ladi. Men futbolchini vintlar ishlatmasdan raqib qaramog‘idan ozod qildim va harakatlar yo‘nalishlarini o‘zgartirish samarasiz.

Xulosa. To‘psiz o‘yinning xususiyatlarini tahlil qilish natijalari bizga futbolchilarning mashg‘ulot jarayoni uchun ba‘zi maslahatlar berish imkoniyatini berdi:

1. To‘psiz o‘ynash sifatini yaxshilash uchun mashg‘ulot jarayoniga doimiy harakat mahoratini kuchaytirishga yordam beradigan vositalarni, ya‘ni har bir uzatmadan keyin o‘yinchi yangi joyga ko‘chib o‘tishi kerak bo‘lgan o‘yin mashqlarini kiritish tavsiya yetiladi (o‘zini raqib qaramog‘idan ozod qilish).

2. O‘yinчилarning juft bolib jamoadoshlari bilan o‘yinlar (3x3, 4x4, 5x5 va boshqalar). O‘yinчилarning uchburchakdagi harakatiga va to‘pdan va to‘pdan ko‘pchilik jamoadoshlari bilan o‘zaro muvofiqlashtirilgan harakatlarga alohida e‘tibor berish.

3. O‘yin fragmentlarini mashg‘ulot jarayoniga (himoyadan hujumga o‘tish bilan, chap, o‘ng tomonga, maydon markaziga hujumlar) turli chiziqlarning hujumiga bog‘liq holda, o‘yin vaziyatlarini takroran hal yetish va boshqalar) kiritish.

Shunday qilib, futbolchi qizlarning bo‘sh joylarga (zonalarga) kirish vazifasi bilan alohida kombinatsiyalardagi o‘yinlari o‘rtasida o‘zaro ta‘sir mavjud: ushbu qarorlar asosida o‘yinчилar o‘yin vaziyatlarini hal qilish paytida ijodiy qobiliyatlari bilan birga jismoniy qobiliyatlari namoyon bo‘ladi.

Adabiyotlar ro‘yhati:

- 1) Годик М.А. Совершенствование физической подготовленности спортсменов и современная система подготовки. – М.: СААМ, 1995, - С 136-165.
- 2) Платонов В.Н. Двигательные качества и физическая подготовка спортсменов. Спорт. – М. 2019. – 655 с.
- 3) Futbol nazariyasi va uslubiyati: Darslik / R.I.Nurimovning umumiy tahriri ostida. – T.: «Ilmiy texnika axboroti – press nashriyoti». 2018. – 316 b.
- 4) Юсупов Н.М., Оценка скоростно-силовой и технической подготовки футболисток.// Педагогические науки, 2011 - №5 – с.45-51.

УДК: 796.45.3.

АКТИВНОЕ ДВИЖЕНИЕ НА ПОЛЕ БЕЗ МЯЧА-ВАЖНЫЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ ДЕВУШЕК-ФУТБОЛИСТОВ

Сардор Толипов, Нодирбек Юсупов, Азиз Шермухамедов

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

nodirbek-1978@mail.ru

Аннотация. В статье видно, что игровая деятельность девочек-футболистов во многом зависит от уровня их физической подготовленности, которая является основой для проявления высокого технического мастерства. Физическая подготовка девушек-футболистов представляет собой совокупность важнейших факторов, от которых зависит эффективность командных, групповых и индивидуальных технико-тактических действий.

Ключевые слова: приемы техники игры, физическое состояние, соперник, футболистка, игровая ситуация, команда, тактические задачи, выбор места, результат, двигательная активность, факторы, тренировочный процесс.

UDC: 796.45.3.

ACTIVE MOVEMENT ON THE FIELD WITHOUT A BALL IS AN IMPORTANT INDICATOR OF THE PHYSICAL FITNESS OF FEMALE FOOTBALL PLAYERS

Sardor Tolipov, Nodirbek Yusupov, Aziz Shermukhamedov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Uzbekistan, Chirchiq

nodirbek-1978@mail.ru

Abstract. It can be seen that the playing activity of girls football players largely depends on the level of their physical fitness, which is the basis for the manifestation of high technical skill. The physical training of female football players is a combination of the most important factors on which the effectiveness of team, group and individual technical and tactical actions depends.

Keywords: techniques of the game technique, physical condition, opponent, football player, game situation, team, tactical tasks, choice of location, result, motor activity, factors, training process.

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕЗЛИК ВА КУЧ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Хасан Тошпулатов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

hasan.toshpulatov90@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақола ёш волейболчиларда тезлик ва куч қобилиятларини ривожлантиришга бағишланган. Мақолада 10-12 ёшли волейболчиларда тезлик ва куч қобилиятларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ўйин машқлари мажмуасининг таъсири самарадорлигини аниқлаш ишлари ёритилган.

Калит сўзлар: волейбол, тезлик-куч қобилиятлари, восита реакцияси тезлиги, қобилиятларни намоён қилишнинг мураккаб шакллари, ўйин машқлари, кучга чидамлик.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Волейболчиларнинг спорт машғулоти вақтни талаб қилади. Бошланғич тайёргарлик босқичида умумий жисмоний тайёргарликнинг пойдевори қўйилади, кейин ёш волейболчилар ўйиннинг техник техникасини ўзлаштирадilar, ўқув жараёни мазмунининг асоси бўлган ўйин фаолиятининг тактик ҳаракатларини ўрганадилар. Машғулоти жараёни ёшнинг ривожланиш қонуниятларига, волейболчиларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва жисмоний тайёргарлигига мувофиқ амалга оширилади. Шунинг учун ҳозирги вақтда ўқув жараёнини яхшилайдиган янги технологияларни излаш керак.

Тадқиқотнинг мақсади – ўйин машқлари мажмуалари асосида ёш волейболчиларда тезлик ва куч қобилиятларининг ривожланиш даражасини аниқлаш.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Волейбол дарслари тананинг компенсация қобилиятини оширади, атроф-муҳитнинг салбий таъсирига чидамлилигини оширади ва организмнинг ҳаракат қобилиятини ривожлантиради. Адабий манбалар таҳлиliga кўра 10-12 ёш тезлик ва куч қобилиятларини ривожлантириш учун энг мақбул ҳисобланади, чунки бу даврда балоғат ёши билан боғлиқ барча функционал тизимларнинг қайта тузилиши мавжуд ва барча тизим ва органларга жисмоний куч билан мақсадли таъсир кўрсатиш мумкин. Ю.Д.Железняк фикрича “ўсмирларда тезликни ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичи волейбол спорт ўйинидир. Айнан шу ёшда муҳим техник кўникмалар ва волейбол кўникмалари шаклланади, жисмоний фазилатлар ривожланади, ўйинчининг иродали фазилатлари шаклланади [1]. Замонавий олимлардан А.Н.Бернштейн, таъкидлашича “болаларда восита қобилиятининг ривожланиши бир вақтнинг ўзида содир бўлмаслигини исботлади. Турли ёш босқичларида бу қобилиятлар қилинган саъй-ҳаракатларнинг интенсивлиги ва хилма-хиллигига қараб ривожланади. Ж.К.Холодов илмий изланишларига кўра “катта куч ва ҳаракат тезлигини талаб қиладиган машқлар ёрдамида ривожлантириладиган юқори тезликдаги қобилиятларни намоён қилишнинг 188 еслана 188 рва мураккаб шакллари” қайд этади [2]. Юқоридаги олимларнинг изланишига кўра тезлик жисмоний машқлар таъсири остида намоён бўладиган ва яхшиланадиган восита реакцияларига асосланган. Ушбу сифатнинг ривожланиши натижаси ҳаракатларнинг тезлиги ва частотасининг ошиши ҳисобланади. Тадқиқот уч босқичда бўлиб ўтди, уларнинг ҳар бири ўз вазифаларини ҳал қилди. Тажриба ишининг бошида ёш волейболчилар ҳар иккала гуруҳда учта кўрсаткич бўйича синовдан ўтказилди. Учтинчи босқичда гуруҳларда такрорий тест синовлари ўтказилди ва натижалар таҳлили ўтказилди, тадқиқот ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, хулосалар чиқарилди.

Барча машқларни 4 гуруҳга ажратдик:

1. Ҳар бир дарсда фойдаланиш мумкин бўлган ўйин машқлари. Улар тезликни, фазодаги йўналишни, тез ўзгарувчан муҳит шароитларига бир зумда муносабат билдириш қобилиятини ривожлантиради. Ўйин машқларида қуйидаги машқлар учун сигналлардан фойдаланишни тавсия этамиз: тўпни ушлаш, жойида ва ҳаракатда айлантириш; тўпни турли усуллар билан узатиш; ўйинчиларни ҳаракатлантирганда ҳаракат йўналишини ўзгартириш ва бошқалар.

2. Ҳар бир дарсда бажарилиши керак бўлган эпчиллик машқлари. Чунки, бу жисмоний сифат куч ва тезликни ривожлантириш билан боғлиқ. Булар волейболдан олинган методлар: бериш, узатиш, тўпни турли усуллар билан қабул қилиш, тўсиш ва ҳужум қилиш. Бундан ташқари, биз дарсларда тезлик, куч ва эпчиллик учун мосламаларни олиб юриш билан эстафета пойгаларини, ҳаяжонли ўйин вазифаларини киритишни ўринли деб биламиз.

3. Портловчи ва динамик кучни ривожлантиришга қаратилган машқлар. Бунда сакраш машқларидан фойдаланиш мумкин. Уларнинг ёрдамида ҳаракат йўналиши ва алдамчи ҳаракатлар ўзгариши, шунингдек уларни амалга ошириш учун янада қулай шароит яратадиган барча техникалар

билан биргаликда сакрашлар амалга оширилади. Бурилишлар билан машқлар тўпни сакрашда ёки оёқ бармоқларида ўтказишга имкон беради.

4. Югуриш машқлари: 10 ёки 30 м.га тезланиш билан югуриш, предметлар орасида югуриш, максимал тезликда моксимон югуриш, тўп билан ва тўпсиз эстафета пойгалари, икки қўл билан ҳаракатда тўпни ушлаш, ҳаракатда тўпни узатиш. Уларда тезлик ҳаракатлар частотасида намоён бўлади. Педагогик экспериментнинг бошида тезлик ва куч машқларини акс эттирувчи ўтказилган синов натижаларига кўра кўрсаткичларда жиддий фарқлар кузатилмади. Биринчи синовда тажриба гуруҳида натижа 7,4 ва 7,6 мартани ташкил этди. Кўрсаткичлардаги фарқ 0,2 барабар. 2-чи ва 3-чи синовларда кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тажриба гуруҳи фойдасига 0,3 марта ва 0,1 марта бўлди.

Тадқиқот иши якунида ҳар иккала гуруҳда такрорий синов ўтказилди ва куйидаги натижалар олинди. Биринчи синовда “тўпни икки қўл билан юқоридан деворга 3 м масофадан 1 дақиқа ичида узатиш” тажриба гуруҳида ўсиш 16,3% ни, назорат гуруҳида эса 9,4% ни ташкил этди. Иккинчи синовда “полда ўтириб, тўлдирилган тўпни бош орқасидан иложи борича олдинга ташлаш” тажриба гуруҳида кўрсаткичларнинг ошиши 16,5% га, назорат гуруҳида эса 8,9% га ошди. Тажриба гуруҳида “30 м масофага югуриш” учинчи синовда ўсиш 8,3% ни, назорат гуруҳида эса 4,2% ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасида ўрганилган кўрсаткичларнинг ўсишини таққослаб, ўсишни гетероген бўлган деб айтишимиз мумкин. Шундай қилиб, тажриба гуруҳида ҳар учала кўрсаткичнинг ўсиши назорат гуруҳига қараганда юқори бўлди. Биринчи тестда гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқ 6,9%, иккинчисида – 7,6%, учинчисида – 4,1% ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳида амалга оширилган ўйин машқлари мажмуаси ёш волейболчиларнинг тезлик ва куч қобилиятларини ривожлантиришда ижобий самара берди. Хулоса қилиб, машғулот жараёнидаги ўйин вазибалари мажмуаси ўз самарадорлигини исботлади, деб ҳисоблаймиз. Ушбу мажмуани нафақат ёш волейболчиларни тайёрлашда, балки катта ёшдаги спортчиларнинг ўқув гуруҳларида ҳам тавсия этиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Спортивные игры. Техника, тактика, методика обучения: учеб. Для студ. Высш. Пед. Учеб. Заведений / под ред. Ю.Д.Железняк, Ю.М.Портнова. - М.: ИЦ «Академия», 2004. 520 с.
- 2) Бернштейн Н.А. О ловкости и её развитии. М.: Физкультура и спорт, 1991. 288 с.
- 3) Фомин Н.А., Филин В.Е. Возрастные основы физического воспитания. - М.: Спорт, 2008. 421 с.

УДК: 796.33.41.

МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ СКОРОСТНО-СИЛОВЫХ СПОСОБНОСТЕЙ ЮНЫХ ВОЛЕЙБОЛИСТОВ

Хасан Ташпулатов

Ўзбекистон Республикасидаги давлат университетининг физик маданият ва спорт бўлими

Чирчиқ, Ўзбекистон

hasan.toshpulatov90@gmail.com

Аннотация. Данная статья посвящена развитию скоростных и силовых качеств у юных волейболистов. В статье описана работа по определению эффективности комплекса игровых упражнений, направленных на развитие скоростно-силовых качеств у волейболистов 10-12 лет.

Ключевые слова: волейбол, скоростно-силовые качества, скорость двигательной реакции, комплексные формы проявления способностей, игровые упражнения, силовая выносливость.

UDC: 796.33.41.

METHODS OF DEVELOPMENT OF SPEED AND STRENGTH ABILITIES OF YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS

Hasan Tashpulatov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

hasan.toshpulatov90@gmail.com

Abstract. This article is devoted to the development of speed and strength qualities in young volleyball players. The article describes the work on determining the effectiveness of a set of game exercises aimed at developing speed-strength qualities in 10-12 year old volleyball players.

Key words: volleyball, speed-strength qualities, speed of motor reaction, complex forms of manifestation of abilities, game exercises, strength endurance.

МУСОБАҚА ДАВРИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ГАНДБОЛЧИЛАРНИНГ ХУЖУМ ҲАРАКАТЛАРИНИ НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ғ. Тўғонбоев, М. Розобаев

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

ruc@mail.ru

Аннотация. Мақолада мусобақа даврида юқори малакали гандболчиларнинг хужум ҳаракатларини назорат ва таҳлил қилиш давомида хужум ҳаракатларининг самарадорлиги ҳамда олинган маълумотлар асосида мусобақа олди тайёргарлик жараёни учун хужум ҳаракатларини такомиллаштиришда чакқонлик сифатининг аҳамиятини характерлайдиган сифатлар ўрганилган.

Калит сўзлар: техник-тактик ҳаракатлар, чакқонлик сифати, машғулот, мусобақа фаолияти, муваффақиятли ўриниш, хужум ҳаракатлари, тўп отиш, ривожлантирувчи машқ.

Долзарблиги: Педагогик тадқиқот давомида – мусобақа даврида юқори малакали гандболчиларнинг хужум ҳаракатларини назорат ва таҳлил қилиш давомида хужум ҳаракатларининг самарадорлиги ўрганилди, ҳамда олинган маълумотлар асосида мусобақа олди тайёргарлик жараёни учун хужум ҳаракатларини такомиллаштиришда чакқонлик сифатининг аҳамиятини характерлайдиган сифатлар ўрганилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот бошида университетнинг “ЎзДЖТСУ” жамоаси ўйинчиларидан тажриба гуруҳи ташкил этилди.

“ЎзДЖТСУ” жамоаси машғулотлари таркибига хужумда дарвозага тўп отиш техник ҳаракатларини ривожлантирувчи машқлар киритилди. Олий лига бахсларининг III-тур ўйинлари олдидан ўтказилган ўқув-йиғин машғулотларида жамоа ушбу машқлар асосида тайёргарлик кўрди.

Мазвунни ёритиш учун қуйидаги усуллардан фойдаландик:

- тадқиқот муаммосига оид илмий ва услубий назарий адабиётлар таҳлили;
- жамоа ўйинчиларининг хужумдаги техник фаолиятини назорати ва таҳлили;
- математик статистик услуб.

Тадқиқот ишининг олиб борилиши: Тадқиқот ишининг объекти Хоразм вилояти “Ёшлик” спорт комплекси, “ОКМК” нинг спорт комплекси ҳисобланиб, унда Ўзбекистон Республикаси олий лига мусобақаларида иштирок этувчи “ЎзДЖТСУ” жамоасининг мусобақада хужум ҳаракатлари (дарвозага тўп отиш) самарадорлигини назорат ва таҳлил қилиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик.

Биз тадқиқотимиз давомида “ЎзДЖТСУ” жамоасининг дарвозага тўп отиш техник ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш ва ўйинда янада самарали ўйин намойиш этиши учун чакқонлик сифатини тарбияловчи машқлар мажмуасини жамоанинг ўқув-машғулот дастурига киритдик.

Бундан ташқари гандболчиларнинг жисмоний тайёргарликка оид махсус гуруҳли ва индивидуал машғулотлар, техника ва тактикага доир гуруҳли ҳамда индивидуал машғулотлар, икки ёқлама ўйинлар ўтказилади. Мунтазам равишда назорат синовлари ўтказилиб турилди.

Тадқиқотимизнинг иккинчи қисмини Олмаликнинг “ОКМК” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси олий лига бахслари IV-тур ўйинларининг дастлабки 3 ўйинида “ЎзДЖТСУ” жамоаси гандболчиларининг хужум ҳаракатлари (дарвозага тўп отиш) самарадорлигини назорати ва таҳлилини давом эттирдик.

IV-турдаги ўйинларни ушбу жадвалда қисқача таҳлил қилар эканмиз ўнг бурчак ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 77,1%, (6 м дан отилган тўплари ҳам ҳисобга олинган). Ўнг ярим ўрта ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 75,4%, марказ ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 77,1%, чап ярим ўрта ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 72,1%, чап бурчак ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 75,6%, чизик ўйинчисининг дарвозага тўп отиш самарадорлиги 70,2% ни ташкил этдилар, қайд этилган натижаларни солиштрадиган бўлсак, самарадорлик тадқиқотдан кейин анчагина ўзгариш борлигини жадвалдан кўришимиз мумкин.

1-жадвал. “ЎзДЖТСУ” жамоаси гандболчиларининг тадқиқотдан олдин ва кейинги натижаларининг

кўриниши

| Ампула бўйича ўйинчиларнинг жойлашуви | Ўнг бурчак ўйинчиси | | Ўнг ярим ўрта ўйинчиси | | Марказ ўйинчиси | | Чап ярим ўрта ўйинчиси | | Чап бурчак ўйинчиси | | Чизик ўйинчиси | |
|---------------------------------------|---------------------|------|------------------------|------|-----------------|------|------------------------|------|---------------------|------|----------------|------|
| | Т/о | Т/к | Т/о | Т/к | Т/о | Т/к | Т/о | Т/к | Т/о | Т/к | Т/о | Т/к |
| | 67,7 | 77,1 | 69,2 | 75,4 | 62,5 | 77,1 | 62,1 | 72,1 | 63,8 | 75,6 | 66,6 | 70,2 |

| | | | | | | |
|-------|-----|-----|------|----|------|-----|
| Фарқи | 9,4 | 6,2 | 14,6 | 10 | 11,8 | 3,6 |
|-------|-----|-----|------|----|------|-----|

Хулосалар: 1) Мусобақа фаолиятида юқори малакали гандболчиларнинг хужум ҳаракатларини ўрганганимизда, кўплаб жамоалар хусусан Олмаликнинг “ОКМК” жамоаси ҳам хужумдаги самарадорликни айнан гандболчилардаги чакқонлик сифатининг ривожланганлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли кўлга киритишган. Тадқиқотимизнинг сўнгида “ЎзДЖТСУ” жамоасининг хужумдаги техник ҳаракатлари самарадорлигининг сезиларли даражада ўсганлигини гувоҳи бўлдик.

2) Тадқиқот ишлари университетимизнинг “ЎзДЖТСУ” жамоаси гандболчиларида олиб борилган эди ва уларнинг дарвозага тўп отиш техник ҳаракатлари назорат қилинди ва натижалар ўзаро таққосланди.

3) Ўзбекистон чемпионатининг 2021 йил сарҳисобига кўра бизнинг “ЎзДЖТСУ” жамоамиз совриндорлар қаторига кира олмади, лекин 2022 йилги Ўзбекистон чемпионатида муносиб иштирок этишни режалаштирган. “ЎзДЖТСУ” жамоаси ҳозирги кунда яқунланган чемпионатда йўл қўйилган хатолар устида иш олиб бормоқда ва бошланажак чемпионатга юқори спорт формасида боришни мақсад қилдилар. Мусобақаларга тайёргарлик даврида жамоа ўйинчиларини авваламбор махсус дастур асосида тайёргарлик кўришини ташкил қилиш ва шу дастур билан таништириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Абдурахманов Ф.А., Павлов Ш.К., Кариева Р.Р. Исследование эффективности защитных гандболистов различного возраста и квалификации в условиях соревновательной деятельности // Фан-спортга илмий-назарий журнал, 4/2007., 17-20 б.
- 2) Мўминов А.Ш., Розибоев М.М., Азимкулов Б.А. (2021). Tools and methods of development of handball players at the preliminary preparation stage / Proceedings of 3rd International Multidisciplinary Scientific Conference Global Technovation, Granada, Spain – С. 5-6.
- 3) Мўминов А.Ш. (2021). Гандболчи-талабаларда танани чап ва ўнг томонга айлантириш таъсирида вақт-ораликни фарқлаш реакцияларининг ўзгариш динамикаси. International Multidisciplinary Scientific Conference on Educational Advancements and Historical Developments. Berlin, Germany -Sydney, Australia – С. 5-6.

УДК: 796.15.21.

КОНТРОЛЬ И АНАЛИЗ АТАКУЮЩИХ ДЕЙСТВИЙ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ГАНДБОЛИСТОВ В ПЕРИОД СОРЕВНОВАНИЙ

Г. Туганбоев, М. Розибоев

*Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Ўзбекистан
ruc@mail.ru*

Аннотация. В статье изучена эффективность атакующих действий при контроле и анализе атакующих действий высококвалифицированных гандболистов в соревновательный период, а также на основе полученных данных изучены качества, характеризующие значение ловкости в совершенствовании атакующих действий для процесса предкон-нальной подготовки.

Ключевые слова: технико-тактические действия, качество ловкости, тренированность, соревновательная активность, атакующие действия, метание мяча, развивающее упражнение.

UDC: 796.15.21.

CONTROL AND ANALYSIS OF ATTACKING ACTIONS OF HIGHLY QUALIFIED HANDBALL PLAYERS DURING THE COMPETITION

G. Tuganbayev, M. Rozibaev

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq Uzbekistan,
ruc@mail.ru*

Abstract. In the article, the effectiveness of attack movements during the control and analysis of the attack movements of highly skilled handball players during the competition period was studied, as well as attributes characterizing the importance of agility in improving the attack movements for the preparation process of the competition took place on the basis of the information received.

Key words: technique-tactical movements, quality of dexterity, training, competition activity, attacking movements, throwing balls, developing exercises.



ФУТБОЛЧИЛАРНИ МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Акмал Туляганов

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

rudeks@mail.ru

Аннотация. Футбол спорт тури – ўз моҳияти, мазмуни ва турли ўйин малакалари ва комбинациялари билан минглаб кишиларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Футбол ҳозирги кунга келиб, бутун дунё бўйича биринчи рақамли ўйин ҳисобланади. Футбол спорт тури кундан кунга ривожланиб бормоқда. Ўйин услублари такомиллашиб, футболчини ҳаракат фаолияти қийинлашиб бормоқда.

Калит сўзлар: ўйин малакалари ва комбинациялар, ўйин услублари, жисмонан бақувват.

Татқиқотнинг мақсади – ўсмир ёшдаги футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ва мусобақа фаолиятини назорат қилишни ўрганиш, такомиллаштиришда услубий кўрсатмаларни бериш.

Футболчиларни махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш. Футболда юқори натижаларга эришишида махсус жисмоний тайёргарлик даражасини юқори бўлиши асосий факторлардан ҳисобланади. Бунга махсус адабиётларни ўрганишда ҳам амин бўлдик. Кўпгина футбол мутахассислари футболда юқори натижаларга эришиши учун аввало махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ҳам кераклиги бўлган ҳолатга келтиришни тавсия этишган. Лекин айнан қайси жисмоний сифат биринчи даражасини аҳамиятга эга деган саволга турли мутахассислар турлича жавоб қайтаришади. Мисол қилиб Майрос ўз ишида шуни таъкидлайдики, Грециядаги футбол мутахассисларини ўртасида ўтказилган сўровномасига асосан жисмоний сифатларини: тезлик-куч сифатлари, чаққонлик сифатлари, куч сифатлари, ва тезлик сифатлари.

Турли ёшдаги футболчиларни техник-тактик маҳоратини оширишда ҳам ўзига хос аҳамиятли томонлари мавжуд.

Ўзбекистонлик футбол мутахассислари ишларига эътибор берилганда, уларни кўпроқ, (айниқса ёш футболчиларни тайёрлашда) футболчиларни специфик мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда, яъни футболчиларни ампуласи бўйича бажарадиган ишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-машғулотларини олиб боришига амин бўламыз.

Ўрганишлар давомида футболчилар 30 мга югуриш, 400 мга югуриш, турган жойдан узунликка сакраш, тўпни узоқ масофага йўллаш ва тўпни олиб юриш, алдаб ўтиш ва дарвоза томон зарба беришлар билан ифодаланди. Бу қўлланилган комплекс тестлар ёрдамида футболчиларни турли махсус жисмоний тайёргарлик томонларини ўрганилди. Яъни тезлик сифатлари (30 м юқори стартдан югуриш), тезлик чидамкорлиги (400 мга югуриш) тезлик-куч сифатлари (турган жойдан узунликка сакраш ва узоқ масофага тўпни юллаш), координацион сифатлар (тайёргарлик орасидан тўпни олиб юриш ва дарвоза томон яқунловчи зарбани йўллаш) ўрганилди.

16 ёшдаги футболчиларни махсус жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда назорат меъёрлари

| № | Машқлар | Баҳо | | |
|---|--|------|------|-----------|
| | | Аъло | Яхши | Қониқарли |
| 1 | 30 мга югуриш | 4,3 | 4,4 | 4,5 |
| 2 | 400 мга югуриш | 61,0 | 62,0 | 63,0 |
| 3 | Турган жойдан узунликка сакраш | 240 | 230 | 220 |
| 4 | Узоқ масофага сакраш | 80 | 75 | 70 |
| 5 | Тўп олиб юриш ва дарвозага яқунловчи зарбани бериш | 8,7 | 8,8 | 8,9 |

Натижадан шуни хулоса қилса бўладики кузатилган футболчиларда тезлик сифатлари паст даражада бўлган, яъни 15та футболчидан фақат 3 нафари модел кўрсаткичга (яъни 4,3с) эга бўлишган. 4 нафар футболчи яхши (4,4с) натижани кўрсатишган. 3та футболчи эса қониқарли натижага эришишган. Қолган 5 нафар футболчини кўрсатган натижалари талабга умуман жавоб бермаган бўлиб, 4,5 сонияли вақтдан ҳам ёмон натижа кўрсатишган.

Тезлик куч сифатларини акс эттирувчи тестлашда қуйидаги натижаларга эришишди. Кузатилганлардан 2 таси аъло кўрсаткичга эга бўлган, яхши натижага 6 та футболчи эришган ва

қоникарли натижани 3та футболчи кўрсатган. Умуман талабга 4 та футболчи жавоб бермайдиган натижа кўрсатишган.

Узоқ масофага тўпни йўллашда ҳам футболчилар тезлик-куч сифатлари ўрганилган. Бу ерда ҳам юқори кўрсаткичларга эришишмаган ва натижалар куйидаги кўриниш ҳосил қилган: аъло кўрсаткичи, яъни тўпни 80 метр ва ундан узоқ бўлган масофага бирор бир футболчи эришмаган. Яхши натижа, яъни 75 мдан 80 м гача бўлган масофага 2та футболчи эга бўлган. Қоникарли натижа, яъни 70 м дан 75 м гача бўлган тўпни йўллашда 9 та футболчи бу ишни удалашган. Қолган 5 нафар футболчилар 70 мдан кам бўлган яъни талабга жавоб бермайдиган натижани кўрсатишган.

Координацион сифатларни ёки чаққонлик сифатларини акс эттирувчи тестлаш, яъни тўпни таёқчалар орасидан олиб юриш ва дарвозага яқунловчи зарбани беришда ҳам натижаларни яхши деб бўлмайди. Натижалар куйидагиларни кўрсатди. Модел кўрсаткичга (87с) 4 та футболчи эга бўлди, яхши кўрсаткичга (8,8 с) 2 та футболчи эришган ва 8-9 с вақт яъни қоникарли бўлган натижага 5та футболчи эришган, 3 та футболчини чаққонлик сифатлари умуман меъёрий кўрсаткичлардан паст бўлган.

Хулоса. 1) Маълум бўлдики кузатилган футболчиларда махсус жисмоний тайёргарлик даражаси меъёрий талабларга жавоб бермаган. Бу эса футболчиларни тайёрлаш тизимида бир қанча камчиликлар борлигидан далолат беради. Тайёрлов босқичларида махсус жисмоний сифатларни ривожлантиришда режали ва мақсадли йўналган ишлар кетма-кетлиги тўғри йўлга қўйилмаган. Бу ҳолларга сабаб қилиб, кўпгина мураббийларни ёш футболчиларда махсус жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган аниқ дастурларни йўқлигида деб ҳам ҳисобласа бўлади.

2) Мураббийлар ўртасида ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатадики, мураббийлар 16 ёшдаги футболчиларни тайёрлашда турли йўналишга ва махсуслашган машқларни йиллик цикл босқичларида қай тарзда қўллашга нисбатан аниқ жавоб беришда қийналишган.

3) Махсус жисмоний сифатларни ёш футболчиларда ривожлантириш ва мукаммаллаштиришга қаратилган регламентлашган машғулот дастурларини йўқлиги, ўқув-машғулот жараёнини керакли бўлган даражада олиб боришга йўл қўймапти.

УДК: 796.23.02.

ИЗУЧЕНИЕ СООТНОШЕНИЯ МЕЖДУ СПЕЦИАЛЬНОЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКОЙ И ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКОЙ ФУТБОЛИСТОВ

Акмал Туляганов

Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчиқ, Ўзбекистан

rudeks@mail.ru

Аннотация. Футбол привлекает своей сущностью, содержанием, разнообразными игровыми приемами и комбинациями тысячи людей. В настоящее время футбол является игрой номер один в мире. Футбол развивается день ото дня. Стили игры улучшаются, а движения игрока усложняются. Игра в футбол способствует развитию основных качеств скорости и точности движений, ловкости, силы, выносливости.

Ключевые слова: игровые приемы и комбинации, стили игры, физическая сила.

UDC: 796.23.02.

STUDY OF THE CORRELATION BETWEEN SPECIAL PHYSICAL TRAINING AND TECHNICAL AND TACTICAL TRAINING OF FOOTBALL PLAYERS

Akmal Tulyaganov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

rudeks@mail.ru

Abstract. Football attracts thousands of people with its essence, content, various playing techniques and combinations. Football is currently the number one game in the world. Football is evolving day by day. Play styles are improving and player movements are getting more complex. Playing football contributes to the development of the basic qualities of speed and accuracy of movements, agility, strength, and endurance.

Key words: game skills and combinations, game styles, physical fitness.



ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БОКСЧИ ҚИЗЛАРНИНГ МУСОБОҚА ҲАРАКАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Б. Турсунпулатов, Д. Алимова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

pulat@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада аёл боксчиларнинг спорт машғулотлари масалалари муҳокама қилинган. Тайёргарликнинг турли жиҳатлари (жисмоний, техник, тактик, функционал) бўйича тадқиқотлар таҳлили маълумотлари келтирилган. Аёл боксчиларнинг рақобатбардош фаолиятининг хусусиятлари ўрганилиб, ўқув жараёнини оқилона қуришни назарий ва амалий асослашни талаб қиладиган долзарб муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: машғулотлар, аёл боксчилар, йиллик цикл, боксчилар, машғулотлар воситалари ва усуллари.

Кириш. Замонавий спорт нафақат машғулот юкламаларининг юқори интенсивлиги, балки мусобақа жанглирида бажаралидиган ҳажмлар билан ҳам ажралиб туради. Замонавий боксчи қизлар халқаро турнирлар, Осиё, Жаҳон чемпионатлари ва Олимпия ўйинларида юксак спорт ютуқларини намоиш этмоқда. Дунёнинг энг кучли боксчи қизларнинг жанглири динамиклиги ва фаоллиги, кўплаб қутилмаган ва қийин ҳужум вазиятлари, турли мукамаллаштирилган техникалар ва оқилона тактика танлаши билан ажралиб туради. Боксчи қизларнинг техник-тактик тайёргарлигини ўргатиш методикаси боксчи қизларнинг мусобақа фаолиятини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда машғулотларга янгича ёндашувни талаб этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси. Юқори малакали боксчи қизларнинг мусобақа ҳаракатларини таҳлил қилиш ва таснифлаш. Мусобақалар жараёнида юқори малакали боксчи қизларнинг мусобақа ҳаракат тавсифларининг таркиби ва тузилиши, уларнинг реакциялари шахсий-типик вариантларини аниқлаш.

Тадқиқотни ташкил этилиши ва усуллари. Дунёнинг энг кучли боксчи қизлари ўртасидаги жанглир динамикаси ва фаоллиги, қутилмаган ва мураккаб ҳужум ҳолатларининг кўплиги, сайқалланган техниканинг турли-туманлиги ва танланган оқилона тактикаси билан ажралиб туради. Ўзбекистон боксчи қизлари мусобақа фаолияти таҳлиллари видео ёзувлар ва спорт фанида тавсия этилган усул бўйича баённома ёзиш асосида бажарилди [5;272б]. Мазкур тадқиқотда турли вазн тоифасидаги 150 та аёл спортчи иштирок этди. Мусобақа ҳаракатлари таҳлили 325 та жанг устида олиб борилди. Тадқиқотнинг вазифаларидан бири республика ва халқаро мусобақаларда боксчи қизларнинг ҳаракат усуллари таркибини аниқлашдан иборат эди. 1-жадвалда боксчи қизларнинг мусобақа жангидаги ҳужум ҳаракатлари натижалари келтирилган. Ўзбекистонлик боксчи қизларининг мусобақа фаолияти таҳлили спорт фанида тавсия этилган усул билан мусобақа курашларини рўйхатга олиш ва протоколлаштириш асосида амалга оширилди [4; 272 б]. Ушбу тадқиқотда турли вазн тоифасидаги 150 дан ортиқ спортчи аёллар иштирок этди. Мусобақа ҳаракатлари учун 325 дан ортиқ жанглир таҳлил қилинди. Тадқиқотимизнинг мақсадларидан бири республика ва халқаро мусобақаларда боксчи қизларининг ҳаракат услублари таркибини аниқлаш эди. Боксчи қизларнинг мусобақа фаолиятини баҳолаш учун аввалги тадқиқотларда ишлаб чиқилган нотацион ёзувлардан фойдаланилган [3; 42 б.].

Тадқиқот натижаси ва унинг таҳлили. Тадқиқ этилган кўрсаткичларни таҳлил қилаётганда 3 раунд давомида оддий зарбаларнинг жами ҳаракатлари 97 зарбани, яъни 65,5% ни кўрсатган. Берилган зарбаларнинг умумий сони 3 раунд давомида 150±15 зарбани ташкил этган.

Боксчилар мусобақа жангида мураккаб техник ҳаракатлар, 3-4 зарба сериялари, тақрорий ҳужум ва сакрашларни қўллайдилар. Боксчилар томонидан мураккаб ҳаракатларнинг қўлланилиши таҳлили кўрсатдики, 1-раундда 3 зарбали сериялар 29,6%, 4-зарбали 9,3%, тақрорий ҳужумлар 3,1%, зарбали сакрашлар 1,8% ни ташкил этган. Иккинчи раундда боксчи (аёллар) томонидан мураккаб ҳужумларни қўллаш натижалари мувофиқ равишда 14,6%; 6,3%; 4,2% ни ташкил этади.

3 раунд давомида олинган тадқиқот кўрсаткичлари мувофиқ равишда 16,7;5,5;2,8;0 ни ташкил этди. Олинган маълумотлар мусобақа жанглирида боксчи қизлар ўз техник арсеналларида оддий техник усуллардан фойдаланишларини кўрсатади. Мазкур ҳолат уларнинг бажарилиши катта координацион қобилият ва жисмоний тайёргарлик талаб этмаслиги билан боғлиқ.

Спортчи аёлларнинг психофизиологик ҳолати ва ҳаракат функцияларини аниқлаш учун спортчи аёлларда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаган комплексдан фойдаланилган: электр-тери қаршилиги (ЭТҚ), оддий ҳаракат реакцияси вақти (ОХРВ), мураккаб ҳаракат реакцияси вақти (МХРВ), статик

режимда қўл мушаклари тремори (ҚМТ). Ўтказилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, боксчи (аёллар)нинг шуғулланганлик кўрсаткичи кўп жихатдан уларнинг хусусий психодинамик хоссалари билан белгиланади, спортчи аёлларнинг фаолият самарадорлигини кўп жихатдан белгилаб берувчи ҳаракат реакцияларининг тезлиги ва аниқлиги кўрсаткичларидаги каби аниқ ифодаланмайди.

Хулоса. Боксчи (аёллар)нинг мусобақа фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, функционал, махсус тайёргарлик даражаси жаҳон модели талабларига жавоб бермайди. Боксчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари меъёрий талабларга жавоб бермайди. Техник-тактик услублар арсеналидан фойдаланишни боксчи эркаклар билан солиштирганда, аёллар мураккаб ҳужум комбинацияларини бажаришда, оддий ҳужумлардан мураккабларига ўтишда, шунингдек, яқин масофада жанг қилиш техникасини (кириш ва чиқиш) бажаришда ортда қолиши аниқ кўринади. Бокс классификациясининг таркибий қисмларидан бири ринг бўйлаб ҳаракатланиш техникаси ҳисобланади. Бокснинг барча техникаси техник-тактик услубларнинг (қўллар, оёқлар ва гавда ёрдамида) параллел равишда бажарилишига асосланади. Мусобақа жангининг асосий кўрсаткичлари – зарбалар сони, аниқлик кучи ва жангга киришиш зичлигидир. Афсуски, бу кўрсаткичларда боксчи қизлар боксчи эркакларга нисбатан салбий тарафлама катта фарқларга эга.

Адабиётлар рўйхати

- 1) Остьянов В.Н., Гайдамак И.И. Бокс (обучение и тренировка). – К.: Олимп. Лит., 2001. – 239 с
- 2) Турдиев Ф.К. Бокс тренерларининг индивидуал дарс олиб бориш жараёнидаги махсус малакаларини шакллантириш. Автореф. дис.... к.п.н.. - Т., 2012. – 42 с.
- 3) Халмухамедов Р.Д., Тажибаев С.С., Ражабов Г.Қ. Яккакураш спорт тури (бокс). Дарслик. - Т., 2015, 185.
- 4) Остьянов В.Н. Обучение и тренировка боксеров. –К.: Олимп. Лит., 2011- 272 с.

UDC: 796.83

ANALYSIS OF COMPETITIVE ACTIVITY OF UZBEKISTAN GIRLS BOXERS

B. Tursunpulatov, D. Alimova

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan
pulat@mail.ru*

Abstract. This article discusses the issues of sports training of female boxers. The data of the analysis of studies of various aspects of preparedness (physical, technical, tactical, functional) are presented. The features of competitive activity of female boxers are studied. The actual problems requiring theoretical and practical substantiation of the rational construction of the training process of female boxers are identified

Keywords: training, female boxers, annual cycle, stages, means and methods of preparation.

УДК: 796. 83

АНАЛИЗ СОРЕВНОВАТЕЛЬНЫХ ДЕЙСТВИЙ ДЕВУШЕК-БОКСЕРОВ ВЫСОКОЙ КВАЛИФИКАЦИИ

Б. Турсунпулатов, Д. Алимова

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
pulat@mail.ru*

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы спортивной подготовки женщин-боксеров. Приведены данные анализа исследований различных сторон подготовленности (физической, технико-тактической, функциональной). Изучены особенности соревновательной деятельности женщин-боксеров. Определены актуальные проблемы, требующие теоретического и практического обоснования рационального построения учебно-тренировочного процесса женщин-боксеров

Ключевые слова: тренировка, женщины-боксеры, годичный цикл, этапы, средства и методы подготовки.



ФУТБОЛЧИЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ПЕДАГОГИК КУЗАТУВИ ВА ТАҲЛИЛИ

Нуриддин Умаров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

nurikumrik1994@gmail.com

Аннотация. Мақолада ўзбек футболни кейинги ривожланиши ҳамда ёш болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: ТТХ (техник тактик ҳаракатлар), орқага тўп узатишлар, самарадорлик коэффициенти, жарима майдони, зарбаларни самарадорлик коэффициенти.

Футбол ҳозирги кунга келиб, бутун дунё бўйича биринчи рақамли ўйин ҳисобланади. Футбол спорт тури кундан кунга ривожланиб бормоқда. Ўйинни услублари такомиллашиб, футболчини ҳаракат фаолияти қийинлашиб бормоқда. Ўзбек футболчиларини кейинги ривожланиш босқичи, тўғридан-тўғри ёш болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Мақсад ва вазифа. U-22 йилларда туғилган «Металлург» футболчиларини мусобақа фаолияти кузатилди.

Кузатишлар давомида 4 та ўйин назорат қилинди. Назорат қилишда ёш футболчилар томонидан бажариладиган барча техник-тактик ҳаракатлар кузатилди ва натижалар қайд қилиниб борилди.

Жадвалда ёш футболчилар томонидан бажарилган ТТХ ларни натижалари кўрсатиб ўтилган.

Футболчилар ўртача ўйин давомида 515 та техник-тактик ҳаракатни амалга оширишади. Бу техник-тактик ҳаракатларни 315 таси самарали яқун топади ва 201 та техник-тактик ҳаракат самарасиз яқун топади. Умумий самарадорлик коэффициенти 0.60% ни ташкил қилган. Футболчиларни барча техник-тактик ҳаракатларини ярмидан кўпроқ қисмини турли тўп узатишлар ташкил қилган. Яъни ўртача ўйин давомида футболчилар 265 та турли тўп узатишларни амалга оширишган.

Тўп узатишлар. Орқага тўп узатишлар ўйин давомида 30 мартаба қўлланилган ва бу ҳаракатларда брак ҳоллари кузатилмаган.

Ёнга тўп узатишлар ўртача ўйин давомида 63 мартаба қўлланилган. Улардан 55 таси тўғри бажарилган бўлиб, 8 та тўп узатиш нотўғри бажарилган. Самарадорлик коэффициенти 0.87% ни ташкил қилган.

Олдинга тўп узатишлар нисбатан бошқа турдаги тўп узатишларга қараганда кўпроқ ишлатилган. Ўртача ўйин давомида 123 мартаба олдинга тўп узатишларда фойдаланилган. Самарадорлик коэффициенти 0,56% ташкил этди. Кўпгина ўринишлар мўлжалга аниқ етиб бормаган бўлиб, 123 та тўп узатишдан 54 та тўп узатиш аниқ ўйинчига етиб бормаган.

Tadqiqot metodologiyasi. Sport – bu ishtirokchilar tarkibi jihatidan ancha murakkab soha hisoblanadi, ya'ni unda bolalar, sportchilar va sport ishqibozlari, davlat sport maktablari, sport federatsiyalari, ilmiy tuzilmalar va tijorat tashkilotlari mujassam. Sportda boshqa sohalar, ya'ni sog'liqni saqlash, ta'lim va moliya sektori vakillarini ham uchratish mumkin. Bunday sohani boshqarish sanoat yoki chakana savdodan ko'ra ancha murakkabroq, bu yerda aniq va izchil maqsadli uchta toifadagi sub'ektlar mavjud, bular davlat nazorati, ishlab chiqaruvchilar yetkazib beruvchilar va xaridorlar. Hozirgi kunda mamlakatimiz sportida maqsadlarni belgilashda turlicha qarashlar mavjud: bu medallar chempionlar vatanparvarlik yoki millat salomatligi yoki ko'ngil yoyish yoki biznes. Sohani strategik rivojlantirish rejasiga muvofiq, 2030-yilga kelib mamlakatimiz aholisining 80 foizi jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishi lozim. Raqamli texnologiyalar ushbu natijaga erishish, ya'ni mamlakat aholisi uchun maxsus imkoniyatlar yaratishga xizmat qilishi zarur. Birinchidan, raqamli texnologiyalar insonlarni jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanishlariga motivatsiya uyg'otadi. Ikkinchidan, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilar uchun qulaylik yaratadi. Masalan, bitta tugmani bosish orqali farzandingizni birorta sport maktabiga yoki o'zingizni birorta sport to'garagiga a'zo qilishingiz, siz yashayotgan hududdagi yoki yaqin atrofigizdagi sport inshootlari va uning imkoniyatlari haqida kengroq ma'lumot olishingiz mumkin. Uchinchidan, sohadagi jarayonlarni soddalashtiradi. Bu jarayonlar sportchilar, murabbiylar va jamiyatning boshqa a'zolari bilan do'stona munosabatni ta'minlashi lozim. Masalan, agar biror inson sport musobaqasida qatnashib sport toifasi yoki unvonini olish huquqiga ega bo'lsa, u holda sport toifasi yoki unvonini olish jarayoni avtomatik tarzda amalga oshirilishi kerak. Yoki taqvim bo'yicha biror sport tadbirini rejalashtirish masalasi ham oddiy va onlayn bo'lishi lozim. To'rtinchidan, jarayonlarning shaffofligini oshirish ta'minlanadi. Raqamli texnologiyalar haqida gap ketganda, tizimga birlamchi ma'lumotlarni kiritish hisobiga har doim shaffoflikni oshirish nazarda tutiladi. Sport sohasiga tegishli aniq misol bilan aytadigan bo'lsak, bunday ma'lumotlar musobaqa bayonnomalaridan (elektron ko'rinishda) olingan yoki hakamlarning baholaridan iborat bo'lishi, qolaversa, sport mashg'ulotlarida ishtirok etayotgan har bir sportchining hamda murabbiy tomonidan natijalar qayd etiladigan elektron jurnal bo'lishi mumkin. Shaffoflik, boshqa omillar qatorida, iste'dodli insonlarning, ya'ni ham sportchilar ham murabbiylarning tizimda uzoq qolishini ta'minlashga yordam beradi. Bu esa, natijadorlik nuqtai-nazaridan muhimdir: agar bizning oldimizga 80% natijaga erishish maqsad qilib qo'yilgan bo'lsa, u holda unga ishtirok etadigan fuqarolarni sanash masalasini tushunish mumkin. Mazkur holatda ham raqamli texnologiyalar bizga yordamga keladi. Sohani raqamlashtirish uchun qancha vaqt talab etiladi, qanday bosqichlar ustuvor va ularning qaysi biriga ko'p vaqt sarf qilinadi, shu kabi masalalarga yechim topish mavjud muammolarni aniqlab kelgusidagi strategik vazifalarni belgilab olish uchun muhim sanaladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktyabrdagi PF-6079-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan “Raqamli O'zbekiston – 2030” strategiyasi doirasida sport sohasini raqamli qilish 2023-yilgacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi.

Raqamli texnologiyalar orqali jismoniy tarbiya va sport sohasini kelgusida rivojlantirish uchun to'rtta asosiy xizmatni keng joriy etish maqsadga muvofiq: yagona taqvim reja, sport toifalari va unvonlarini belgilash, bolani sport mashg'ulotlari tizimiga ro'yxatga qo'yish va statistik hisobotlarni yig'ish. Ushbu to'rt komponentning izohiga to'xtalib o'tamiz. Hukumat tomonidan har yili mazkur xizmatlarni moliyalashtirish amalga oshirilmagan taqdirda ham funktsional yechim topish maqsadga muvofiq. Masalan, yagona taqvim rejani internet tarmog'ida joylashtirish. Bu to'rt xizmat sodda tarkibiy tuzilishga ega bo'lishi bilan bir qatorda, ular bir nechta asosiy reestrlar bilan bog'liqdir. Reestrlar mamlakatning butun hududida yagona standart bo'yicha tuzilishi lozim Sport tayyorgarligi elektron kundaligi (murabbiylar bilan ishlash va sport mashg'ulotlarini tashkil etish bilan bog'liq faoliyat) raqamli transformatsiyalash idoraviy dasturlariga kiritilishi lozim bo'lgan muhim elementdir. Hududlar miqyosida olib qaraganimizda, ularning raqamlashtirishga qanchalik tayyorligini aniqlash masalasi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu jihatdan qaralganda, mamlakatimiz hududlarida jismoniy tarbiya va sportni raqamlashtirish jarayonlari turli xil ko'rinishga ega. Ushbu masalada ilg'or hududlar, shu bilan birga, ko'pgina jarayonlar qog'ozda qilinadigan va hozircha deyarli "raqamlashtirish" haqida gapirib bo'lmaydigan hududlar ham mavjud. Axborot va telekommunikatsiya infratuzilmasini hamma hududlarda ham yuqori darajada rivojlangan deb bo'lmaydi. Shuning uchun idoraviy dasturlar asosan raqamlashtirish uchun zarur bo'lgan infratuzilmani rivojlantirishga qaratilishi, mintaqalar uchun subsidiyalar ko'rinishidagi grantlarni nazarda tutishi lozim. Haqiqatan ham, zamonaviy axborot va telekommunikatsiya infratuzilmasini rivojlantirmasdan turib, raqamlashtirish sohadagi keyingi qadamlar haqida gapirish mumkin emas. Raqamlashtirish sohasida hududiy yaxlitlikni ta'minlaydigan hali umumiy tizim mavjud emas. Hozirgi kunda mamlakatimizda bunday tizimlarni yaratish ustida keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Ko'pgina sport tashkilotlari raqamli texnologiyalar nuqtai nazaridan nima qilish kerakligi haqida o'z qarashlariga ega hamda ular bunday tashabbuslarni ehtimol allaqachon boshlab yuborishgan. Hozirgi kunda birinchi navbatda, aniq dastlabki ma'lumotlarga (masalan, sport toifalari va unvonlarini berish haqidagi ma'lumotlarga), ma'lum bir axborot oqimlari va yo'nalishlarga ehtiyoj mavjud. Bu shundan dalolat beradiki, mavjud tizim mintaqalarda yoki sport federatsiyalarida allaqachon joriy qilingan bo'lsa, u holda ishlayotgan boshqa axborot tizimlari bilan ma'lumot almashishga tayyor. Asosiy vazifa – ulardan real vaqt rejimida ma'lumotlarni olishdan iborat. Raqamli texnologiyalarning uzoq muddatli muammolariga to'xtaladigan bo'lsak, bolalarni sport maktabiga ro'yxatga qo'yish yoki kompyuter tugmasini bir marta bosish orqali sport muassasalariga a'zo bo'lish kabi vazifalar hozirgi kunda respublikamiz aholisi uchun yaratilayotgan interaktiv xizmatlar sirasiga kiradi. Ushbu holatda manfaatdor tashkilotlarning (veb-portal) ishtirokini hamda davlat xususiy sherikchilik tamoyillari ta'sirini ham alohida e'tiborga olish zarur.

Xulosa va takliflar. Jismoniy tarbiya va sport sohasini raqamlashtirish foyda olish va qulay marketing faoliyatini amalga oshirish uchun imkoniyat yaratadi. Bu jarayonda ko'p jihatdan davlat tomonidan tartibga solinmaydigan loyihalar ustuvorlik kasb etadi. Bu borada respublikamiz hududlaridagi eng yaxshi tajribalar to'planishi va amaliyotga tatbiq qilinishi maqsadga muvofiq. Aytish mumkinki, insonning jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanishi – bu to'liq "ekotizim" elementidir. Sport ob'ektlariga borishdan oldin tayyorgarlik ko'rish, sport anjomlari bilan qurollanish va sug'urtalanish talab etiladi. Shu bilan birga, tur sayohatlarga borib o'sha joyning o'zida mavjud sport seksiyalariga qatnashish mumkin. Bu jarayonlar mamlakatimizda xizmat ko'rsatish ekotizimlarini barpo etayotgan manfaatdor tomonlarni qiziqtirishi ajablanarli emas. Bundan tashqari, nafaqat sport komponentini, balki faol hayot 223 ecla bilan shug'ullanadiganlar uchun ham keng ko'lamli xizmatlarni o'z ichiga oladigan veb-platformalarni yaratishga qiziqish mavjud. Fuqarolar uchun taqdim etiladigan raqamli xizmatlar masalasida xususiy tadbirkorlik davlat sektoriga qaraganda ancha puxta, shuning uchun bu jarayonlarni rivojlantirish davlat-xususiy sherikchilik asosida bo'lishi maqsadga muvofiq.

УДК: 796.26.05.

ПЕРСПЕКТИВЫ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ФИЗИЧЕСКОЙ ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА

Камола Юлдашева

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

yuldashevakamola3@gmail.com

Аннотация. В данной статье проанализированы перспективы и текущее состояние цифровой трансформации сферы физической культуры и спорта в нашей стране.

Ключевые слова: оцифровка, цифровые технологии, современные информационные технологии, физическая культура и спорт, Единый календарный план, спортивные разряды и звания, система спортивной подготовки.

PROSPECTS OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT

Kamola Yuldasheva

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

yuldashevakamola3@gmail.com

Abstract. This article analyzes the prospects and current state of digital transformation of the sphere of physical culture and sports in our country.

Keywords: digitization, digital technologies, modern information technologies, physical culture and sports, Unified calendar plan, sports categories and titles, sports training system.



DISK ULOQTIRUVCHI SPORTCHI-TALABALARNING DISK ULOQTIRISHDA KINEMATIK XARAKTERISTIKALARINI O'RGANISH

Zebo Yusupova, Atxam Maxkambaev

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

zebo.yusupova.87@inbox.ru, maxkambaev74@mail.ru

Annotatsiya. Tajriba va nazorat guruhi disk uloqtiruvchi sportchi-talabalarning diskni uchib chiqish burchagi, o'rtacha tezligi, diskni uchish masofasi kinematik ko'rsatkichlarini tadqiq qilish natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar. Disk uloqtiruvchi, uchib chiqish burchagi, o'rtacha tezligi, diskni uchish masofasi, korrelyatsiya koeffitsienti.

Kirish. Disk uloqtiruvchi sportchining sport natijalari juda ko'p sonli omillarga bog'liq bo'lib, bunda sportchining murakkab harakati optimallashtirilgan bo'lishi bilan birga, disk va sportchini o'zaro aloqasi va birgalikdagi aylanma va tezlanuvchi harakatlarini mosligi hamda uloqtirish jarayonida uchib chiqish burchagi, o'rtacha tezligi, diskni uchish masofasi singari juda muhim hisoblangan kinematik ko'rsatkichlar, ularning o'zaro bog'liqligi katta ahamiyat kasb etadi. Ana shu muhim ko'rsatkichlar o'rtasidagi statistik bog'danishni tajriba davomida o'zgarib borishi shubhasiz qiziqarli, ularga yetarlicha ahamiyat berish kerak va shular mavzuning dolzarbligini ifodalab turibdi.

Maqsad va vazifalar. Pedagogik tajriba davomida tajriba va nazorat guruhlarini disk uloqtiruvchi sportchi-talabalarning uloqtirish jarayoni davomida diskni uchib chiqish burchagi, o'rtacha tezligi, diskni uchish masofasi singari kinematik ko'rsatkichlarini hamda ularning statistik bog'liqligini Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsientini hisoblash asosida o'rganish, o'zaro solishtirish va tahlil qilish.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot jarayonida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini o'rganish, umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, pedagogik tajriba, matematik-statistika usullaridan foydalanildi. Nazorat va tajriba guruhlarini (n=12) disk uloqtiruvchilari uchun maxsus-kuch ko'rsatkichlarini xarakterlovchi mashqlar tanlab olindi. Tajriba O'zDJTSU bazasida disk uloqtiruvchi sportchi-talabalar bilan olib borildi. Nazorat guruhidagi mashg'ulotlar an'anaviy dastur asosida olib borildi, tajriba guruhida esa dastur doirasidan chiqmagan holda katta e'tibor tanlab olingan maxsus mashqlar majmuasini bajarilishiga qaratildi.

Katta tanlanmalarda korrelyatsiya koeffitsientining qiymati quyidagi formuladan va Excel amaliy dasturidan foydalanib amalga oshirildi:

$$r = \frac{\sum (X_i - \bar{X}) \cdot (Y_i - \bar{Y})}{n \sigma_x \sigma_y} \quad (1)$$

bu yerda \bar{x} , \bar{y} - berilgan X va Y ko'rsatkichlarning o'rtacha arifmetik qiymatlari; X_i , Y_i - X va Y ko'rsatkichlarning qiymatlari juftligi; n - o'lchashlar soni; σ_x , σ_y - o'rganilayotgan ko'rsatkichlarning o'rtacha kvadratik og'ishi (standart og'ish).

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Tadqiqot oxirida, xuddi boshlanishidagi singari, tajriba (TG) va nazorat (NG) guruhi sportchilarining disk uloqtirishi jarayonida diskni uchib chiqish burchagi, o'rtacha tezligi, uchish masofasi singari kinematik ko'rsatkichlar aniqlandi.

Bunda NG sportchilarining diskni uchib chiqish burchagi bo'yicha pedagogik tajriba boshida ko'rsatgan natijalarining o'rtacha arifmetik qiymati (O'AQ) va standart og'ishi (SO) $\bar{x} \pm \sigma = 41,17 \pm 2,44^\circ$ ni, o'rtacha tezligi $\bar{x} \pm \sigma = 24,73 \pm 1,21$ m/s ni, diskni uchish masofasi $\bar{x} \pm \sigma = 35,12 \pm 3,40$ m.ni tashkil etgan bo'lsa, TGda ushbu ko'rsatkichlar, mos ravishda, $\bar{x} \pm \sigma = 39,29 \pm 2,82^\circ$, $\bar{x} \pm \sigma = 24,92 \pm 1,04$ m/s va $\bar{x} \pm \sigma = 34,82 \pm 4,44$ m.ga tengligi aniqlandi.

Pedagogik tajriba oxiriga kelib NGda diskni uchib chiqish burchagi $\bar{x} \pm \sigma = 39,80 \pm 1,85^\circ$ ni (tajriba davomida 1,37⁰ga, boshlang'ich natijaga nisbatan 3,32% ga yaxshilangan), o'rtacha tezlik $\bar{x} \pm \sigma = 25,80 \pm 1,14$ m/s ni (1,07 m/s.ga, ya'ni 4,33% ga) va uchish masofasi $\bar{x} \pm \sigma = 37,84 \pm 3,51$ m.ni (2,73 m., ya'ni 7,76% ga yaxshilangan) tashkil etgan bo'lsa, TG guruhida bu ko'rsatkichlarning hammasi Ngdagiga nisbatan ancha yaxshiroq natijalar kuzatilgan. Chunonchi, TGda diskni uchib chiqish burchagi $\bar{x} \pm \sigma = 35,08 \pm 3,21^\circ$ ga (4,22 gradusga, ya'ni boshlang'ichga nisbatan 10,73% ga yaxshilangan), o'rtacha tezlik $\bar{x} \pm \sigma = 26,53 \pm 1,51$ m/s.ga (1,61 m/s yoki 6,45%) va uchish masofasi $\bar{x} \pm \sigma = 39,67 \pm 4,78$ m.ga (4,85 m.ga yoki 13,93% ga yaxshilangan) teng bo'ldi. Shuning bilan birga variatsiya koeffitsient son qiymatlari ham tajriba boshidagi qiymatlariga nisbatan ijobiy tomonga o'zgardi va bularning hammasi pedagogik tajribani uslubiy jihatdan to'g'ri tashkil etilganligini isboti hisoblanadi.

Quyidagi jadvallarda pedagogik tajriba boshida NG va TG,

| Tajriba boshida | NG uchish burchagi | NG o'rtacha tezlik | NG masofa |
|--------------------|--------------------|--------------------|-----------|
| TG uchish burchagi | 0,710 | -0,802 | -0,320 |
| TG o'rtacha tezlik | -0,735 | 0,761 | 0,326 |
| TG masofa | -0,306 | 0,487 | 0,670 |

pedagogik tajriba oxirida NG va TG ko'rsatkichlari o'rtasida,

| Tajriba oxiri | NG uchish burchagi | NG o'rtacha tezlik | NG masofa |
|--------------------|--------------------|--------------------|-----------|
| TG uchish burchagi | 0,933 | -0,850 | -0,708 |
| TG o'rtacha tezlik | -0,784 | 0,901 | 0,729 |
| TG masofa | -0,724 | 0,748 | 0,599 |

NG sportchilarini tajriba davomida, ya'ni tajriba boshi va oxirida

| Nazorat guruhi | TB uchish burchagi | TB o'rtacha tezlik | TB masofa |
|--------------------|--------------------|--------------------|-----------|
| TO uchish burchagi | 0,930 | -0,812 | -0,640 |
| TO o'rtacha tezlik | -0,857 | 0,769 | 0,595 |
| TO masofa | -0,260 | 0,537 | 0,015 |

TG sportchilarini tajriba davomida, ya'ni tajriba boshi va oxirida

| Tajriba guruhi | TB uchish burchagi | TB o'rtacha tezlik | TB masofa |
|--------------------|--------------------|--------------------|-----------|
| TO uchish burchagi | 0,759 | -0,925 | -0,824 |
| TO o'rtacha tezlik | -0,766 | 0,950 | 0,805 |
| TO masofa | -0,295 | 0,453 | 0,588 |

ko'rsatgan natijalari o'rtasida hisoblangan korrelyatsiya koeffitsienti qiymatlari keltirilgan.

Xulosa. Pedagogik tajriba boshida ham, oxirida ham hisoblangan korrelyatsiya koeffitsienti natijalari, asosan, kuchli statistik bog'lanishda, shuning bilan birga ularning ayrimlari musbat va oshqalari manfiy ishorali, ekanligi aniqlandi. Tajriba guruhi sinaluvchilari ko'rsatgan natijalar nazorat guruhidagiga nisbatan yaxshiroq va ushonchliroq o'zgarganligi aniqlandi.

УДК: 796.123

ИЗУЧЕНИЕ КИНЕМАТИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК СТУДЕНТОВ-СПОРТСМЕНОВ МЕТАТЕЛЕЙ ДИСКА ПРИ МЕТАНИИ ДИСКА

Зебо Юсупова, Атхам Махкамбаев

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

zebo.yusupova.87@inbox.ru, maxkambaev74@mail.ru

Аннотация. Приведены результаты исследования кинематических показателей – угла вылета, среднюю скорость, расстояния полета диска у студентов-спортсменов метателей диска экспериментальной и контрольной групп.

Ключевые слова: метатели диска, угол вылета, средняя скорость, дальность полета диска, коэффициент корреляции.

UDC: 796.123

STUDYING THE KINEMATIC CHARACTERISTICS OF STUDENT-ATHLETES DISCUS THROWERS DURING DISCUS THROWING

Abstract. The results of the study of kinematic indicators – takeoff angle, average speed, discus flight distance – of student-athletes discus throwers of the experimental and control groups are given.

Key words: discus throwers, departure angle, average speed, flight range of the discus, correlation coefficient.



УДК 796.422.1

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ДЛИТЕЛЬНЫХ И КОРОТКИХ ИНТЕНСИВНЫХ ТРЕНИРОВОЧНЫХ НАГРУЗОК БЕГУНОВ НА КОРОТКИЕ ДИСТАНЦИИ В МАКРОЦИКЛЕ ПОДГОТОВКИ

Зиннатхон Юсупова, Икромжон Солиев

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

Аннотация. В данной работе представлены результаты сравнительного анализа, а также исследования объема и интенсивности тренировочных нагрузок бегунов на короткие дистанции различной квалификации в макроцикле подготовки. Анализу подвергались три разные продолжительности интенсивной нагрузки 5, 15 и 30 секундные тренировочные нагрузки, где оценивалась эффективность по влиянию на скоростную выносливость и по влиянию на анаэробные способности бега.

Ключевые слова: интервальный спринт, анаэробная тренировка, бег на короткие дистанции, скоростная выносливость, интенсивные нагрузки.

Актуальность. Соревнования в беге на короткие дистанции начиная от 100 м и заканчивая 400 м, требуют уникального взаимодействия аэробного и анаэробного энергообеспечения, это означает, что спортсмены с различными способностями могут иметь возможность выиграть соревнования. Исторически сложилось так, что исследования бега на короткие дистанции были сосредоточены на анаэробных показателях производительности. Естественно, последовали подходы к подготовке и повышению уровня анаэробных возможностей организма спортсменов.

Цель исследования: сравнить различные методы интервальной тренировки по влиянию на скоростную выносливость и на анаэробные возможности спринтеров.

Методы исследования: В исследовании был применен метод сравнительного анализа интенсивности тренировочных нагрузок спринтеров изучение тренировочных программ, а также методов повышения результативности в годовом цикле подготовки. В исследовании приняло участие 30 спринтеров 2-го взрослого разряда, которые были разделены на 1, 2 и 3 группы испытуемых, где 1-ая группа выполняла 5-ти секундные интенсивные нагрузки количество повторов от 20-30 с длительностью отдыха 50 секунд, 2-ая группа выполняла 15 секундные интенсивные нагрузки по 10-15 повторений с длительностью отдыха 90 секунд и 3-я группа выполняла 30 секундные интенсивные нагрузки 5-7 повторений с максимальным выполнением движений с длительностью отдыха 300 секунд. Длительность исследования составила 24 микроцикла. Интенсивная тренировку выполняли 3 раза за недельный микроцикл. Тренировочные занятия проводились в полевых условиях на стадионе Узбекского государственного университета физической культуры и спорта.

Результаты исследования. В результате исследования были получены следующие показатели. Пиковую скорость испытуемые 1-ой группы достигали значительно быстрее по сравнению с испытуемыми 2-ой и 3-ей группами, а вот в удержании средней скорости уступали обеим группам. Интенсивные нагрузки длительностью 5 секунд очень хорошо воспитали взрывные качества бегунов на короткие дистанции, но ухудшили скоростную выносливость, что и сказалось на результате в беге на 100 и 200 м. Тогда как 2-ая группа улучшила анаэробную выносливость на 7,8%, а 3-я группа улучшила анаэробную выносливость на 13,1%. Также у испытуемых 1-ой группы улучшилось время выхода с низкого старта 1,9%, тогда как у испытуемых 2-ой и 3-ей групп результаты выхода с низкого старта остались без изменения. Испытуемые 2-ой и 3-ей групп увеличили объем тренировочных нагрузок за счет выполнения продолжительной интенсивной работы, а испытуемые

1-ой группы за счет количества выполняемой физической работы. В трех группах объем тренировочных нагрузок за 24 микроцикла составил 181 ± 13 км, а вот объем интенсивных нагрузок у испытуемых 1-ой группы составил 69 ± 5 км, у испытуемых 2-ой группы объем интенсивных работ составил 78 ± 3 км и у испытуемых 3-ей группы объем интенсивных работ составил 79 ± 6 км. Как видно из результатов общий объем тренировочных нагрузок у всех трех групп практически одинаковый, так как все три группы выполняли одинаковое количество объема разминочного бега, затратили одинаковое количество средств и часов на общефизическую подготовку и заминку. Различия между группами составили лишь протоколы выполнения тренировочных нагрузок объема и интенсивности беговых нагрузок бегунов на короткие дистанции различной квалификации. В беге на 200 м бегуны всех трех групп показали следующие результаты. Испытуемые 1-ой группы с момента выхода с низкого старта до 30 метров показывали максимальную скорость и были значительно быстрее испытуемых 2-ой и 3-ей групп, но значительно слабее на финише по сравнению с испытуемыми 2-ой и 3-ей групп. Испытуемые 2-ой и 3-ей групп максимальную скорость достигали на 42 ± 5 м, но при этом удерживали ее до 112 ± 3 м, затем скорость бега падала до 22 ± 2 км/ч.

Таким образом, было выявлено, что тренировочный протокол с содержанием высокоинтенсивной интервальной тренировки длительностью, которой составляет 5, 15 и 30 секунд сильно отличается друг от друга, но все три метода эффективны для воспитания определенных качеств спринтера. Интенсивные нагрузки длительностью 5 секунд очень эффективны для развития взрывных способностей спортсменов, а также при выходе с низкого старта, тогда как интенсивность нагрузок длительностью 15 секунд эффективны в наборе максимальной скорости по дистанции. Интенсивные нагрузки длительностью 30 секунд очень эффективны при воспитании анаэробных возможностей бегунов на короткие дистанции. Для того чтобы воспитать те или иные качества рекомендуется сочетать короткие высокоинтенсивные тренировочные нагрузки с продолжительными высокоинтенсивными беговыми нагрузками. Именно рациональное соотношение беговых нагрузок и протокола тренировок дают максимальный эффект для повышения результативности спринтеров на различных этапах подготовки. Но было замечено, что форсирование тренировочных нагрузок в начале педагогического эксперимента у испытуемых 1-ой группы, где спортсмены выполняли 5 секундную нагрузку, приводит к различным травмам по сравнению с испытуемыми 2-ой и 3-ей групп. В связи с этим настоятельно рекомендуется первые 3 микроцикла подготовки не форсировать тренировочные нагрузки при применении коротких по продолжительности высокоинтенсивных тренировочных нагрузок.

Литература:

- 1) Сокунова С.Ф. Применение интервальной гипоксической тренировки в сезонной подготовке бегунов на короткие дистанции / С.Ф. Сокунова, Л.В. Коновалова, В.В. Вавилов // Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. – 2009. – №3 (48) – С. 86-88.
- 2) Аванесов В.У. Кинематические характеристики и функциональное состояние спринтеров в беге на 100 м. / Аванесов В.У., Щеглов В.Н. // Журнал “Ученые записки”, 2012. - № 1. – С. 7-11.

COMPARATIVE ANALYSIS OF LONG AND SHORT INTENSIVE TRAINING LOADS OF SHORT DISTANCE RUNNERS IN A MACROCYCLE OF PREPARATION

Zinnathon Yusupova, Ikrorzhon Soliev

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchik, Uzbekistan*

Abstract. In this paper opened up all results of pedagogical experiment among runners for short distances and made analysis of training loads, training volume and its intensity of different qualification in training macro cycle. Has been compared three protocols of training process consists of 5, 15 and 30 seconds of intensive loads duration, where estimated such kinds of quality like speed endurance and influence on anaerobic capabilities of each athlete.

Key words: interval sprint, anaerobic training, running for short distances, speed endurance, intensive loads



УЎК:796.052

**СПОРТЧИЛАРНИНГ ТАФАККУР ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
ТЕЗКОР ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАЛАКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация. Ушбу мақолада спортчиларнинг тафаккур хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари асосида тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантириш услубияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тафаккур, тафаккур тарзи, тезкор қарор қабул қилиш, спорт, жисмоний тарбия, тренер-ўқитувчилар, тактик фикрлаш қобилияти, аналитик тафаккур.

Кириш. Бугунги кунда дунё олимлари томонидан спортчиларнинг касбий билимлари, амалий кўникмалари, соҳавий малакаларини оширишнинг илмий-услубий ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг муҳим жиҳати шундаки, спортчиларни тайёрлаш ҳамда аҳоли орасида оммавий спортни ривожлантиришда турли соҳалар ҳамкорлигига эътибор қаратилмоқда. Натижада, бир томондан иқтисодий юксалиш ортмоқда, иккинчи тарафдан спортчилар дунёқарашда моддий манфаатдорликнинг асосий мотивга айланиши, жисмоний кучни доминант сифатида билиш каби муаммолар юзага келмоқда. Бу эса спортчиларнинг тафаккурини комплекс ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни ташкил қилишни талаб қилади. Бу борада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда ушбу соҳа мутахассисларининг ўқув жараёнларини такомиллаштириш, машғулот юктамаларини оптималлаштириш, жисмоний сифатларини ошириш масалалари тадқиқ этилмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда” [1]. Мазкур ислохотларда ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга, тафаккур тарзи ривожланган, назарий билимларини амалиётда қўллай оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мақсад ва вазифалар. Спортчиларнинг тактик фикрлаш қобилиятини тезкорлик жисмоний сифатига мослаштириш, амалий машғулот ва мусобақа жараёнида тактик ҳаракат усулларини рационал ўзгартириш кўникмасини оширишга қаратилган услубни ишлаб чиқиш асосида тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари ва ташкил қилиниши. Спортчиларда жисмоний сифатлар ва тафаккур ривожланишининг алоқадорлигини, жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, унинг мазмуни ва жараёнли асосларидан келиб чиқиб асосланади. Яъни, “ақлий ва жисмоний тарбия ўртасида икки томонлама муносабатлар мавжуд. Бир томондан, жисмоний тарбия тафаккур ривожини учун яхши шароит яратади ва унинг ривожланишга ёрдам беради; бошқа томондан, тафаккур ривожини жисмоний тарбия самарадорлигини ошириб, спортчиларнинг ҳал қилинаётган вазифалар моҳиятини тушунишлари ва уларнинг ечимини ижодий излашлари учун имкониятни шакллантиради” [2]. Демак, тафаккур тарзи – ақлий ва жисмоний ривожланиш натижасида такомиллашиб фаолиятни ташкил қилади.

Жисмоний тарбия ва тафаккур фаолиятини такомиллаштиришни жисмоний тарбиянинг муҳим элементи деб ҳисоблаш мумкин [3]. Бизнингча, жисмоний тарбия инсон тафаккур тарзининг амалийлигини таъминлайди. Бошқача айтганда, спортчиларнинг амалий ҳаракатларини асоси ҳисобланади. Спортчиларни тайёрлашда уларнинг ақлий тайёргарлиги муҳим рол ўйнайди. Чунки, спорт фаолиятининг моҳиятини, бевосита у билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларни тафаккур ривожисиз тушуниб қийин. Оқибатда эса, юқори спорт натижаларига эришиш мумкин эмас. Спортчиларнинг тафаккурини мустақил, ижодий ва унумли фикрлаш қобилияти орқали юзага чиқадиган фаолият деб тушунтиради. Бу ерда шуни англаймизки, ижодий тафаккур таяниб, кучли фикрлаш операцияларини ўтказиб ҳосил қилинган жисмоний фаолият спортчининг ҳақиқий тафаккур тарзини ташкил этади.

Бугунги кунда спортчининг ҳам жисмоний, ҳам ақлан ривожланишида техник, тактик, ақлий, функционал жиҳатдан тайёрланган бўлишни талаб қилади [4]. Бунда спортчилар ўзларининг спорт фаолиятларини техник, тактик, ақлий қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилади. Бу хусусиятлар ўз навбатида уларнинг тафаккурини қандай шаклланганлигини акс эттиради. Спортчининг тафаккури эгалланган билимларни амалиётда синашда ҳам намоён бўлади. Олинган билимларни амалиётда синаш жараёнида спортчиларда ўзига хос индивидуаллик хусусиятлари ҳам намоён бўлади. Мана шу жиҳат ҳам уларнинг тафаккурини акс эттиради. Яъни, ҳар бир спортчи

ўзининг услубига эга. Бу бир қанча тафаккур услубларининг жамланмасидан иборат бўлган амалий ёндашув ёки тафаккур тарзи демакдир.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар жисмоний машқларни онгли равишда тушуниб бажарсалар ёки улар спорт машғулотларига қизиқиб, ташаббус кўрсатиб ижодий ёндашсалар, организмда ҳаракат малакаларини тўғри шаклланиши, функционал қобилиятларини ривожланиши учун умумий махсус билимларга таянишлари лозим бўлади [5]. Хусусан, беллашувлар ва мусобақаларда юзага келган муайян вазиятларда рақиб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник ирода ва жисмоний имкониятлардан моҳирона фойдаланиш – спорт кураши тактикаси ҳисобланади. Яъни, спортчининг ақлий ва жисмоний имкониятларини амалда комплекс қўллашга эътибор қаратилган бўлиб, бунда спортчининг тафаккурини қандай бўлиши кераклигини англаймиз. Барчамизга маълумки, инсон ҳаракатининг мажмуи бош мия орқали фикр қилинади. Спорт машғулотларида бажариладиган энг оддий ҳаракатлардан бошлаб, то ўта мураккаб машқларгача бажариладиган фаолиятларни ҳар бир спортчи онгли равишда ҳис қилади, яъни барча ҳаракатларни онгида, тафаккурида аввал бажаради. Бевосита машғулотлар ёки мусобақаларда ўрганган ва ўзлаштирган барча машқлар мажмуини такрорлайди. Демак, машғулотлардаги барча ҳаракатлар, фаолиятларни назарий жиҳатдан билиш, тушуниш спортчилар учун энг зарур жараён ҳисобланади. Бу спортчиларнинг тафаккурида муҳим ўрин эгаллайди.

Спортчиларнинг тафаккурида барча спорт турларида муҳим бўлган ва шу билан бирга спортдаги ихтисослашувининг ўзига хос жиҳатларига қараб турли даражада намоён бўладиган айрим компонентлар мавжуд. Булар:

- спорт машғулотлари пайтида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш қонунларини билиш;
- машғулотлар жараёнида кузатишлар ва тегишли ҳаракатларни амалга ошириш натижасида олинган махсус билимларни тезкор қайта ишлаш;
- мусобақа пайтида турли ахборотларни эслаб қолиш, ёдда сақлаш ва керакли ҳолатда ишлата олиш;

- қийин вазиятларда тафаккур жараёнлари оқимининг тезлиги ва мослашувчанлиги, тафаккурнинг мустақиллиги, ақлнинг кенглиги ҳамда чуқурлиги, фикрнинг изчиллигига таяниб фаолиятни ташкил этиш;

- кутилаётган ҳодисаларни олдиндан сезиш билан ҳаракат қилиш ва тезкор қарор қабул қилиш.

Шунингдек, спортчилар тафаккурининг мазмунини янада яхшироқ тушунишда “мўлжал”га мурожаат қилишимиз керак. “Мўлжал” ўзига хос психофизиологик ҳолат бўлиб, у спортчининг муайян вазиятдаги маълум эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолиятни бажаришга тайёрлигини ифодалайди. Демак, жўлжал – маълум вазиятда амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва унинг натижасида қондириладиган эҳтиёж учун спортчининг старт ҳолатидир. “Мўлжал” фаолият тарзидан олдин келади ва унинг дастлабки босқичи бўлган ҳаракатга туртки беради. Шунингдек, мўлжал ўз ичига мақсадни олади. Аслида ҳар бир инсон ўз олдига буюк мақсадларни қўйиши ва унга борадиган режаларни яратиши муҳим жараёндир. Мақсад индивидуал ва ижтимоий кўриниш касб этади. Ғалабага эришиш, маълум рекордни янгилаш, моддий маблағни қўлга киритиш кабилар спортчиларнинг индивидуал мақсадини ташкил қилади. Ижтимоий мақсади эса, ўз жамоасини биринчиликка олиб чиқиш, мамлақати байроғини юксақларга кўтариш ҳисобланади. Демак, мақсаддан келиб чиққан ҳолда белгиланган мўлжал спортчи тафаккурининг ички аспектини ташкил қилади. Зеро, юзага келган жисмоний фаолият замирида ўзига хос бўлган фикрлаш тарзи ҳамда тафаккур услубларининг мажмуи мужассам. Шу ўрнида тафаккурининг амалийлигини таъминлашда тафаккур услуби ва унинг мазмунини билишимиз лозим. Тафаккур услуби бу – фикрлаш жараёнидаги ўзига хос йўналишдир. Яъни, муайян муаммони ҳал қилиш учун фикр юритиш, олдинги хулосалар билан қиёслаш ва янги бир қарорга келиш жараёндир.

Хулосалар. 1) Жисмоний тарбия тафаккур ривожини учун шароит яратади ва унинг ривожланишга ёрдам беради, бошқа томондан, тафаккур ривожини жисмоний тарбия самарадорлигини ошириб, спортчиларнинг ҳал қилинаётган вазифалар моҳиятини тушунишлари ҳамда уларнинг ечимини ижодий излашлари учун имкониятни шакллантиради. 2) Спортчиларнинг тафаккури мустақил, ижодий ва унумли фикрлаш қобилияти орқали юзага чиқадиган фаолиятдир. Бу шуни англатадики, ижодий тафаккурга таяниб, кучли фикрлаш операцияларини ўтказиб ҳосил қилинган жисмоний фаолият спортчининг ҳақиқий тафаккурини ташкил этади. 3) Спортчиларнинг тафаккури спорт фаолиятида эгаллаган билимларини амалиётда синашида намоён бўлади. Бунда спортчиларда ўзига хос индивидуал тафаккур услублари шаклланиб, тафаккури ривожланиб боради. 4) Спортчининг эгаллаган билими мустаҳкамланиб кўникмага айланиши ва малака даражасига чиқиб бориши билан унинг тафаккури ҳам ўсиб, ривожланиб боради. Ушбу жиҳатлар бевосита спортчиларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли қарори.lex.uz.
- 2) Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: учеб.пособие. – М.: ИЦ «Академия», 2000. – 27 с.
- 3) Железняк Ю.Д. Теория и методика обучения предмету «Физическая культура»: учеб.пособие /Ю.Д.Железняк, В.М.Минбулатов. — М.: ИЦ «Академия», 2004. -69 с.
- 4) Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТИ, 2005. – 35 б.
- 5) Абдуллаев А., Ханкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. – Т.:ЎзДЖТИ, 2005. – 22 б.

УДК:796.052

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАВЫКОВ БЫСТРОГО ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ ЗА СЧЕТ РАЗВИТИЯ СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ СПОРТСМЕНОВ

Фазлиддин Якубов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Узбекистан*

fazliddin.yaqubov.89@mail.ru

Аннотация. В данной статье проводится научно-теоретический анализ особенностей мышления спортсменов и методика развития навыков быстрого принятия решений по результатам анализ.

Ключевые слова: мышление, образ мышления, быстрое принятие решений, спорт, физическая культура, тренеры, навыки тактического мышления, аналитическое мышление.

UDC:796.052

IMPROVING THE SKILLS OF RAPID DECISION-MAKING THROUGH THE DEVELOPMENT OF THE ATHLETES' THINKING STYLE

Fazliddin Yakubov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

fazliddin.yaqubov.89@mail.ru

Abstract. This article provides a scientific and theoretical analysis of the thinking characteristics of athletes and a method of developing the skills of rapid decision-making based on the results of the analysis.

Keywords: thinking, way of thinking, quick decision making, sports, physical education, trainers, tactical thinking skills, analytical thinking.



3-Sho‘ba. SOG‘LOM TURMUSH TARZIDA HARAKAT FAOLIYATI VA OMMAVIY SPORT. SPORT-SOG‘LOMLASHTIRISH TURIZMI

Секция 3. ДВИГАТЕЛЬНАЯ АКТИВНОСТЬ И МАССОВЫЙ СПОРТ В ЗДОРОВОМ ОБРАЗЕ ЖИЗНИ. СПОРТИВНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫЙ ТУРИЗМ

3rd Section. MOTOR ACTIVITY AND MASS SPORTS IN A HEALTHY LIFESTYLE. SPORTS AND HEALTH TOURISM



УДК: 388

ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ КАК ФАКТОР, ВЛИЯЮЩИЙ НА КАЧЕСТВО ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА В ТАДЖИКИСТАНЕ

Азаматулло Абдуллоев, Сайали Холахмади, Рахмиддин Тошматов

*Таджикский государственный университет коммерции,
Таджикский институт физической культуры имени С.Рахимова,
Душанбе, Таджикистан*

hol_ik@mail.ru

Аннотация. Рассмотрены вопросы развития сферы физической культуры и спорта в учреждениях высшего профессионального образования. Изучено влияние физической культуры и спорта на образовательный процесс, а также на социально-экономический показатель.

Ключевые слова: физическая культура и спорт, учреждения высшего профессионального образования, навыки, активность, показатель

На сегодняшний день сфера физической культуры и спорта (ФКС) является важным направлением для развития здоровой нации. В связи с этим государством большое внимание уделяется развитию сферы ФКС в образовательных учреждениях, особенно его сегмента учреждений высшего профессионального образования (УВПО), потому что спорт помогает решить политические и экономические задачи.

В законе Республики Таджикистан «О Физической культуре и спорте» дано понятие, что «...физическая культура – составная часть культуры и сферы социальной деятельности, состоящая из комплекса духовных и материальных ценностей, созданных и используемых обществом, направленная на укрепление здоровья, развитие физических способностей человека, а также пропаганду здорового образа жизни» [3].

ФКС для студентов УВПО является важной частью системы образования, где занятия проводятся специалистами этой области, которые должны быть соответствовать государственным образовательным стандартам и учебными программами. Поэтому, необходимы условия для образовательного процесса, то есть спортивные навыки, соответствующие: гигиены и поддержки своего организма. Также в образовательном учреждении необходимо один раз в год оценивать уровень физическую подготовленность студентов [2,4].

Следует отметить, что не соответствие условий для проведения занятий физической культуры в учреждениях высшего профессионального образования будет отрицательно сказываться на здоровье и физическое развитие студентов, это также вовлечет молодежь к употреблению наркотических веществ, алкоголя и совершению преступлений. Все существующие проблемы негативно влияют на социально-экономические показатели и на развитие массового спорта.

Поэтому большое внимание необходимо уделять развитию спортивной инфраструктуре учреждений высшего профессионального образования, которое позволит улучшить и сохранить физического и духовного здоровье студентов и ППС. Кроме того, эффективные занятия ФКС влияют на уровень жизни студентов, магистрантов, ППС и сотрудников, а также повышают

производительность труда. Люди, постоянно занимающиеся физической культурой и спортом, а также ведут здоровый образ жизни, меньше болеют и пропускают занятия и трудовую деятельность [1].

При постоянном занятии ФКС студентов и ППС в учреждениях высшего профессионального образования возрастает умственная активность, а также помогает преодолевать появляющиеся проблемы.

В Таджикистане ежегодно проходят спортивные мероприятия, посвященные Дню физкультурников, который проходит 10 августа. Кроме того, с 17 октября 2015 года в 6.30 часов утра проводится утренняя гимнастика во всех образовательных учреждениях, это позволяет восстановить организм после сна, ускорить обмен веществ, а также увеличить мозговую активность.

«...Спорт – одна из основ физической культуры, сфера социальной деятельности, сложившаяся в форме специальной практики подготовки человека к соревнованиям и соревновательной деятельности с целью достижения спортивных результатов» [3].

Необходимо отметить, что ФКС, как социально-культурная сфера, положительно влияет на уровень показателей благополучия страны. Участие таджикских спортсменов на международной арене способствуют развитию международных экономических отношений и росту имиджа страны.

Таким образом, роста социально-экономических показателей нужна действенная госполитика в сфере ФКС. Для этого необходимо усилить работу маркетинга по вовлечению студентов, магистрантов и ППС к занятию ФКС и ведению здорового образа жизни в средствах массовой информации, в сети Интернет; постоянное проведение массово-оздоровительных и спортивных мероприятий в городах, районах и областях.

В целом, занятия ФКС раскрывает у студентов, магистрантов и ППС имеющийся потенциал, приобретает навыки и умения в сфере двигательной активности, правильного питания и здорового образа жизни в целом, которые будут способствовать развитию экономики и положительно влияет на социально-экономическое развитие Республики Таджикистан.

Библиография:

- 1) Бобровский Е.А. Развитие спортивной инфраструктуры для активизации массового спорта// Карельский научный журнал. 2018 Т. 7. №1 (22), С.101-104.
- 2) Герасимова Т.В. Формирование навыков здорового способа жизни методами оздоровительной физической культуры / Т.В. Герасимова. // Педагогика, психология и медико-биол. Проблемы физического воспитания и спорта. – М.: 2009, - № 10. – С. 25-27.
- 3) Закон Республики Таджикистан «О физической культуре и спорте» от 23.12.2021 г., №1831.
- 4) Ногуманов, Р.У. Участие бизнеса в развитии сферы услуг (на примере физической культуры и спорта)/ Р.У. Ногуманов, А.И. Шинкевич // Экономический вестник Республики Татарстан. – 2015. - №3. – С.47-51.

UDC: 388

PHYSICAL CULTURE AND SPORT AS A FACTOR INFLUENCING THE QUALITY OF TRAINING OF A FUTURE SPECIALIST IN TAJIKISTAN

Azamatullo Abdulloev, Sayali Holahmadi, Rakhmiddin Toshmatov

Tajik State University of Commerce

Tajik Institute of Physical Culture named after S. Rakhimov

Tajikistan, Dushanbe

hol_ik@mail.ru

Annotation. The issues of development of the sphere of physical culture and sports in institutions of higher professional education are considered. The influence of physical culture and sports on the educational process, as well as on the socio-economic indicator, was studied.

Key words: physical culture and sports, institutions of higher professional education, skills, activity, indicator.



JISMONIY TARBIYA MASHQLAR ORQALI MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA SOG‘LOMLASHTIRISH

Abdurazax o‘g‘li Abdurasul

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O‘zbekiston

abdurazzaxogliabdurasul@gmail.com

Annotatsiya. Olib borilgan tadqiqot ishida maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tayyorgarligini maxsus jismoniy mashqlar orqali rivojlantirishga qaratilgan ishlar amalga oshirildi. Shu bilan birga, maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy qobiliyatini hisobga olgan holda, maxsus jismoniy mashqlar darajasini oshirish tavsiya etiladi. Taklif etilgan dastur natijalari asosida maktabgacha yoshdagi bolalarning tayyorligini namoyon etish ko‘rsatkichlari takomillashtirildi.

Kalit so‘zlar: maktabgacha ta‘lim, maktabgacha yoshdagi bolalar, jismoniy mashqlar, gigeyna, kasallik, gigiena sharoitlari, tabiatning tabiiy omillari, jismoniy mehn

Kirish: O‘sib kelayotgan yosh avlodning jismoniy rivojlanishda jismoniy tayyorgarligida va salomatlik darajasida sezirarli salbiy o‘zgarishlar sodir bo‘layotganligi munosabati bilan, jismoniy jixatdan sog‘ligi mustaxkam yoshlarni tayyorlash muommosi aloxida muxim axamiyat kasb emoqda. Bu muommo maktabgacha yoshdagi bolalar uchun ayniqsa ko‘proq ta‘luqlidir.

O‘zbekiston Respublikasida bir milliondan ziyod maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy soglomlashtirish tadbirlariga jalb qilinmagan, maktablar, xunar-texnika bilim yurtlari o‘quvchilarning faqat beshdan bir qismigina darsdan tashqari vaqtlarda jismoniy mashqlar bilan shug‘illanadi. Mexnatga layoqatli axolining 5% dan kamrok qismi muntazam ravishda o‘tkaziladigan jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlariga jalb qilingan.

Maqsad va vazifalar: Jismoniy tarbiya va sport soxasidagi ishlarning axvoli xalk salomatligining axvolida xuddi ko‘zgdagidek oz aksini topadi. 50% bolalarda salbiy alomatlar mavjud bo‘lib, ularning sog‘lig‘iga tasir korsatganligi , tug‘ma kasal bilan dunyoga kelib nogiron bolalar soni ortib borayotganligi buning yaqqol misolidir.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. O‘tgan davr mobaynida sog‘lom va har tomonlama rivojlangan o‘sib kelayotgan avlodning shakllanishini ta‘minlashga qaratilgan samarali maktabgacha ta‘lim tizimini tashkil qilish bo‘yicha kompleks tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar amalga oshirildi va shu bilan birga, mavjud tizimli kamchiliklar maktabgacha ta‘lim sohasida davlat siyosatini to‘liq amalga oshirishga to‘sqinlik qilmoqda, — deyilgan qaror matnida va kamchiliklar birma bir sanab berilgan. Maktabgacha ta‘limni boshqarishning zamonaviy mexanizmlarini joriy etish, tarbiya va o‘quv jarayonini takomillashtirish, maktabgacha ta‘lim muassasalarini yuqori malakali mutaxassislar bilan to‘ldirish, ularning infratuzilmasi va moddiy-texnik jihozlanishini yaxshilash maqsadida. Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga tayyorlash bu uzoq muddat davom etadigan murakkab jarayon bo‘lib, u bolaning jismoniy, ruxiy va axloqiy-irodaviy kuchlarini to‘la jalb qilishni talab kiladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning to‘g‘ri jismoniy trabiyasi bu davlat va jamoat tashkilotlari oldida turgan asosiy vazifalardan biridir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya sohasidagi ta‘lim sifati bolalarning jismoniy mashqlarni bajrirlari uchun yaxshi sharoitlar yaratish, ularning jismoniy faoliyatini tashkil etuvchi mutaxassislarining kasbiy mahorati, shuningdek, maktabgacha yoshdagi bolalarda qo‘llaniladigan dasturlarning mazmuni bilan ta‘minlanadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiya sohasida ta‘lim tizimining samarali ishlashini oila bilan yaqin hamkorlikda, maktabgacha ta‘lim tashkiloti xodimlari jamoasi ta‘minlaydi.

Dastur, qoida tariqasida, kundalik jismoniy va dam olish mashg‘ulotlarini (ertalabki gimnastika, sinfdagi jismoniy mashqlar, harakatli o‘yinlar va mashg‘ulotlar o‘rtasidagi yurish mashqlari, kunduzgi uyqudan keyingi mashqlar), o‘z ichiga oladi. Jismoniy tarbiya mashg‘ulotlari haftada 2 marta, ochiq havodagi mashg‘ulotlar va sport zalda o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarni tashkil etadi.

Bundan tashqari, mashg‘ulotlardan tashqari, Maktabgacha yoshdagi bolalarning psixoemotsional va intellektual yuklamaning ko‘payishi va sog‘lig‘ining yomonlashishi, ikkinchi tomondan, bolalarning dam olishi va tiklanishiga qaratilgan an‘anaviy «salomatlik kuni» tadbirlarini amalga joriy etish mumkin.

Zamonaviy maktabgacha ta‘lim tashkilotida bolalarni jismonan sog‘lomlashtirish jarayonida qo‘shimcha ta‘lim xizmatlari va jismoniy tarbiya mashg‘ulotlari muhim o‘rin egallaydi.

Sport to‘garaklari va seksiyalarining faoliyati bolalarga va uning ota-onalariga harakat faoliyatining eng jozibali turini tanlashga imkon beradi.

Biroq, ushbu faoliyatni amalga oshirishda maktabgacha tashkilotining ishlash tartibiga xalaqit bermasligi kerak.

Jismoniy tarbiya sohasida qo`shimcha ta`lim xizmatlarini tashkil qilishda mutaxassisning maktabgacha yoshdagi bolalar bilan mashg`ulotlarga tayyorgarligi hisobga olinishi va bolalar salomatligiga foyda keltiradigan mashg`ulotlar dasturi tuzilishi kerak.

Qo`shimcha mashg`ulotlar dasturlari maktabgacha ta`lim tashkilotida asosiy jismoniy tarbiya dasturlarini hisobga olgan holda tuzilishi kerak.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Bugungi kunda 5-7-yoshli bolalar orasida yani 40% ko`plab kasaliklar kelib chiqmoqda. Ko`pgina shifokorlar, maktab yoshidagi bolalarning yarmidan ko`pi kasal ekanligini aytishadi. Bolalar orasida eng keng tarqalgan kasallik o`murtqa egriligidir. Bu kasalik esa skolyoz deyiladi. Va ko`p hollarda skolyoz tug`ma emas, balki hayotimiz davomida yuzaga keladi. Nima uchun u paydo bo`ladi? Chunki bolaning jismoniy rivojlanishiga juda kam e`tibor berilganligi natijasida yuzaga keladi. Natijada, bolalar zaif o`sadi. Shuning uchun maktabgacha yoshdagi bolalarning sog`lig`ini birinchi o`rinda qo`yishimiz kerak.

Xulosa. Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiya bilan bog`liq mavjud bilimlarni shakllantirish kerak. Bolalar jismoniy tarbiya vositalarining ahamiyati (gigiena sharoitlari, tabiatning tabiiy omillari, jismoniy mehnat) haqida bilishlari kerak. Bolalarning mashq qilish uslubi va ularni amalga oshirish usullari, to`g`ri xatti-harakatlar haqida, shuningdek, shaxsiy va ijtimoiy gigiena me`yorlari haqida bilishlari zarur. Bolalar, tana qismlarini, harakat yo`nalishini (yuqoriga, pastga, oldinga, orqaga, o`ngga, chapga va hokazo), jismoniy tarbiya jihozlarining nomi va maqsadini, uni saqlash qoidalarini, kiyim-kechak va poyabzallarni tozza tutish qoidalarini va boshqalarni bilishi kerak.

Adabiyotlar ro`yxati:

- 1) O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda PQ-2707-son «2017-2021-yillarda maktabgacha ta`lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida»gi Qarori.
- 2) Fayzullayeva M. Sog` tanda-sog`lom aql. -T., 2014.
- 3) Jalolova G.Q. Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktabga tayyorlash T.: metodik tavsiya 2004.
- 4) Keneman, A.V. Maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi/ A.V. Keneman, D.V. Xuxleva-M.: ma`rifat, 1978.
- 5) Usmonxo`jayev T. va boshq. 500 harakatli o`yinlar. -T., Yangi asr avlodi, 2014.

УДК: 796

ОЗДОРОВЛЕНИЕ ДОШКОЛЬНИКОВ С ПОМОЩЬЮ ФИЗИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ

Абдурахман угли Абдурашул

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

abdurazzaxogliabdurashul@gmail.com

Аннотация. В исследовательской работе была проведена работа, направленная на развитие физической подготовленности дошкольников посредством специальных физических упражнений. При этом с учетом возрастных физических способностей детей дошкольного возраста рекомендовано повысить уровень специальных физических упражнений. На основе результатов предложенной программы было отражено улучшение проявительных показателей готовности дошкольников.

Ключевые слова: дошкольное образование, дошкольники, физические упражнения, гигиена, болезни, гигиенические условия, природные факторы природы, физический труд.

UDC: 796

HEALTH IN PRE-SCHOOL CHILDREN THROUGH PHYSICAL EXERCISES

Abduraxox o`g`li Abdurasul

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

abdurazzaxogliabdurashul@gmail.com

Maqsad va vazifalar. Sohaning yetakchi sport murabbiylarini anketa so'roviga tutish yo'li bilan voleybolchilarni tayyorlashning zamonaviy tizimida axborot kommunikatsion texnologiyalarining o'rni, ahamiyati va ulardan foydalanishning ahvoli, muammolari va kelajagi to'g'risidagi fikr mulahazalarini o'rganish va ularni muhokama qilish hamda ekspertlarning fikrlarini o'zaro mos kelishini konkordatsiya koeffitsientini hisoblash yordamida baholash.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqotni o'tkazish boshida voleybol sport trenerlari orasida ijtimoiy tarmoqlardan foydalanib anonim tarzda so'rovnoma o'tkazildi. O'tkazilgan so'rovnomada jami 165 ta voleybol sport treneri ishtirok etdi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. O'tkazilgan so'rovnomada qatnashganlarning 2%i 18-20 yoshli trenerlar, 3% 20-25 yoshli trenerlar, 37% i 26-35 yoshli trenerlar, 39% i 36-45 yoshli trenerlar, 19% i 46 yoshdan kattalar bolib, ularning 70% jismoniy tarbiya va sport sohasidagi faoliyati 10-25 yillik tajribaga ega bolgan trenerlar anketa so'roqlariga javob berishlari uchun jalb etildi. Ushbu o'tkazilgan so'rovnomaning 1 savolidan ko'rinib turibdiki %80 foiz mutaxassislarining ish joylarida axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalari bilan taminlanganini, 4.2% mutaxassislar esa bu vositalarni yo'q ekanini, 15.8 % mutaxassislar esa bu haqida umuman bilmasliklarini belgilab o'tishgan.

2-savolga 35.2% mutaxassislar ushbu vositalardan foydalanishini 61.8% mutaxassislar esa bu vositalardan foydalanmasliklarini, 3% esa buni umuman bilmasliklarini belgilab o'tishgan. Uchinchi savoli "O'quv-mashq (trenirovka) jarayonidagi o'lchash natijalarini kompyuter dasturlari yordamida tahlil qilasizmi?" degan savoliga 29.7% mutaxassis foydalanaman deb o'tgan bo'lsa, 53.3 % yoq foydalanmasliklarini, 17 % esa bu haqida umuman bilmasligini aytib o'tgan.

"Raqib jamoalar to'g'risida kompleksli axborot va ma'lumotlarni yig'asizmi?" degan savolimizga 33.3% mutaxassis raqib jamoalar to'g'risida kompleksli ma'lumotlarni yig'ishini aytgan bo'lsa, 50.3 % mutaxassis bunday ma'lumotlarni umuman yig'masligini, 16.4 % esa bu haqida bilmasligini bildirib o'tishgan.

"Yig'ilgan ma'lumotlar asosida o'z vaqtida tayyorgarlik tadbirlarini ko'rasizmi?" degan navbatdagi savolimizga 30.9% mutaxassisgina ma'lumotlarga ko'ra o'z vaqtida tayyorgarlik tadbirlarini ko'rishini aytib o'tgan bo'lsa, 52.7% mutaxassislar buni qilmasliklarini, 16.4% esa umuman buni bilmasliklarini keltirib o'tishgan.

6-savolimiz "Olingan natijalarni tahlil qilib tahlil asosida olingan ma'lumotlar ustida ishlashni kompyuter vositalari bilan amalga oshirasizmi?" Bu savolimizga 28.5% mutaxassislarigina ma'lumotlar ustida ishlashda kompyuterdan foydalanishlarini keltirishgan bo'lsa, 50.3% mutaxassislar yo'q foydalanmayman deb, 21.2% mutaxassislar bu haqida umuman bilmasliklarini ta'kidlashgan.

7- "O'quv-mashq (trenirovka) jarayonini multimediyali dasturiy vositalardan foydalanib tahlil qilasizmi?" degan savolimizga esa 31.5% mutaxassis foydalanishlarini, 46.7% mutaxassislar esa bundan umuman foydalanmasliklarini belgilashgan bo'lsa, 21.8% bu haqida umuman bilmasliklarini keltirib o'tishgan.

8 – "Jismoniy tarbiya va sportda multimediyali dasturiy vositalardan foydalanish orqali shaxsiy qiziqishni rag'batlantirish, o'z imkoniyatlarini oshirish, qobiliyatlarini yanada rivojlantirish va namoyon qilishi mumkinmi?" degan savolimizga esa 18.8% mutaxassis bunda multimediyali dasturiy vositalardan foydalanganda sportchilarning shaxsiy qiziqishlarini rag'batlantirish va o'z imkoniyatlarini oshirish, qobiliyatlarini yanada rivojlantirish va namoyish qilishi mumkin deb hisoblashsa, 24.8% mutaxassislar bunday hisoblamasliklarini keltirishgan hamda 56.4% bu haqida umuman bilmasliklarini belgilab o'tishgan.

So'rovnomaning "Shug'ullanuvchilar kontingentlarining jismoniy holati va sog'lig'ini kompyuter yordamida monitoring qilasizmi?" deb nomlangan oxirgi savoliga 23.0% mutaxassislar kompyuter yordamida monitoring qilishini ta'kidlab o'tishgan bo'lsa, 53.3% kompyuter yordamida monitoring qilmasliklarini aytishgan hamda 23.6% mutaxassislar bu haqida umuman bilmasliklarini izohlashgan. Shuning bilan birga so'rovnoma ishtirokchilari bo'lgan 165 nafar murabbiylar fikrlarining o'zaro moslik darajasini baholash uchun konkordatsiya koeffitsienti hisoblandi va uning son qiymati $W = 0,325$ ga teng bo'ldi, bu ko'rsatkich ekspertlar sonini (165 ta) va ob'ektlar sonini (10 ta) inobatga olganda, gradatsiyaning yqoniqarlar sahasining yuqori qismida joylashadi, demak ekspertiza muvaffaqiyatli o'tkazilgan.

Xulosa. So'rovnoma natijalaridan ko'rinib turibdiki sport o'yinlari voleybol amaliyotida sportchilarning tayyorgarlik holatlarini va musoboqa faoliyatlarini nazorat qilishda ishimizni osonlashtiruvchi kompyuter texnologiyalaridan unumli foydalana olmasligimiz va sportchilarning faoliyatini aniq ma'lumotlarga asosan rejalashtirilmayotganinin ko'rishimiz mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Акбаров, А. (2021). Взаимосвязь показателей технических действий и скоростно-силовых способностей на этапе углубленной подготовки молодых дзюдоистов. Теория и методика физической культуры, 64(2), 50–56. https://doi.org/10.48114/2306-5540_2021_2_50
- 2) Акбаров А. Спортда математик тахлил усуллари: ўқув қўлланма. – Ч.: УзДЖТСУ, 2020, 228.
- 3) Акбаров А. Спортда педагогик таджикот натижаларини интерпретация килиш усуллари солиштириш // Фан-спортга, 62-64, 2021, № 6
- 4) Ummatov A.A., Prioritetnosti evaluation hopping endurance of volleyball players using a touch-computer installation //Scientific Bulletin of Namangan State University, 2019.

УДК: 796.62.

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ПОЛОЖЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ПОДГОТОВКИ ВОЛЕЙБОЛИСТОВ

Оятхон Ёкубова, Ахматжон Акбаров, Акрам Умматов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

yoqubovaoyatxon@gmail.com; ummatovakram@mail.ru

Аннотация. Приведены результаты анкетирования о роли, места значения информационно-коммуникационных технологий и положения, проблем и будущее использования их в современной системе подготовки волейболистов и их обсуждения.

Ключевые слова: волейболист, информационные технологии, тренер, коэффициент конкорданция, компьютерный мониторинг.

UDC: 796.62.

PEDAGOGICAL ASSESSMENT OF THE STATE OF THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF TRAINING VOLLEYBALL PLAYERS

Oyatkhon Yokubova, Akhmatjon Akbarov, Akram Ummatov

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

yoqubovaoyatxon@gmail.com; ummatovakram@mail.ru

Abstract. The results of a survey about the role, place of importance of information and communication technologies and the position, problems and future of their use in the modern system of training volleyball players and their discussion are given.

Keywords: volleyball player, information technology, coach, concordance coefficient, computer monitoring.



ОЦЕНКА ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА СПОРТИВНО- ОЗДОРОВИТЕЛЬНОМ ЭТАПЕ

Тимур Юмангулов

*Детско-юношеская спортивная школа
Келес, Узбекистан*

rumiT_81726@mail.ru

Аннотация. В статье рассматривается эффективность разработанных предложений и рекомендаций для развития физических способностей юных футболистов младшего школьного возраста на спортивно-оздоровительном этапе. Объектом исследования является учебно-тренировочный процесс юных футболистов младшего школьного возраста. Был проведен параллельный педагогический эксперимент. В результате исследования выяснилось, что разработанные предложения и рекомендации для развития физических способностей юных футболистов младшего школьного возраста оказались эффективными.

Ключевые слова. Статистический анализ, футбол, педагогический эксперимент, контрольная группа, экспериментальная группа, показатели.

Введение. На данный момент одним из важнейших критериев в современном футболе является физическая подготовленность футболистов. Отличительные черты футбола наших дней – высокий объем двигательной деятельности, множество единоборств, игра на около предельных и предельных скоростях.

Чтобы достичь наиболее высокого уровня физической подготовленности, необходимо уже с детских лет рационально уделять внимание развитию основных физических качеств юных футболистов [3].

Одна из основных задач стоящая перед тренером на спортивно-оздоровительном этапе – это всестороннее гармоничное развитие физических способностей у юных футболистов [2; 4].

Для развития физических способностей юных футболистов младшего школьного возраста специалисты [1; 2; 4; 5;] рекомендуют применять общеразвивающие упражнения, подвижные и спортивные игры, упражнения из других видов спорта, игровые упражнения, мини-футбол.

Для повышения эффективности развития физических способностей юных футболистов были разработаны следующие предложения и рекомендации:

- рациональное применение широкого спектра подвижных игр;
- средства из других видов спорта проводить в соревновательной обстановке;
- применение игровых упражнений (1х1, 2х2);
- выполнение упражнений по обучению технических приёмов преимущественно в движении (это способствует развитию общей выносливости);
- использование футбольных карточек с изображениями мировых звезд футбола для мотивации и поощрения юных футболистов;
- разнообразие индивидуальных упражнений с мячом (для развития специально-двигательных качеств);
- использовать специальный спортивный инвентарь для целенаправленного развития физических качеств (обручи, координационные лестницы, маленькие барьеры, гандбольные мячи, набивные мячи, стойки, конусы).

Методология и результаты исследования. В настоящем исследовании оценивались следующие физические способности юных футболистов: стартовая скорость (бег на 10 метров), дистанционная скорость (бег на 30 метров), скоростно-силовые способности (челночный бег 3х10 метров, прыжок в длину с места).

Статистический анализ данных позволил установить, что у юных футболистов младшего школьного возраста и контрольной, и экспериментальной групп за время педагогического эксперимента достоверно повысились показатели физических способностей на уровне $P < 0,001$. С учётом того, что дети младшего школьного возраста развиваются в соответствии своим физиологическим особенностям, данный результат свидетельствует о том, что разная методика в разных группах положительно повлияла на развитие физических способностей юных футболистов на спортивно-оздоровительном этапе.

Однако различия между приростом (%) показателей физической подготовленности контрольной и экспериментальной групп имеются. Методика подготовки юных футболистов экспериментальной группы оказалась эффективнее по сравнению с методикой контрольной группы. Результат экспериментальной группы в беге на 10 метров повысился на 7,68%, в то время как результат контрольной группы на 3,31%. В беге на 30 м дети экспериментальной группы повысили свою дистанционную скорость на 7,12%, а дети контрольной группы на 3,40% (рис. 1).




Рис. 1 Относительный прирост (%) показателей физической подготовленности юных футболистов

В скоростно-силовых показателях таких как челночный бег 3х10 метров и прыжок в длину с места результат испытуемых экспериментальной группы в первом вырос на 6,33%, во втором 9,02%. Результат испытуемых контрольной группы в челночном беге 3 х 10 метров повысился на 1,85%, а в прыжке в длину с места на 3,96%.

На начало педагогического эксперимента уровень физической подготовленности контрольной и экспериментальной групп не имел между собой достоверных различий ($P > 0,05$). Совершенно другая картина наблюдается в конце педагогического эксперимента. Статистический анализ показал, что результаты в беге на 30 метров контрольной и экспериментальной групп после

педагогического эксперимента имели достоверные различия на уровне $P \leq 0,05$ ($t = 2,14$). Так же, достоверные различия наблюдались в челночном беге 3 x 10 метров на уровне $P \leq 0,05$ ($t = 2,30$). А вот в беге на 10 метров ($t = 1,92$) и в прыжке в длину с места ($t = -1,63$) статистически достоверных различий не выявлено ($P > 0,05$).

Выводы. Учитывая разницу эмпирического значения Т-критерия Стьюдента между контрольной и экспериментальной группами до и после эксперимента можно сказать, что разработанные рекомендации и предложения по развитию физических способностей юных футболистов младшего школьного возраста доказали свою эффективность. Можно предполагать, что при более длительном педагогическом эксперименте результаты по всем выше представленным показателям физической подготовленности имели бы достоверные различия.

Литература:

- 1) Варюшин В.В. Тренировка юных футболистов: учебное пособие – М.: Физическая культура, 2007. – 112.
- 2) Годик М.А., Борознов Г.Л., Котенко Н.В., Малышев В.Н., Кулин Н.А., Российский С.А. Футбол: типовая учебно-тренировочная программа спортивной подготовки для детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва [Текст] / Российский футбольный союз. – М.: Советский спорт, 2011. – 160 с.
- 3) Губа В., Стула А., Кромке К. – Подготовка футболистов в ведущих клубах Европы: монография / В. Губа, А. Стула, К. Кромке. – М.: Спорт, 2017. – 272 с.
- 4) Исмагилов Д.К. Инновационная технология подготовки юных футболистов групп начальной специализации: учебное пособие / Д.К. Исмагилов. – Ташкент, 2015 – 80 с.
- 5) Николаенко В.В. – Многолетняя подготовка юных футболистов. Путь к успеху: учеб.-метод. Пособие / В.В. Николаенко, В.Н. Шамардин. — К.: Саммит-книга, 2015. — 360 с.

ASSESSMENT OF PHYSICAL FITNESS OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS OF PRIMARY SCHOOL AGE AT THE SPORTS AND RECREATION STAGE

Timur Yumangulov

Children's and youth sports school of the Tashkent region

Keles, Uzbekistan

rumiT_81726@mail.ru

Abstract. The article examines the effectiveness of the developed proposals and reco-recommendations for the development of the physical abilities of young primary school football players at the sports and recreation stage. The object of the study is the educational and training process of young football players of primary school age. The subject of study is the means and methods of developing physical abilities. A parallel pedagogical experiment was carried out. As a result of the study, it turned out that the developed proposals and recommendations for the development of the physical abilities of young football players of primary school age were effective.

Keywords. Statistical analysis, football, pedagogical experiment, control group, experimental group, indicators.



4-Sho'ba. TALABALAR SPORTINI TIBBIY-BIOLOGIK VA PSIXOLOGIK TA'MINLASH

Секция 4. МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКОЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ СТУДЕНЧЕСКОГО СПОРТА

4th Section. MEDICO-BIOLOGICAL AND PSYCHOLOGICAL SUPPORT OF STUDENT SPORTS



УЎК: 796.78.92.

ХАРАКАТ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдусаттор Абдусаломов, Фархат Мурадов

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон*

abdusalamovabdusattor6@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада имконияти чекланган мактабгача таълим ташкилотидagi тарбияланувчилар учун жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлиги аниқланиб, тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган машқлар мажмуаси асосида болаларнинг жисмоний ҳолатининг яхшиланиш кўрсаткичлари ёритилган.

Калит сўзлар: Тайёрлов гуруҳ, жисмоний тарбия дарси, жисмоний машқлар, махсус машқлар, индивидуал ҳаракатлар, координацион ҳаракатлар, жисмоний фаоллик, мувозанат, оптималлаштириш, ҳаракат режими, симбиотик муносабат.

Долзарблилиги. Имконияти чекланган мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси мактабгача таълим ташкилотидagi таълим жараёнининг муҳим йўналишларидан биридир, чунки мактабга тайёрлов гуруҳи ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва кейинги давр билан боғлиқ бўлган жуда муҳим даврдир [1, 2, 3].

2021 йилги расмий статистик маълумотларга кўра, юртимизда 7753 та МТТлар мавжуд бўлиб, улардан 148 таси ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларидир. Сўнгги йил ичида 12 мингдан ортиқ болажонлар ичидан фақатгина 3400 нафари алоҳида эҳтиёжга эга болалар эканлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар бизни имконияти чекланган мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат режимини оптималлаштириш бўйича янги ёндашувларни излашга ундайди, улар мотивацион ва эмоционал соҳада ҳаракат қилади, болаларда табиий ҳаракат фаолиятига кучли қизиқиш уйғотади ва ҳаракат етишмовчилигини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотнинг мақсади: Мактабга тайёрлов гуруҳи ёшдаги имконияти чекланган болаларни жисмоний тарбиялаш методикасини ишлаб чиқиш ва мактабгача таълим ташкилотининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларида самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари: 1) Мактабгача таълим муассасасида мактабга тайёрлов гуруҳ ёшдаги имконияти чекланган болаларнинг ҳаракат фаолияти етишмаслигининг муаммосини назарий жиҳатдан асослаш.

2) Имконияти чекланган мактабга тайёрлов гуруҳи ёшдаги болаларнинг ҳаракат етишмовчилигига таъсир қилувчи сабабларни аниқлаш ва уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

3) Мактабга тайёрлов гуруҳи ёшдаги имконияти чекланган болаларни жисмоний тарбиялаш усулини ишлаб чиқиш ва экспериментал синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти: 30-сонли кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотидagi имконияти чекланган тарбияланувчи болаларнинг жисмоний тарбия дарслари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: 30-сонли кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотида имконияти чекланган тарбияланувчи болаларнинг жисмоний тарбия дарсларида жисмоний машқлар ва турли хил ҳаракатли ўйинларни қўллаш жараёни.

Тадқиқот усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, суҳбат, педагогик тажриба, болаларнинг тиббий ҳужжатларини ўрганиш, педагогик кузатиш, сўров, эксперт баҳолаш, жисмоний тайёргарликни текшириш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тадқиқотлар Чирчиқ шаҳаридаги 30-сонли кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар ўртасида ўтказилган. Тажрибада 15 нафар 30-сонли КТММТТ тарбияланувчилари иштирок этган. 1 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси (ЎзДЖТСУ) ва 1 нафар талаба (ЎзДЖТСУ) иштрок этди.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, КТММТТдаги жисмоний тарбия йўриқчилари, ўқитувчилар томонидан ҳаракат етишмовчилигининг сабаби болаларнинг ҳаракат фаолиятининг индивидуал кўринишларини етарлича баҳоламасликда намоён бўлади.

Биз тадқиқотимиз давомида мактабгача ёшдаги имконияти чекланган болалар учун қуйидаги машқлар мажмуасини ишлаб чиқганмиз бу машқлар “ЖТСНВаУ” кафедраси иш режасига мувофиқ “Оҳиста қадам” табақалаштирилган дастуридан жой олган.

1-жадвал. **Имконияти чекланган болалар учун махсус машқлар (юриш, югуриш, сакраш ва қўллар учун)**

| № | Машқлар | Хусусиятлари |
|----|---|---|
| 1 | Гимнастика таёқчалари устидан юриш (Релс) | масофани таксимлаш, фарқлаш ва кўз билан чамалашни ривожлантирувчи машқ |
| 2 | Дарбоз юриш машқи | мувозанатни ва ҳаракат аниқлигини ривожлантиради |
| 3 | Лабиринт машқи | фазода юналишни мўлжалга ола билиш ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ривожлантиради |
| 4 | Ҳалқа бўйлаб югуриш | майда маторикаларни ривожлантиради (маторика бу қўл маторикаси нарсаларни ушлашдан то одамларнинг қўлёмаси билан боғлиқ бўлган жуда кичик ҳаракатларга қадар) |
| 5 | Моксимон югуриш (5 м) | мувозанат сақлаш ва майда маторикаларни ривожлантиради |
| 6 | Бир оёқда сакраш | ҳаракат изчиллиги оёқ мушаклар кучини ривожлантиради |
| 7 | Қурбақача сакраш | координацион ҳаракатлар ҳамда ҳаракатлар симметриясини ривожлантиради |
| 8 | Тўп билан сакраш | тўп орқали оёқ мувозанатини ҳис қилиш |
| 9 | Юлдузча сакраш | қўл ва оёқ ҳаракатлар координациясини ҳаракат ритмини ривожлантиради |
| 10 | Гимнастика скамейкасида 4 оёқлаб юриш | ҳаракатлар кучиш тезлигини оширади |
| 11 | Тошбақа бўлиб сирпаниш | қўл ва елка камарини мустаҳкамлайди |
| 12 | Нафас олиш машқи | кон айланиш фаолиятини яхшилайти, танада кислород миқдорини оширади, нафас олиш тезлигини пасайтиради, ўпканинг умумий ҳажмини оширади. |

Хулоса. 1) Илмий адабиётларнинг назарий таҳлилида, имконияти чекланган болаларнинг ҳаракат депривациясига таъсир килувчи сабаблар аниқланди:

- ота-оналар томонидан болага нисбатан кучли ҳомийлик, уятчанлик, болага эътибор бермаслик, оъз фарзандининг нуқсонини яшириш, меҳр ва ғамхоърликнинг етишмаслиги, онанинг болани рад этиши

- тарбиячилар томонидан боланинг психофизик, ижтимоий ва шахсий имкониятларини, ўқитувчининг авторитар таъсирини ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан эътиборсиз қолдирилиши; ҳар доим ҳам боланинг ютуқларини объектив баҳолаш, субъектларнинг ҳаракат фаолиятига бўлган эҳтиёжни нотўғри баҳолаш ва нотўғри тушуниш;

- бола томонидан, маҳрумлик ҳодисасига муносабат сифатида, у ўз нуқсонини чеклаш, бегоналашиш, кўрқув, ишончсизлик, кўрқоқлик, пассивлик, ўзини изоляция қилиш, нотўғри хатти-ҳаракатлар ва тажовузкорлик, баландликдан кўрқишда намоён бўлади.

2) Тадқиқотларимиз натижасида мактабга тайёрлов мактабгача ёшдаги имконияти чекланган болаларнинг жисмоний тарбияси методологиясини қўллаш самарадорлиги экспериментал равишда тасдиқланган.

Адабиётла рўйхати:

- 1) Светличная, Н.К. Развитие инклюзивного образования в области адаптивного физического воспитания детей / Н.К. Светличная // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2022. – Т. 27. – № 3. – С. 705-713. – DOI 10.20310/1810-0201-2022-27-3-705-713.

- 2) Умнякова, Н.Л. Двигательная депривация детей дошкольного возраста как социально-педагогическая проблема / Г.Н. Пономарев, Н.Л. Умнякова // «Адаптивная физическая культура» - 2012.
- 3) Умнякова, Н.Л. Оценка двигательной активности дошкольников, имеющих нарушение слуха / Н.Л. Умнякова, А.И. Вегера, Ю.В. Кочневская // Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта.- 2013.

УДК: 796.78.92.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ФИЗИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННОЙ ПОДВИЖНОСТЬЮ

Абдусаттор Абдусаломов, Фархат Мурадов

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

abdusalamovabdusattor6@gmail.com

Аннотация. В данной статье рассматривается эффективность занятий по физической культурой детей в дошкольном образовательном учреждении с ОВЗ, а также выделены показатели улучшения физического состояния детей на основе комплекса упражнений, разработанного в ходе нашего исследования.

Ключевые слова: Подготовительная группа, занятие физической культурой, упражнение, специальные упражнения, индивидуальные движения, координация движений, двигательная активность, баланс, оптимизация, способ действия, симбиотическая установка.

UDC: 796.78.92.

IMPROVING THE PROCESS OF PHYSICAL ACTIVITY OF CHILDREN WITH LIMITED MOBILITY

Abdusattor Abdusalomov, Farhat Muradov

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

abdusalamovabdusattor6@gmail.com

Abstract. In this article, the effectiveness of physical education classes for children in a preschool educational institution with disabilities is determined, and the indicators of improvement of children's physical condition are highlighted based on the set of exercises developed during our research.

Key words: Preparatory group, physical education class, exercise, special exercises, individual movements, coordination movements, physical activity, balance, optimization, mode of action, symbiotic attitude.



СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СПОРТСМЕНОК, СПЕЦИАЛИЗИРУЮЩИХСЯ В ИГРОВЫХ И СИЛОВЫХ ВИДАХ СПОРТА

Боходир Абдусаматов, Дилбар Сафарова

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

Аннотация: Проведена сравнительная оценка параметров телосложения спортсменок, занимающимися игровыми и силовыми видами спорта. Анализ тотальных и парциальных признаков выявил различия по ряду определенных антропометрических признаков, свидетельствующих об адаптации организма к специфике нагрузок избранной специализации.

Ключевые слова: спортсменки, параметры телосложения, силовые видов спорта, специфичные нагрузки, баскетбол

Актуальность. В настоящее время особое значение в развитии современного спорта имеет признание факта активной его феминизации. Это выражается в расширении числа доступных женщинам видов спорта, ранее считавшихся чисто мужскими, а также всё большего участия в спортивных соревнованиях девушек и женщин. Между тем современный спорт XXI века все больше знаменуется как эпоха коммерсализации и высокого профессионализма, который влечет за собой целый ряд отрицательных последствий, особенно опасных для женского организма, в частности, таких как допинг, высокая загруженность соревнованиями, что порой трудно уложиться в разработанные отечественными учеными по физической культуре и спорту в рамках теории периодизации годичного тренировочного цикла. Без должного научного обоснования и правильного понимания опасностей безудержной профессионализации, нельзя будет предотвратить

отрицательные последствия, которые связаны с ролью женщин в силу их биологических и социальных особенностей в обществе. Спортивные игры являются одним из наиболее популярных видов среди девушек, а занятия силовыми видами спорта вошли в большой спорт позже, и женщины успешно борются наряду с мужчинами. Это направление будет правильной считать – наиболее модным. Трудно представить современный спорт, современное олимпийское движение без участия женщин. Олимпийские игры и современный спорт не смогли бы оказать такого многообразного влияния на жизнь мирового общества [1, 2, 3].

Цель исследования: изучить специфику морфологической адаптации к физическим нагрузкам у спортсменок, занимающихся баскетболом и борьбой.

Методы исследования. Проведены антропометрические исследования у 25 девушек, занимающихся борьбой дзюдо, 30 девушек, занимающихся баскетболом. Все они являются квалифицированными спортсменками, обучающимися в Узбекском государственном университете физической культуры и спорта. Подвергнуты измерениям тотальные и парциальные признаки, являющиеся информативными для избранных видов спорта. Полученные результаты обработаны методами математической статистики, с выявлением среднеарифметического (\bar{x}) и сигмального отклонения (σ).

Результаты исследования и их обсуждение. Как видно из таблицы 1 имеются различия в показателях тотальных размерах у спортсменок, занимающихся баскетболом и борьбой. В первую очередь, спортсменки отличаются как по длине и массе тела, так и по обхвату грудной клетки. Большое различие выявлено для такого показателя как объём грудной клетки. Так у баскетболисток его значение составляет $75,50 \pm 7,10$ см, а у девушек, занимающихся борьбой – $87,90 \pm 4,10$ см, что на 12,40 см больше, чем у баскетболисток. Из парциальных размеров тела установлены различия по длине верхних и нижних конечностей, а также по значениям составляющих их сегментов – по длине плеча, предплечья, бедра и голени. Зато по длине нижних конечностей баскетболистки превосходят дзюдоисток. Так, длина нижних конечностей у баскетболисток составила $93,50 \pm 2,65$ см, а у дзюдоисток – $88,7 \pm 1,13$ см. Для дзюдоисток сохранение равновесия тела, играет важное значение при выполнении борцовских приёмов, выполняемых как в стойке, так и в партере. Поэтому для дзюдоисток, чем ниже расположен общий центр тяжести тела по отношению к площади опоры, тем большую устойчивость будет сохранять тело. Не выявлено различий по длине предплечья между сравниваемыми специализациями. Так у баскетболисток длина плеча составила $24,8 \pm 1,24$, а у дзюдоисток – $24,0 \pm 1,21$ см. Их широтных размеров тела установлены большие различия по ширине таза. У баскетболисток ширина таза составила $27,90 \pm 2,10$, а у дзюдоисток – $40,4 \pm 1,40$ см. Такое различие связана со спецификой специализации. Более широкий таз обеспечивает также устойчивость в состоянии подседа, при прямом контакте с соперником. Значимое различие установлено и размерам обхвата плеча. У баскетболисток обхват плеча составил $23,20 \pm 2,10$, у дзюдоисток – $27,07 \pm 0,42$ см. Анализ обхватных размеров тела свидетельствует о том, что девушек, занимающихся борьбой, значительного развития достигает мышечная система как в области туловища, так и мышц пояса верхних конечностей. Между сравниваемыми специализациями по другим показателям парциальных размеров выявлены незначительные различия.

Таблица 1. Сравнительная оценка показателей телосложения девушек, занимающихся баскетболом и борьбой

| № п/п | Соматический параметр | Баскетбол – женский, n=30 | | Борьба женская, n =25 | |
|-------|---------------------------|---------------------------|----------|-----------------------|----------|
| | | \bar{x} | σ | \bar{x} | σ |
| 1. | Длина тела | 174,90 | 4,00 | 164,00 | 4,90 |
| 2. | Масса тела | 60,00 | 10,20 | 61,00 | 6,80 |
| 3. | Обхват грудной клетки | 75,50 | 7,10 | 87,90 | 4,10 |
| 4. | Длина корпуса | 75,9 | 1,80 | 72,9 | 1,40 |
| 5. | Длина верхних конечностей | 76,00 | 2,30 | 72,30 | 2,00 |
| 6. | Длина нижних конечностей | 93,50 | 2,65 | 88,7 | 1,13 |
| 7. | Длина плеча | 32,30 | 1,22 | 29,0 | 1,23 |
| 8. | Длина предплечья | 24,8 | 1,24 | 24,0 | 1,21 |
| 9. | Длина бедра | 48,3 | 0,80 | 46,5 | 0,80 |
| 10. | Длина голени | 38,8 | 0,88 | 35,0 | 0,72 |
| 11. | Ширина таза | 27,90 | 2,10 | 40,4 | 1,40 |
| 12. | Ширина плеч | 38,00 | 1,80 | 39,90 | 2,80 |
| 13. | Обхват плеча | 23,20 | 2,10 | 27,07 | 0,42 |
| 14. | Обхват предплечья | 22,20 | 1,40 | 24,00 | 0,33 |
| 15. | Обхват бедра | 52,10 | 4,80 | 55,30 | 0,30 |
| 16. | Обхват голени | 34,30 | 3,40 | 35,30 | 0,32 |

Заклучение: Сравнительная оценка параметров телосложения спортсменок, специализирующихся в игровых и силовых видах спорта, свидетельствует о морфофункциональной адаптации организма к физическим нагрузкам, специфичной от особенностей специализации.

Библиография

- 1) Мягкова С.Н. Проблемы гендерной асимметрии в современном олимпийском движении // Теор. и прак. физ. культ. 2001, № 3. – 34с
- 2) Соха Тереса Морфо-функциональные особенности женщин спортсменок в аспекте полового диморфизма // Теория и прак. физ-кой культуры», 2001, №11, стр. 2 - 7.- 203 с.
- 3) Шахлина Л.Г. Медико-биологические основы спортивной тренировки женщин. – Киев.-Наукова думка.- 2001.- с. 328.

COMPARATIVE ASSESSMENT OF THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF FEMALE ATHLETES SPECIALIZING IN COMPETITIVE AND POWER SPORTS

Bokhodir Abdusamatov, Dilbar Safarova

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchik, Uzbekistan*

Abstract: A comparative assessment of the parameters of the physique of sports women, who are engaged in competitive and strength sports, has been carried out. The analysis of the total and partial features revealed the differences in a number of certain anthropometric signs, indicating the adaptation of the body to the specific loads of the chosen specialization.

Keywords: sports women parameters of the physique strength sports anthropometric signs specific loads basketball, judo.



УЎК:5770.02.

РУХНИНГ ОРГАНИЗМДАГИ БИОЛОГИК РОЛИ

Умидахон Абдусаматова, Сабохат Зиямухамедова, Фотима Исмоилова

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ, Ўзбекистон*

fotimaismailova28@gmail.com

Аннотация. Рух микроэлементи организм учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини бошқарувчи ферментларнинг таркибига киради. Шу боис, унинг озуқа таркибидаги микдорини аниқлаш организмни соғломлаштиришга, унинг регенератив қобилиятини оширишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Рух, фермент, простата бези, гормон, коллаген толалар, остеопороз.

Кириш. Рух спортчилар организми учун энг муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Рух элементи организмда муҳим биологик жараёнлар оқсил, ДНК ва РНК синтези, ҳужайраларни бўлиниши, ўсиши ва регенерациясида иштирок этади. Бундан ташқари, рухнинг регенерация жараёни кетиб турган тўқимада коллаген ва оқсил синтезини кучайтириши, атеросклероз ва юрак ишемик касаллигида ижобий таъсир кўрсатади. Гипофиз безидан ишлаб чиқариладиган соматотропин, гонадотропин ва кортикотропин гормонларини синтез интенсификацияси ҳамда бутун организмдаги гормонал статус бевосита рухнинг миқдори билан боғлиқ.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Рухнинг биологик аҳамиятига оид изланишлар олиб борилиб, илмий манбаларда келтирилган маълумотлар хусусий изланиш маълумотлари билан қиёсланади ва тегишли мулоҳазалар юритилади.

Тадқиқот усуллари ва ташкил этилиши. Бунда рухнинг организм тўқималари ва органларда тақсимланиши, унинг ферментлар таркибига кириши орқали биокимёвий жараёнларга кўрсатадиган таъсири билан боғлиқ бўлган физиологик ва патологик ҳолатларнинг келиб чиқишига тегишли маълумотлар таҳлиллар асосда келтирилди.

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш. Рухга бой бўлган аъзолар: гипофиз, кўз тўр пардаси, простата бези (150 мг дан ошиқ), жигар, буйрак, мушак, соч, суяк (100 мг дан ошиқ)лар ҳисобланади [1].

Бош миядаги металллар ичида рух ва темир энг кўп қисмини ташкил этади, рух-темир индекси 1 га тенг, бошқа аъзоларда бу нисбат анча паст бўлади. Углеводлар, ёғлар, оқсиллар ва нуклеин

кислоталар синтези ва парчаланиши организмни рух билан таъминланишига бевосита боғлиқ. Организмдаги рух захирасининг 20 фоизи суяк тўқимасида жойлашган бўлади. Рухнинг суяк тўқимасига кириш тезлиги калцийга нисбатан юқори бўлади ва суяк тўқимасида мушак тўқимасига нисбатан узок сақланади [1,3].

Рух калций ва фосфор сўрилишини ҳамда алмашинувини яхшилади, шунингдек, коллаген толалар синтезини ҳам кучайтиради. Бу эса тери эластиклигини оширади ва суяк юзасини шаклланишини таъминлайди. Шунинг учун рух яъни цинк етишмовчилиги остеопороз ривожланишига олиб келиши мумкин [2].

Рухнинг биологик таъсирлари куйидагилар:

- рух – кучли табиий антиоксидант, яраларни битиши ва эпителизатсия жараёнини тезлатади;
- хужайрани бўлиниши, ўсиши ва регенерациясида қатнашади, тери, тирноқ ва сочларнинг меъёрида ўсишини таъминлайди;
- тана ва скелет вазнини ошишида, калций ва фосфор алмашинуви ва сўрилишига ёрдам беради;
- еркаклик гормони – тестостеронни ишлаб чиқарилиши ва сперма ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга, ўсиш гормони, гонадотропин ва кортикотропин синтезида қатнашади;
- тери эластиклигини таъминловчи коллаген толалар ҳосил бўлишида қатнашади, сариқ доғ дегенерацияси ва катарактани олдини олади;
- иммунитетни оширади, ўсмаларга қарши (антикансироген) таъсири мавжуд, инсулин синтезида иштирок этади ва ёғ-углевод алмашинувини бошқаришда иштирок этади;
- миянинг нормал фаолияти ва эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш учун зарур;
- иштаҳа ва таъм билиш сезгисини меъёрга келтиради, алкогольни организмдан чиқариб ташлашда иштирок этади;
- қон ишлаб чиқаришда иштирок этади ва камқонликни олдини олади [1,4].

Маҳсулотлардаги рух миқдори

(100 гр маҳсулотга тўғри келадиган рух миқдори мг да)

| Маҳсулот номи | Рух миқдори | Маҳсулот номи | Рух миқдори |
|-----------------------|-------------|------------------------|-------------|
| Пишириқ учун дрожжи | 9,97 | Седана | 7,75 |
| Қовок данаги | 7,44 | Пиширилган товук юраги | 7,30 |
| Қайнатилган мол гўшти | 7,06 | Арахис | 6,68 |
| Какао порошок | 6,37 | Кедр ёнғоғи | 4,62 |
| Мол тили | 4,80 | Попкорн | 4,13 |
| Курка гўшти | 4,28 | Йирик майд.бугдой уни | 3,11 |
| Тухум сариги | 3,44 | Арахис ёғи | 2,51 |
| Ёнғоқ | 2,73 | Сардина | 1,40 |
| Кокос ёнғоғи | 2,01 | Пиширилган яшил нухот | 1,19 |
| Пиширилган ловия | 1,38 | Пиширилган нухот | 1,00 |
| Балиқдан котлет | 1,20 | Тунец | 0,90 |
| Тухум | 1,10 | Туршак | 0,74 |
| Консерваланган ласось | 0,92 | Бугдой бўтқаси | 0,57 |
| Пиширилган кўзиколин | 0,87 | Сўли бўтқаси | 0,49 |
| Пиширилган исмалоқ | 0,76 | Пиширилган гуруч | 0,45 |
| Жигарранг гуруч | 0,63 | Кўк пиёз | 0,39 |
| Вермишел | 0,53 | Қайнатилган гул карам | 0,31 |
| Жўхори | 0,48 | Авокадо | 0,31 |
| 1% ёғли сут | 0,39 | Редиска | 0,30 |
| Пиширилган брокколи | 0,38 | Пиширилган сабзи | 0,30 |

Хулоса. Рух (цинк) – барча ферментлар таркибига кирувчи ягона металл бўлиб, унинг ўрнини бошқа металл боса олмайди. У спортчи организмда моддалар алмашинуви жараёнлари меъёрида бўлишини таъминдайди, ҳамдабиокимёвий жараёнларда муҳим роль ўнайди.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Скальный А. В., Рудаков И. А. Биологические элементы в медицине. - Оникс 21 век, Мир, 2004.
- 2) Скальный А. В. Биологическая роль макро- и микроэлементов у человека и животных. — Санкт-Петербург: Наука, 2008.
- 3) Собирова Р.А. Биологик кимё. Т.:Янги аср авлоди,2006.
- 4) Тўйчибаев, М., Зиямухаммедова С.А. Биохимия ва спорт биохимияси // дарслик // Тошкент: Ўзбекистонда нашриёти, 2020.

УДК: 5770.02.

БИОЛОГИЧЕСКАЯ РОЛЬ ЦИНКА В ОРГАНИЗМЕ

Умидахон Абдусаматова, Сабохат Зиямухамедова, Фотима Исмоилова

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчиқ, Ўзбекистан

fotimaismailova28@gmail.com

Аннотация. Микроэлемент цинк важен для организма, так как входит в состав ферментов, контролирующих окислительно-восстановительные реакции. Поэтому определение содержания в нем питательных веществ помогает улучшить здоровье организма и повысить его регенеративные способности.

Ключевые слова: Цинк, фермент, предстательная железа, гормон, коллагеновые волокна, остеопороз.

UDC:5770.02.

BIOLOGICAL ROLE OF ZINC IN THE ORGANISM

Umidaxon Abdusamatova, Saboxat Ziyamuxamedova, Fotima Ismoilova

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

fotimaismailova28@gmail.com

Abstract. Zinc trace element is important for the body, as it is part of the enzymes that control oxidation-reduction reactions. Therefore, determining the content of its nutrients helps to improve the health of the body and increase its regenerative capacity.

Key words: Zinc, enzyme, prostate gland, hormone, collagen fibers, osteoporosis.



УЎК: 796.43.72.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР АСОСИДА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Розия Алимбоева

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

rozhan.b@mail.ru

Аннотация. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам, мустақил шуғулланиш кўникмаларини сингдириш тарбиявий жараёнинг ажралмас қисми эканлиги, ҳозирги кунинг мустақил ёшларни куч сифатларини тарбиялашда жисмоний машқларнинг аҳамияти катта эканлиги илмий исботланган. Саломатликни мустаҳкамлаш ва куч-қувватини янада фаоллаштиришга жисмоний тарбия ва спорт билан бирга бўлиш энг тўғри танлов эканлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: куч-қувват, мустаҳкам, куч, сифат, кўникма, даража, жараён, авлод, соғлом, бақувват.

Кириш. Ватанимиз Ўзбекистон Республикаси тараққиётнинг ривожланиш босқичларини ўтказётган бир даврда жисмоний тарбия ва спорт тараққиёт билан бирга ривожланиб бораётган соҳа десак муболаға бўлмайди. Жисмоний тарбия шахсни комплекс шакллантириш тизимининг узвий қисмидир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жаҳон стандартларига мос бўлган рақобатбордош кадрлани тайёрлашда жисмоний тарбия ва спорт асосий воситадир, чунки “соғлом танда соғлом ақл” деган халқимизнинг ибратли сўзлари бунга ёрқин асосдир. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам, мустақил шуғулланиш кўникмаларини сингдириш тарбиявий жараёнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Спорт ҳозирги кунинг мустақил Ўзбекистонимизда жадал ривожланиб бораётган ва кенг аҳамият қаратилаётган бир даврни ўтказмоқда. Ёшларни куч сифатларини тарбиялашда жисмоний машқларнинг аҳамияти катта эканлиги биз учун маълум. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилган шундай экан ёшларимиз ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамлаш ва куч- қувватини янада фаоллаштиришга жисмоний тарбия ва спорт билан бирга бўлишга вақт ажратмоқдалар. Статистик маълумотларга асосланган бўлса жисмоний тарбия ва спорт билан 1991 йилдан ҳозирги 2022 йил ҳисоби бўйича қариб 75% фойз халқимиз жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бу халқимизнинг ўз наслининг саломатлик бўйича мустаҳкамлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини оширишга ҳам бир эътибори ҳисобланади. Ҳозирда юқоридаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки узоқ умр кўриш даражаси 75 ёшдан 80 ёш ундан катталар ёшига тўғри келишлиги бу халқимизнинг узоқ умр кўриш даражасини ошганлигини билдиради. Жисмоний тарбия ва спорт

соҳасида республикамизда кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлигини барчамиз гувоҳи бўлиб, бу ишларнинг ҳаммаси ҳар томонлама етук, маънан ва жисмонан соғлом, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажagini ярата оладиган ёшларни тарбиялашга қаратилгандир. Бундай ёшларни камол топтириш учун эса соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш ҳамда баркамол авлодни соғлом ва бақувват тарбиялашдан иборатдир. Шундай экан Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, жорий йилимизнинг 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла” йили деб номланиши ва шу йил муносабат билан маҳаллаларида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, спорт турлари бўйича истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш демакдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 19 март куни 5 муҳим ташаббус ва бунда 2-чи муҳим ташаббус жисмоний тарбия ва спортга айнан бағишланган муҳим вазифалари белгиланди. Шунингдек Ҳаракатлар стратегиясидан- тараққиёт стратегияси сари белгиланган асосий йўналишларнинг 4-чиси ҳам “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соғлом турмуш тарзини қарор топтириш” вазифаси алоҳида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда барча шароитларни мухтарам Президентимиз раҳнамолигида шарт- шароитларнинг яратилиши барча ёшларни беҳат қувонтирмоқда. Жисмоний машқларнинг таъсирини белгилловчи омиллар ёш спортчиларнинг соғлом ва баркамол бўлиб шаклланишида ўрни бекиёсдир. Ёш спортчиларда кўп жиҳатдан амалий машғулотлар жараёнини самарали ташкиллаштиришга ва аниқ қўйилган педагогик вазифаларга боғлиқ. Шуғулланувчиларнинг келажакдаги жисмоний ва ахлоқий асослари такомилланиши. Шуни қайд этиш керакки, амалий машғулотларда куч сифатларини мустаҳкамлаш биринчи муҳим вазифадир. Шунинг учун улар шуғулланувчиларга жисмоний машқларни таъсири энг универсал восита деб тан олинган. Мураббийларнинг биринчи даражали вазифаси куч, тезлик, чидамлик, чаққонлик ва бошқа жисмоний сифатларни ривожлантириш. Ҳар хил жисмоний машқларнинг самараси турли хил ёки турли хилдаги жисмоний машқлар бир хил тарбиявий таъсир кўрсатиши амалиётда исботланган. Демак, бу жисмоний машқлар доимий бир хил таъсир хусусиятига эга эмаслигининг исботидир. Жисмоний машқларнинг педагогик, психологик, физиологик хусусиятлари қанчалик чуқур ишлаб чиқилган бўлса, мураббий, педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун улардан шунчалик самарали фойдаланиш мумкин. Шунингдек, жисмоний тарбия ўқитувчисининг кенг қамровли билими ва врач билан маслаҳатлашган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларини жисмоний ривожланганлик ҳолатини назоратдан ўтказиш аниқса жуда муҳим. Жисмонан гармоник ривожланган шахсни тарбиялаш давримизнинг асосий вазифаларидан биридир. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларни жисмоний ривожланишни текшириш усулларида сомагоскопия ва антропометрия усулларини қўллашни кўриб чиқамиз.

Спорт билан шуғулланувчиларнинг тиббий кўригида, уларнинг жисмоний ривожланиши ва тана тузилишининг хусусиятларини текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Одам организмнинг жисмоний ривожланиши бу организмнинг морфологик ва функционал хусусиятларнинг йиғиндиси ҳисобланади ва биологик, паспорт ёшининг бир-бирига нисбатан ўхшаш томонлари билан, унинг жисмоний куч ва ишининг тўлиқлигини белгилайди. Шифокор, жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббий, спорт билан шуғулланганларни жисмоний ривожланишни текшириш ва баҳолашни билиши шарт. Саломатлик ҳолати ва одамнинг жисмоний ривожланишининг даражаси- бу шундай омиллардан бири бўлиб, одамнинг жисмоний машқлар билан шуғулланиш хусусиятларини ифодаб беради. Тана тузилиши ва таянч-ҳаракат аппаратининг ҳолати- шахсни қайси спорт тури билан шуғулланиши мумкинлигини, танлашда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Одамнинг жисмоний ривожланиши ҳаёт давомида ўзгаради. Жисмоний ривожланишнинг асосий ўзгариши болалик, балоғат ва ўсмирлик даврларида асосан 18 ёшгача намоён бўлади:

- жисмоний ривожланишнинг ўзгаришига 3 асосий таъсиротлардан иборат;
- эндоген (ички) таъсиротлар, авлодаги хусусиятлари маълумотлари;
- атроф-муҳит ёки табиатнинг асосий воситалари;
- ижтимоий-иқтисодий таъсиротлар (кун режими, овқатланиш тартиби, меҳнат фаолияти, маънавий етуклиги).

Спортчиларнинг жисмоний ривожланишни ва тана тузилишини текширишда, уларнинг асосий морфологик (тузилиши, пропорциясини) ва функционал хусусиятларини аниқлаб беради.

Жисмоний ривожланишни спортчиларда такрорий текширишларда уларнинг организмга жисмоний юкламаларнинг таъсирини қандай даражада бўлганлигини аниқлаб беради. Текширишлар натижаларига қараб, танлашда спорт мутахассислигини ва машғулотларнинг тўғри тақсимланишига аҳамият берилади: жисмоний ривожланишни текшириш усуллари, соматоскопия (ташқи кўрик), антропометрия (тана ўлчамларини ўлчаш), жисмоний машқлар бажариш билан аниқлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахснинг ҳаракатлар фаоллигини назоратдан ўтказиб сўнг белгиланган назорат хулосасига асосланиб машғулотларни ташкил этиш ҳар икки томон учун фойдалидир. Юқоридаги маълумотларга асосан назорат турлари бўйича демак, соматоскопия- ташқи кўрик ёрдамида тана ўлчамларнинг муносиблиги, тана тузилишнинг конституционал турлари, қадди-қомаат ва таянч-ҳаракат тизимларидир. Антропометрия (тана ўлчамларини ўлчаш) қўл, кўкрак қафас, ўпканинг нафас ҳаракатдаги ҳолатлари, оёқ бўлимининг маълумотлари муҳим, шунингдек жисмоний машқлар бажариш билан аниқлаш масалан; қўшимча юкламалар беришда ҳар қайси функционал синама (20 марта ўтириб туриш, бир жойда 15 сония давомида максимал темпда югуриш) қўлланиши мумкин. Бу синамалар ўтказишда фақат битта талаб бор – юкламалар миқдори тўғри бўлиш керак. Қўшимча жисмоний юкламалар кўпинча машғулотлар олдиндан бажарилади ва машғулотлардан 10-20 мин ўтгач. Синамага бўлган жавоб реакциялар пульс ва артериал қон босим ўзгариши ва тикланишига асосланиб баҳоланади. Қўшимча юклама бериш тестига бўлган жавоб реакцияларнинг учта варианты ажратилади. Биринчи варианты: машғулотдан олдинги қўшимча юкламага бўлган жавоб реакцияси машғулотдан кейин ўтказилаган қўшимча юкламага жавоб реакциясидан кам фарқланиши билан ҳарактерланади. Фақат пульс ва артериал қон босим тикланиш даврида ўзгариш мумкин. Умуман олганда, бундай жавоб реакцияси спортчининг жисмоний машқлардан кейин функционал ҳолати ўзгармаганлигини ифодалайди. Қўшимча юкламага жавоб реакциясини иккинчи варианты спортчиларни функционал ҳолатининг ёмонлашишини ифодалайди. Машғулотдан кейин қўшимча юкламага бўлган пульснинг жавоб реакциясига нисбатан анча ўзгаради, артериал қон босим эса унча ўзгармайди (қайчи феномени). Пульс артериал қон босимнинг тиклаш даври чўзилади. Бундай жавоб реакцияси шуғулланувчининг тайёргарлиги паст бўлса, ҳаддан ташқари катта жисмоний машқдан сўнг ўта чарчаш ҳолида рўй бериши мумкин. Учинчи вариантда қўшимча юкламага мосланиш яна ҳам ёмонлашади. Чидамлилиқ сифатини ривожлантирувчи спорт турларига гипотоник ва дистоник жавоб реакциялар рўй беради. Тезкор куч сифатларини ривожлантирувчи спорт турлари эса гипертоник, гипотоник, дистоник реакциялар рўй беради. Тикланиш давлари анча чўзилади. Бундай жавоб реакция спортчи функционал ҳолатини ёмонлашганлиги ифодалайди. Сабаби тайёргарлиги етарли даражада эмас. Шиддатли машқ бажаришда рўй берган учта чарчаш ҳолати деб баҳоланади.

Машқларга мосланиши пульс, нафас олиш частотасини, артериал қон босимнинг ўзгаришларига ва тикланиш даврига асосланиб баҳоланади. Мосланиш яхши даражада бўлса, жавоб реакция кўзатилади, дам олиш даврида ҳамма кўрсаткичлар тез тикланади, махсус кўрсаткичлари галдан-галга мустаҳкамланади.

Ёмон мосланишда атипик реакция рўй бериши мумкин. Такрорий машқларга 5 вариант жавоб реакциялари кўзатилади.

1-вариант: спорт натижалари баланд ва турғун, машқларга мосланиш яхши дам олиш давларда тез тикланади. Бундай жавоб реакция махсус тайёргарлиги баландлигини ифодалайди.

2-вариант: махсус натижалари ва мосланиши ўрта даражада. Бу вариант коникарли чиниқишни ифодалайди.

3-вариант: махсус натижалар дам кўтарилади, дам пасаяди. Юрак қон томир тизимининг кўрсаткичлари шу билан бирга ўзгаради. Керакли вақт давомида спортчи организми функциялари берилган юкламаларни қабул этиши пасаяди. Шуғулланувчининг ҳаракат фаоллигини тушишига ва толиқишига сабачи бўлади. Бу ҳол жисмоний тайёргарлигининг етарли даражада эмаслигини ифодалайди.

4-вариант: Кетма-кет махсус натижалари ва машқларга мосланиши ёмонлашади. Дам олиш интервалларида тикланмайди. Бундай вариант жисмоний тайёргарлиги паст спортчиларда учрайди ва бунда албатта тананинг тикланиш ҳолатини аниқлаб секин асталик билан машқларнинг энг содаларидан мослаштирилган ва ҳаракат фаоллиги учун зарур машқлар мажмуасини тузиб шуғулланувчи билан махсус шуғулланишни ўтказиш ўринли. Бунада шуғулланувчи ўзида тикланувчи машқларни ўзлаштириб тананинг мустаҳкамланиш вақтини меъёри асосида тикланиш ҳолатига ўтиб олади.

5-вариант: натижалари кетма- кетлик ҳолати асосида сақланади, мосланиш кўрсаткичлари яхшиланиш даражаси кўтарилади. Бундай вариант спорчининг етарли даражада чиникмаганлигини ифодалайди ва тананинг харакат фаоллиги аста кўтарилади.

Бундан ташқари антропометрик усул ёрдамида 15-16 ёшли қизларни жисмоний ривожланиш даражаси таҳлил қилинганда қуйидаги тенденция кузатилди. Қизларни ёши катталашиши билан жисмоний ривожланиш даражаси ўрта даражадан 15-16 ёшга чиқиб олий даражага етган қизларни фоизи 13,75% дан 29,1% га тенг. Ривожланиши ўртача баҳоланадиган қизларни сони 40-50% ташкил этади. Ўрта даража ривожланишдан паст бўлган қизларни сони 20,4% ташкил этди.

Текширилган гуруҳ мактаб ўқувчиларига қадди-қоматини коррекциялаш учун махсуслашган гимнастик машғулотлар мажмуаси ва сузиш спорт тури билан шуғулланишни тавсия этилди.

Хулоса. Махсус машқларни рационал қўллаш натижасида ҳаракат дефектларини компенсация қилиш ва организмни умумий функционал ҳолатини яхшилаш мумкин. Деформацияларнинг йуқолгандан сўнг ўқувчилар асосий гуруҳга кўп ҳолларда ўтказилади.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Зайцева В.В., Сонькин В.Д. Особенности энергетического обеспечения мышечной деятельности у детей и юношей разного телосложения. //Проблема современной морфологии человека: Материалы межд./ конф.– М., 2008. – С.135-138.
- 2) Козлова О.А. - Дифференцированная методика физического воспитания студенток с учетом их нозологии и психофизического состояния. // Теория и практика физической культуры, № 9, 2010, стр. 69.
- 3) Рахимов В.Ш. Анализ морфо-функциональных показателей у студентов с патологическими отклонениями, проживающих в неблагоприятных экологических условиях // Фан – спортга 2007, № 3, с. 38 – 41.
- 4) Румба О.Г. Система педагогического регулирования двигательной активности студентов специальных медицинских групп // Автореферат д.м.н. 13.00.04 – теория и методика физического воспитания, спортивной тренировки, оздоровительной и адаптивной физической культуры диссертации на соискание учёной степени доктора педагогических наук Санкт-Петербург 2011, стр. 50.
- 5) Сафарова Д.Д. Спорт морфологияси: дарслик. – Тошкент: Vneshinvestprom, 2015. - 200 с .

УДК:796.02.34.

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ШКОЛЬНИКОВ ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА С УЧЕТОМ ОСОБЕННОСТЕЙ ОТКЛОНЕНИЙ В СОСТОЯНИИ ИХ ЗДОРОВЬЯ

Мохира Юсупова

Ўзбекистон Республикасидаги давлат раёнидаги физик маданияти ва спортни ривожлантириш институти

Чирчиқ, Ўзбекистон

moxirs@mail.ru

Аннотация. Методами антропометрии проведена оценка физического развития 150 школьников подросткового возраста с учетом отклонений в состоянии здоровья. Установлены количественные показатели состояния физического развития.

Ключевые слова: школьники, подростковый возраст, физическое развитие, сколиоз, кифоз, отклонения в здоровье, антропометрические признаки

UDC:796.02.34.

**AN ANALYSIS OF THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF ADULT SCHOOLS WITH
RESPECT TO PATTERNS OF DEVELOPMENTS IN THEIR HEALTH STATUS**

Mokhira Yusupova

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

moxirs@mail.ru

Abstract. Using anthropometry methods the physical development of 150 teenage schoolchildren taking into account health abnormalities has been evaluated.

Keywords: schoolchildren, adolescence, curves of the spinal column, physical development, scoliosis, kyphosis, deviations in health, anthropometric signs.



5-Sho'ba. BARCHA TURDAGI TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR

Секция 5. ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ВСЕХ ТИПОВ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

5th Section. PHYSICAL EDUCATION IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ALL TYPES: PROBLEMS AND PROSPECTS



UO'K: 796

SPORT TO'GARAKLARIDA JISMONIY TAYYORGARLIK MASHG'ULOTLARINI O'TKAZISH TAJRIBASI

Gulzar Abatova

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

belemg23@icloud.com

Annotatsiya. Ko'p yillik sport trenerovkasining dastlabki tayyorgarlik bosqichi fundamental bosqich bo'lib, unda jismoniy va funksional imkoniyatlar bazasini yaratish sog'lom-malakali sportchilarni tarbiyalash samaradorligini belgilaydi. Binobarin, dastlabki tayyorgarlik bosqichida shug'ullanuvchi bolalar bilan o'tkaziladigan jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarini ilmiy asosda rejalashtirish va tashkil qilish qayd etilgan muammoning o'ta dolzarb ahamiyatga loyiq ekanligidan darak beradi.

Kalit so'zlar: sport trenerovka, sog'lom-malakali, funksional, to'garak, respondent, musobaqa, moddiy-texnik, o'quvchi-sportchi

Mamlakatimizning mustaqil taraqqiyoti davrida jismoniy tarbiya va sport yurtboshimiz tashabbusi tufayli davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari doirasida cho'qqi sari qanot qoqmoqda. Bu borada ayniqsa sog'lom, barkamol avlodni tarbiyalash poydevori sanalgan bolalar sportini rivojlantirish, o'quv-mashg'ulot va ommaviy musobaqalarni ilmiy asosda tashkil qilish va yosh iste'dodli sport zahiralarni tayyorlash samaradorligini oshirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bugungi kunda o'quvchi va talaba yoshlarni sport bilan shug'ullanishlariga zamon talablariga mos moddiy-texnik shart-sharoitlar yaratilgan.

Ko'p yillik sport trenerovkasining dastlabki tayyorgarlik bosqichi fundamental bosqich bo'lib, unda jismoniy va funksional imkoniyatlar bazasini yaratish sog'lom-malakali sportchilarni tarbiyalash samaradorligini belgilaydi. Binobarin, dastlabki tayyorgarlik bosqichida shug'ullanuvchi bolalar bilan o'tkaziladigan jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarini ilmiy asosda rejalashtirish va tashkil qilish qayd etilgan muammoning o'ta dolzarb ahamiyatga loyiq ekanligidan darak beradi. Biz ana shu muhim masala holatini o'rganish maqsadida 60 nafar jismoniy tarbiya o'qituvchi-murabbiylari va 100 nafar o'quvchi-sportchilar o'rtasida so'rovnoma o'tkazdik. So'rovnomani tashkil qilish va o'tkazishda sport o'yinlari kafedrasining iqtidorli talabalari ishtirok etdi. So'rovnoma savollari sport to'garaklarida jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarini o'tkazish tajribasini o'rganishga bag'ishlanadi.

So'rovnoma bo'yicha olingan javoblar shuni ko'rsatdiki, yosh sportchilar bilan olib borilayotgan jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlari aksariyat jihatlardan pedagogik talablardan yiroq ekan. Chunonchi, so'rovnomada qayd etilgan 1-savoliga (umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik haqida suhbatlar o'tkaziladimi?) 60 nafar o'qituvchi-murabbiy respondentlardan 38,3% "ha", 28,4% "yo'q" deb javob bergan bo'lsa, 33,3% umuman javob bermadi. 100 nafar respondentlardan 28% "ha" deb fikr bildirgan bo'lsa, 72% salbiy ovoz berishdi.

"Jismoniy sifatlarni rivojlantirish rejalashtiruv hujjatlariga asoslanadimi? - deb nomlangan savolga birinchi toifadagi respondentlarning 78,3% ijobiy ovoz berishgan bo'lsa, faqat 21,7% salbiy fikr bilan chegaralanishdi".

Ikkinchi toifaga mansub respondentlar 100% umuman javob berishmadi.

“Jismoniy sifatlarini rivojlanishi testlar yordamida nazorat qilinadimi? degan” savolga ham murabbiy-o‘qituvchilarning 70% kasbiy salohiyatini himoya qilgan bo‘lsa, shug‘ullanuvchi bolalar 100% bu savolga salbiy fikr bildirishdi.

Ma’lumki, har bir sport turi bo‘yicha olib boriladigan jismoniy tayyorgarlik jarayoni shu sport turi xususiyatiga moslashtiriladi. Chunki, bir sport turida ma’lum jismoniy sifatlar ustivor ahamiyatga ega, boshqa bir sport turida boshqa sifatlar muhimroq bo‘ladi.

Ayni shu mavzuda berilgan 4 savolga o‘qituvchi-trenerlarning 71,8% “ha” javobiy yo‘llashdi. Lekin, so‘rovnomada ishtirok etgan respondent bolalarning aksariyat (68%) ushbu savolga salbiy munosabat bildirishdi. Ta’kidlash muhimki, odatda jismoniy mashqlar yuklamasi bolalar imkoniyatiga mos yoki xiyol yuqori bo‘lishi mumkin. Imkoniyatga qaramasdan beriladigan zo‘rma-zo‘raki yuklamalar organizmga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shu masalani aniqlashtirishga mo‘ljallab berilgan 5-savol 61,7% o‘qituvchi respondentlardan “ha” javobini olishga imkon berdi. Shu bilan bir qatorda respondent bolalarning 73% bu savolga “yo‘q” javobini, 9% umuman javob berishmadi.

Yetakchi mutaxassislar va olimlarning fikriga asosan shu narsa ma’lumki, jismoniy sifatlarini maqsadli rivojlanganligi texnik-taktik mahoratni o‘zlashtirish jarayonini yengillashtiradi. Shunday ekan dastlabki tayyorgarlik bosqichidan boshlab jismoniy sifatlarini tanlangan sport turi xususiyatiga moslashtirib tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur mavzuda berilgan 6-savolga trener-o‘quvchilar tomonidan ijobiy fikr (51,9%) bildirilgan bo‘lsada, respondent bolalar bu savolni qo‘llab-quvvatlamadilar, ya’ni ularning 71% salbiy ovoz berishdi.

Sport psixologiyasi bo‘yicha yetakchi olimlarning fikr-mulohazalariga asosan sportchilarning ruxiy xislatlarini (diqqat, xotira, xissiyot, iroda va hokazo) shakllantirishda maxsus jismoniy mashqlardan foydalanish yaxshi natija beradi. Lekin, afsuski o‘qituvchi-trener respondentlar ushbu yo‘nalishdagi 7 savolga kutilgan javoblarni bera olmadilar. Jumladan, ularning faqat 13,3% jismoniy mashqlar yordamida ruhiy hislatlarni rivojlantirish mumkin degan xulosaga kelishgan. Qizig‘i shundaki, respondent bolalarning 25% mazkur savolga ijobiy ovoz berishdi. Ushbu javoblardan shunday xulosaga kelish mumkinki, o‘qituvchi-trenerlar ruxiy tayyorgarlikni rivojlantirishda jismoniy mashqlarning ahamiyatini yaxshi o‘zlashtirishmagan. Ehtimol shu sababli mashqlarda shu masalaga ongli ravishda e’tibor qaratilmaydi. Umuman olganda ruhiy tayyorgarlik rivojlantirishda ham, jismoniy sifatlarini shakllantirishga ham bolalar organizmining aks ta’siri (reaksiyasi), boshqacha qilib aytganda psixofiziologik reaksiyalar, ularning o‘zgarishi, yuklamalarga moslashishi doimo nazoratda bo‘lishi darkor. Lekin, mazkur masalaga bag‘ishlangan 8 savolga o‘quvchi respondentlarning 18,3% ijobiy fikr bildirishgan bo‘lsa, 48,4% “yo‘q”, 33,3% umuman javob berishmadi. Respondent bolalar esa organizmning reaksiyasini nazorat qilish haqida faqat salbiy ovoz bilan cheklanishdi. Demak, haqiqatdan ham mashg‘ulotlar davomida yuklamani organizmga ta’siri umuman aniqlanmaydi degan xulosaga kelish mumkin. Boz ustiga o‘quv-trenerovka jarayonida, jumladan mashqlarni qo‘llash davomida, tibbiy ko‘rik natijalariga umuman e’tibor qaratilmasligi 9-savol javoblaridan ayon bo‘ldi.

10-savol natijalaridan ham shuni ta’kidlash mumkinki, o‘qituvchi-trenerlar mashqlar yuklamalarini bolalarning real imkoniyatlariga qarab me’yorlamasliklari ma’lum bo‘ldi.

O‘tkazilayotgan mashg‘ulotlar esa mazmun va yo‘nalish jihatlaridan bir-biridan farq qilmasligi (11-savol) o‘z ifodasini topdi.

Mashg‘ulot xajmi va shiddati (12-savol) trenerlar fikri bo‘yicha bolalarni yetarli qoniqtirmaydi (63%).

Ma’lumki, mashg‘ulotlarning samaradorligi, jismoniy sifatlarini rivojlantirish unumdorligi turli trenajyor va moslamalardan foydalanish bilan bog‘liqdir. Bu mavzuda berilgan savolga trenerlarning 31,7% ijobiy javob berishgan bo‘lsa, bolalarning 83% foizi ushbu savolga salbiy fikr bildirishdi. Bundan shunday mulohazaga kelish mumkinki, mashg‘ulotlarda hatto yasama moslamalardan ham foydalanilmaydi.

Alohida ta’kidlash lozimki, o‘qituvchi-trenerlar ham (66,7%), respondentlar qiz bolalar ham (81%) ertalabki badan tarbiya mashqlaridan foydalanmasliklari ma’lum bo‘ldi.

Olingan savolnoma natijalaridan shu narsa aniqlandiki, maktab sport to‘garaklarida mashg‘ulotlarni rejalashtirish, o‘tkazish, mashqlarni me’yorlash va nazorat qilish, jismoniy tayyorgarlik jarayonini tashkil qilish ishlari umuman talabga javob bermaydi. Bunday holat xotin-qizlar tarkibidan sog‘lom malakali sportchilarni tayyorlash imkoniyatlarini mushkullashtirishi isbot talab qilmaydi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

- 1) Abatova G.N. 11-12 yoshli voleybolchilarda sakrovchanlik maxsus jismoniy sifatini rivojlantirish hamda to‘siq qo‘yish texnikasini takomillashtirishda harakatli o‘yinlar va maxsus mashqlar samarasini aniqlash // “Jismoniy tarbiya, sport mashg‘ulotlari nazariyasi va uslubiyatining nazariy-amaliy muammolari” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2022-yil 29-yanvar, 613-614 b.
- 2) Abatova N.G The cluster-modular method as a modern trend of improvement in the structure of a lesson in physical education for students with different levels of physical fitness // Халқаро илмий-амалий анжумани «2020 йилда

ўтказиладиган XXXII ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари», Чирчик, 2020. 587 б.

- 3) Ашуркова С.Ф. Теория и методика волейбола: учебник. – Т., 2020. – 540 с.
- 4) Пулатов А.А. Саломатлик-хотиржамлик юрт бойлиги ва унга эришишда жисмоний машқларнинг ўрни. // Олимпия таълими ва спорт турларини ривожлантириш муаммолари. Чирчик, 2018, Б.223-227.
- 5) Pulatov A., Qdirova M. Sport pedagogik mahoratini oshirish (voleybol): o'quv qo'llanma. T., 2019.
- 6) Кдирова М.А., Абатова Г.Н. Профессионально-педагогическая подготовленность тренеров и возможности её совершенствования и использованием обучающих тестов (в примере волейбола) // Academic Research in Educational Sciences, 2021, 192-198 с.

УДК: 796

ОПЫТ ПРОВЕДЕНИЯ ЗАНЯТИЙ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРОЙ В СПОРТИВНЫХ СЕКЦИЯХ

Гулзар Абатова

*Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Ўзбекистан
belemg23@icloud.com*

Аннотация. Начальный подготовительный этап многолетней спортивной тренировки является фундаментальным этапом, на котором создание базы физических и функциональных возможностей определяет эффективность воспитания здоровых-квалифицированных спортсменов. Следовательно, научно обоснованное планирование и организация занятий по физической подготовке с детьми, занимающимися на начальном подготовительном этапе, свидетельствует о том, что отмеченная проблема заслуживает исключительной актуальности.

Ключевые слова: спортивная подготовка, здоровесберегающий, функциональный, секция, респондент, соревнование, материально-техническое обеспечение, студент-спортсмен.

UDC: 796

EXPERIENCE IN PHYSICAL EDUCATION AND CULTURE IN SECTIONAL SPORTS

Abatova Gulzar

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchik, Uzbekistan
belemg23@icloud.com*

Annotation. The initial preparatory stage of long-term sports training is a fundamental stage at which the creation of a base of physical and functional capabilities determines the effectiveness of the education of healthy, qualified athletes. Consequently, the scientifically based planning and organization of physical training classes with children engaged in the initial preparatory stage indicates that the noted problem deserves exceptional relevance.

Keywords: sports training, health-saving, functional, section, respondent, competition, logistics, student-athlete.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Муборак Айходжаева

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчик, Ўзбекистон
ayxodjaeva0212@mail.ru*

Аннотация. Мақолада талабалар мустақил таълими масаласининг бугунги кунда айниқса долзарблиги сабаблари кўриб чиқилган ва жисмоний тарбия олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил таълимини ташкил қилиш муаммоларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: талабаларнинг мустақил ишлари, фаоллик, ўз-ўзини бошқариш, билим олиш эҳтиёжи, долзарблаштириш.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Бугунги кунда таълим соҳасида талабаларнинг мустақил таълим олиш йўлидаги фаолияти масаласи ниҳоятда долзарб ҳисобланади ва бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, бу таълим соҳасида юз бераётган туб ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ОТМ лар тайёрлаётган кадрларнинг сифатига бўлган талаб фақат таълим мазмунини ўзгартиришни тақозо этиб қолмасдан, ўқув жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувни ҳам талаб этади ва бунда талабаларнинг мустақил ишларини мунтазам равишда юксак даражада уюштириш кўзда тутилади. Иккинчидан, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши технологик ўзгаришларнинг

ўсишига туртки бўлади, бу эса мутахассислардан янги билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб қилади. Ниҳоят, учинчидан, ҳозирда мутахассислар билим ва кўникмаларининг эскириб, кадрсизлашуви жараёнининг тезлашиши ОТМ талабаларининг мустақил фаолиятини ривожлантиришни тақозо этади. Масалан, руҳшунос Е.И.Роговнинг тўғри таъкидлашича, кейинги ўн йилликлар мобайнида бу давр шиддат билан қисқариб бормоқда.

Тадқиқотнинг мақсади – жисмоний тарбия ОТМ талабалари мустақил фаолиятининг энг устувор мазмуний хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг натижалари. Талабаларнинг педагогик назария ва усулият борасидаги мустақил фаолиятини кучайтириш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, унга айрим ёндашувларни қайд этамиз. Мустақил таълим муаммоси барча фанлар билан боғлиқ. Бу турли фанларга хос бўлган мустақил фаолият муаммосига хос кўшлаб назарий қарашлардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Тадқиқот асосида маълум бўлишича, бундай ёндашув жисмоний тарбия ОТМ талабалари мустақил фаолиятини турли фанларга татбиқан жадаллаштиришнинг жиддий хусусиятлари ҳақида билимлар олиш имконини беради. Психология-педагогика фанларида мустақил тайёргарлик муаммоси олимлар томонидан ўқувчиларда мустақил ўқиб-ўрганиш эҳтиёжини, мотивацияни шакллантириш, ўқувчи шахсида ундаги руҳий жараёнлардан келиб чиқиб, фаоллик, ўз-ўзини бошқариш, билишга қизиқишни таъминлаш нуқтаи назаридан ўрганилади. Руҳшуносларнинг маълумотларига кўра, инсоннинг ҳар қандай фаолияти ўз эҳтиёжларини: у хоҳ маънавий, хоҳ ижтимоий бўлсин, хоҳ моддий ва ҳ.к. – қондириш истаги туфайли амалга оширилади. Шахснинг мустақил фаолияти ҳам тегишли эҳтиёжлар билан тақозо этилиб, бу билим олиш эҳтиёжидир. Уни маънавий эҳтиёжлар соҳасида энг етакчи деб айтиш мумкин. Талабаларнинг мустақил билим олиши йўлида муайян қийинчиликлар ҳам туғилади: мустақил ўқиш техникасининг йўқлиги, олинган ахборотларни англаш ва тизимлаштиришдаги қийинчиликлар ва б. Уларни енгиб ўтиш учун ОТМ да талабаларнинг мустақил билим олишини долзарблаштириш бўйича уюштирилган, мунтазам, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият олиб борилиши керак. “Долзарблаштириш” дегани нима? С.Ю.Головиннинг руҳшунослик бўйича луғатида бу сўзга “ўзлаштирилган материални амалда қўллаш мақсадида узок муддатли ёки қисқа муддатли хотирадан чиқариб олиш фаолияти” дея изоҳ берилган. Долзарблаштириш – яширин ҳолатдан реал, долзарб ҳолатга ўтказиш демак. Мустақил билим олишни долзарблаштиришнинг аҳамиятини В.А.Рубочкин ҳам қайд этади. Олимнинг фикрича, турли омиларнинг (психофизик, мантиқий, ижтимоий) ўзига хос имкониятларини амалиётда қўллаш мустақил билим олишда тўпловчи самарани яратиш учун шароит ҳозирлайди. Бу муайян назарий материални ўзлаштириш мақсадида бир вақтнинг ўзида ҳам иродавий сифатларни сафарбар қилиш, ҳам ҳиссий образлар ҳамда мантиқий мавҳумликлар имкониятларидан фойдаланишда намоён бўлади. Муаллифнинг тўғри қайд этишича, билимларни мустақил тарзда ўз ташаббуси билан эгаллаш инсоннинг барча ижтимоий-маънавий ва шахсий-руҳий қобилиятларини долзарблаштиради. Шу тариқа замонавий илмий ёндашувлар жисмоний тарбия ОТМ талабаларининг мустақил таълимини долзарблаштиришда уларнинг ахборотларни ўзлаштиришидан кўра кўпроқ билиш ва ҳаётий ҳодисаларни тушунтириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қила олиш тажрибасини биринчи ўринга қўйиш имконини беради.

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, талабаларнинг мустақил таълимини долзарблаштириш деганда уларни мустақил равишда, ўз ташаббуси билан билим излашга сафарбар этиш ҳамда шахсий имкониятларини имкон қадар очишга қаратилган, муайян мантиқий изчилликда тартибланган педагогик хатти-ҳаракатларни тушуниш керак. Мустақил таълимни долзарблаштиришнинг муҳим йўналиши талабаларнинг шахсий имкониятларини очиш саналади. Бунда шахсий имконият талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантиришнинг асоси ва механизми сифатида тавсифланади. У шахснинг муваффақиятли мустақил таълим олиши учун зарур хусусиятлари ва қобилиятлари демакдир. Бу хусусиятлар ва қобилиятлар сирасига мотивация, иродавий сифатлар (мақсадга интилувчанлик, интизом, ташаббускорлик, ўз-ўзини назорат қила билиш), ўзини баҳолай олиш қабилар киради. Шахсий имкониятларни очиш умумий ривожлантириш асосида юз беради ва талабанинг ўзига, ўз мавқеини ошириш, ўзини ривожлантириш йўлидаги фаолиятига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Библиография:

- 1) Градусова Т.К. Самостоятельная работа студентов как важный элемент профессионального становления специалиста [Текст] / Т.К. Градусова, А.В. Новоклинова // Вестник Кемеровского государственного университета. - 2003. - Вып. 1. - С. 57-59.
- 2) Организация и контроль самостоятельной работы студентов: Методические рекомендации / Сост. Н.В. Соловова; под ред. В.П. Гарькина. Самара: Изд-во «Универсгрупп», 2006. 15 с.

ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ УНИВЕРСИТЕТА ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Муборак Айходжаева

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

ayxodjaeva0212@mail.ru

Аннотация. В статье рассматриваются причины, по которым вопрос о самостоятельном обучении студентов особенно актуален на сегодняшний день, и акцентируется внимание на проблемах организации самостоятельного обучения студентов высших учебных заведений физической культуры.

Ключевые слова: самостоятельная работа студентов, активность, самоуправление, потребность в обучении, актуализация.

ORGANIZATION OF INDEPENDENT EDUCATION OF STUDENTS OF THE UNIVERSITY OF PHYSICAL CULTURE

Muborak Aykhodzhaeva

Uzbek State University of Physical Education and Sports

Chirchik, Uzbekistan

ayxodjaeva0212@mail.ru

Abstract. The article considers the reasons why the issue of independent education of students is especially relevant today, and focuses on the problems of organizing independent education for students of higher educational institutions of physical culture.

Key words: independent work of students, activity, self-management, training needs, actualization.



UO'K: 796

VOLEYBOL SOHASI MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARDAN FOYDALANISHNING TARIXIY FALSAFIY AHVOLINI ANKETA O'TKAZISH YO'LI BILAN O'RGANISH

Dilfuza Amriyeva

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

Annotatsiya. Anketa o'tkazish yo'li bilan voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishning tarixiy falsafiy ahvolini o'rganish va tahlil qilish natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: voleybol, harakatli o'yinlar, tarixiy-falsafiy tahlil, anketa o'tkazish usuli, konkordatsiya koeffitsienti.

Kirish. Voleybol o'yini sport turida va, umuman, jismoniy tarbiya va sport faoliyati amaliyotida shug'ullanuvchilarni tayyorlash jarayonida muhim vositalardan biri hisoblangan harakatli o'yinlardan foydalanishni sportchining bevosita musobaqa faoliyatida ahamiyati va o'rnini o'rganish va buning uchun sohaning yetakchi mutaxassislarini jalb etish va voleybolchilarni tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishning muammolari, vosita va usullari, bu sohadagi yutuqlar va kamchiliklari to'g'risidagi ularning fikr – mulohazalarini anketa otkazish yo'li bilan o'rganish katta qiziqish uyg'otadi va albatta dolzarb hisoblanadi.


Maqsad va vazifalar. Anketa o'tkazish yo'li bilan voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishning muammolari, vosita va usullari, bu sohadagi yutuqlar va kamchiliklari hamda tarixiy falsafiy ahvolini o'rganish, umumlashtirish va tahlil qilish. Anketa o'tkazishda ishtirok etgan ekspertlar fikrlarining o'zaro moslik darajasini aniqlash.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, anketa ishlab chiqish va uni o'tkazish, ekspertlar fikrining o'zaro moslik darajasini hisoblash usullaridan foydalanildi. Sohaning yetakchi mutaxassislaridan iborat bo'lgan ekspertlar guruhiga oldindan ishlab chiqilgan anketa savollariga javob berishlari taklif etildi. Bunda voleybol sohasining tajribali murabbiylaridan 15 kishi, yuqori mahoratli sportchilardan 14 kishi va tajribali-yetuk pedagoglardan 12 kishi, jami 41 nafar respondentlar ishtirok etishdi.

Respondentlarga avvaldan ishlab chiqilgan tasdiqlovchi, ya'ni "sezilarli ijobiy", qisman tasdiqlovchi-qisman inkor etuvchi "ijobiy, sezish ancha qiyin" hamda to'liq inkor etuvchi, ya'ni "o'zgarish yo'q" va

“bilmayman” singari javoblar beriladigan 11 ta savollar taklif etildi. Ekspertlarning fikrlari ochkolarga aylantirildi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Ekspertlarning anketa savollariga javoblarini tahlil qilish quyidagicha manzarani ko'rsatdi (qulaylik uchun anketa savollarini quyidagicha belgilab oldik): 1) Voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishni tarixiy falsafiy hodisa deb hisoblaysizmi?; 2) Voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishni tarixiy falsafiy tahlil qilish zarurmi?; 3) Voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishning tarixiy falsafiy ahamiyati muhim deb hisoblaysizmi?; 4) Oldingi yillarga nisbatan voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishga e'tibor kuchayganmi?; 5) Siz, voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanasiz-mi?; 6) Milliy harakatli o'yinlardan foydalanasiz-mi?; 7) Voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanish bo'yicha uslubiy adabiyotlar yetarli mi?; 8) Voleybol sohasi mutaxassislarini tayyorlashda harakatli o'yinlardan foydalanishda axborot texnologiyalarini qo'llaysizmi?; 9) Sport ta'lim muassasalarida voleybol bo'yicha mutaxassislar tayyorlash uchun sharoitlar mavjud mi?; 10) Oldingi yillarga nisbatan yosh voleybolchilarimizni xalqaro musobaqalardagi natijalari yaxshilanib boryaptimi?; 11) Oldingi yillarga nisbatan respublikamiz voleybolchilarini xalqaro musobaqalardagi natijalari yaxshilanib boryapti mi?): o'rganilgan 11 ta savol orasida eng ko'p ijobiy javob 24 kishi (58,54%) berilgan 5-savol o'ziga yarash eng yaxshi (78) ball bilan taqdirlandi va uni ekspertlar eng ahamiyatli savol deb ta'kidlasdi. Undan keyingi o'rinlarda 94 (34,15%) ekspert ijobiy fikri (94 ball) birinchi va oltinchi savollar 15 (36,59%) ekspert (98ball) joylashdi. Eng past ahamiyatli sifatida ikkovida ham faqatgina 6 ta ijobiy fakr (14,63%) hamda 113 va 111 ball baln o'n birinchi va sakkizinchi savollar qayd etildi (diagrammaga qarang).



Xulosa. Shunday qilib, o'rganilgan 11 ta omil bo'yicha 41 ta ekspertning umumlashgan savolnomaga berilgan javoblar bo'yicha o'rtacha ball 110,0 ballni tashkil etdi va bunda respondentlar fikrining o'zaro mos kelish darajasi $W = 0,248$ ga tengligi aniqlandi va bu natijalar uchun o'rtachadan yuqori baho hisoblanadi hamda ekspertiza muvaffaqiyatli o'tganligini anglatadi.

Bibliografiya.

- 1) Akbarov A. Спортда математик таҳлил усуллари: ўқув қўлланма. – Chirchiq, O'zDJTSU. - 228.
- 2) Akbarov A. Спортда педагогик тадқиқот натижаларини интерпретация қилиш усуллари солиштириш // Фан-спортга, 2021, № 6, 62-64 б.
- 3) Умарова Д.Х., Акбаров А. Потребность и роль здорового образа жизни в сознании молодежи, Физическое воспитание и студенческий спорт глазами студентов, 479-480.

УДК: 796

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКИ-ФИЛОСОФСКОГО СОСТОЯНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДВИГАТЕЛЬНЫМИ ИГРАМИ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ВОЛЕЙБОЛА ПУТЕМ АНКЕТИРОВАНИЯ

Амриева Дилфуза

*Ўзбекистон давлат университети физик маданият ва спорт
Фан-спортга, 2021, № 6, 62-64 б.*

Аннотация. Приведены результаты изучения и анализа исторически-философского состояния использования двигательных игр при подготовке специалистов в области волейбола путем анкетирования.

Ключевые слова: волейбол, двигательные игры, исторически-философский анализ, метод анкетирования, коэффициент конкордации.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Икром Ахмедов, Улуғбек Юлдошев

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

u.yuldoshevsue@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, давлат ва хусусий шерикчилик асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, давлат-хусусий шерикчилик, спорт иншоотлари, хусусий сектор, инфратузилма лойиҳалари.

Кириш. Мамлакатимизда сўнгги пайтларда хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, жисмоний тарбия ва спорт хизматлари соҳаси унинг мақсади тижорат қизиқиши бўлган хусусий секторни тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Ушбу хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш натижасида фойданинг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, унга талаб ҳар йили ошиб боради. Хусусий секторнинг таъсирини икки соҳага бўлиш мумкин: юқори кўрсаткичли спорт турлари ва «оммавий» спорт турлари. Шунингдек, ушбу соҳада ишлайдиган фирмаларни бевосита жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги хизматларни кўрсатадиган фирмаларга ва тегишли хизматларни кўрсатадиган фирмаларга бўлиш мумкин.

«Оммавий» спорт турлари бўйича жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатадиган хусусий сектор асосан фитнес клублари ва спорт кўп функцияли марказлари томонидан намоиш этилади. Жисмоний тарбия тўғрисидаги хилма-хиллиги бугунги кунда жуда катта. Уларнинг барчаси таклиф этилаётган хизматлар, сифат, нарх сиёсати, шунингдек, турли истеъмолчиларга қаратилган. Тармоқ фитнес клублари тизими энг оммабоп бўлиб бормоқда, бу билан фитнес соҳасида ишлайдиган кичик фирмалар учун рақобатлашиш тобора қийинлашмоқда, гарчи улар жисмоний фаолиятнинг инсон саломатлиги учун ортиб бораётган роли туфайли ҳам ўз ўрнини топтомоқдалар.

Мақсад ва вазифалар. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “*давлат-хусусий шериклик*” - хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги деб таърифланади [1, 3].

В. Варнавский ва бошқалар ҳаммуаллифлигидаги “*Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт*” номли ўқув қўлланмасида “Давлат-хусусий шериклик - давлат ва жамоатчилик мулк объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [2, 5].

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш. Спорт иншоотларини қуришга келсак, хусусий сектор орасида энг оммабоп спорт заллари, шунингдек кўп функцияли марказларни яратишдир. Стадионлар ва спорт майдончаларини қуриш кўп ҳолларда давлат ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий секторда энг кўп хизматлар турли спорт марказлари томонидан тақдим этилади. Биринчидан, хизматларнинг асосий улуши марказда жисмоний тарбия ва спортни амалга оширишдир. Иккинчидан, спорт учун ҳам, уларда оммавий спорт ва кўнгилочар тадбирларни ўтказиш учун ҳам спорт иншоотини ижарага бериш. Шунингдек, хизматлар орасида сиз спорт жиҳозларини таъмирлашни топишингиз мумкин.

Ўз фаолиятдан энг катта молиявий даромад олиш мақсади билан боғлиқ ҳолда, хусусий сектор келгусида амалга ошириш учун маълум бир бозорни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Минтақанинг жойлашишига ва унинг хусусиятларига қараб, спорт ташкилотлари юқори даражада фарқланадиган хизматларни таклиф қилишлари мумкин. Масалан, хорижий давлатларда кўпроқ бадавлат одамлар учун юқори сифатли хизматлар ва яхши ҳудудларда тақдим этилади. Шунингдек,

бу ерда сиз давлат ва хусусий сектор ўртасидаги яна бир муносабатни кўришингиз мумкин, чунки бу кўпинча маълум бир минтақанинг инфратузилмасини янгилашни бошлайдиган давлатдир.

Давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик ўзининг молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашишидан иборатдир. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равшан қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Ушбу жадвалда давлат ва хусусий шерикнинг устунлик ва фойдалилик томонлари келтириб ўтилган [3, 381].

1-жадвал. Лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий шерик учун фойда ёки устунлик жиҳатлари

| <i>Давлат учун</i> | <i>Хусусий шерик учун</i> |
|--|--|
| - Ижтимоий аҳамиятга эга йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконияти | - Давлат-хусусий шерикчилик объектдан даромад олиш, товар ва хизматларни кафолатланган бозорларнинг мавжудлиги |
| - Хусусий ҳамкор билан хаф-хатарларни бирга бўлиши | - Кутилаётган хаф-хатарларни давлат билан бирга бўлиши |
| - Хусусий сектор томонидан тақдим этилган хизматлар сифати талабга мос келмаса, пул тўловларини камайтириш имконияти | - Давлат томонидан бериладиган кафолат ва имтиёзлар |
| - Объектни ишлатиш учун бюджет харажатларининг мавжуд эмаслиги, бюджет юқини камайтириш | - Қарзларни молиялаштиришга жалб қилиш имконияти |
| - Хусусий секторни бошқарув ва интеллектуал капитални жалб қилиш | - Лойиҳа харажатларини давлат билан бўлиши |

Хусусий сектор тегишли маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришда бир хил даражада муҳимдир. Бундан ташқари, спорт анжомлари, кийим-кечак ва пояфзалларни сотиш фақат хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади, бу ерда давлат секторининг улуши йўқ. Бу фирмалар, масалан, истеъмолчиларга чегирмаларни биргаликда тақдим этиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузадилар ва клуб худудида жойлашиши мумкин. Спорт товарлари бозорида ҳам баъзи ўзгаришлар юз берди. Масалан, илгари машқ машиналари ишлаб чиқарувчилари биринчи навбатда спорт клублари ва бошқа спорт иншоотларига қаратилган бўлса, энди улар асосан уй хўжалиқларига қаратилган. Спорт соҳасидаги тадбиркорлар жисмоний тарбиянинг роли ортиб бораётганидан, шунингдек, барча истеъмолчилар спорт марказларига ташриф буюриш учун етарли молиявий ресурсларга ва бўш вақтга эга эмаслигидан хабардор. Шуни кўшимча қилиш мумкинки, нафақат спорт анжомларини сотиш, балки ижарага бериш соҳаси ҳам ривожланмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизмат кўрсатувчи хусусий сектор қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи компаниялар-стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт базалари ва мажмуалари;
- овқатланиш, турар жой, экскурсиялар ва бошқаларни ташкил қилувчи компаниялар;
- ахборот соҳаси ва шоу-бизнес соҳасида ишловчи компаниялар;
- суғурта хизматларини кўрсатувчи компаниялар;
- букмекерлик хизматларини кўрсатувчи компаниялар.

Бугунги кунда барча соҳаларда кенг тарқалган яна бир фаолият - бу реклама. Спорт тадбирларини эълон қилиш, соғлом турмуш тарзи ва фаол спортни тарғиб қилиш, шунингдек, янги миқозларни жалб қилиш учун хусусий компаниялар ҳам, давлат ҳам реклама агентликларини жалб қилади. Шунингдек, кенг кўламли хизматларни сотадиган кенг қамровли спорт агентликлари яратилмоқда. Бу маданий тадбирларни, спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт клуби имиджини ривожлантириш, маркетинг компаниялари, бозорни таҳлил қилиш бўлиши мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси қанчалик ривожланган бўлса ва унда тадбиркорликнинг роли қанчалик юқори бўлса, тегишли хизматлар ва товарлар кўрсатадиган фирмалар сони шунчалик кўп бўлади.

Бугунги кунда давлат ва бизнеснинг жисмоний тарбия ва спорт хизматлари соҳасидаги иштирокини таҳлил қилиш асосида ҳар икки томоннинг биргаликдаги фаолиятини талаб қиладиган ва давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилиши мумкин бўлган қуйидаги йўналишларни аниқлаш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт иншоотларининг биргаликда қурилиши аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг мавжудлигини оширади ва ижарага бериладиган давлат объектларини тақдим этиш бизнесни жалб қилади, бу эса хизматлар доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Хусусий сектор

билан ўзаро ҳамкорлик спорт-кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик соҳасини ривожлантириш, тендер савдоларини ўтказиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш ва бошқаришда алоҳида эътибор берилса, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларимизнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

- йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағлар ажратиш тизимини жорий қилиш;

- давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан субсидиялар ажратиш тизимини жорий қилиш;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий шерикка тижорат банклари имтиёзли тарзда кредитлар ажратиш ва х.к.

Библиография.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли 20 тадан ортиқ қонун ва қарори.
2. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. - М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
3. Юлдошев У. Мамлакатимиз иқтисодиётида давлат-хусусий шерикчиликнинг ўрни ва аҳамияти // “Иқтисодиёт ва таълим” илмий электрон журнали. № 23 (2) 2022. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a61

ПЕРСПЕКТИВЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Икром Ахмедов, Улугбек Юлдошев

*Ўзбекистон давлат университети физик маданият ва спорт
Фирқаси, Ўзбекистон*

Аннотация: В данной статье разработаны предложения и рекомендации по развитию государственно-частного партнерства в области физической культуры и спорта, реализации инвестиционных проектов в области физической культуры и спорта на основе государственно-частного партнерства в нашей стране.

Ключевые слова: физическая культура и спорт, государственно-частное партнерство, спортивные сооружения, частный сектор, инфраструктурные проекты.

PROSPECTS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS

Ikrom Akhmedov, Ulugbek Yuldoshev

*Uzbek State University of Physical Culture and Sport
Chirchik, Uzbekistan*

Summary: In this article, proposals and recommendations on the development of Public-Private Partnership in the field of physical education and sports, implementation of investment projects in the field of physical education and sports on the basis of public and private partnership have been developed in our country.

Keywords: physical culture and sports, public-private partnership, sports facilities, private sector, infrastructure projects.



YOSH DZYUDochILARNING JISMONIY TAYYORGARLIK KO'RSATKICHLARINI YAXSHILASHDA HARAKATLI O'YINLAR ELEMENTLARINING AHAMIYATINI PEDAGOGIK BAHOLASH

Shuxrat Baxodirov

*O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti
Chirchiq, O'zbekiston*

Annotatsiya. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari jarayonida yosh dzyudochilarning jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarini yaxshilash jarayonida harakatli o'yinlar elementlarining ahamiyatini pedagogik baholash natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: yosh dzyudochi, ekspert baholash usuli, harakatli o'yinlar elementlari, konkordatsiya koeffitsienti.

Kirish. Hozirgi zamon sportchisi faoliyatida va dzyudo musobaqalarida bellashuv davomida dzyudochlar ijro etadigan texnik harakatlarning samaradorlik darajasi, ko'p jihatdan, sportchining jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlariga va u tomonidan bunday harakatlarni bajarish malaka va ko'nikmalarini o'zlashtirilganlik darajasiga bog'liqdir. Shuning uchun ham, aksariyat mutaxassis olimlar va tajribali murabbiylar yosh dzyudochilarning jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarini yaxshilashda harakatli o'yinlar elementlarini qo'llashning afzalligiga e'tibor qaratish zarurligini ta'kidlaganlar. Yuqorida qayd etilgan vaziyatlarni e'tiborga olgan holda, yosh dzyudochilarning jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarini yaxshilashda harakatli o'yinlar elementlarining ahamiyatini o'rganish maqsadida sohaning yetakchi mutaxassislari bilan so'rovnomaga o'tkazildi.

Maqsad va vazifalar. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonida yosh dzyudochilarning jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlarini yaxshilash jarayonida harakatli o'yinlar elementlarining ahamiyatini ekspert baholash usuli bilan o'rganish. Ekspertlar fikrining o'zaro mosligini konkordatsiya koeffitsientini hisoblash orqali baholash va mihokama qilish.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, anketa ishlab chiqish va uni o'tkazish, ekspertlar fikrining o'zaro moslik darajasini hisoblash usullaridan foydalanildi. Sohaning yetakchi mutaxassislaridan iborat bo'lgan ekspertlar guruhiga oldindan ishlab chiqilgan anketa savollariga javob berishlari taklif etildi. Bunda tajribali murabbiylardan 17 kishi, yuqori mahoratli sportchilardan 17 kishi va yetuk pedagoglardan 14 kishi, jami 48 nafar respondentlar ishtirok etishdi.

Respondentlarga avvaldan ishlab chiqilgan tasdiqlovchi, ya'ni "Ha", "Qisman" tasdiqlovchi-qisman inkor etuvchi hamda to'liq inkor etuvchi, ya'ni "Yo'q" singari javoblar beriladigan 10 ta savollar taklif etildi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Standart mazmundagi o'rta va yuqori shiddatli mashqlarga zo'r berish yosh bolalar organizmida salbiy oqibatlarni yuzaga keltirishi muqarrar. Birinchidan, mushaklar zo'riqadi, tez charchash hollari naydo bo'ladi, yurak - qontomir, jigar va asab faoliyatlarida salbiy o'zgarishlar kuzatila boshlaydi. Ikkinchidan, bolalarda mashfulotlarga bo'lgan qiziqish so'nishi mumkin.

1 jadval. **Yosh sportchilarni tayyorlashda harakatli uyinlardan (h.o') foydalanish darajasini aniqlash bo'yicha o'tkazilgan savolnoma natijalari (%)**

| № | Savollar | Ha | Yo'q | Qisman | Bilmayman |
|----|--|-------|-------|--------|-----------|
| 1. | Mashg'ulotlar davomida jismoniy sifatlarni rivojlantirish maqsadida h.o'.dan foydalanasizmi? | 60,42 | 12,50 | 8,33 | 18,75 |
| 2. | Milliy xalq harakatli o'yinlardan foydalaniz mi? | 12,50 | 52,08 | 16,67 | 18,75 |
| 3. | H.o'.lar boyicha adabiyotlar yetarli mi? | 10,42 | 25,00 | 20,83 | 43,75 |
| 4. | H.o'.larni amalda qo'llash bo'yicha uslubiy adabiyotlar yetarlimi? | 8,33 | 31,25 | 12,50 | 47,92 |
| 5. | O'z faoliyatingizda axvorot texnologiyalardan foydalanasizmi? | 18,75 | 25,00 | 29,17 | 27,08 |
| 6. | Yosh sportchilarning jismoniy sifatlarni rivojlantirish jarayoni oldingi yillarga nisbatan ijobiy tomonga o'zgarimoqda-mi? | 16,67 | 37,50 | 10,42 | 35,42 |
| 7. | Yosh dzyudochilarning sport faoliyatida h.o'.lardan foydalanish oldingi yillarga nisbatan ijobiy tomonga o'zgarimoqda-mi? | 14,58 | 41,67 | 8,33 | 35,42 |
| 8. | Yosh dzyudochilarning sport musobaqalarida ishtirok etish natijalari oldingi yillarga nisbatan ijobiy tomonga o'zgarimoqda-mi? | 10,42 | 45,83 | 12,50 | 35,42 |

Asosiy: "Fikringizcha, harakatli o'yinlarni mashg'ulotning... qismida qo'llanish eng yuqori samara beradi?" savolga javoblar esa biroz tarqoq bo'ldi. Shunday bo'lsa ham, respondentlarning fikrlari asosida hisoblangan ball miqdoriga ko'ra mutaxassislar harakatli o'yinlarni mashg'ulotning yakuniy qismida ($\Sigma=130$)

ball), undan keyin tayyorgarlik qismida ($\Sigma=119$ ball) va asosiy qismida ($\Sigma=109$ ball) qo'llashni ma'qul deb ta'kidlaganlar. Ayrim respondentlar ($\Sigma=138$ ball) harakatli o'yinlarni shunchaki dam olish yoki bolalarda kayfiyat uyg'otish vositasi xolos deb o'ylashlari jiddiy tashvishga soladi. Shunda 'tkazilgan anketa so'rovi ishtirokchilari fikrlarining o'zaro mosligi $W=0,242$ ga teng bo'ldi va bu 48 ekspert fikrlari uchun ekspertiza amalga oshirilganligi uchun asos bo'ladi.

| Mashg'ulot qismi...qo'llanishi... | Ha | Qis-man | Yo'q | bilmayman | Σ ball |
|--|----|---------|------|-----------|---------------|
| tayyorgarlik qismida | 15 | 11 | 6 | 16 | 119 |
| asosiy qismida | 6 | 17 | 10 | 15 | 130 |
| yakuniy qismida | 8 | 25 | 9 | 6 | 109 |
| ularni qo'llash – bu kayfiyat uyg'otish vositasi | 7 | 12 | 9 | 20 | 138 |
| ularni qo'llash samara bermaydi | 8 | 14 | 9 | 17 | 131 |

Xulosa. So'rovnomada davomida olingan natijalar va ularning qiyosiy tahlili shuni ko'rsatadi-ki, aksariyat respondentlar yosh sportchilarni tayyorlashda, ayniqsa jismoniy sifatlarni rivojlantirishda asosan standart, umumiy yoki maxsus jismoniy mashqlarga ko'proq e'tibor qaratar ekanlar. Bu borada harakatli o'yinlarga qulay vosita sifatida ikkinchi darajali o'rin berilishi kuzatildi. So'rovnomada ishtirok etgan respondentlarning, ko'pchiligi juda keng ommalashgan harakatli o'yinlar, ayniqsa milliy xalq harakatli o'yinlar haqida to'liq ma'lumotga ega emas ekanlar.

Bibliografiya.

- 1) Акбаров А.А. Взаимосвязь показателей технических действий и скоростно-силовых способностей на этапе углубленной подготовки молодых дзюдоистов. *Теория и методика физической культуры*, 2021, 64 (2), 50–56. https://doi.org/10.48114/2306-5540_2021_2_50
- 2) Акбаров, А.А., Шаймарданов, Ш.А. Корреляции между антропометрическими и физическими параметрами девочек 5-6 лет, начинающих заниматься художественной гимнастикой. *Вопросы науки и образования*, 2020, 11 (95), 91-94.
- 3) Спортда математик тахлил усуллари: ўқув қўлланма / А.Ақбаров. - УзДЖТСУ, 2020, 228 с.
- 4) Спортда педагогик тадқиқот натижаларини интерпретация қилиш усуллари солиштириш, А.Ахматжон // *Фан-спортга*, 62-64, 2021, № 6
- 5) Спорт метрологияси: дарслик / А.Ақбаров. – Т.: Тафаккур қаноти, 2014, 459 с.

УДК: 796

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЗНАЧЕНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ДВИГАТЕЛЬНЫХ ИГР ПРИ УЛУЧШЕНИИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ МОЛОДЫХ ДЗЮДОИСТОВ

Шухрат Баходиров

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

Аннотация. Приведены результаты педагогической оценки значения элементов двигательных игр в процессе улучшения показателей физической подготовки молодых дзюдоистов методом экспертных оценок.

Ключевые слова: молодые дзюдоисты, экспертная оценка, коэффициент конкордации, элементы двигательных игр.

UDC: 796

PEDAGOGICAL ASSESSMENT OF THE SIGNIFICANCE OF THE ELEMENTS OF MOTOR GAMES IN THE IMPROVEMENT OF THE PHYSICAL TRAINING INDICATORS OF YOUNG JUDOISTS

Shukhrat Bakhodirov

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchik, Uzbekistan*

Summary. The results of the pedagogical assessment of the importance of the elements of motor games in the process of improving the indicators of physical training of young judokas by the method of expert assessments are given.

Key words: young judoists, expert assessment, concordance coefficient, elements of motor games.



МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЧАҚҚОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жамила Баязитова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчик, Ўзбекистон

bayazitov79@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада муаллиф томонидан мактабгача таълим муассасаси шароитларида мактабгача ёшдаги болалар учун ҳаракатли ўйинлар воситаларидан фойдаланган ҳолда уларда чакқонликни ривожлантириш дастури таклиф қилинган.

Калит сўзлар: ҳаракатли ўйинлар, мактабгача ёш, чакқонлик, жисмоний тарбия машғулоти, чакқонликни ривожлантириш дастури.

Кириш. Мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг ҳаракат тайёргарлиги муаммоси болалар билан ишлайдиган кўпгина экспертлар, шифокорлар, педагоглар, тадқиқотчиларни қизиқтирган ва қизиқтириб келмоқда (2). Жисмоний тарбия тизимини ташкил этиш, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг жисмоний ва маънавий кучларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида ундан фойдаланиш, болаларни ҳаётига тайёрлаш нуқтаи назаридан ҳам қизиқтиради (3).

Муаммонинг долзарблиги шунча боғлиқки, катта мактабгача ёшда болаларда организм барча тизимларида ўзгаришлар содир бўлади, мазкур ёш даври болаларда деярли ҳамма жисмоний сифатларини, шунингдек, ҳаракат фаолияти ва фаоллигида руёбга чиқадиган координацион қобилиятларни шакллантириш учун қулай (сенситив) давр ҳисобланади. Бу ёшда тезкорлик ва чакқонликни шакллантириш мақсадида “пойдевр қуриш” ундан ташқари, координацион ва тезкорликка қаратилган машқлар ҳамда ўйинларни бажаришда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш содир бўлади (1).

Мақсад ва вазифалар. Мазкур ишда мактабгачаёшдаги болаларида чакқонликни ривожлантириш дастури мазмуни ёритилган.

Дастурнинг мақсади келгусидаги фаол ҳаёти ва меҳнат учун зарур бўлган мустаҳкам кўникмалар ҳамда ҳаракат малакалари захирасини эгаллашдан иборат бўлди.

Дастурнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бола соғлигини ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш: ҳаракат фаоллиги;
- тўлақонли жисмоний ривожланишга эришиш: жисмоний ва ақлий ишчанлик қобилиятининг уйғунлиги;
- шахснинг маънавий-иродавий қирралари, фаоллик, мустақилликни тарбиялаш: болаларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат фаоллигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- фаоллик мустақилликни тарбиялаш: фаол ҳаракат фаолиятига бўлган қизиқиш ҳамда унга нисбатдан эҳтиёжни ошириш;
- ҳаётини зарур ҳаракат амалларини шакллантириш: кенг доирадаги ўйин ҳаракатларини шакллантириш;
- жисмоний сифатларни ривожлантириш: чакқонликни тарбиялаш.

Барча санаб ўқилган вазифалар комплекс ҳолда ҳамда ақлий, маънавий, меҳнат, эстетик тарбия вазифалари билан узаро боғлиқликда ҳал этилиши лозим. Яна шуниси муҳимки, ҳаракатли ўйинлар болаларга қувонч келтириш, яхши кайфиятни сақлаб туриши, мустақил бўлишига ундаши зарур.

Тадқиқот усуллари ва ташкил этилиши. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси ўсиб бормоқда, ҳаракат сифатларини мақсадли ривожлантириш йўли орқали уларнинг ишчанлик қобилиятини ошириш учун мустаҳкам психологик ва физиологик асослар яратилмоқда. Катта ёшдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ҳаракат фаолиятида мукаммалиликка эришишига бўлган интилиш хосдир.

Мактабгача тарбияланувчиларнинг хусусиятлари асосида, шунингдек, мақсад, вазифалар ҳамда мазмунини инобатга олиб, 72 соатга мулжалланган, яъни ўқув йили учун ҳаракатли ўйинлар воситаларидан фойдаланган ҳолда чакқонликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Xulosa: shunday qilib, joyida turib ikki oyoqda deysinib tik sakrashva 20 m. masofaga yugurish vaqti uchun mazkur sinaluvchilar guruhiga mansub sportchilar pedagogik tajriba boshida ko'rsatgan natijalar o'rtasida manfiy kuchsiz statistik bog'lanish mavjud ekanligi aniqlandi. Bu ushbu masofani yugurib o'tish natijasini yaxshilanishi tik sakrash natijasini ortishi bilan bevosita bog'liqligini anglatadi. Shu bilan birga variatsiya koeffitsientining hisoblangan qiymatlarini ($V=8,72\%$ va $7,64\%$) bir-birlariga yaqinligi va gradatsiyaning "yaxshi" sohasida ekanligi hamda korrelyatsiya koeffitsientining ($r = -0,151$ va $r = -0,139$) ishorasini mos tushishi va o'zaro yaqinligi tajribani uslubiy tomondan to'g'ri tashkil etilganligidan dalolat beradi.

УДК: 796

ИЗУЧЕНИЕ ВЗАИМОСВЯЗИ МЕЖДУ ПОКАЗАТЕЛЯМИ ТЕХНИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ И ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ ЮНЫХ ДЗЮДОИСТОК (В НАЧАЛЕ ЭКСПЕРИМЕНТА)

Азиза Жумагулова

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

Аннотация. Приведены результаты изучения и обсуждения коэффициентов корреляции Бравэ-Пирсона, вычисленных между показателями технических действий и физических качеств юных дзюдоисток, полученных в начале эксперимента.

Ключевые слова: технические действия, физические качества, коэффициент корреляции Бравэ-Пирсона, юные дзюдоистки, педагогический эксперимент.

UDC: 796

STUDYING THE RELATIONSHIP BETWEEN THE PARAMETERS OF TECHNICAL ACTIONS AND PHYSICAL QUALITIES OF YOUNG JUDOISTIS (AT THE BEGINNING OF THE EXPERIMENT)

Aziza Zhumagulova

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

Summary. The results of the study and discussion of the Bravais-Pearson correlation coefficients calculated between the indicators of technical actions and physical qualities of young female judoists obtained at the beginning of the experiment are presented.

Key words: technical actions, physical qualities, Bravais-Pearson correlation coefficient, young female judoists, pedagogical experiment



АНАЛИЗ ОТДЕЛЬНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СПОРТИВНОЙ ШКОЛЫ

Юлиана Изосимова, Галина Голубева

Поволжский государственный университет физической культуры, спорта и туризма

Казань, Российская Федерация

juliana_98@list.ru

Аннотация. Стратегия развития физической культуры и спорта в Российской Федерации до 2030 года разработана во исполнении подпункта «е» пункта 1 перечня поручений Президента Российской Федерации от 30 апреля 2019 г. № Пр.-759 и предусматривает комплексное развитие физической культуры, массового спорта, системы подготовки спортивного резерва, спорта высших достижений, профессионального спорта и направлена на вовлечение всех категорий и групп населения в занятия физической культурой, спортом и обеспечение конкурентоспособности российского спорта на международной арене. Для развития деятельности спортивных школ, в частности по лыжным гонкам, необходимо совершенствовать и заимствовать механизмы развития между школами разных городов и районов.

Ключевые слова: физическая культура, спортивная школа, спортивный менеджмент, лыжный спорт, спорт, структура управления.

Введение. Эффективность деятельности физкультурно-спортивной организации (ФСО) оценивается по комплексу показателей, которые регулярно обновляются и совершенствуются [1, 4]. От качества подготовки и деятельности руководителей ФСО зависит в целом эффективность ее деятельности [2, 3].

Цель: провести анализ деятельности СШОР.

Методы исследования: в ходе работы были использованы следующие методы исследования: 1. Анализ литературы; 2. Анализ документов; 3. Методы математической статистики.

Результаты исследования. Определили эффективность работы СШОР им ОЧ Ф.П. Симашева в г. Заинск, опираясь на ключевые виды деятельности, такие как выступления на соревнованиях сборной команды школы и реализация программ спортивной и предспортивной подготовки по лыжным гонкам.

Ниже на рисунке 1 приведены данные о количестве занимающихся в спортивной школе за 2018-2019, 2019-2020 и 2020-2021 сезоны:




Рис. 1. Количество занимающихся в СШОР (человек)

Как видно из рисунка в 2019-2020 по сравнению с сезоном 2018-2019 произошел прирост численности занимающихся на 7,14 %, а в 2020-2021 по сравнению с сезоном 2019-2020 прирост составил на 9,39 %.

Определили количество спортсменов, имеющих массовые разряды, спортивные разряды и звания (рис. 2).




Рис. 2. Динамика количества спортсменов с разрядом, званием (кол-во)

В 2018-2019 всего было 308 спортсменов, 101 (32,7%) из которых имели разряд или звание, в 2019-2020 числилось 330 спортсменов, 113 (37,2%) из которых имели разряд или звание, а в 2020-

2021 числится 361 воспитанник из которых 131 (36,2%) имеет разряд или звание. Стоит отметить, что больший прирост происходит в массовых разрядах, тогда как 1 разряд и выше увеличивается незначительно.

Выводы. 1. Ключевая деятельность СШОР состоит в реализации программ спортивной и предспортивной подготовки по лыжным гонкам, путем проведения тренировочных занятий; организации и проведения спортивных и физкультурных мероприятий с участием занимающихся в учреждении; подготовка спортивного резерва для спортивных сборных команд РФ и РТ; организации методической деятельности, направленной на совершенствование тренировочного процесса; внебюджетной деятельности (прокат инвентаря).

2. Анализ организационной структуры СШОР выявил, что в учреждении работает 24 сотрудника 13 из них тренеры по лыжным гонкам. Имеется 3 уровня управления: стратегический, функциональный, операционный.

3. Анализ работы СШОР выявил недостатки и преимущества школы. Количество занимающихся за последние годы резко увеличилось в связи с реконструкцией спортивной школы, улучшением оснащённости школы, приемом на работу молодых специалистов, имеющих новый взгляд на систему подготовки юных спортсменов, создание иного формата внутришкольных соревнований по типу международного «Тур де Ски». Увеличилось количество массовых разрядов, спортивные разряды и звания увеличились незначительно. Не успевает за уровнем школы – финансовая составляющая, что не дает раскрыть весь потенциал школы.

Библиография:

- 1) Вырупаев, К.В. Актуальные вопросы модернизации системы подготовки спортивного резерва на современном этапе / К.В. Вырупаев, Г.Н. Голубева, Ю.А. Зубарев // Проблемы и инновации спортивного менеджмента, рекреации и спортивно-оздоровительного туризма: Сборник материалов IV Всероссийской научно-практической конференции / Под общей редакцией Г.Н. Голубевой. – Казань: Поволжская государственная академия физической культуры, спорта и туризма, 2018. – С. 22-24.
- 2) Голубева, Г.Н. Специализация "менеджмент в физической культуре и спорте" / Г.Н. Голубева, А.И. Голубев, О.В. Демидова // Успехи современного естествознания. – 2010. – № 12. – С. 42-44.
- 3) Голубева, Г.Н. Подготовка менеджера-управленца для сферы физической культуры, спорта и туризма / Г.Н. Голубева, В.В. Горбачева, Ю.А. Зубарев // Менеджмент и маркетинг в массовом спорте и туризме: Материалы Всероссийской конференции с международным участием научно-практической, Волгоград. – Волгоград: ФГБОУ ВПО "Волгоградская государственная академия физической культуры", 2018. – С. 64-71.
- 4) Хайруллин, Р.К. Инновации управления объектами физической культуры и спорта на основе маркетинговых инструментов: индекса NPS и LTV-анализа / Р.К. Хайруллин, Г.Н. Голубева // Инновационное развитие экономики. – 2020. – № 6(60). – С. 78-83.

UDC: 796

ANALYSIS OF INDIVIDUAL PERFORMANCE INDICATORS OF A SPORTS SCHOOL

Yuliana Izosimova, Galina Golubeva

*Volga Region State University of Physical Culture, Sports and Tourism
Kazan, Russian Federation*

juliana_98@list.ru

Annotation. The strategy for the development of physical culture and sports in the Russian Federation until 2030 was developed in compliance with subparagraph "e" of paragraph 1 of the list of instructions of the President of the Russian Federation dated April 30, 2019 No. Pr.-759 and provides for the comprehensive development of physical culture, mass sports, sports reserve training system, high performance sports, professional sports and is aimed at involving all categories and groups of the population in physical education, sports and ensuring the competitiveness of Russian sports in the international arena. In order to develop the activities of sports schools, in particular in cross-country skiing, it is necessary to improve and borrow development mechanisms between schools of different cities and districts.

Keywords: physical culture, sports school, sports management, skiing, sports, management structure.



MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA BOLALARNING JISMONIY TARBIYA-SOG'LOMLASHTIRISH ISHLARINI TASHKIL ETISHNING XUSUSIYATLARI

Munisa Izrailbekova

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

mizrailbekova94@mail.ru

Annotatsiya: maqolada bolalar bog'chalarida maktabgacha yoshdagi bolalar uchun sport va dam olish faoliyatining xususiyatlari ochib berilgan. Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiyasining asosiy vosita hamda vazifalari aniqlashtirilgan.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, sog'lomlashtirish tadbirlari, maktabgacha yosh, jismoniy rivojlanish, salomatlik.

Harakat faoliyati maktabgacha yoshdagi bolalar turmush tarzining eng muhim tarkibiy qismlaridan biridir. Bu bolalarning jismoniy rivojlanishi va tarbiyasini tashkil etishga, ularning tayyorgarlik darajasi, tanasining individual xususiyatlari va funksional imkoniyatlariga bog'liq. Bolalarda harakat funksiyalari yetishmovchiligi motorli ko'nikmalarning barcha tarkibiy qismlarida, ya'ni, qo'llar va barmoqlarning nozik harakatlarida ham, yuz imo-ishoralari va nutqda ham o'zini namoyon qilishi mumkin.. Bularning barchasi murakkab o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish faoliyatida harakatlarni yomon muvofiqlashtirishga olib keladi, qo'l operatsiyalarini (yozish, chizish) o'zlashtirishda qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi, mimikaning ifodalanishiga, nutqning shakllanishiga, to'g'ri va aniq tovush talaffuziga ta'sir qiladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning motor faolligi darajasi va ularning so'z boyligi, nutqi va tafakkuri o'rtasida bevosita bog'liqlik o'rnatilgan.

Bolaning sog'lig'i go'daklikdan shakllanadi. "Bola qanday sharoitda tarbiyalangan bo'lishidan qat'i nazar, u harakatlarni o'z vaqtida va to'g'ri rivojlantirish uchun vositalarga muhtoj: keng xona, uni harakatga undaydigan yordamchi va moslamalar, ochiq o'yinlar, musiqa darslari, shuningdek, maxsus jismoniy tarbiya darslari" [K.D.Gubert, M.L.Riss, 1981]. Shuning uchun bog'chada bolalarning kuchini, epcilligini va chidamliligini rivojlantirishga katta e'tibor beriladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalashning asosiy vositalari to'g'ri ovqatlanish, tabiat omillaridan foydalanish, yaxshi gigiyenik g'amxo'rlik, oqilona tashkil etilgan kun tartibi, muntazam jarayonlarni (ovqatlanish, uxlash, o'ziga qarash) uslubiy jihatdan to'g'ri olib borish, bolalarni tarbiyalash uchun qulay shart-sharoitlarni yaratishdir. Tug'ilgan paytidan boshlab bola doimo o'sib borayotgan organizmga har tomonlama ta'sir ko'rsatadigan harakatlarga intiladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiyasi juda dolzarbdir. Muayyan yosh uchun professional tanlangan jismoniy mashqlar eng tez jismoniy takomillashuvga yordam beradi. Faol harakatlar bola tanasining kasalliklarga chidamliligini oshiradi va uning himoya kuchlarini safarbar qiladi. Jismoniy mashqlar bolalarning aqliy qobiliyatlarini, idroki, tafakkuri, e'tiborini rivojlantirish, shuningdek, fazoviy va vaqt tasavvurlarini rivojlantirishga yordam beradi. Muayyan harakat faoliyati to'qimalarning oziqlanishi, skeletning shakllanishi va to'g'ri qad-qomatni shakllantirishga yordam beradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiyasining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

1. Bolalar salomatligini saqlash va mustahkamlanishini ta'minlash, ular organizmining kasalliklarga, noqulay ekologik omillarga chidamliligini oshirish, sog'lom turmush tarziga qadriyat munosabatini shakllantirish.

2. Bolaning jismoniy sifatlarini rivojlantirishning individual xususiyatlariga, uning shaxsiy xususiyatlariga, to'plangan harakat tajribasiga muvofiq hayotiy muhim vosita qobiliyatlari va qobiliyatlarini shakllantirish.

3. Kun tartibiga rioya qilish va mavzuni rivojlantiruvchi muhitni hisobga olgan holda bolaning jismoniy faoliyatga bo'lgan ehtiyojini amalga oshirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish.

4. Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiyasi sohasida innovatsion texnologiyalarni yaratish va ularni ta'lim jarayoniga joriy etish.

5. Bolalarning sog'lom turmush tarziga qadriyat sifatidagi munosabatini shakllantirish, sog'liqni saqlash madaniyatini tarbiyalash, bolalar salomatligini monitoring qilish dinamikasi, shuningdek, "maktabga tayyorgarlik" rejasi bo'yicha monitoring olib borishga qaratilgan ta'lim va tarbiya ishlari.

Jismoniy tarbiyaning barcha vositalaridan kompleks foydalanish bilan yuqoridagi vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilish mumkin.

Bolani harakatlarga o'rgatish va jismoniy sifatlarini rivojlantirishning asosiy shakli haftada 3 marta olib boriladigan jismoniy tarbiya mashg'ulotlaridir. Ochiq havodagi mashg'ulotlarda asosiy e'tibor yurish, yugurish, sakrashning har xil turlari, badminton, basketbolga beriladi. Qish mavsumida ochiq havoda sayr

qilish o'z ichiga qorda sakrash, yurish va yugurish, qor koptokchalarni gorizontaal, vertikal va harakatlanuvchi nishonga tashlash, masofaga uloqtirish, yaxmalakda oyoqlarda sirpanish, chanada uchishni olishi mumkin. Ya'ni, qishda issiq mavsumga qaraganda ko'proq dinamik harakatlar qo'llaniladi.

“Istirohat bog'larida, maydonlarda, past-baland yerlarda, suv havzalari qirg'og'ida maktabgacha yoshdagi bolalar bilan maxsus jihozlangan mashg'ulotlar olib borish ularda katta hissiy ko'tarinkilik va qiziqish uyg'otadi. Bunday mashg'ulotlar tabiiy sharoitlardan foydalanib o'tkaziladigan jismoniy mashqlarni o'z ichiga oladi: toshdan toshga, ariqlar ustidan sakrash; daraxt shoxlariga qo'l tekkizish uchun sakrash; tabiiy to'siqlarni oshib o'tish bilan yugurish (yotgan daraxt xodasi, to'nka, ariqcha va boshqalar); kichkina toshchani nishonga va masofaga uloqtirish va hokazo” [T.I.Osokina, 1978].

Yopiq joylarda (xonada) olib boriladigan jismoniy mashqlar muvozanatni rivojlantirish, tirmashib chiqish, nishonga uloqtirish, shuningdek, chidamlilik va kuchni rivojlantirishga hissa qo'shadigan mashqlarni (bir yoki ikkala oyoqda osilish, qisqa vaqt davomida vaziyatni o'zgartirmay ushlab turish va b.) o'z ichiga oladi. Shuni ta'kidlash kerakki, ulardan foydalanish qat'iy tartibga solinishi kerak, chunki bolalar tezda charchaydi. Mashg'ulotlar oxirida bo'shashtiruvchi mashqlar bajariladi, ular bolalarda charchoq holatining oldini oladi va tananing funksional tizimlarini tinchlantiradi. Bo'shashtiruvchi mashqlarining sekin sur'ati, musiqa jo'rliigi va sokin muhit qisqa vaqt ichida organizmni tiklashga yordam beradi. Xuddi shu mashqlarni ko'zni yumib bajarish yanada ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shuni ta'kidlash kerakki, jismoniy faollik paytida bolaning yurak urishi 90-100% ga oshadi, bunday yakuniy qismni amalga oshirish darsdan 1-2 daqiqa o'tgach organizmning tiklanishiga olib keladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan mashg'ulotlar shaklini tanlashda bolalarni uyushtirishning turli: individual, frontal, guruhli usullarini hisobga olish kerak. Eng to'g'risi – turli usullardan kompleks foydalanish. Jismoniy tarbiya darslari odatda ertalab tashkil etiladi. Nazorat mashg'ulotlari ham o'tkaziladi, bunday darslarning maqsadi bolalar tomonidan dasturiy materialni o'zlashtirish darajasini aniqlashdir.

8-10 daqiqa davom etadigan ertalabki gimnastika mashqlari yurish, yugurish, sakrash, 6-8 URMni predmetsiz yoki predmet bilan bajariladigan mashqlarni o'z ichiga oladi, ular berayotgan jismoniy yuklamasiga qarab 6-12 marta takrorlanadi. Uyqudan keyin bolaning asta-sekin “uyg'onishi” va aktiv faoliyatga tayyorgarlik ko'rishi talab qilinadi. Shuning uchun bolalar bilan turli xil saf mashqlarini (diagonal, qarama-qarshi harakat, “ilonizi”, mokisimon va boshqalar), gavdaning shakllanishiga hissa qo'shadigan jismoniy mashqlarni musiqa jo'rliigida bajarish, shuningdek, raqs qadamlari va raqs harakatlarini improvizatsiya qilish elementlari bo'lgan harakatli o'yinlar o'tkazish maqsadga muvofiq.

Shunday qilib, maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lig'iga zarar yetkazmasdan ularning jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga sport va dam olish faoliyatining innovatsion shakllarini faol va izchil kiritish bolaning har tomonlama rivojlangan shaxsini shakllantirishga yordam beradi, bolalarning intellektual va jismoniy qobiliyatlarini uyg'un rivojlanishini ta'minlaydi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Алямовская, В.Г. Как воспитать здорового ребенка [Текст]. - Москва: Педагогика, 2003. – 209 с.
2. Осокина Т.И. Физическая культура в детском саду. М.: “Просвещение”, 1978. – 170 с.

УДК 616-076

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ ДЕТЕЙ В ДЕТСКИХ ДОШКОЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Муниса Израилбекова

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

mizrailbekova94@mail.ru

Аннотация. В данной статье раскрываются особенности физкультурно-оздоровительных мероприятий для детей дошкольного возраста в детских садах. Раскрываются основные средства и задачи физического воспитания дошкольников.

Ключевые слова: физическое воспитание, физкультурно-оздоровительные мероприятия, дошкольный возраст, физическое развитие, здоровье.

UDC 616-076

PECULIARITIES OF ORGANIZATION OF SPORTS AND RECREATION ACTIVITIES OF CHILDREN IN PRESCHOOL INSTITUTIONS

Munisa Izrailbekova

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchiq, Uzbekistan

mizrailbekova94@mail.ru

Abstract. The article reveals the peculiarities of sports and recreational activities for preschool children in kindergartens. The article reveals the main means and tasks of physical education of preschool children.

Key words: physical education, sports and recreation activities, preschool age, physical development, health.



УДК: 378.172

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ ПРОФИЛЯ «АКВАКУЛЬТУРА» КАК ОСОБЕННОСТЬ ПОДГОТОВКИ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Шавкат Кадыров

Астраханский государственный технический университет (Филиал ФГБОУ ВО)

Ташкентская область, Узбекистан

kadirovteo@mail.ru

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы физического воспитания в вузе технического профиля с применением средств профессионально-прикладной физической культуры для подготовки будущих специалистов к работе в тяжелых климатических условиях, а также навыкам применения прикладных видов спорта в трудовой деятельности.

Ключевые слова: студент, профессионально-прикладная физическая подготовка, физическая культура, спорт, двигательные качества, физическое воспитание.

Введение. Особенности профессионального труда специалистов водных биоресурсов и аквакультуры, работающих в различных природно-климатических и экономических регионах Узбекистана, требуют профилирования физического воспитания студентов с учетом условий, характера труда и других факторов будущей профессии выпускников вуза. Качество подготовки, в том числе и физической, к предстоящей профессиональной деятельности для каждого молодого специалиста приобретает особое значение. Физическое воспитание студентов должно осуществляться с учетом условий и характера предстоящей профессиональной деятельности, а значит, содержать в себе элементы профессионально-прикладной физической подготовки (ППФП) [2].

Цель работы заключается в проведении анализа необходимых средств профессионально-прикладной физической культуры для выпускника профиля «Аквакультура».

Задачи: 1) провести анализ навыков и умений необходимых в профессиональной деятельности выпускникам профиля «Аквакультура»; 2) подобрать средства ППФП формирующие компетенции будущего специалиста профиля «Аквакультура»; 3) составить план применения средств ППФП на занятиях по физическому воспитанию.

Методы и организация исследований. Подбор средств ППФП проводится с учетом особенностей учебного процесса направления образования Аквакультура и специфики будущей профессиональной деятельности выпускников. Благодаря этому на учебных занятиях по физическому воспитанию моделируются отдельные элементы трудовых процессов.

Условия жизни и труда современного специалиста Аквакультура связаны с влиянием многих факторов требуют от специалистов значительного напряжения умственных, физических, психических сил, высокоэффективной координации и культуры движений, большой концентрации внимания, что приводит к напряжению психических и физиологических функций организма человека [1, 3].

Результативность многих видов профессионального труда существенно зависит, кроме прочего, от специальной физической подготовленности, приобретаемой предварительно путем систематических занятий физическими упражнениями, адекватными в определенном отношении требованиям, предъявляемым к функциональным возможностям организма профессиональной деятельности и ее условиям [4].

Становится все более актуальным научно и методически обоснованное применение физической культуры и спорта в процессе подготовки выпускников к конкретным видам труда, развивая двигательные качества, необходимые для успешной профессиональной деятельности, содействуя развитию социальной активности, оказывая влияние на формирование духовного, нравственного и эстетического развития личности обучающихся. В связи с этим ППФП является самостоятельным разделом в программе физического воспитания студентов высшего учебного заведения.

Результаты исследований и их обсуждение. Программой физического воспитания в объеме 68 ч на год обучения в вузе предусмотрено ознакомление студентов с теоретическими основами ППФП, обучение их некоторым профессионально-прикладным видам спорта, повышение уровня двигательных качеств, необходимых будущим специалистам. Следует отметить, что отдельные разделы ППФП могут быть реализованы в учебные часы, отводимые на специальные предметы. Теоретический материал по ППФП доводится до студентов не только на занятиях по теории, но и во время проведения практических занятий. Из курса физического воспитания необходимо исключать те разделы ППФП, которые осваиваются на профилирующих кафедрах. Содержание ППФП опирается на психофизиологическое тождество трудового процесса, физической культуры и спорта. Благодаря этому на учебных занятиях моделируются отдельные элементы трудовых процессов.

Непосредственно в структуре самой деятельности специалиста чаще всего выделяют ориентировочные, исполнительные и контрольные компоненты, которые конкретизируются как мотив, цель, план действий, оперативный образ, принятие решения, само действие, проверка результатов и коррекция действий [4].

К числу необходимых компонентов профессиональной подготовленности выпускников профиля Аквакультура, реализуемых в процессе ППФП, относятся различные сенсорные, умственные, двигательные, волевые, педагогические, организаторские навыки и умения. Стрессы, сопровождающие их труд, отрицательно влияют на работоспособность, состояние здоровья, приводят к ошибкам, конфликтным ситуациям и т.д. Прикладные умения и навыки обеспечивают безопасность при выполнении определенных профессиональных видов работ, способствуют быстрому и экономичному передвижению при решении производственных задач (плавание, гребля, управление водным транспортом и др.).

Прикладные специальные качества можно развивать путем закаливания, специальных упражнений, воздействующих на вестибулярный аппарат (кувырки, вращения в разных плоскостях), укреплением мышц брюшного пресса, упражнениями на выносливость, при которых возникает двигательная гипоксия и др.

Заключение. Направленным подбором физических упражнений из различных видов спорта можно акцентированно воздействовать на человека, способствуя формированию конкретных качеств и свойств личности, определяющих успешность профессиональной деятельности специалиста. Наряду со специфическим тренировочным эффектом в процесс ППФП обеспечивается в известной степени и генерализованный эффект, когда параллельно происходит укрепление организма человека, повышается уровень всестороннего психофизического развития личности.

Библиография:

- 1) Миронова Г.Л., Каримов Н.М. Формирование культуры личности выпускника аграрного университета с использованием средств физической культуры и спорта: статья в журнале «Аграрный вестник Урала», Екатеринбург, 2013, №9 (115), с. 71-73.
- 2) Матухно Е.В. Профессионально-прикладная физическая подготовка: учеб.пособие. – Комсомольск на Амуре: изд-во К-н-АГТУ, 2013.
- 3) Миронова Г.Л. Физическая культура в вузе: Учеб. пособие для студ. вузов. -Екатеринбург: изд-во Урал. гос. сельскохозяй. акад., 2005, с. 458-462.
- 4) Миронова Г.Л., Неверова О.П. Реабилитация человека в физкультурно-оздоровительной и профессиональной деятельности// Екатеринбург, 2014.

UDC: 378.172

PHYSICAL EDUCATION OF STUDENTS OF THE PROFILE "AQUACULTURE" AS A FEATURE OF PREPARATION FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

Shavkat Kadyrov

Branch of FSBEI HE "Astrakhan State Technical University"

Tashkent region, Uzbekistan

kadirovtko@mail.ru

Summary. The article deals with the issues of physical education in a technical university using the means of professionally applied physical culture to prepare future specialists for work in difficult climatic conditions, as well as the skills of using applied sports in work.

Keywords: student, professional-applied physical training, physical training, sport, movement quality, physical education.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АЁЛ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Гулмира Каримова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

gulmirakarimova77@gmail.com

Аннотация: Ўсмир ёшдаги ёки юқори синф ўқувчи-қизларида ўзига хос тиббий физиологик ва психологик ўзгаришлар ҳисобига улар тортинчоқ бўлиб жисмоний тарбия дарсларига кам қатнашиш ҳолатлари учраб турипти. Бу эса таълим муассасаларимизга аёл жисмоний тарбия ўқитувчиларига сезиларли даражада аёл ўқитувчиларга этиёж борлигидан далолат беради. Аёл мураббий ўқитувчиларининг кўпайгани: кизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, спортни оммалаштиришда муҳим омилдир. Зеро, хотин-қизлар саломатлигига эътибор-мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий мезонидир.

Калит сўз: Жисмоний ривожланиш, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спорт, соғлом турмуш тарзи, хотин-қизлар спорти

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳиятини белгилаб берадиган кўрсаткичлари ана шу мамлакатда камолга етаётган маънан етук, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етаётган авлодлар билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ҳар қандай шахс ҳам оилада улғаяди, унда тарбияланади ҳамда вояга етади. Бунда бевосита фарзанд тарбиясидаги улкан масъулият аёллар зиммасига юклатилади. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом аёлгина ҳар томонлама соғлом ва бақувват фарзандни тарбиялай олади. Давлатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кун сайин ортиб аёлларга эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кўллаб-қувватлаш, соғлом муҳитни ва бахтли яшашлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиш долзарб масалалардан бирига айланган. Айниқса, хотин-қизларни спортга жалб этиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун зарур имкониятларни яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Соғлом она-соғлом бола” мақсадли дастурлари хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ортгани муҳим аҳамият касб этса, бугунги кунда 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5924-сонли фармони ҳуқуқий пойдевор, яъни асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва жамиятимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Шу жумладан, таълим соҳасидаги бир қатор ўзгаришларни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлидир. Буни биргина умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини сифатли ташкил этишда эришилаётган ютуқлар билан биргаликда камчиликлар ҳам борлиги ҳеч биримизга сир эмас, албатта. Юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларда жисмоний тарбия дарсларини самарали ташкил этишда, аввало, спорт жиҳозларининг етишмаслиги, спорт залларининг мавжуд эмаслиги, мавжудларининг ҳам таъмирталаб эканлиги ачинарли ҳол, албатта. Шунингдек, бизни ташвишга соладиган яна бир эътиборли жиҳати шуки, у ҳам бўлса, умумий ўрта таълим мактабларидаги юқори синф ўқувчи қизлари олдида турган масала десак муболаға бўлмайди. Барчамизга маълумки, умумий-ўрта таълим мактабларида айниқса туман марказидан узоқда жойлашган таълим муассасаларида аёл жисмоний тарбия ўқитувчиларинг етишмаслиги сабабли юқори синф ўқувчи-қизларида ўзига хос тиббий физиологик ва психологик ўзгаришлар ҳисобига улар тортинчоқ бўлиб жисмоний тарбия дарсларига кам қатнашиш ҳолатлари учраб турипти. Бу каби мавжуд муаммоларга ижобий ечим топишда давлатимиз ва таълим тизими соҳасида фаолият олиб бораётган мутасадди раҳбарлар олдида турган муҳим вазифадир. 2002 йил 24 октябрда ташкил этилган “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” томонидан босқичма-босқич режа асосида юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган спорт заллари қурилиб, спорт жиҳозлари билан таъминлангани биринчи масалага ечим бўлса, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари 8-синфдан бошлаб ўғил болалар ва

қизларга алоҳида ўтилиб, ўқувчи қизларга аёл ўқитувчи дарс ўтиши, шунингдек 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишларига фаол жалб этиш, болалар спорти объектлари учун юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил саналади. Шу билан бирга 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида қабул квотасининг оширилгани ва қизлар учун алоҳида квоталар ажратилгани мамлакатимизда хотин-қизларга берилган улкан имкониятлар натижасидир.

Юртимиз хотин-қизлари жамиятимиз бошқарувида умуман ҳар қандай соҳасида етакчилик билан биргаликда ўзларига юклатилган машаққатли вазифаларга сидқидилдан ёндашган ҳолда тўлатқис бажариб келаётганлиги ҳеч қайси биримизга сир эмас. Шу жумладан, таълим муассасаларидаги аёл жисмоний тарбия ўқитувчи, мураббийлари ва бугунги кундаги Дилфуза Раҳматова (миллий кураш), Лилия Власова (бадий гимнастика), Дилноза Бакирова (karate WKF), Саида Махмудова (стол тенниси) каби аёл мураббийларимиз ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари, дарс ўтиш жараёнларини сифатли ва самарали ташкил этаётганликлари, спорт машғулотларини юқори даражада ўтаётганликлари натижасида бугунги кунда жаҳон ареналарида юртимиз байроғи баланд кўтарилишида, давлатимиз мадҳияси баралла янграшида муносиб ҳисса қўшадиган кўплаб чемпион қизларимиз етишиб чиқмоқда. Аёл мураббий ўқитувчиларининг кўпайгани: қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, спортни оммалаштиришда муҳим омилдир. Зеро, хотин-қизлар саломатлигига эътибор-мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий мезонидир.

РОЛЬ ЖЕНЩИН-УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Гулмира Каримова

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

Аннотация: В силу специфических медико-физиологических и психологических изменений у подростков или старшеклассников они застенчивы и редко посещают занятия по физической культуре. Это свидетельствует о значительной потребности в женщинах-учителях физкультуры в наших учебных заведениях. Важным фактором популяризации спорта является увеличение числа женщин-тренеров: широкое привлечение девушек к занятиям спортом, организация среди них здорового образа жизни. Ведь внимание к женскому здоровью – главный критерий воспитания здорового поколения в нашей стране.

Ключевые слова: Физическое развитие, физическое воспитание, физическая культура, спорт, здоровый образ жизни, женский спорт.

THE ROLE OF FEMALE PHYSICAL EDUCATION TEACHERS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Gulmira Karimova

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchiq, Uzbekistan*

Summary: Due to specific medical physiological and psychological changes in teenage or high school students, they are shy and rarely participate in physical education classes. This indicates that there is a significant need for female physical education teachers in our educational institutions. The increase in the number of female coaches is an important factor in the popularization of sports: wide involvement of girls in sports, organization of a healthy lifestyle among them. After all, attention to women's health is the main criterion for raising a healthy generation in our country.

Keywords: physical development, physical education, physical culture, sports, healthy lifestyle, women's sports



TALABA-VOLEYBOLCHILARNING SAKROVCHANLIGI VA TEZLIGI KO‘RSATKICHLARI O‘RTASIDAGI BOG‘LANISHNI O‘RGANISH (DASTLABKI NATIJALAR)

Uljan Kuanova, Sayyora Shukurova, Muxabbat Kdirova

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O‘zbekiston

uljan.kuanova@gmail.com

Annotatsiya. Talaba-voleybolchilarning sakrovchanligi va tezligi ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi bog‘lanishni o‘rganish bo‘yicha pedagogik tajriba boshida olingan natijalar o‘rtasida hisoblangan Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsienti natijalari va muhokamasi keltirilgan.

Kalit so‘zlar: sakrovchanlik, tezlik, Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsienti, talaba-voleybolchi, pedagogik tajriba.

Kirish. Ma‘lum-ki, voleybol o‘yini turli-tuman harakatlanish (yugurish, sakrashlar, akrobatika elementlari, zarbalar) faolligini darajasiga asoslangan bo‘lib, insondan tezkorlik, tezkorlik-kuch, koordinatsion va chidamlilik imkoniyatlar singari harakatlanish qobiliyatlarining hartomonlama va mukammal rivojlangan bo‘lishini talab qiladi. Bunday yuksak talablar esa, o‘z navbatida, turli tayyorgarlik bosqichlarida voleybolchilarning jismoniy sifatlarini rivojlanganlik darajasini o‘zaro statistik bog‘liqligini tizimli va muntazam ravishda tadqiq qilib borishi zaruratini keltirib chiqaradi. Shunday qilib, yuqorida keltirilgan ko‘rsatkichlarning o‘zaro bog‘liqligi muammosini dolzarbligini namoyon bo‘lib turibdi.

Maqsad va vazifalar. Brave-Pirson Korrelyatsiya koeffitsientini formulasidan foydalanib talaba-voleybolchilarning sakrovchanligi va tezligi ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi statistik bog‘lanishni hisoblash, hisoblashda olingan natijalarni solishtirish va muhokama aniqlash.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Tadqiqot davomida ilmiy-uslubiy adabiyotlar materiallarini umumlashtirish va tahlil qilish, pedagogik kuzatish, pedagogik tajriba, matematik-statistika usullaridan foydalanildi. Nazorat va tajriba guruhlari (n=14) voleybolchilari uchun sakrovchanlik va tezlik ko‘rsatkichlarini xarakterlovchi mashqlar tanlab olindi.

Tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish. Pedagogik tajriba boshida nazorat guruhi voleybolchilarining joyida turib ikki oyoqda deysinib tik sakrash (X, sm.) va 20 m. masofaga yugurish vaqti (Y, s.) natijalari misolida Brave-Pirson korrelyatsiya koeffitsienti qiymatini hisoblash tartibi va hisoblash natijalari quyidagi jadvalda keltirilgan.

| i | X _i | Y _i | X _i - \bar{x} | Y _i - \bar{y} | (X _i - \bar{x}) ² | (Y _i - \bar{y}) ² | (X _i - \bar{x}) • (Y _i - \bar{y}) |
|-----------|----------------|----------------|----------------------------|----------------------------|--|--|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | 40,5 | 3,9 | 1,86 | -0,13 | 3,45 | 0,02 | -0,24 |
| 2 | 42 | 3,7 | 3,36 | -0,33 | 11,27 | 0,11 | -1,10 |
| 3 | 41,5 | 3,6 | 2,86 | -0,43 | 8,16 | 0,18 | -1,22 |
| 4 | 39 | 4,4 | 0,36 | 0,37 | 0,13 | 0,14 | 0,13 |
| 5 | 42,5 | 3,7 | 3,86 | -0,33 | 14,88 | 0,11 | -1,27 |
| 6 | 35,5 | 4,3 | -3,14 | 0,27 | 9,88 | 0,07 | -0,85 |
| 7 | 37 | 4,2 | -1,64 | 0,17 | 2,70 | 0,03 | -0,28 |
| 8 | 38 | 4 | -0,64 | -0,03 | 0,41 | 0,00 | 0,02 |
| 9 | 37,5 | 4,3 | -1,14 | 0,27 | 1,31 | 0,07 | -0,31 |
| 10 | 38,5 | 4,4 | -0,14 | 0,37 | 0,02 | 0,14 | -0,05 |
| 11 | 29,5 | 3,6 | -9,14 | -0,43 | 83,59 | 0,18 | 3,92 |
| 12 | 37 | 4,4 | -1,64 | 0,37 | 2,70 | 0,14 | -0,61 |
| 13 | 41,5 | 4,2 | 2,86 | 0,17 | 8,16 | 0,03 | 0,49 |
| 14 | 41 | 3,7 | 2,36 | -0,33 | 5,56 | 0,11 | -0,77 |
| \bar{x} | 38,64 | 4,03 | | | | | |
| Σ | | | | | 152,21 | 1,33 | -2,16 |

Korrelyatsiya koeffitsientini hisoblash uchun quyidagi algoritmdan foydalanildi:

1. X va Y o‘zgaruvchilar uchun o‘rtacha arifmetik qiymatlarni \bar{X} va \bar{Y} hisoblash (mos ravishda, 38,64 sm. va 4,03 s.)

2. (X_i - \bar{x}) va (Y_i - \bar{y}) farqlarni hisoblash (jadvaldagi 4- va 5-ustunlar).

3. Ushbu (X_i - \bar{x}) va (Y_i - \bar{y}) farqlarning (X_i - \bar{x})² va (Y_i - \bar{y})² kvadratlarini hisoblash (jadvaldagi 6- va 7-ustunlar).

4. (X_i - \bar{x}) va (Y_i - \bar{y}) farqlarning (X_i - \bar{x}) • (Y_i - \bar{y}) ko‘paytmasini hisoblash (jadvaldagi 8- ustun).

5. (X_i - \bar{x})² natijalarning (6-ustun) summasini hisoblash (152,21).

6. $(Y_i - \bar{Y})^2$ natijalarning (7-ustun) summasini hisoblash (1,33).
 7. $(X_i - \bar{X}) \cdot (Y_i - \bar{Y})$ ko'paytma natijalarining (8-ustun) summasini hisoblash (-6,66).
 8. 6-ustundagi $(X_i - \bar{X})^2$ summa son qiymati (152,21) va 7-ustundagi $(Y_i - \bar{Y})^2$ summa son qiymati (1,33) asosida X va Y o'zgaruvchilar uchun σ_x va σ_y ni hisoblash (summani (n-1) ga bo'lish va ildiz chiqarish):

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum (X_i - \bar{X})^2}{n-1}} = 3,42 \quad \text{va} \quad \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum (Y_i - \bar{Y})^2}{n-1}} = 0,32. \quad r = \frac{\sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{n \cdot \sigma_x \cdot \sigma_y}$$

9. Brave-Pirson formulasidan foydalanib X va Y kattaliklarning tajribada olingan qiymatlari uchun korrelyatsiya koeffitsientini hisoblash. Bunda nazorat guruhida $r = -0,14$ va tajriba guruhida $r = -0,12$ natijalar qayd etildi.

Xulosa: shunday qilib, joyida turib ikki oyoqda deysinib tik sakrashva 20 m. masofaga yugurish vaqti uchun mazkur sinaluvchilar guruhiga mansub sportchilar pedagogik tajriba boshida ko'rsatgan natijalar o'rtasida manfiy kuchsiz statistik bog'lanish mavjud ekanligi aniqlandi. Bu ushbu masofani yugurib o'tish natijasini yaxshilanishi - vaqtini kamayishi tik sakrash natijasini ortishi bilan bevosita bog'liqligini anglatadi. Shu bilan birga variatsiya koeffitsientining hisoblangan qiymatlarini ($V=8,85\%$ va $7,94\%$) bir-birlariga yaqinligi va gradatsiyaning "yaxshi" sohasida ekanligi hamda korrelyatsiya koeffitsientining ($r = -0,14$ va $r = -0,12$) ishorasini mos tushishi va o'zaro yaqinligi pedagogik tajribani uslubiy tomondan to'g'ri tashkil etilganligidan dalolat beradi.

УДК: 796

ИЗУЧЕНИЕ ВЗАИМОСВЯЗИ МЕЖДУ ПОКАЗАТЕЛЯМИ ПРЫГУЧЕСТИ И СКОРОСТИ СТУДЕНТОВ-ВОЛЕЙБОЛИСТОВ (В НАЧАЛЕ ЭКСПЕРИМЕНТА)

Улжан Куанова, Сайёра Шукурова, Мухаббат Кдырова

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
 Чирчик, Узбекистан

Аннотация. Приведены результаты изучения и обсуждения коэффициентов корреляции Бравэ-Пирсона, вычисленных между показателями прыгучести и скорости студентов-волейболистов, полученных в начале эксперимента.

Ключевые слова: прыгучесть, скорость, коэффициент корреляции Бравэ-Пирсона, студенты-волейболисты, педагогический эксперимент.

UDC: 796

STUDYING THE RELATIONSHIP BETWEEN THE PARAMETERS OF JUMPING AND SPEED OF STUDENTS-VOLLEYBALL PLAYERS (AT THE BEGINNING OF THE EXPERIMENT)

Ulzhan Kuanova, Sayyora Shukurova, Muhabbat Kdyrova

Uzbek State University of Physical Education and Sport
 Chirchiq, Uzbekistan

Summary. The results of the study and discussion of the Bravais-Pearson correlation coefficients calculated between the indicators of jumping ability and speed of student volleyball players obtained at the beginning of the experiment are presented.

Keywords: jumping ability, speed, Bravais-Pearson correlation coefficient, volleyball students, pedagogical experiment



MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA 6-7 YOSHDAGI BOLALARNI JISMONIY TARBIYALASHDA TURIZM VOSITALARIDAN FOYDALANISH USLUBIYATI

S. Kushbakova

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O'zbekiston

ru.qush@mail.ru

Annotatsiya. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida 6-7 yoshdagi bolalarni jismoniy tarbiyalash, sayrda jismoniy tarbiya vositalardan foydalanish.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, sayr, vositalar, usullar.

Kirish. Mustaqil O'zbekistonning yosh avlodini jismoniy rivojlangan, sog'lom, quvnoq, barkamol avlod qilib, mehnat hamda Vatan mudofaasiga tayyor qilib tarbiyalashda turizm sohasi katta ahamiyatga ega. Davlatimiz rahbarining sa'y-harakatlari, xususan, 2018 yil 7 fevraldagi "Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori tufayli va yurtimiz aholisining farovonligi oshgani sayin ichki turizm ham kengayib bormoqda. Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi va Madaniyat vazirligiga turizm marshrutiga kiritilgan ob'ektlar sonini joriy yilda 800 taga, 2025 yilda esa 2,5 mingga yetkazish vazifasi qo'yildi. Qishki turizmni rivojlantirish bo'yicha 2020-2025 yillarga mo'ljallangan investitsiya loyihalarini ishlab chiqib, amalga oshirish muhimligi ta'kidlandi [1].

Yosh avlodni voyaga yetkazishda sog'lom turmush tarzi, jismoniy tarbiya katta rol o'ynaydi. Maktabgacha ta'limda bolalarni har tomonlama yetuk, sog'lom tarbiyalash, pedagogik shart-sharoitlar yaratish, bolalarni muntazam ravishda ta'lim olishiga tayyorlashda MTT ota-onalarga yordam beradi. Bolalarni jismoniy tarbiya bilan shug'ullantirishda jismoniy tarbiya vazifalaridan foydalanish, sog'lomlashtirish va chinitirishda ta'lim, tarbiya vazifalaridan keng foydalanish kerak [4].

Turizm-bu eng samarali dam olish turi hisoblanadi. Jismoniy tarbiyada yoshga hech qanday cheklovlar qo'yilmaydi. Maktabgacha va maktab yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyalashda turizm yetakchi o'rinni egallaydi. Ta'lim imkoniyatlarini amalga oshirish o'qituvchi-pedagoglarga bog'liq. Turizm ishlari mehnat ko'nikmalarini tarbiyalashda qulay imkoniyat yaratadi. Ta'lim muassasasida sayyohlik mashg'ulotlari bolalarni kompleks tarbiyalash muammolarini hal qilishda muhim omil hisoblanadi; tanishish va turistik sayrlarga yo'naltirish, umumiy jismoniy tayyorgarlik, sayyohlik tadbirlarini o'tkazishda xavfsizlikni ta'minlash kabi bo'limlardan iborat nazariy va amaliy mashg'ulotlar olib boradi. Pedagogikada har qanday faoliyat kabi, bolalar bilan turizm sohasida ishlash ham o'z qadr-qimmatiga ega. Jismoniy tarbiya jarayonida biz har doim sog'liqni saqlash vazifasi qo'yiladi, shuning uchun bolani sog'lomlashtirishda sayyohlik faoliyatining qiymati quyidagicha ifodalanishi mumkin:

Bolalar har qanday ob-havo sharoitida toza havoda mashq qiladilar, bu esa tananing mustahkamlanishiga va sog'lig'ini yaxshilashga yordam beradi. Natijada, barcha jismoniy fazilatlarini takomillashtirish tezlik, qobiliyat, chidamlilik, moslashuvchanlik, kuch, yo'nalish; harakatlarning asosiy turlari – yurish, yugurish, toqqa chiqish, sakrash, otish, muvozanat mashqlari va boshqalar.

Bog'chalarda sayrlarni tashkil qilishda jismoniy tarbiya mashg'ulotlari bilan shug'ullanganda bolalarning yurak-tomir, nafas olish, mushak va organizmning boshqa muhim tizimlarini rivojlantirishga yordam beradi. Mashg'ulotlarda harakatli o'yinlar, estafetalar, sport mashqlari va elementlari yugurishning xilma-xil turlari, asosiy harakatlarga doir mashqlarni kiritish bilan erishiladi. Sayrlarda jismoniy tarbiya mashg'ulotlari vaqtida faoliyat turlari doimo navbatlashtirib turiladi.

Sayrlarda jismoniy tarbiya mashg'ulotlari to'rtta qismga bo'linadi. Kirish, tayyorgarlik, asosiy qism, yakunlovchi qismdan tashkil topadi. Kirish va tayyorgarlik qismlari bolajonlarimizni uyushtirishga, bolalarni bo'lajak faoliyatiga, mashg'ulotlar jarayonida bolalarni qiziqishiga, diqqatini jamlashga o'rgatadilar. Tayyorgarlik qismida bolalarga saflanishlarni yurishlarni o'rgatadi. Bolalar yurish paytida qo'l harakatlarni bajaradilar. Qo'llarni yuqoriga, yon tomonlarga uzatish, aylanma harakatli mashqlarni bajarish va hokazo. Asosiy qismida bolalarning yoshiga qarab 14 min.utdan 26 minutgacha davom etishi mumkin. Asosiy qismda bolalarning organizmning funksional imkoniyatlarini oshirish, jismoniy sifatlarni chaqqonlik, chidamlilikni rivojlantirish vazifalari ham o'tiladi. O'rta guruhlarda asosiy qism harakatli o'yindan boshlanadi, keyin esa 1 minut mobaynida o'rtacha sur'atda qisqa masofaga yuguradilar. Bolalar sport mashqlarini tezlik bilan o'zlashtiradilar. Katta guruhlarda asosiy qism sport mashqlarini sport o'yinlari elementlarini o'zlashtirishdan boshlanadi. O'rtacha sur'atda qisqa vaqt 1-munutdan 1,5 min.gacha yuguriladi. Tayyorlov guruhidagi asosiy qism, katta guruhdagi kabi o'tqaziladi. Mashg'ulotning yakunlovchi qismida sekin yugurib turib yurishga o'tiladi. Tarbiyachi yakunlovchi qismdan oldingi

harakatli o'yinda bolalarning faolligi, ob-havo sharoitlari va bolalarning tayyorgarligiga qarab tartibga soladi. Mashg'ulot davomida yoki bevosita undan oldin sayrda ob-havo sharoiti o'zgarishi mumkin. Tarbiyachi mashg'ulotni olib borishini o'zgartirishga, boshqa harakatlarni tanlashga to'g'ri keladi. Bu vaqtda ijodiy yondashuv talab etiladi [2,3].

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarni yugurish harakatlariga o'rgatishda yugurish tezligiga qarab uch xil bo'ladi. Sekin, o'rtacha sur'atda va tez yugurishga ajratish mumkin. Bolalarda sekin yugurish paytida umumiy chidamlilikni tarbiyalashda muhim vositasi hisoblanadi. Bolalarda sekin yugurishga o'rgatish uchun yurishni asta-sekin tezlashtirish kerak bo'ladi. Tez yugurish o'yinlarida o'yin-estafetalarning tarkibiy qismi hisoblanadi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda u 10 metrdan 30 metrgacha masofada o'tkaziladi. Bolalarning tez yugurish vaqtida gavda va bosh oldinga egilgan, qadamlar keng va jadal tashlanadi. Siltanish paytida oyog'ning soni faol ravishda oldinga chiqariladi va oyoq uchi bilan yerga qo'yiladi. Bolalar oyoqlarni keskin to'g'irlash va oyoq tagini yozish bilan deqsinadi. Quyida keltirilgan rejalarda yugurish mashqlarini me'yorlash ko'rsatilgan. Yugurish vaqtida bolalar faolligi asta-sekin oshirilib boriladi. Bolalar maydoncha bo'ylab yugurganda nechchi marta aylanib yugurishni, orqaga qaytish kerakligini bilishlari lozim.

Адабиётлар рўйхати:

- 1) Shavkat Mirziyoyev turizmni rivojlantirish, jismoniy tarbiya va sportni yanada ommalashtirish masalalari bo'yicha yig'ilish // <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-turizmni-rivojlantirish-jismoniy-tarbiya-va-sportni-yanada-ommalashtiris>
- 2) М.Нуриддинова. Мактабгача таълимда жисмоний тарбия. Т.: 2020.152-б.
- 3) Т.Усманходжаев. С.Исломова. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. Т.: 2006. 212-б.
- 4) Е.Ю.Дауренов. Туристтик сайр жараёнида характли ўйинлардан фойдаланиш. Т.: 2018. 112-б.

УДК: 796.97.03.

МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ТУРИЗМА В ФИЗИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ 6-7 ЛЕТ В ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

С. Кушбакова

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчиқ, Узбекистан*

ru.qush@mail.ru

Аннотация. Физическое воспитание детей 6-7 лет в дошкольных образовательных организациях, использование средств физической культуры на прогулке.

Ключевые слова: физическое воспитание, прогулка, методы.

UDC: 796.97.03.

THE METHODOLOGY OF USING THE MEANS OF TOURISM IN THE PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN 6-7 YEARS OLD IN A PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION

S. Kushbakova

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchiq, Uzbekistan*

ru.qush@mail.ru

Abstract. Education of children 6-7 years old in preschool educational organizations, the use of physical culture on a walk.

Key words: physical education, walking, methods.



11-14 ЁШЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СТАТИК ФАОЛИЯТЛАРИГА ХОС ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ СЕНСИТИВ ВА КРИТИК ДАВРЛАРИ

Дилшодбек Мамажонов, Незматжон Каримов

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

olimpia-1992@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада 11-14 ёшли ўқувчиларининг статик фаолиятларига хос жисмоний сифатларини ривожланишнинг сенситив ва критик даврлари ўрганилган ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: сенситив даври, критик даври, статик куч, статик чидамлик, статик эгиловчанлик, статик мувозанат, статик машқлар.

Кириш. Ўсмирларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш жараёнида маълум жисмоний машқлар таъсирига сезувчанликнинг кучайиши даврларини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга [4]. Бу даврда кўплаб ўқувчиларда умумий тана ўлчамлари ўсишининг уйғунлиги бузилиши кузатилади, шунингдек, балоғат ёшига хос бўлган тананинг турли функциялари ва тизимлари ривожланишнинг нотекислиги ва гетерохронлиги кучаяди. Бу ўсиб келаётган организмни дезинтеграциясига ва функционал имкониятларининг пасайишига олиб келади [7].

Сенситив даврда жисмоний тайёргарлик воситаларига (статик машқларга) алоҳида урғу бериш даражаси тўла аниқланмаган, жисмоний сифатларнинг интенсив ўсишининг ёш даврлари тўғрисида карама-қарши фикрлар ва маълумотлар мавжуд.

Мақсад ва вазифалар. 11-14 ёшли мактаб ўқувчиларининг статик фаолиятларига хос жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг сенситив ва критик даврларини аниқлаш.

Тадқиқот усуллари ва ташкил этилиши. Тадқиқот давомида адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда маҳаллий ва хорижий олимларнинг ушбу муаммога бағишланган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ва хулосалар берилди.

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш. Ушбу муаммо юзасидан ўтказилган асосий тадқиқотлар 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг (айрим) катта мушкул гуруҳларида ўтказилган. Шунингдек, статик машқларни физиологик таъсирини ўрганишда юрак қон-томир ва нафас олиш тизимларига алоҳида эътибор қаратилган. Статик машқларни бажаришда мушак тизими фаолияти ва ундаги физиологик жараёнларни ўрганишга бағишланган замонавий ишлар фақат катта ёшли инсонларда ўтказилган.

11-12 ёшдан бошлаб мушакларнинг барча кўрсаткичларининг ўсиши сезиларли бўлади. 12 ёшдан бошлаб, мактаб ўқувчиларининг статик кучланиш остида меҳнат қилиш қобилияти ошиб боради [1]. Турли ишларда статик фаолиятларга хос жисмоний сифатларни ўрганиш алоҳида-алоҳида келади, хусусан: статик чидамлик ўқувчиларнинг жинсидан қатъи назар, 13-15 ёшда ривожланишнинг чегаравий қийматига етади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, статик ва динамик чидамликни бошланғич мактаб ёшидан бошлаб шакллантириш зарурлигини такидлайдилар. 11-12 ёшли ўғил ва қизлар ҳаракатларининг таркибида статик ва динамик (субмаксимал интенсивлик зонасида) режимларда чидамлик қобилиятлари бўйича сенситив даврларга эга [5].

В.А.Сальниковнинг ривожланишнинг сенситив ва критик даврларида ёш ва индивидуаллакнинг нисбатига бағишланган ишида, турли муаллифларнинг (А.П.Тамбиева 1973, З.И. Кузнецова 1974, Л.А. Леонова ва В.А. Ножкина 1978, В.А. Сальников 1994), мактаб ўқувчиларида (фақат ўғил болаларда) қўл панжасини сиқиш кучининг йиллик ўсиш суръатларини кўрсатиб ўтган. Унга кўра, 11-14 ёшларда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш фоиизи энг юқори эканлиги кўринади (ўртача 19%) [6]. Бу эса статик кучни ривожлантириш учун энг қулай давр айнан шу ёшлар эканлигини хулоса қилишимизга имкон беради. Изометрик шароитда маълум бир қийматдаги мушаклар кучини ривожлантиришга тайёрлиги 12-13 ёшдан бошлаб сезиларли даражада ошади ва кейин 16 ёшгача бир текисда ошади, шундан сўнг у махсус тайёргарликсиз пасайишни бошлайди [1].

Қайд этилишича, қизларда куч чидамлигининг энг катта ўсиши бошланғич мактаб ёшига тўғри келади. А.А.Гужаловский ва А.П.Матвеев ўғил болаларда статик кучга чидамлик фақат 13-15 ёшда жуда юқори суръатда ривожланади. Қизлар учун бу даврлар 9-12 ва 14-15 ёш гуруҳлари бўлади [3].

Статик мувозанатга ўғил ва қиз болаларда йўналишли таъсир қилиш учун энг қулай даврлар 9 ва 15 ёшдир.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда статик фаолиятларга хос жисмоний сифатларни (статик куч, статик чидамлик, статик эгиловчанлик, статик мувозанат) ривожланишининг сенситив даврларини ўрганишга бағишланган ишлар бирмунча кам ва ушбу тадқиқотлар статик характердаги (айрим) машқларнинг юрак қон-томир, нафас олиш тизимига таъсири ва оёқ ва қўлларнинг катта мушак гуруҳларида ўтказилган тадқиқотлар асосида ўтказилган. Тадқиқотлар 11-14 ёш статик фаолиятларга хос жисмоний сифатларни ривожлантириш учун сезгир ёш оралиғи эканлигини тасдиқлади.

Шу ўринда айтишимиз керакки, жисмоний тарбия дастурида кўзда тутилган статик харакатларни бажариш жараёнида иштирок этувчи мускул тизимининг барча мушак гуруҳларини фаолиятини, юрак қон-томир, нафас олиш тизимларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Библиография.

- 1) Вахитов И.Х., Гиззатуллин А.Р., Зефиоров Т.Л. Физиология физических упражнений: Учебное пособие. - Казань: Казанский (Приволжский) федеральный университет, 2015. – 248 с.
- 2) Городниченко Э.Г. Оценка работоспособности двигательного аппарата человека по показателям статической выносливости и импульса силы // Теория и практика физической культуры. – 1996. – № 8. – С. 46.
- 3) Гужаловский А.А. Проблема «критических» периодов онтогенеза в ее значении для теории и практики физического воспитания. – М., 1984. – 224 с.
- 4) Давыдов В.Ю. Что такое мониторинг состояния здоровья населения, физического развития и физической подготовленности детей, подростков и молодежи? / В.Ю. Давыдов // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2002. — № 3. — С. 46-47.
- 5) Кабанов, Ю.М. Критические периоды развития статического и динамического равновесия у школьников 1-10-х классов // Теория и практика физической культуры. – 1996. – № 1. – С. 17-18.
- 6) Сальников В.А. Соотношение возрастного и индивидуального в структуре сенситивных и критических периодов развития // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. – 1997. – № 4. – С. 8-12.
- 7) Теория и методика физического воспитания: учебник / Т.Ю. Круцевич, Ю.Ф. Курамшин, В.В. Петровский [и др.]; под редакцией Т.Ю. Круцевич. – Киев: Олимпийская литература, 2003. – 423 с.

УДК: 796

СЕНСИТИВНЫЕ И КРИТИЧЕСКИЕ ПЕРИОДЫ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ, ХАРАКТЕРНЫЕ ДЛЯ СТАТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ШКОЛЬНИКОВ 11-14 ЛЕТ

Дилшодбек Мамажонов, Нетьматжон Каримов
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистан

Аннотация: В данной статье изучены сенситивные и критические периоды развития физических качеств, характерных для статической деятельности школьников 11-14 лет.

Ключевые слова: сенситивный период, критический период, статическая сила, статическая выносливость, статическая гибкость, статическое равновесие, статические упражнения.

UDC: 796

SENSITIVE AND CRITICAL PERIODS OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES, CHARACTERISTIC OF THE STATIC ACTIVITY OF SCHOOLCHILDREN AGED 11-14

Dilshodbek Mamajonov, Ne'matjon Karimov
Andijan State University
Andijan, Uzbekistan

Annotation: In this article, the sensitive and critical periods of development of physical qualities characteristic of the static activity of schoolchildren aged 11-14 are studied.

Key words: sensitive period, critical period, static strength, static endurance, static flexibility, static balance, static exercises.



ОПТИМИЗАЦИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ШКОЛЕ СРЕДСТВАМИ ХАТХА-ЙОГИ

Шовкат Мирзакулов, Екатерина Люлина

Узбекский государственный университет физической культуры

Чирчик, Узбекистан

uzsport8@gmail.com

Аннотация. В статье представлен анализ экспериментальной работы по применению технологии, основанной на использовании средств хатха-йоги. Показана научная целесообразность включения комплексов упражнений йоги в учебный процесс физического воспитания в средней образовательной школе.

Ключевые слова: физическое воспитание, нетрадиционная технология, оздоровительный эффект.

Введение. Как органическая часть общей культуры человечества и неотъемлемая часть педагогического процесса на всех этапах образования, физическая культура тесно связана с инновационными процессами. Благодаря, использованию педагогических технологий возможно достижение рационального развития двигательных качеств и способностей, а также повышение мотивации к занятиям физической культурой.

Актуальность исследования. Физическое воспитание школьников - неразрывная составная часть высшего образования, результат комплексного педагогического воздействия на личность в процессе формирования её духовно-нравственных, интеллектуальных и гражданских качеств.

Известно, что традиционная система физического воспитания, организуется согласно Государственного Образовательного Стандарта, некоторые блоки которого позволяют вносить дополнения с целью интенсификации процесса обучения. В связи, с чем у преподавателя физической культуры появляется альтернатива введения в занятие новых или нетрадиционных методик для совершенствования физических и ментальных кондиций учащихся.

Согласимся, что в практике физической культуры широко используются инновационные технологии нетрадиционных видов гимнастики. Существует многообразный спектр оздоровительных систем. Это воркаут, стретчинг, денсинг, хайкинг, джокинг и др. Но все же, на протяжении нескольких десятилетий наибольший интерес во всем мире из видов оздоровительной гимнастики наибольший интерес в последнее время привлекает направление - «йога». Отметим то, что йога является нетрадиционным видом гимнастики, но при этом имеет основные маркеры, согласно которых направление йоги, можно определить как научноцелесообразную форму в системе физического воспитания.

Йога как система имеет основное средство – это асана, вспомогательными средствами являются оздоровительные силы природы и гигиенические факторы. Общепедагогическими методами выступают методы показа и слова, а специфическим методом – метод строго - регламентированного упражнения. Общепедагогический принцип – принцип сознательности и активности, специфический – постепенного наращивания нагрузки. Упражнения йоги, как утверждает известный психолог А. Коглер, можно использовать в физической культуре с различной целью. Определенные асаны могут применяться для разогрева, как в подготовительной части занятия, так и непосредственно перед выполнением спортивного упражнения и для восстановления после выполнения высокоинтенсивного упражнения или после нагрузки, в тренировочной и соревновательной деятельности [2]. Кроме того, для развития и восстановления, отдельных групп мышц или организма в целом:

| Упражнения | Эффект |
|----------------------------|--|
| Растягивающие упражнения | влияют на показатели амплитуды движений. |
| Поддерживающие упражнения | оказывают общее положительное воздействие на нервную систему (на умственную «регенерацию») |
| Компенсационные упражнения | для корректировки мышечного дисбаланса |
| Регенерирующие упражнения | для быстрого устранения симптомов утомления |
| Активизирующие упражнения | для ускорения психофизиологических процессов |
| Успокаивающие упражнения | для снятия мышечного напряжения |
| Развивающие упражнения | способствуют развитию физических качеств |

Хатха – йога комплексно развивает все физические качества: быстроту, ловкость, гибкость, силовые способности, выносливость в их специальном проявлении. Таким образом, применение йоги в учебную практику позволяет: 1. Развивать все физические качества с преимущественной

направленностью на качество гибкости; 2. Комбинировать йогу с другими упражнениями; 3. Доступность для учащихся основной и специальной медицинских групп. Несмотря на достаточную широкую популярность и полифункциональное значение йоги как системы, это направление недостаточно разработано для применения в учебно-оздоровительном процессе учащихся среднеобразовательных школ. Основательно не изучено влияние этих технологий на уровень развития двигательных способностей занимающихся, что позволяет нам говорить об актуальности темы нашего исследования, которое предполагает разработку и обоснование методики применения комплексов йоги для развития двигательных способностей и, в частности, гибкости учащихся-школьников.

Методы и организация исследования. Экспериментальная работа проводилась на базе Ферганской СОШ № 4, с сентября по май 2019 г. В эксперименте приняло участие 32 девушки 10-11 классов обучения, разделенных на две группы по 16 человек: экспериментальную (ЭГ) и контрольную (КГ). В обеих группах участники были с одинаковым исходным уровнем физической подготовленности. В учебный процесс ЭГ включались специальные занятия упражнениями йоги 2 раза в неделю по 15 мин на протяжении 9 месяцев. Девушки КГ тренировались по стандартной программе без использования экспериментальной методики. Для оценки эффективности предложенной методики использовались следующие методы исследования: анализ литературы, тестирование двигательных способностей, гониометрия, методы математической статистики.

Объект исследования: учебный процесс по физическому воспитанию девушек 10-11 классов

Предмет исследования: технология применения комплекса средств хатха-йоги в учебном процессе физического воспитания

Цель исследования: выявление эффективности применения педагогической технологии средствами хатха-йоги для развития двигательных способностей (гибкости) девушек 10-11 классов.

Гипотеза исследования. Предполагается, что оптимизация кондиционных проявлений физических качеств, в особенности качества гибкости девушек произойдет при регулярном применении педагогической технологии с элементами системы йоги по сравнению с общепринятыми средствами развития гибкости, которые применяются в программе по физическому воспитанию в общеобразовательной школе. Проверка гипотезы осуществлялась в течении педагогического эксперимента во время учебного года, путем интегрирования адаптированной технологии на базе комплексов йоги. В начале и по окончании эксперимента были проведены контрольные испытания (педагогическое тестирование) по следующим контрольным упражнениям: гимнастический мост, шпагат, наклон вперед из положения стоя, прокручивание рук.

Результаты исследования и их обсуждение. По окончании эксперимента было обнаружено, что участницы экспериментальной группы по всем контрольным упражнениям определили достаточный прирост результата, в то время как у контрольной группы прирост результата наблюдался лишь в упражнении “шпагат”, а остальные показатели остались на исходном уровне, что в свою очередь также подтверждает состоятельность программы по физическому воспитанию в образовательном учреждении.

Выводы. Таким образом, в результате проведенной работы мы пришли к заключению:

- анализ научно-методической литературы показал, что применение хатха-йоги, как дополнительного средства физического воспитания положительно влияет на совершенствование гибкости и соответственно имеет оздоровительный эффект;
- заявленная гипотеза педагогического эксперимента экспериментально подтверждена;
- комбинация элементов хатха-йоги и традиционной программы, может быть адаптирована к использованию со всеми возрастными группами школьного возраста, а также как элективный курс физического воспитания.

Список литературы:

- 1) Коглер А. Йога для спортсменов. Секреты олимпийского тренера. – М., 2001. – 304 с.
- 2) Матвеев Л.П. Общая теория спорта и её прикладные аспекты. – М., 2010. – 220 с

UDC: 796

**OPTIMIZATION OF PHYSICAL EDUCATION AT SCHOOL
BY MEANS OF HATHA YOGA**

Shovkat Mirzakulov, Ekaterina Lyulina

*Uzbek State University of Physical Education and Sport
Chirchik, Uzbekistan,
uzsport8@gmail.com*

Abstract. The article presents the analysis of experimental work on the application of technology, based on the use of hatha yoga. Scientific expediency of including yoga exercises complexes into the educational process of physical education in secondary schools is shown.

Key words: physical education, non-traditional technology, health-improving effect.



УДК: 376.4

ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫЕ ЗАНЯТИЯ ПО КАТАНИЮ НА РОЛИКОВЫХ КОНЬКАХ КАК ЧАСТЬ АДАПТИВНОГО ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ С РАССТРОЙСТВАМИ АУТИСТИЧЕСКОГО СПЕКТРА

Айжан Мусралинова

*Сибирский государственный университет физической культуры и спорта
Омск, Российская Федерация
musralinova95@mail.ru*

Аннотация. В тезисе представлены результаты исследования психического состояния детей с расстройствами аутистического спектра и особенности проведения физкультурно-оздоровительных занятий по катанию на роликовых коньках для данной категории детей.

Ключевые слова: расстройства аутистического спектра, физкультурно-оздоровительные занятия, катание на роликовых коньках.

Введение. Группа детей с расстройствами аутистического спектра (РАС) представляется одной из наиболее сложных категорий детей с нарушениями развития. Исходя из потребностей детей, основным видом адаптивной физической культуры является адаптивное физическое воспитание, где особое место занимают физкультурно-оздоровительные занятия [3].

Среди многообразия физкультурно-оздоровительных занятий, следует выделить занятия по катанию на роликовых коньках, так как они комплексно воздействует на организм: тренирует кардиореспираторную систему, развивают физические качества, улучшают концентрацию внимания и когнитивные способности, развивают коммуникативные и социальные навыки, а также являются доступным и популярным видом двигательной активности.

В силу основного дефекта между ребенком с РАС и инструктором на занятиях часто возникают трудности с взаимодействием, что значительно ухудшает эффективность занятия, не позволяя решить поставленные задачи. Поэтому существует потребность в рекомендациях по психолого-педагогическому сопровождению в физкультурно-оздоровительном занятии по катанию на роликовых коньках с учетом особенностей детей с РАС.

Цель исследования: коррекция основного дефекта с помощью физкультурно-оздоровительных занятий по катанию на роликовых коньках у детей с РАС.

Задачи: 1) Обосновать особенности психолого-педагогического сопровождения физкультурно-оздоровительных занятий по катанию на роликовых коньках у детей с РАС. 2) Выявить влияние физкультурно-оздоровительных занятий по катанию на роликовых коньках на проявления основного дефекта у детей с РАС.

Методы и организация исследования. Исследование проводилось на кафедре теории и методики адаптивной физической культуры ФГБОУ ВО СибГУФК и на базе автономной некоммерческой организации центра социальной помощи и адаптации для людей с ОВЗ «Горы равных возможностей» города Омска. В исследовании приняли участие 12 детей в возрасте от 8 до 10 лет. Для оценки эффективности физкультурно-оздоровительных занятий использовали шкалу количественной оценки детского аутизма (ШКОДА) по отдельным субшкалам, с помощью которой оценивали социальное взаимодействие, общение, наличие стереотипных моделей поведения и неспецифические дополнительные признаки детей [1]. Исследование проводилось на протяжении четырех месяцев. Занятия проводились 2 раза в неделю по 45 минут. Для вычисления результатов использовали методы средних арифметических значений, стандартных отклонений и критерий Т-Вилкоксона.

Результаты исследования и их обсуждение. Нами было выявлено, что во всех субшкалах имеются достоверные ($p \leq 0,05$) положительные изменения после проведения физкультурно-оздоровительных занятий по катанию на роликовых коньках, которые представлены в табл.1.

Таблица 1. Степень выраженности психического состояния детей с РАС до и после исследования, M±σ

| Оценка по субшкалам ШКОДА | До исследования | После исследования |
|---|-----------------|--------------------|
| Нарушения коммуникации | 2,79±0,81 | 2,29±0,75* |
| Нарушение способности к совместной деятельности | 2,83±0,94 | 2,50±0,74* |
| Нарушения диалога | 3,33±0,75 | 2,88±0,57* |
| Адаптация к переменам | 2,71±0,81 | 2,29 ±0,69* |
| Агрессия и самоагрессия | 2,25±0,54 | 1,75±0,26* |

Примечание: * - достоверные различия ($p < 0,05$) по критерию Т – Вилкоксона

В ходе анализа средств, принципов и методов обучения детей с РАС по катанию на роликовых коньках нами были выявлены и обоснованы особенности психолого-педагогического сопровождения на физкультурно-оздоровительных занятиях.

На наш взгляд, чтобы достигнуть улучшения коммуникативных навыков необходимо использовать такие средства, как визуальные подсказки (карточки с последовательностью действий и мотивационные). А также необходимы особые методические подходы: визуальный контакт на уровне глаз в момент объяснения задания, похвала ребенка даже за малейшие успехи, постепенный тактильный контакт (приветствие «Дай пять!»), четкие и короткие указания, специальные инструкции при показе («Сделай как я или повтори»), деление игры на маленькие части для лучшего освоения, проекция любимой темы ребенка в занятие.

Адаптация к переменам и снижение тревожности нами формировалась посредством использования визуального расписания, опоры на интересы ребенка, предварительного объяснения и знакомства с предметами в начале занятия. А также за счет исключения подавления стереотипных действий у ребенка, так как это могло успокаивать его при выполнении нового задания. Снижение агрессии и аутоагрессии было достигнуто за счет понимания и прислушивания к ребенку (отвлечения, облегчения задания и увлечения ребенка интересующим его предметом или занятием), использования монотонной тихой речи (стихотворение, любимая песня, фраза-формула).

Заключение. Таким образом, учет особенностей психолого-педагогического сопровождения на физкультурно-оздоровительных занятиях по катанию на роликовых коньках позволял адекватно и качественно построить обучение, наладить взаимодействие с ребенком и эффективно достигнуть поставленных целей.

Библиография.

- 1) Бибчук М.А. Диагностика и мониторинг психического состояния детей 6-12 лет по шкале количественной оценки детского аутизма (ШКОДА). Методические рекомендации/ ГБУЗ «НПЦ ПЗДП им. Г.Е. Сухаревой ДЗМ». - М.: ДПК Пресс, 2020. - 32 с.
- 2) Демидова Е.В. Катание на роликовых коньках как эффективное средство физического воспитания детей дошкольного возраста / Е.В.Демидова, Н.А.Гучемукова, И.В.Румянцева // Теория и методология инновационных направлений физического воспитания детей дошкольного возраста: сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции с международным участием. – Кубань: Кубанский государственный университет физической культуры, спорта и туризма, 2011. – С. 68-69.
- 3) Мусралинова А.Х. Методика занятий мини-футболом с детьми, имеющими общие расстройства поведения и психические нарушения / А.Х.Мусралинова, Е.С.Стоцкая // Адаптивная физическая культура и спорт: современное состояние и перспективы развития: сборник материалов I Международной научно-практической конференции. - Нур-Султан: ОО «Молодые инвалиды города Астана», 2019. – С. 135-139.

УДК: 376.4

PHYSICAL CULTURE AND HEALTH CLASSES IN ROLLER SKATING AS PART OF ADAPTIVE PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN WITH AUTISM SPECTRUM DISORDERS

Aizhan Musralinova

Siberian State University of Physical Education and Sports

Omsk, Russian Federation

musralinova95@mail.ru

Summary. The thesis presents the results of a study of the mental state of children with autism spectrum disorders and the features of physical culture and wellness classes in roller skating for this category of children.

Keywords: autism spectrum disorders, physical culture and recreation classes, roller skating.

INFLUENCE OF PHYSICAL EDUCATION ON THE INTELLECTUAL DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN

Feruza Mukhiddinova, Shakhnoza Saidova

Uzbek State University of Physical Education and Sport

Chirchik, Uzbekistan

fernandeluis050@gmail.com

Abstract. This article touches upon the influence of physical education on the intellectual development of a preschool child.

Key words: preschool age, mental development, physical development, aerobic exercise, sensitivity, neurogenesis.

«The power is there – the mind is not needed». How deeply this proverb has stuck in our minds. There is a stereotype in society that a person involved in sports cannot have a high level of intelligence. But is it really so? After all, an equally well-known expression says: «In a healthy body – a healthy mind». To begin with, let's look at the concepts of physical education and mental development.

Physical education is a system of measures and conditions that ensure the physical development of a person, maintaining his health and working capacity. Physical education includes: improving the human body: internal organs, motor and musculoskeletal systems, maintaining and strengthening health; educating students in physical culture, personal hygiene and ways to maintain health and create a healthy lifestyle [1].

Mental development as a level is a combination of knowledge, skills and mental actions formed during their assimilation, free operation of them in the processes of thinking, ensuring the assimilation of new knowledge and skills [2].

The scientist I.M. Sechenov noted that muscle movements have a special effect on the activity of the brain. Another equally famous Russian scientist I.P. Pavlov also put forward the idea of the unity of intellectual and physical development [3].

The relationship between the development of intelligence and physical exercise interested a group of scientists from America. In 2011, they conducted an experiment. Four groups of mice were placed in different conditions: the first group ate well, lived in cages with many toys; the second group had everything the same, but in addition to the cage there was a running wheel; the third group had nothing and ate poorly; the fourth group had only a running wheel, the food was usual. The results of the study showed that the number of brain neurons in the cells of the cells of which had a running wheel increased, which cannot be said about those who did not have a wheel [4].

What is the reason for this? The thing is that physical activity promotes neurogenesis – the birth of new brain cells. The best catalysts for brain cell growth are aerobic exercise (running, yoga, interval training, crossfit).

However, physical exercises alone in the development of intelligence cannot be dispensed with. In order for new brain cells to remain intact, it is necessary to train memory, develop speech, logical thinking. This is the interconnection and interdependence of mental and physical education.

Children from 3 to 6-7 years old are usually classified as preschool children. This period is characterized by a high sensitivity to the all-round development of the personality. It should be noted that at this age the intellectual sphere develops most intensively.

It is no secret that the harmonious development of a personality lies in its complexity and versatility, therefore, in preschool age, it is important not only to pay attention to the mental, but also to the physical education of the child. A.N.Leontev writes in this regard: «The mental development of a child cannot be considered in isolation from his mental development as a whole, from the richness of the child's interests, his feelings and all other features that form his spiritual image».

In the period of preschool childhood, the development of mental operations, such as analysis, synthesis, analogy, comparison, etc., is a priority task of preschool education, since through them the child has the opportunity to fully explore the world around him. Here we cannot underestimate the importance of physical education of a preschooler, since physical activity stimulates the growth of brain cells and, as a result, the development of perception, attention, memory. Without these components of the cognitive sphere, the development of intelligence is impossible. That is why it is important to observe complexity in the process of teaching and upbringing of preschool children, to maintain a balance between mental and physical activity.

Conclusion. One of the priority tasks of improving the educational process in kindergarten is the organization of the motor regime of pupils, which provides active rest and satisfies the natural need for

motor activity. The alternation of study sessions and active recreation, including physical exercises in various forms, helps to relieve fatigue caused by educational activities, which is especially important to take into account when planning classes in older groups of kindergarten. It is important to understand that it is precisely the preschool age that is the most favorable period for the all-round development of the personality.

Bibliography:

- 1) Безрукова В.С. Основы духовной культуры (энциклопедический словарь педагога). – Екатеринбург, 2000. – С. 839.
- 2) Головин С.Ю. Словарь психолога-практика – 2-е издание. – Минск: Харвест, 2007. – С. 432.
- 3) Ильинич В.И. Профессионально-прикладная физическая подготовка студентов вузов. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 172.
- 4) Мануков С. Бегом за интеллектом // Эксперт Online. – 2012. [Электронный ресурс]. URL: <http://expert.ru/2012/05/16/begom-za-intellektom/> (дата обращения 15.09.2018).

УДК: 796

ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ НА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ РЕБЕНКА ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Феруза Мухиддинова, Шахноза Саидова,

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*
fernandeluis050@gmail.com

Аннотация. В данной статье затрагивается тема влияния физического воспитания на интеллектуальное развитие ребенка дошкольного возраста.

Ключевые слова: дошкольный возраст, умственное развитие, физическое развитие, аэробные упражнения, сензитивность, нейрогенез.



УЎК: 796:338:89:28:078: (1-4)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Муяссар Нуриддинова

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчик, Ўзбекистон*
nuriddinova.muyassar83@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болалар билан жисмоний тарбия тадбирларни ташкил қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: жисмоний фаолият, эрталабки бадан тарбия, ўйин, машғулот, сафланиш, гимнастика.

Қириш. Мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия сифатини юқори даражага олиб чиқиш, тизимда инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш, соҳада хусусий таълим ташкилотларини ривожланишига имкониятлар яратилди. Мактабгача таълим соҳасида янги меъёрий ҳужжатлар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилди. Жумладан Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида «Илк қадам» Давлат ўқув дастури, ҳар бир гуруҳ кесимида дастурга мувофиқ марказлар фаолияти тартибга солиниб, фаолият такомиллаштирилди. Мактабгача таълим тўғрисидаги янги қонун билан алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун мўлжалланган таълим фаолияти, ота-оналар билан ҳамкорлик, мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашувлар асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкиллаштиришга имконият яратилди.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим ташкилотидамактабгача ёшдаги болалар билан жисмоний тарбия машғулотни методикасини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: 1) мактабгача ёшдаги болаларда кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган машғулот ишланмаларини ишлаб чиқиш; 2) мактабгача таълим ташкилотидамактабгача ёшдаги болалар билан жисмоний тарбия машғулотини ташкил этиш усулларини баён этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, педагогик тажриба. Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия машғулоти ўқув йилига 72 та машғулотга мўлжалланади. Барча гуруҳларда ҳафтасига 2 та машғулотдан, (иккинчиси очиқ ҳавода режалаштирилади) боланинг физиологик ҳолатига қараб, ҳафта кунларига тақсимланади. Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия машғулотларини жисмоний тарбия йўриқчиси олиб боради [1; 43-б.].

Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия йўриқчиси (фаолиятни ташкил этиш бўйича) йўриқномага кўра фаолият юритади. Мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия йўриқчиси фаолияти куйидаги ҳужжатлар асосида юритилади: машғулотларнинг ҳафталик жадвали, кунлик, ойлик, йиллик иш режаси, тарбиячи билан ҳамкорликда ишлаш режаси, болалар билан индивидуал ишлаш режасидан иборат. Мактабгача таълим муассасаси жисмоний тарбия йўриқчисининг иш режаси 3 та асосий таркибда шакллантирилади:

1. Меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш.
2. Тарбиявий-таълимий жараёнларни ташкил.
3. Ҳамкорлик - ота-оналар ва бошқа педагоглар билан ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш.

Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний кўникма ва малакаларни ривожлантиришда тизимли машғулотлар ва ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш жуда зарур бўлиб, мактабгача ёш даврининг ҳар бир босқичи ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос жиҳатларга ажратилади. Боланинг ўсиб, улғайишида жисмоний фаоллик, асосий ҳаракатлар тартиби муҳим ҳисобланиб, айнан шу жараёнлар методик жиҳатдан тўғри ва тизимли равишда ташкиллаштирилса, бола шахсининг жисмоний тараққий этишига хизмат қилади. Мактабгача таълим ташкилотларида ушбу вазифалар тизимли амалга оширилиб, унинг дастлабки бўғини бу ўйин шаклидаги жисмоний тарбия машғулоти дидир.

Жисмоний тарбия машғулоти кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлиб, ўзига хос вазифа ва мазмунга эга. Машғулотнинг кириш қисми мақсад ва вазифаларга кўра уюштирилади. Жумладан, болалар кийимлари ва маҳсус жой, жиҳоз ва инвентарлар яроқлилиги назорати, бола ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда техник қоидаларга риоя этилиши кабилардир. Машғулотнинг бу қисми вазифаси болаларда унга нисбатан қизиқиш уйғотишдан тортиб то диққатни жамлаш, айрим ҳаракат кўникмаларини шакллантириш ва кейинги фаолиятга тайёрлашни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, бу қисмда сафланиш машқлари - турлича сафланишлар, қайта сафланишлар, топшириқлар билан бажариладиган (йўналиши кўрсатилган бурилишлар) юриш ва югуриш, енгил югуриш ҳамда кейинчалик кичик давра бўлиб сафланиш; турли кўринишдаги юришлар - товонда, оёқ учида, белгиланган чизиқда, нарвонда юриш ва бошқа машқлар танлаб олинади. Кириш қисми болаларнинг қаторларга бўлиниб, доира бўлиб сафланиши, тарқалиши билан якунланади. Бу болаларни машғулотнинг асосий қисми бошланишидаги умумривожлантирувчи машқларни ўргатишга хизмат қилади.

Машғулотнинг асосий қисмида қулай ҳолатда дастлаб болаларни умумривожлантирувчи машқларга, сўнг асосий ҳаракатларга ўргатиш (2-3 тагача), жисмоний сифатлар (куч, чаққонлик, эпчиллик)ни тарбиялаш вазифалари белгиланади. Сўнг асосий ҳаракатларни мустақамлайдиган ҳаракатли ўйинлар ўтказилади. Умумривожлантирувчи машқларни болалар буюмлар - байроқчалар, таёқчалар, чамбараклар, арқонлар билан бажаришлари мумкин. Машғулотни якунловчи қисми тинч ҳолдаги ҳаракатли ўйиндан сўнг тобора секинлашадиган суратдаги юришлар билан амалга оширилади.

Жисмоний тарбия машғулоти мунтазам ташкил этилганда болаларда ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши ва малакаларни ортишига сабаб бўлади. Айрим машғулотларда асосий эътибор болаларни янги жисмоний машқларни аввал ўрганилгани билан бирга ўргатишга, иккинчи хил машғулотларда ҳаракат (кўникма ва малака)ларни болалар томонидан ўзлаштириш даражасига эътибор қаратилади. Жисмоний тарбия машғулотида қўйилган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, эришилаётган натижалар, яқка тартибдаги машқлар таҳлил қилинади. Аввалги ва кейинги машғулотлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик, умумий мақсадга йўналганлик, оддийдан мураккаблашиб борадиган ҳаракатларни қўллаш, машқлар орасидаги изчиллик дастурга мувофиқлик даражаси назорат қилинади. Машғулот шундай ташкил этилганда болаларда масъулият, ўзини тута билиш, топшириқни мустақил бажариш малакаси шаклланиб, ўз кўникмаларини онгли равишда орттириб бориш имконияти яратилади.

Муҳокама. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбия машғулотидаги фаолиятлари ўрганилиб чиқилиб, кузатув ва ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлилига асосан куйидагиларни келтириш мумкин: мактабгача ёшдаги болаларда ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантиришда мактабгача таълим ташкилотида ҳаракатли ўйинларни йирикмоторика,

майдамоторика ва сенсомоторикага йўналтирилган ҳолда ташкил этиш; болаларда айрим ҳаракат кўникма ва малакаларини (улоқтириш, узунликка сакраш, арқончада сакраш) шакллантириш ҳамда малакаларини оширишда шу машқ-ҳаракатларни ўз ичига олган ўйин шаклидаги машғулотлардан фойдаланиш; мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаолиятига ўргатиш давомида билиш ва бажариш қобилиятлари ривожлантирилиб, унинг жисмоний ҳаракат малакаларининг шаклланишида энг асосий ҳаракат кўникма ва малакаларини секин аста босқичма-босқич ошириб бориш, жисмоний юкломани кўшиш ва назорат қилиш, фаолият мазмунидан келиб чиқиб машғулот ва машқлар хилма хиллигини таъминлаш; болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда усулларнинг бир-бирига қўшиб олиб борилиши, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири кўрсатиши, кўргазмали тарзда намоён бўлиши турли ёш доирасида ҳаракатли ўйинларни бажарилишини назорат қилиш ҳамда натижаларни солиштириш орқали онгли тарзда кўникма ва малакаларини шакллантиришга эришилади.

Хулоса. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотида жисмонан ривожлантириш ва тарбиялашда “Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”нинг жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўналишидаги талабларни бажаришга эришиш зарур. Кичик ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантиришда мактабгача таълим ташкилотида кун тартибига мувофиқ жисмоний тарбия машғулоти, спорт тадбирлари, сайр, кўнгилочар соатлар, қувноқ дақиқалар, бадантарбия машқлари, фаоллик марказларида барча фаолиятларни гуруҳлар кесимида педагогик меъёрларга мувофиқ амалга ошириш болаларнинг жисмоний жиҳатдан етук ривожланишини таъминлайди. 3-7 ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланганлик даражаларини аниқлашда жисмоний ривожланиш харитасини тузиш, оралик (декабрь, январь, май) даврларда кузатиш ва натижаларни қайд этиб бориш, тарбияланувчиларнинг жисмоний ривожланишларини назорат қилиш, йил давомида 72 та машғулотда бажартириш лозим бўлган машқ ва ҳаракатли ўйинларни танлаш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

- 1) Нуриддинова М.М. Мактабгача таълим муассасалари жисмоний тарбия йўриқчилари учун меъёрий ҳужжатлар мажмуи: ўқув қўлланма. -Т: Мухаррир, 2013. – 102б.
- 2) Усманходжаев Т.С. ва бош. Мактабгача таълим муассасларида жисмоний тарбия: ўқув қўлланма. - Т: Илм-зиё, 2018. –160б.

УДК: 796:338:89:28:078: (1-4)

МЕТОДИКА ПРОВЕДЕНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ЗАНЯТИЕ В ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Муяссар Нуриддинова

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

nuriddinova.muyassar83@mail.ru

Аннотация. В данной статье представлена информация по организации занятий физической культурой с дошкольниками.

Ключевые слова: двигательная активность, утренняя зарядка, игры, занятия физической культуры, зарядка, гимнастика.

UDC: 796:338:89:28:078: (1-4)

METHODOLOGY OF PROVIDING PHYSICAL EDUCATION TRAINING INPRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

Muyassar Nuriddinova

*Uzbek state university of physical education and sport
Chirchik, Uzbekistan*

nuriddinova.muyassar83@mail.ru

Annotation. This article provides information on organizing physical education activities with preschoolers.

Keywords: physical activity, morning exercise, games, training, exercise, gymnastics.

ЎСМИР СПОРТЧИЛАРДА ЧИДАМЛИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Дилноза Рахматова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

dilnozara1982@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола ўсмир спортчиларнинг чидамлилигини шакллантиришга бағишланган бўлиб, бунда машғулот юкламаларининг шиддат зоналари бўйича тақсимланиши, аэроб, аэроб-анаэроб, аралаш ва анаэроб жисмоний юкламаларнинг шуғулланувчилар организмга таъсири, машқларни бажаришда машғулот юкламаларининг 5 та таркибий қисмлар билан ифодаланиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ўсмир спортчиларни тайёрлаш, машғулот юкламалари, аэроб, аралаш, аэроб-анаэроб, ўйин услуги, мусобақа услуги.

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Мамлакатимизда ҳар хил спорт турларини ривожлантириш, “ёшларни спортга жалб қилиш ва иқтидорли спортчиларни саралаш, халқаро спорт майдонларида юқори натижаларни таъминлай оладиган малакали спортчилар орасидан Ўзбекистон терма жамоаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Республикаимизда ҳар томонлама етук ва юксак маданиятга эга жисмонан соғлом инсонни шакллантириш учун аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги билимлари ва малакасини ошириш, иқтидорли ёшларни саралаш ҳамда тайёрлашнинг инновацион шакллари ҳамда методларини жорий этишга устувор вазифа сифатида қараш жоиз”. Спортчининг чидамлилигини аниқлаб берувчи омиллар тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши муайян спорт турида чидамлилиқни ривожлантириш самарадорлигини назорат қилиш жараёнида қўлланилиши керак бўлган энг ахборотли тестлар ва мезонлар тўғрисидаги масала билан узвий боғлиқ. Спортчиларимиз томонидан Олимпия ўйинларида кўрсатилган юқори натижалар ва ўрнатилган рекордлар республикаимизда ушбу соҳада тизимли ислохотлар олиб борилаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда спорт машғулотлари назариясида йиллик циклни турли босқичлари ва даврларида тайёргарлик воситаларини мақсадли танлашни амалга ошириш, чидамлилиқни ривожлантиришга қаратилган машғулот юкламаларига нисбатан мослашиш механизмларини ишлаб чиқиш, 10-16 ёшдаги спортчиларни жароҳатларсиз асосий мусобақаларга тайёрлаш ва олиб келиш намунавий дастурларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди. Шунининча олиб, ҳар хил спорт турлари бўйича рақобатбардош спортчиларни тайёрлашга қаратилган илмий ишларни янада такомиллаштириш масаласини ҳал этиш ва машғулот жараёнини илмий ташкил этиш, 10-16 ёшдаги ёш спортчиларда чидамлилиқни ривожлантиришга қаратилган машғулот юкламаларининг оптимал нисбатларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни этишга муайян даражада хизмат қилади [1, 2]

Тадқиқотнинг мақсади: 10-16 ёшдаги ёш спортчиларда чидамлилиқни ривожлантириш воситалари, методларидан фойдаланиш самарадорлигини назарий асослаш ва тажрибада текширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- 10-16 ёшли спортчиларда чидамлилиқни ривожлантиришнинг тузилмавий-тизимли моделини назарий асослаш ва ишлаб чиқиш;

- чидамлилиқнинг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатувчи аҳамиятли кўрсаткичлар ва тайёргарликнинг турли босқичларида уларнинг мумкин бўлган ўзгаришлари диапазонининг модел даражаларини аниқлаш;

- энгил атлетика спорт турларида ўқув-машқ машғулотларини ташкил қилишда индивидуал-гуруҳли методдан фойдаланган ҳолда ёш спортчиларда чидамлилиқнинг ривожланишини педагогик назорат қилишдан фойдаланишни тажрибада асослаш.

Чидамлилиқни шакллантиришда асосий вазифа организмда керакли хусусиятга эга ва ҳажмдаги жавоб ўзгаришларига эришиш ҳисобланади.

Ёш спортчиларда чидамлилиқни ривожлантириш учун машғулот юкламаларини оқилона қўллаш ҳамда уларни мунтазам равишда педагогик назорат қилиб бориш зарур. Машғулот

юкламалари мусобақа фаолиятининг ўзига хос хусусиятига боғлиқ ҳолда турли хилдаги чидамлиликни ривожлантиришга қаратилиши керак. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган шиддат зоналари таснифи ёш енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулот жараёнида тажрибада текширилди (n=100).

Биринчи шиддат зонаси аэроб чидамлиликни ривожлантиришга қаратилган турли хил машқлардан иборат. Машқлар нисбатан паст шиддат ва катта ҳажм билан тавсифланади. Бу ёшларнинг кислоталаниши ҳамда митохондрияларнинг биосинтезини таъминлайди, бунда машқларнинг кўрсатилган режимда бажарилиши катта юкламалардан сўнг анча тикланишга ёрдам беради. Бу машқлар одатда машғулотнинг турли қисмларида ва якуний қисмида қўлланилади. Биринчи зона машқларини бажаришда томир уриши одатда дақиқада 130 зарбадан ошмайди, лактат эса 1-2мл/л га тенг бўлади [3, 4].

Иккинчи шиддат зонаси анаэроб остонани силжитиш учун машқлардан фойдаланишга қаратилган. Бу машқлар танаффусли режимда ЮҚС дақиқасига 150 зарба бўлганда ва лактат даражаси 2-4мл/л дан ошмаган шароитда бажарилади. Дам олиш танаффуслари - 40 сониягача ва сериалар орасида 4 дақиқাগача. Бу машқлар 10-16 ёшдаги ёш енгил атлетикачилар ўқув-машғулот жараёнидаги барча машқларнинг 40% гача бўлган ҳажмини ташкил этади.

Учинчи шиддат зонасида аралаш аэроб-анаэроб режимда ЮҚС дақиқасига 150-170 зарба ва лактат даражаси 5-8 мл/л бўлган шароитда чидамлиликни ривожлантиришга қаратилган машқлардан фойдаланилади. Бу шиддат зонаси машқлари аэроб шиддатнинг ўсишини рағбатлантиради. Бу машқлар ўқув-машғулот жараёнида умумий ҳажмга нисбатан 20% гача ҳажмини ташкил этади.

Тўртинчи шиддат зонасида ЮҚС дақиқасига 180-200 зарба ва лактат кўрсаткичи 8-10 мл/л ни ташкил этган шароитларда бажариладиган машқлар қўлланилади. Бу машқлар кўп жихатдан организмнинг кардиореспиратор ва метаболик тизимларига таъсир кўрсатади. Болаларнинг ўқув-машғулот жараёнида бу шиддат зонасидаги машқлар кўпи билан 10% ни (умумий йиллик юкламага нисбатан) ташкил этади.

Бешинчи шиддат зонаси 10-15 сония давом этадиган юқори шиддатли машқларни ўз ичига олади, бу ерда энергиянинг алақат манбаларини сафарбар этиш талаб қилинади. ЮҚС дақиқасига 160-180 зарбани ташкил этади, лактат миқдори 4-6 мл/л га тенг. Дам олиш танаффуслари кейинги юкламагача тўлиқ тикланиб улгуришни таъминлаши зарур. Шундай қилиб, ёш спортчиларда чидамлиликни мақсадли ривожлантиришни 5 та шиддат зонаси таснифига кўра тақсимлаш керак.

Бу зоналар турли хил режимдаги машғулот юкламалари ҳамда мос равишда бола организмнинг физиологик реакцияларини намоён қилади. Болалар организмнинг чидамлиликка қаратилган машғулот юкламаларига нисбатан мослашишнинг айрим хусусиятлари аниқланди. Ёш спортчиларда гипоксия шароитида юкламаларга бардош бериш қобилияти ҳамда ўсиб борувчи толиқишга қаршилик қилиш қобилиятлари сусайган. Бироқ ёш спортчилар танаффусли ва қисқа муддатли машқлардан сўнг анча тез тикланишни намоён қилдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чидамлиликни ривожлантириш методикалари жуда хилма-хил. Бу чидамлилик зарур бўлган фаолият турларининг чексиз хиллари билан боғлиқ, (ҳозирги вақтда 20 дан ортиқ махсус чидамлилик турлари ажратилади). Шу билан бирга, чидамлиликни намоён қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятни рўёбга ошириш маълум бир физиологик механизмлар ҳамда энергия таъминоти манбаларининг иштирок этишига муҳтож.

Адабиётлар рўйхати

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон).
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сонли фармони.
- 3) Рахматов Н.А., Махмудов Т.М., Мирзаев С. Чидамкорликнинг биокимёвий асослари ва уни ривожлантириш услублари //Биокимё: Дарслик. - Т., 2007. - Б. 390-396.
- 4) Югуриш ва юриш бўйича мусобақаларни ўтказиш қоидалари // Енгил атлетика: Ўқув қўлланма. - Т., 2007. - Б. 98-100.

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВЫНОСЛИВОСТИ У СПОРТСМЕНОВ-ПОДРОСТКОВ

Дилноза Рахматова

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта,
Чирчик, Узбекистан

dilnozara1982@gmail.com

Аннотация: Настоящая статья посвящена формированию качества выносливости у юных спортсменов, здесь раскрывается распределение тренировочных нагрузок по зонам интенсивности, влияние аэробных, аэробно-анаэробных, смешанных и анаэробных нагрузок на организм занимающихся, пять компонентов, характеризующих тренировочные нагрузки при выполнении физических упражнений.

Ключевые слова: подготовка юных спортсменов, тренировочная нагрузка, аэробная, смешанная, аэробно-анаэробная, игровой метод.

SCIENTIFIC BASIS OF ENDURANCE FORMATION IN TEENAGE ATHLETES

Dilnosa Rakhmatova

Uzbek State University of Physical Culture and Sports,
Chirchik, Uzbekistan

dilnozara1982@gmail.com

Abstract: This article is devoted to the formation of the quality of endurance in young athletes, here the distribution of training loads by zones of intensity, the influence of aerobic, aerobic-anaerobic, mixed and anaerobic loads on the organ-organism of those involved, five components characterizing training loads when performing physical exercises.

Key words: training of young athletes, training feeding, aerobic, mixed, aerobic-anaerobic, game method.



УДК: 373:372.8:371.72

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА ВАЛЕОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фарида Рўзиева, Умеда Мусаева

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчик, Ўзбекистон

fuzieva00@gmail.com

Аннотация. Болаларни соғлом қилиб тарбиялаш жамиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтан назардан ҳар қандай жамиятнинг олдида турган асосий вазифа болалар соғлиги ва узоқ умр кўришлари учун шароит яратишдан иборат. Шундай қилиб, ўқувчиларида валеологик маданиятини бошланғич синфлардан шакллантириш лозим.

Калит сўзлар: гигиена, соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзи, валеология, атроф-муҳит

Кириш. Соғлом авлод деганда биз жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки, ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олмағимиз шарт. Яна шунингдек, “Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиш” маданиятини ёшлиқдан оила, мактаб, маҳалла, соғликни сақлаш тизими жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамызда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни аҳоли ўртасида оммалаштириш, ёш авлодни ақлан соғлом ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бошланғич синф ўқувчиларининг 60%да қаддиқоматнинг бузилиши, барча битирувчиларнинг 50%да кўриш қобилятининг пасайиши, барча ўқувчиларнинг 30-40%да юрак-қон томир фаолиятининг касалликлари, 20-30%да асабий-руҳий таъсирчанлик, 45%да эса турли хил сурункали касалликлар мавжудлиги кузатилган.

Тадқиқотчилардан Д.У.Нистряннинг таъкидлашича, инсон саломатлиги 60% турмуш тарзига, 20% эса атроф-муҳитга, 12% одамнинг ирсияти ва бор-йўғи 8% тиббий хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ.

Мақсад ва вазифалари. Ҳозирги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоси жамиятимиз учун ҳал этилиши муҳим бўлган масалалардан биридир. Жамоат ва шахсий транспортнинг кенг қўламда ривожланиши эса одамнинг жисмоний фаолиятини пасайтириб юборади. Бунинг натижасида юрак-томир, овқат хазм қилиш аъзолари касалликлари кўпайиб

бормоқда. Табиийки, бу олимлар республика аҳолисининг 40% яқинини ташкил қилувчи болалар ва ўсмирлар саломатлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Sport to'garaklari bolalarni tarbiyalashni rivojlantiradi, kundalik rejimga rioya qilish va hech qanday holatda o'zini oqsoqlanishiga yo'l qo'ymaslik odatini rivojlantiradi. sport to'garaklari bilan shug'ullangan odamda iroda, chidamlilik, matonat, o'ziga ishonch ortadi. Sport salomatlikni mustahkamlashga, kasalliklarga va charchashga chidamli bo'lishga, jarohatlanishning kamayishiga yordam beradi. jismoniy tayyorgarligi bilan shug'ullanganlarning mehnati boshqalarnikiga qaraganda ancha samaralidir. Ular ish vaqti kamroq charchamaydilar. Barcha kasb hunar kollejlari talabalarining jismoniy tarbiya amaliyotida jismoniy tayyorgarligini joriy qilish mas'uliyatli davlat ishidir. Gumanitar va iqtisodiyot fanlar bilan band bo'lgan xodimlar uchun mehnat faoliyatlari davomida jismoniy tayyorgarligi bilan shug'ullanish ham muhim ahamiyatga ega. Bunday mashg'ulotlar professional layoqatlilik darajasini takomillashtirishga yordam beradi. jismoniy tayyorgarligi mehnatni tashkil qilishning yangi shakllaridan foydalanishni tavsiya qiladi. Jismoniy tayyorgarligi mutaxassisning oliy o'quv yurtida jismonan rivojlanishning tashkiliy bir qismi deb qarash kerak. jismoniy tayyorgarligini joriy qilish tajribasi shuni ko'rsatadiki, bunday yondashishi bu murakkab pedagogik jarayonning texnologiyasini chuqurroq o'rganishga hamda undan foydalanishga yordam beradi.

Sport sohasida o'zining tarbiyaviy va tashkiliy asoslariga va aniq yo'nalishiga ega. jismoniy tayyorgarligi faoliyati xom ashyo bazasiga, maxsus adabiyotlar, ilmiy izlanishlarni o'tkazish, tashviqot-targ'ibot ishlari olib borish, jismoniy tayyorgarligi rahbariyatining maxsus nazariy va uslubiy tayyorgarligini ta'minlaydi. Kasb hunar kollejlari jismoniy tayyorgarligini rejalashtirishda uning tashkiliy bosqichlari hisobga olinadi. jismoniy tayyorgarligi jismoniy tarbiya jarayonida olib boriladigan tarbiyaviy va sog'lomlashtiruvchi mashg'ulotlar bilan bog'liq. Jismoniy tarbiya aholining umumiy tarbiyasini bir qismi bo'lib, bu tarbiya jarayonida aqliy, ahloqiy, estetik hamda mehnat tarbiyasi amalga oshiriladi.

Jismoniy tarbiyaning asosiy maqsadi:

Jismoniy mashqlar jismoniy tarbiya qonuniyatlariga muvofiq ravishda foydalaniladigan harakatlarni, insonni jismoniy tarbiyalash vositasidir. Jismoniy mashqlartarixiy jixatdan tarkib topib, uslubiy jixatdan gimnastika, o'yin, sport va turizm sifatida shakllangandir. Jismoniy tarbiya vositasi sifatida jismoniy mashqlar mashg'ul bo'luvchining aktiv harakat faoliyatini ko'zda tutadi. Jismoniy mashqlarning o'ziga xos xususiyatlari harakatlarni shakllantirish va takomillashtirishga bo'lgan ishtiyoq, harakatlarning maqsadi va unga erishish vositalari haqidagi tasavvur hamda harakatlarni bajarish niyati va iroda urinishlarida

ifodalanadi. Jismoniy mashqlar insonni dunyoqarashini, psixik ruhiy faoliyatini kengaytiradi va takomillashtiradi. Uning histuyg`ulari va irodasini hamda harakterini kamol toptiradi.

Xulosa va munozara. Xulosa qilib aytganda, jismoniy tarbiya va sport to`garaklari intellektual jarayonlarning rivojlanishiga yordam beradi - diqqat, idrokning ravshanligi, xotira, ko`payish, tasavvur, fikrlash, aqliy faoliyatni takomillashtirish. Sog`lom, qotib qolgan, jismonan barkamol o`g`il-qizlar, odatda, o`quv materiallarini yaxshi qabul qiladilar, maktab darslarida kamroq charchashadi, shamollash tufayli darslarni qoldirmaydilar. Jismoniy tarbiya ham shaxsni shaxs sifatida shakllantirishning eng muhim vositasidir. Yosh sportchilarni tayyorlash, ularga alohida e`tibor qaratish, shart-sharoitlar yaratish mamlakatimizni jahon miqyosida tanitish, sog`lom avlodga ega bo`lishning asosidir.

УДК: 796.01

СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ДЕТСКОГО СПОРТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Зафар Бердимуродов

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Чирчик, Узбекистан

zafar09@mail.ru

Аннотация: В данной статье освещаются направления и социальная значимость развития детского спорта в Узбекистане с раннего периода независимости до наших дней.

Ключевые слова: спорт, государство, дети, представитель, страна, развитие, независимость, реформа, принцип.

UDC: 796.01

SOCIAL SIGNIFICANCE OF CHILDREN'S SPORTS DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Zafar Berdimurodov

Uzbek State University of Physical Educations and Sports.

Chirchik, Uzbekistan

zafar09@mail.ru

Abstract: This article highlights the directions and social importance of children's sports development in Uzbekistan from the early period of independence to the present day.

Key words: Sport, State, children, representative, country, development, independence, reform, principle.



O`ZBEKISTON TERMA JAMOASI A`ZOLARIGA ZAXIRA TAYYORLASH MEKANIZMLARI

Bahrom Musayev, Azamat Turabov

O`zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O`zbekiston

Annotatsiya: Maqolada O`zbekiston respublikasi sharoitida yuqori malakali sportchilarga zahira tayyorlash mexanizmining huquqiy asoslari, tartiblari va real sharoitlarini solishtirma ma`lumotlari haqida so`z yuritilgan.

Kalit so`zlar: Olimpiada, terma jamoa, zaxira, mexanizm, murabbiy, sportchi, musobaqa.

So`nggi yillarda O`zbekiston terma jamoasi olimpiadalarda har tomonlama porlamoqda. Aytish mumkinki, buning sababi yurtimizda faoliyat olib borayotgan sport mutasaddilarining, sportchilarning ko`p yillik mehnati natijasidir. Ammo, sportda doimiy ravishda avlodlar almashinuvi ro`y beradi. Shunday ekan terma jamoa a`zolariga zaxira tayyorlash bugungi kun sportining eng ahamiyatli masalasidir.

Olimpiya zaxiralari kollejlari bazasida yuqori malakali sportchilar va sportchi kadrlar zaxirasini tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish, shuningdek ularning yagona tipdagi ta`lim muassasalari sifatidagi faoliyati tartibi va shart-sharoitlarini sinxronlashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 30-iyuldagi qarori bilan yurtimizda terma jamoa uchun zaxira sportchilarni tayyorlash mexanizmi ishga tushirilgan.

O`zbekiston respublikasida sportchilarni tayyorlash mexanizmida kichik yoshdagi bolalar tayyorgarligidan tortib professional sportchilarni tayyorlashgacha bosqichlar mavjud. Bugungi kunda mamlakatimizda 15 ta olimpiya zaxiralari kolleji, 344 ta sport maktabi va 7 ta oliy sport mahorati maktabi

faoliyat yuritib kelmoqda. Ularda 380 ming nafar yoshlar 100 dan ortiq sport turi bilan muntazam shug'ullanmoqda.

So'nggi uch yilda Olimpiya zaxiralari kollejlari o'quvchilari xalqaro musobaqalarda 723 ta, Respublika turnirlarida 10 mingdan ziyod medallarni qo'lga kiritgan. Qariyb 4.500 nafar o'quvchi O'zbekiston milliy terma jamoalariga qabul qilingan. Terma jamoa a`zolariga zaxira tayyorlashni yanada rivojlantirish uchun sport ta'limi muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, murabbiylar malakasini oshirish zarur.

Xususan, ushbu muassasalarda faoliyat yuritayotgan 14000 yaqin murabbiylarning qariyb 6000 nafari oliy ma'lumotga ega emas. Shuningdek, joylarda ot sporti, zamonaviy besh kurash, regbi, o'q otish, kamondan otish, velosport, suvga sakrash va sinxron suzish bo'yicha murabbiylar yetishmaydi.

Seleksiya ishlarini kuchaytirish, bu jarayonda ochiqlik va shaffoflikni ta'minlab, korrupsiya holatlariga barham berish bo'yicha prezidentimiz tomonidan bir qancha ko'rsatmalar berib kelinmoqda. Olimpiya zaxiralari kollejlari o'quvchilarni qabul qilish, iqtidorli sportchilarni saralash va musobaqalar tashkil etish bo'yicha elektron platformani ishga tushirish rejalashtirilgan.

Prezidentimiz Olimpiya zaxiralari kollejlari sport federatsiyalari bilan uzviy bog'lash, iqtidorli yoshlarni o'stirishda promouter, skaut, agent kabi mutaxassislar faoliyatini keng qo'llash va bu yo'nalishlarni rivojlantirish muhimligini ta'kidladilar. Buning sababi shundaki, har bir professional sportchi o'z agentiga ega bo'lishi lozim, sportchi yutuqqa erishishi uchun ham jismoniy ham psixologik tayyorgarlikka ega bo'lishi zarur. Shunday ekan zaxira tayyorlashda bu jarayon o'ta muhimdir.

Sport zaxiralarni tayyorlash, bir tomondan to'laligicha yuqori muvaffaqiyatlar sportiga qaratilgan, chunki oliy toifadagi jamoalar sportchilari model tavsiflariga javob beruvchi ko'rsatkichlar bo'yicha yosh sportchilarni tayyorlashga qaratilgan. Unga yo'nalishda, ko'p yillik mashg'ulotlar davomida yosh sportchilar javob berishi lozim bo'lgan talablar belgilanadi. Boshqa tomondan, sport zahirasi tayyorgarligi jarayoni, jismoniy tarbiya – sog'lomlashtirish va sport ishlarining ommaviy turlari bilan shug'ullanuvchi umumta'lim maktablari, o'rta maxsus o'quv muassasalari va boshqa tashkilotlar bilan chambarchas bog'liq [1].

Davlatimizda 2021-2022-o'quv yilidan boshlab, sport maktablarida davlat buyurtmasi asosida razryadli va unvonli sportchilarni tayyorlashning yo'lga qo'yilishi bu borada qo'yilgan ulkan qadamlardan biri bo'ldi. Murabbiylar yetishmayotgan sport turlari bo'yicha malakali xorijiy mutaxassislarni jalb qilish, ularga mahalliy murabbiy va talabalarni birlashtirib, tajribasini o'rganish orqali oqsayotgan sport turlarini yanada rivojlantirishga erishish mumkin.

Sport ta'limi muassasalarini qurish va ta'mirlash, zamonaviy jihozlar va sport adabiyotlari bilan ta'minlash ham sportchi zaxirasi yaratishning ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi [3]. "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil, 24-yanvardagi PF-5924-sonli Farmoni ham milliy terma jamoamiz a`zolariga zaxira tayyorlashni takomillashtirishda muhim rol tutmoqda. Respublikada oxirgi yillarda jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish, aholi o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, imkoniyatlari cheklangan shaxslarning jismoniy reabilitatsiyasi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish hamda mamlakatning xalqaro sport maydonlarida munosib ishtirok etishini ta'minlash borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, jismoniy tarbiya va sport sohasida aholi sog'lig'ini mustahkamlashga ko'maklashadigan aniq dasturlarni amaliyotga joriy etish, yoshlarni sportga keng jalb qilish va ular orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish, sport turlari bo'yicha yuqori natijalarni ta'minlaydigan mahoratli sportchilar bilan milliy terma jamoalarni shakllantirish va trenyerlar uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish zarurati mavjud

Oliy malakali sportchilar zaxirasini tayyorlashdan maqsad shundaki, yosh sportchilar, yuqori natijalar sportiga o'tar ekanlar, oliy toifali sportchi bo'lishlari uchun barcha imkoniyatlarga ega bo'lishlari lozim.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Железняк Ю.Д. Жисмоний тарбия - спорт фаолияти профессионализм// умумий ва Амалий акмеология асослари. –М.,2014.
- 2) Ашмарин Б.А Жисмоний тарбияда педагогик тадқиқотлар назарияси ва методикаси. –М., 2011.
- 3) Ёш спортчиларни назарий тайёрлаш / Ю.Ф. Буйлин, Ю.Ф. Курамшин таҳрири остида. –М., 2019.
- 4) Чернов К.Л спорт мусобақалари назарияси долзарб аспекти. –М., 2014.

МЕХАНИЗМЫ ПОДГОТОВКИ РЕЗЕРВА СБОРНЫМ КОМАНДАМ УЗБЕКИСТАНА

Бахром Мусаев, Азамат Турабов

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

Аннотация: В статье говорится о правовых основах, процедурах и сравнительных данных реальных условий механизма подготовки резерва высококвалифицированных спортсменов в условиях Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Олимпиада, сборная, резерв, механизм, тренер, спортсмен, соревнование.

MECHANISMS FOR RESERVE PREPARATION TO NATIONAL TEAMS OF UZBEKISTAN

Bakhrom Musaev, Azamat Turabov

*Uzbek State University of Physical Culture and Sports
Chirchik, Uzbekistan*

Abstract: The article refers to the legal foundations, procedures and comparative data of the real conditions of the mechanism for training a reserve of highly qualified athletes in the conditions of the Republic of Uzbekistan.

Key words: Olympics, national team, reserve, mechanism, coach, athlete, competition.



SPORT SOHASIDA ISHLAB CHIQRISH VA XIZMAT KO'RSATISH YO'NALISHIDA RAQOBATBARDOSH YETAKCHILIKDAGI MARKETING

Rishat Nabiullin, Nurxon Yoqubova, Orifjon Berdiyev

*O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti
Chirchiq, O'zbekiston*

nurxon.yoqubova95@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada tovar va xizmatlar ishlab chiqarishning globallashuvi sharoitida kompaniya uchun raqobatbardosh bozorda samarali natijalarni ta'minlashda hal qilinishi kerak bo'lgan vazifalar va marketingning o'rni bayon qilingan.

Kalit so'zlar: tovar va xizmatlar, marketing, raqobat, marketing hujumlari, raqobat tahlili, strategiya va taktika.

Kirish. Tovar va xizmatlar ishlab chiqarishning globallashuvi sharoitida kompaniya uchun raqobatbardosh bozorda samarali natijalarni ta'minlashda hal qilinishi kerak bo'lgan vazifalar va marketingning o'rni katta ahamiyatga ega. Kompaniya oldida turgan maqsadli vazifalarni hal qilish uchun raqobatdosh kompaniyalarga nisbatan barqaror raqobatdosh ustunlikka erishish kerak. Buning uchun kompaniyalar nafaqat odamlarning ehtiyojlari va ehtiyojlarini qondirishga e'tibor qaratishlari kerak, bu klassik ta'rifda yozilganidek. marketing, balki marketing faoliyatida ham hisobga olsak, biz boshqa ko'plab omillarning, jumladan, raqobatchilar haqidagi bozor tadqiqotlarining ta'sirini hisobga oladigan olimlarning pozitsiyasini qonuniy deb hisoblaymiz.

Tadqiqot usullari va tashkil etilishi. Ko'p faktorli marketing yondashuvidan foydalangan holda raqobatdosh kompaniyani har tomonlama o'rganishga qaratilgan marketing faoliyati samaradorligini ochib berish.

Moddiy ne'matlar va xizmatlar ishlab chiqarishning iqtisodiy sohasining globallashuvi sharoitida yirik va kuchli kompaniyalar kichikroq va kuchsizroq kompaniyalarga nozik tarzda raqobatbardosh ta'sir ko'rsatadilar.

Savol tug'iladi: raqobatbardoshligi past bo'lgan kichik kompaniyalar bunday sharoitda nima qilishlari kerak, vaziyat ishlab chiqarishni qisqartirish yoki kuchli raqobatchilarning kuchli oqimiga qo'shilish kerakmi? Bunday holat har qanday samarali biznesning ajralmas qismi ekanligini inobatga olsak, yirik kompaniyalar o'rtasida yuqori bo'g'inda keskin raqobat hukm surayotgan mana shu girdobda kichik biznes ham bo'lishi zarur. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, yuqori bo'g'indagi raqobat qanchalik kuchli bo'lsa, bir qancha kuchsizroq tashkilotlarning ko'proq birlashishi uning manfaatlarini hisobga oladi. Bunday holatlar marketing ta'rifida aks etadimi? Marketingga ikki mingdan ortiq marketing ta'riflari bilan yangi falsafa kerakmi? Amerika Marketing Assotsiatsiyasi va Filipp Kotlyar tomonidan marketingning yangi ta'rifida birinchi o'rinda ... "iste'molchi ehtiyojlari va istaklari" nazariyasining izohi bilan tavsiflanadi. Marketingning eng to'liq va bosqichma-bosqich ta'rifi mavjud. Jon A. Xovard ta'rifida "Marketing - bu

quyidagilardan iborat jarayon: 1) mijozlar ehtiyojlarini aniqlash; 2) ishlab chiqarish imkoniyatlari nuqtai nazaridan ushbu ehtiyojlar haqida o'ylash; 3) bu fikrni tashkilotdagi tegishli qaror qabul qiluvchilarga etkazish; 4) mijozlarning oldindan aniqlangan ehtiyojlari nuqtai nazaridan kutilayotgan oqibatlar haqida o'ylash; 5) kontseptsiyani kerakli odamlarga yetkazish.

Natija va muhokamalar. To'g'ri odamlarni tushunish, aniqlash va ular bilan muloqot qilish kompaniyalarga o'z mahsulot va xizmatlarini raqobatbardosh bozorda muvaffaqiyatli taqdim etishga yordam beradi. Bu tanlovda bozor tadqiqotini muvaffaqiyatli olib borgan, marketingni xaridorlarga qaratgan kishi g'olib bo'ladi. Biroq, zamonaviy sharoitda muvaffaqiyatga erishish uchun faqat iste'molchilarga e'tibor qaratishning o'zi yetarli emas. Chunki odamlar nima istayotganini bilish har doim ham muvaffaqiyat bilan ta'minlanmaydi va kompaniyaga kutilgan natijani bermaydi. Shuni hisobga olish kerakki, shunga o'xshash mahsulotlar, masalan, Z-kompaniyalari allaqachon o'ndan ortiq X-kompaniyalari tomonidan taqdim etilgan. Bu holda Z-kompaniyasi X-ishlab chiqaruvchilari tufayli ham mahalliy, ham xorijiy firmalar bilan raqobatda muammoga duch keladi.

Shuning uchun kompaniya raqobatchilarni ham hisobga olishi va e'tiborini qaratishi kerak. U o'z pozitsiyalarida zaif tomonlarni izlashi kerak. futbol o'yinlarida bo'lgani kabi va zaif nuqtalarga qaratilgan marketing hujumlarini tashkil qilish kerak. Shu bilan birga, bir-biriga qarab emas, balki manevr qilish va raqib bilan bo'shliqni topish kerak. Yaxshi o'ylangan marketing rejasi har doim rejaning oxirida "Raqobat tahlili" deb nomlangan bo'limga ega. Rejaning asosiy qismi bozorning turli segmentlarini batafsil tavsiflashga bag'ishlangan bo'ladi. Marketing rejasi dogma emas. U ichki bozordagi va tashqi muhitdagi o'zgarishlarni, ayniqsa mumkin bo'lgan raqobatchilarni ularning kuchli va zaif tomonlarini o'rganish bilan hisobga olishi kerak. Asosiy shaxslardan biri marketolog bo'lganligi sababli, har bir raqobatchining marketing bo'yicha ma'lumotnomasi bo'lishi, uning toj taktikasini, ish uslubini o'rganish, kelajakdagi harakatlar haqida bilish uchun raqobatchilar, razvedka ishlari kerak bo'ladi. Bu holatni ikki futbol jamoasining o'yini bilan solishtirish mumkin. Misol uchun, ikkita futbol jamoasi o'ynaydi, ularning har biri raqibning zaif joyini qidiradi va raqib darvozasiga frontal hujumga o'tmaydi, balki chalg'ituvchi manevrlar orqali qanotlardan keladi, raqib o'yinchilaridan ustun turadi va to'pni darvozaga kiritadi.

Marketingda ham to'g'ridan-to'g'ri harakat qilish mumkin emas, lekin raqobatchini bostirish va raqobatbardosh bozorda hududni egallash uchun bunday taktika va chalg'ituvchi vositalardan foydalanish kerak. Bu marketologning mahorati va professionalligini baholash bo'ladi. Bundan xulosa qilishimiz mumkinki, marketing - bu kompaniyalarning raqobatbardosh bozorda hukmronlik qilish uchun foydalanadigan strategiyasi va taktikasi.

Shu sababli, zamonaviy dunyoda global iqtisodiyot bosqichida marketingning tabiati inson ehtiyojlari va ehtiyojlarini qondirish emas, balki korporatsiyalar o'rtasidagi kurashdir.

Raqobat - bu iste'mol bozori uchun keskin raqobat, ular uchun eng foydali tovar va xizmatlarni eng qulay shartlarda sotib olish uchun xaridorlarning raqobati. Shu bilan birga, raqobat taraqqiyotning dvigateli bo'lib, iqtisodiy turg'unlikning oldini oladi. Shu bilan birga, raqobat konflikt, beqarorlik, bankrotlik va ishsizlik manbai hisoblanadi. AQSh gaz korporatsiyalari va Rossiyaning "Gazprom" kompaniyasi o'rtasidagi raqobat hozir yorqin misoldir.

Rossiya va Ukraina o'rtasidagi ziddiyat tufayli G'arb hamkorlari bilan Rossiyaga qarshi sanksiyalar qo'llash orqali Qo'shma Shtatlar G'arbiy Yevropadagi gaz bozorini egallab oldi. Jahon bozorida dunyo mamlakatlari iqtisodiyoti shunchalik globallasganki, Yevropaning ko'plab mamlakatlarida Qo'shma Shtatlar Rossiyaga qarshi sanksiyalarning oqibatlari bo'lgan energiya narxlarini keskin oshirdi va u tabiiy gaz va neft mahsulotlarini muhim eksport qiluvchilardan biri hisoblanadi. Siyosiy konfliktning mohiyati inson ehtiyojlarini qondirishni hisobga olmaydi. Energiya narxlarining ko'tarilishi tufayli ko'plab kichik va o'rta firmalar ishlab chiqarishni qisqartirishga majbur bo'lmoqda, ayrim mamlakatlarda ishsizlik o'sib bormoqda va narxlar oila byudjetiga qattiq ta'sir qilmoqda. Ma'lumki, bozorda raqobatning ikki turi mavjud: 1) narx raqobati va 2) narxsiz raqobat Zamonaviy biznesning muammosi tovar taqchilligida emas, balki iste'molchilarning kamligidadir. Ko'pgina raqobatdosh ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish kompaniyalari iste'molchilar sotib olishi mumkin bo'lganidan ko'ra ko'proq mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarishga qodir. Ortiqcha ishlab chiqarish raqobatdosh kompaniyalar alohida harakat qilib, bozor ulushini bozor haqiqatda iste'mol qilishi mumkin bo'lganidan ko'proq oshirishni rejalashtirganligi sababli shakllanadi. Natijada, tovar va xizmatlarning haddan tashqari ko'pligi sababli, raqobatchilar o'z tovarlari va xizmatlari narxini pasaytirish orqali sotishni tashkil qilishni boshlaydilar, bu esa foydaning pasayishiga va ayrim kompaniyalarning qulashiga olib keladi.

Birinchi holatda ko'rib turganimizdek, raqobat sizning mahsulotingiz, xizmatlaringiz narxini raqobatchidan pastga tushirish orqali amalga oshiriladi. Rivojlangan raqobat bozorining zamonaviy sharoitida marketing narx bo'lmagan tamoyillar asosida qanday raqobat qilish kerakligi haqida javob beradi va narx bo'lmagan raqobat usuliga ustunlik beriladi - mahsulot yoki xizmatlaringizni bir qator raqobatchilar

mahsulotlaridan ajratib ko'rsatish, unga xaridor uchun o'ziga xos xususiyatlarni berish, texnik xizmat ko'rsatish darajasini oshirish, marketingning ilg'or shakllarini rivojlantirish, mijozlar talabining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda. Buning uchun raqobatchilar yangi mahsulotlarni chiqarish, ularning sifatini oshirish, qo'shimcha xizmatlar ko'rsatish va sotishdan keyingi xizmat ko'rsatish kafolatlariga murojaat qilishadi. Raqobatning narx bo'lmagan usuli samaraliroq, chunki raqobatchilar narx usulida bo'lgani kabi tezda javob bera olmaydi va javob choralari ko'ra olmaydi. Shu bilan birga, raqobatning bu usuli moliyaviy jihatdan narxga qaraganda qimmatroq, lekin muvaffaqiyatli bo'lsa, tezda o'zini oqlaydi, shuning uchun bunday raqobat turi samarali raqobat deb ataladi.

Shuning uchun, marketingni sotish bilan aralashtirib yubormaslik kerak, chunki ko'pincha bo'lgani kabi, ishlab chiqarilgan narsadan qutulishning aqlli va ayyor usullarini topish emas. Marketing "F.Kotler ta'kidlaganidek, maqsadli bozorlarni tanlash, mijozlarni jalb qilish va saqlab qolish, mijozlar bazasini rivojlantirish san'ati va fanidir".

Kompaniya barqaror raqobat ustunliklari orqali muvaffaqiyatga erishadi, zamonaviy sharoitlarda uni uzoq vaqt davomida saqlab qolish juda qiyin va asosan vaqtinchalik.

Xulosa. Raqobatda faqat bir afzallikdan emas, balki bir qancha marketing hiylalaridan foydalanish zarur. Bozorda o'z mahsulotlarining yaxshi xususiyatlari, yuqori sifati, past narxlari bilan kirish harajati qonuniy hisoblanadi. Shu sababli, kompaniyalar o'zlarining raqobatdosh ustunliklarini turli xil manbalardan, bir qator omillarning kombinatsiyasidan olishlari kerak va marketing chegarasiz va yakuniy poygaligi va raqobatdosh ustunliklar mutlaq emas, balki nisbiy ekanligini hisobga olish kerak.

КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫЙ МАРКЕТИНГ В СПОРТИВНОЙ ПРОДУКЦИИ И УСЛУГАХ

Ришат Набиуллин, Нурхон Якубова, Ориф Бердиев

*Узбекский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан*

nurxon.yoqubova95@mail.ru

Аннотация. В статье описаны задачи и роль маркетинга в обеспечении эффективных результатов деятельности компании на конкурентном рынке в условиях глобализации производства товаров и услуг.

Ключевые слова: товары и услуги, маркетинг, конкуренция, маркетинговые атаки, конкурентный анализ, стратегия и тактика.

COMPETITIVE LEADING MARKETING IN SPORTS PRODUCTION AND SERVICES

Rishat Nabiullin, Nurkhan Yakubova, Orif Berdiev

*Uzbekistan State University of Physical Education and Sports
Chirchik, Uzbekistan*

nurxon.yoqubova95@mail.ru

Abstract. The article describes the tasks and the role of marketing in ensuring effective results for the company in the competitive market in the conditions of globalization of production of goods and services.

Keywords: goods and services, marketing, competition, marketing attacks, competitive analysis, strategy and tactics.



YOSH OG‘IR ATLETIKACHILAR MASHG‘ULOT VOSITALARINI REJALASHTIRISH USLUBIYATI

Zafar Norqulov

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Chirchiq, O‘zbekiston

znorqulov@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang‘ich tayyorgarlik guruhida shug‘ullanuvchi yosh og‘ir atletikachilarning jismoniy tayyorgarligi usuliyatining yoshga xos xususiyatlari va yosh xususiyatlaridan kelib chiqib mashg‘ulotda qo‘llaniladigan vositalarning nisbatlari hamda yuklamalarni rejalashtirish orqali natijalarning o‘shishiga erishilgan.

Kalit so‘zlar: yoshga xos xususiyatlar, yuklamalarni rejalashtirish xususiyatlari, mashg‘ulot vositalari, 10-11 yoshli og‘ir atletikachilar.

Kirish. Mamlakatimizda sport sohasida tug‘ma qobiliyatli sportchilarni izlab topish, ulardagi tug‘ma iste‘dodni ro‘yobga chiqarish va rivojlantirish, yoshlar orasidan professional sportga iqtidorli sportchilarni jalb etish borasida muhim ishlar amalga oshirilmoqda. Shu bois respublikamizda sportni ommaviylashtirish va yuqori sport yutuqlarini rivojlantirish ustuvor yo‘nalishlardan biri sifatida qaralmoqda. “Yosh avlodni har tomonlama yetuk etib tarbiyalash, yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish, ularga o‘z qobiliyat va iste‘dodlarini ro‘yobga chiqarishlari uchun zarur shart-sharoitlar yaratish muhim ahamiyat kasb etmoqda”. O‘zbekiston sportchilari jahon sport maydonlarida ulkan muvaffaqiyatlarga erishib, haqli ravishda tan olinib kelmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-yanvardagi “O‘zbekiston respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5924-sonli farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 30-oktabrdagi “Sog‘lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6099-sonli farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 9-noyabrdagi “Sport ta‘limi tizimini tubdan takomillashtirish orqali olimpiya va paralimpiya sport turlari bo‘yicha sportchilar zaxirasini shakllantirish sifatini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5279-sonli qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5-noyabrdagi “2024-yil parij shahrida (fransiya) bo‘lib o‘tadigan xxxiii yozgi olimpiya va XVII paralimpiya o‘yinlariga o‘zbekiston sportchilarini kompleks tayyorlash to‘g‘risida”gi PQ-5281-sonli Qarorlar hamda mazkur sohaga tegishli boshqa me‘yoriy-xuquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga ushbu dissertatsiya tadqiqoti muayyan darajada xizmat qiladi.

Adabiyotlar sharhi. Ma‘lumki, sportchilar yuqori nitajalarga erishish uchun yoshlik chog‘larida sportga ilk qadam qo‘yganda ularning jismoniy va texnik tayyorgarligiga jiddiy e‘tibor qaratilishi bilan bog‘liq. Shu kunga qadar o‘tkazilgan barcha tadqiqot ishlari (A.S.Medvedev, L.S.Dvorkin, A.N.Vorobev, R.M.Matkarimov, E.I.Qodirov,)da yosh og‘ir atletikachilar tayyorgarlik jarayonida MJTning ulushi to‘xtovsiz o‘sib boradi, UJT ulushi esa kamayadi. Mualliflar turli xil tayyorgarlik bosqichlarida UJT va MJTning quyidagi nisbatlarini foizlarda keltiradi: yangi shug‘ullanuvchilar – 80/20%, III-II razryad – 65/35%, II-I razryad – 60/40%; I -SUN-40/60%; SU-30/70%; XTSU-20/80%. Ammo ushbu mualliflarning fikrlari umumiy hisoblanib, biz tahlil qilgan manbaalarda boshlang‘ich tayyorgarlik guruhida shug‘ullanuvchi yosh og‘ir atletikachilarning jismoniy tayyorgarligi usuliyatining yoshga xos xususiyatlari, yosh xususiyatlaridan kelib chiqib mashg‘ulotda qo‘llaniladigan vositalarning nisbatlari, og‘ir atletika sport turi uchun xos bo‘lgan kuch tayyorgarligining yoshga xos jihatlari, yosh og‘ir atletikachilar jismoniy tayyorgarligining tibbiy - biologik asoslari, jismoniy sifatlar rivojlanishining yoshga xos jihatlari, kuch tayyorgarligining yosh og‘ir atletikachilar organizmiga ta‘siri yuzasidan fikrlar mavjud emasligiga hamda muammolar o‘rganilmaganligiga guvoh bo‘ldik. Shu boisdan, yosh og‘ir atletikachilarning mashg‘ulot vositalari va yuklamalarini yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda optimal nisbatlarini hamda o‘rgatishning eng samarali uslublarini aniqlash dolzarb masalala hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi va empirik tahlil. Adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, boshlang‘ich tayyorgarlik bosqichi strategiyasini aniqlash bo‘yicha aniq tadqiqot ishlari bilan asoslangan ko‘rsatmalar mavjud. Boshlang‘ich tayyorgarlikning eng muhim tarkibiy qismi sifatida UJT tan olingan hamda UJT va MJT vositalari nisbatlari umumiy ko‘rinishda taqsimlangan.

Yosh og‘ir atletikachilarni jismoniy tayyorlash sport mashg‘ulot-larining eng muhim tarkibiy qismlaridan hisoblanib, organizmni har tomonlama rivojlantirish, sog‘likni mustahkamlash, jismoniy qobiliyatlarni takomillashtirish va ixtisoslik uchun mustahkam funksional baza yaratishga yo‘naltirilgan jarayondir.

Bugungi kunda sport natijalarining o'sib borishi sportchilarning jismoniy tayyorgarligiga yuksak talablar qo'yadi. Sportdagi yutuqlarning o'sib borishi har doim sportchidan jismoniy qobiliyatlar rivojining yangi darajasini talab qiladi. Jismoniy tayyorgarlikning yuqori darajasiga mashg'ulot va musobaqa yuklamalarini oshirish bilangina erishiladi

Boshlang'ich tayyorgarlik bosqichida UJT ning alohida ahamiyatini e'tiborga olib, 9-10-11 yoshdagi yangi shug'ullanuvchi og'ir atletikachilar uchun UJT vositalaridan foydalanishning aniq parametrlari va optimal nisbatlarini ishlab chiqish hamda tajribada asoslash muhim ahamiyat kasb etadi.

Bundan tashqari, jismoniy sifatlarning rivojlanishining boshlang'ich bosqichida ularning bir-biriga ko'chish darajasi yuqoriligiga asoslangan holda UJT vositalari yordamida maxsus kuch tayyorgarligi vazifalarining bir qismini hal etish mumkin, deb hisoblaymiz. Bunday yondashuv, bizningcha, yangi shug'ullanuvchi og'ir atletikachilarning ham funksional imkoniyatlariga nisbatan, ham og'ir atletikada maxsus kuch tayyorgarligi vositalarining cheklangan imkoniyatidan foydalanishga nisbatan yanada tejamkor hisoblanadi.

U yosh sportchilarning samarali bazaviy tayyorgarligini ta'minlashga, kelgusidagi yutuqlarning mustahkam funksional va harakat asosini yaratishga qaratilgan.

Maxsus tadqiqotlar va amaliy tajriba shuni ko'rsatadiki, inson hayotining muayyan yosh davrida qobiliyatlar rivojiga ta'sir ko'rsatadigan qulay imkoniyatlar mavjud bo'ladi, chunki ulardan ayrimlarining o'sish sur'atlari boshqa yosh davrlaridagiga nisbatan ancha yuqori bo'ladi. Bu davrlarni odatda sensitiv (hissiy) deb ataydilar, chunki ular organizmning rivojlanishida alohida ahamiyatga ega.

Bolalarda alohida jismoniy qobiliyatlarning jadal rivojlanish davrlari 1-jadvalda ko'rsatilgan. Ko'rinib turibdiki, ularning har biri o'z sensitiv davriga ega. Bu davrlarning vaqt chegaralari o'g'il va qiz bolalarda bir xil emas. Odatda, ko'pgina qobiliyatlarning jadal rivojlana boshlashi vaqt nuqtai nazaridan qizlarda o'smir o'g'il bolalarga nisbatan 1-2 yilga oldinda boradilar.

Kuchni rivojlantirish uchun qulay morfologik hamda funktsional sharoit 9-10 yoshlarda yuzaga keladi. O'g'il bolalarda dina-mik kuch mashqlariga yuqori sezgirlik 2 davrdan iborat bo'ladi: 9 yoshdan 10-12 yoshgacha va 14 dan 17 yoshgacha. Qiz bolalarda 11 yoshga ke-lib kuch chidamliligi, 7-10 yoshli o'quvchilarda turg'un kuchlanishlar toliqishning tez rivojlanishi bilan kechadi.

11-12 yoshli bolalarda tezlik - kuch sifatlarining shiddatli o'sishi kuzatiladi. Tezlik - kuch sifatlarini rivojlantirishda portlash xususiyatiga ega bo'lgan dinamik mashqlarga ustunlik beriladi. Chuqurlikka sakrashdan so'ng yuqoriga sakrab chiqishning samaradorligi juda yuqori. Jismoniy sifatlarning rivojlanishining eng sezuvchan davrlarini hamda og'ir atletika sport turi bilan 9 yoshdan shug'ullanishni boshlash mumkinligini inobatga olgan holda boshlang'ich tayyorgarlik bosqichidagi 9-10-11 yoshli og'ir atletikachilarning yosh hususiyatlaridan kelib chiqib mashg'ulot vositalarining nisbatlari quyidagicha rejalashtirilishi samarali deb hisoblaymiz.

- yugurish tayyorgarligi – 30,3 x 10, 60, 100, 1000 m;
- sakrash tayyorgarligi – uzunlikka va balandlikka seriyali hamda bittalik sakrashlar;
- atletik tayyorgarlik – tumikda tortilishlar, yotib qo'llarni bukib – yozish;
- bruslarga tayangan holda qo'llarni bukib – yozish;
- trenajyorlarda va erkin og'irliklar bilan ishlash;
- sport (futbol, basketbol) va harakatli o'yinlar, estafetalar.

UJT da yuklamalar shug'ullanuvchilarning yoshiga va imkoni boricha individual xususiyatlariga muvofiq holda me'yorlandi.

Kuch mashg'ulotlarining boshlang'ich bosqichida kuch nisbatan bir xil, mashg'ulotda qo'llaniladigan og'irliklar (katta yoki kichik) hamda usuliyatlarga kam darajada bog'liq holda o'sishi sababli, shuningdek, endokrin bezlari quvvati yetarli bo'lmaganligi tufayli, bolalar va o'smirlar bilan olib boriladigan mashg'ulotlarda o'yinlar hamda musobaqa elementlarini kiritish yo'li orqali mashg'ulotlarning yuqori emotsionalligini ta'minlash tavsiya etiladi (T.V.Solomina, 1990; V.G.Alabin, 1993). Shu sababli 10–11 va 12 yoshdagi tajriba guruhi og'ir atletikachilarida oraliqli mashq tipi bo'yicha (oddiy dam olish oralig'i bilan) aylanma mashg'ulot atletik (umumiy kuch) tayyorgarlikning asosiy usuliyati bo'ldi. Bizning fikrimizcha, aynan aylanma mashg'ulot bolalik chog'ida kuch sifatlarini rivojlantirishning eng oddiy hamda yengil uslubi hisoblanadi. Bundan tashqari, bir vaqtning o'zida mashg'ulotlarning yuqori emotsionalligi ta'minlanadi, bu kuch mashg'ulotlariga xos bo'lgan bir xillikni bezaydi. Besh–oltita mashqlar va 6–12 marta takrorlashlardan iborat uchta aylana o'ta toliqishni keltirib chiqarmay, asosiy mushak guruhlarini ishga solishga imkon beradi.

Xulosa va muhokama. Xulosa qilib aytganda, O'g'il bolalarning 10-11 yoshda og'ir atletika sporti bilan shug'ullanishi tezkorlik va chidamlilik kabi jismoniy sifatlarning tabiiy yoshga xos rivojlanishi bilan bir vaqtda kuch hamda tezkor-kuch sifatleri namoyon qilinganda, harakat apparati takomillashish jarayoni tezlashishiga olib kelishi aniqlandi.

10-11 yoshda asosiy jismoniy sifatlarni rivojlantirishning yoshga xos xususiyati tengdosh og'ir atletikachilarda kuzatilganidan ishonchli tarzda farq qilmaydi. Yosh og'ir atletikachilar mashg'ulotlarida u yoki bu mashqlarni, ularni bajarish uslublarini va yuklama hajmi hamda shiddatini rejalashtirish shug'ullanuvchilarning yoshga xos xususiyatlarini xisobga olgan holda amalga oshirilishi lozim.

Adabiyotlar ro'yxati:

- 1) Matkarimov P.M. Og'ir atletikachilar kўp йиллик тайёргарлик тизимининг илмий-назарий асослари: Монография. – Т.: O‘ZKITOB SAVDO NASHRIYOTI MATBAA IJODIY UYI, 2021. – 239 б.
- 2) Toshturdiyev Sh.Kh., Masharipov M.R. International Olympic Committee And Its Relations With Governments And Other International Organizations // Fan – Sportga, 2020, №7. – P.6-8.
- 3) Matkarimov P.M. Оммавий разрядли ог'ир атлетикачилар машгулот юкламалари хажми ва шиддатининг оптимал нисбатлари самарадорлигини аниқлаш // Fan – Sportga, 2020, №2. – Б. 34-38.
- 4) Matkarimov P.M. Оптимизация процесса подготовки высококвалифицированных тяжелоатлетов в годичном цикле // Проблемы и перспективы физического воспитания, спортивной тренировки и адаптивной физической культуры. – 2021. – С. 361-365.
- 5) Matkarimov P.M. Вопросы временной адаптации тяжелоатлетов к различным климатогеографическим условиям // Fan-Sportga. – 2020. – №. 3. – С. 4-7.
- 6) Тоштурдиев Ш.Х. Велосипедчиларнинг куч сифатини ог'ир атлетика воситалари орқали ривожлантириш услубияти // Fan – Sportga, 2020., №1. –С. 39-45.
- 7) Сивохин И.П., Огиенко Н.А., Бекмухамбетова Л.С., Matkarimov P. . (2019). Биомеханические аспекты совершенствования двигательных действий в спорте.

УДК: 796.01

МЕТОДИКА ПЛАНИРОВАНИЯ ТРЕНИРОВОК ЮНЫХ ТЯЖЕЛОАТЛЕТОВ

Зафар Норкулов

Узбекиский государственный университет физической культуры и спорта
Чирчик, Узбекистан
znorkulov@mail.ru

Аннотация. В данной статье приведены возрастные особенности методики физической подготовки молодых тяжелоатлетов, занимающихся в начальной подготовительной группе, и соотношение средств, используемых в тренировке, исходя из возрастных особенностей, а также рост результатов за счет планирования нагрузок.

Ключевые слова: возрастные особенности, особенности планирования нагрузок, средства тренировки, тяжелоатлеты 10-11 лет

UDC: 796.01

METHODOLOGY IN PLANNING TRAINING TOOLS FOR YOUNG WEIGHTLIFTERS

Zafar Norkulov

*Uzbek State University of Physical Educations and Sports
Chirchik, Uzbekistan
znorkulov@mail.ru*

Annotation. In this article, the age-specific characteristics of the physical training method of young weightlifters participating in the initial training group and the growth of results were achieved by planning the proportions of the tools used in the training and the loads based on the age characteristics.

Key words: age-specific features, load planning features, training tools, Weightlifters 10-11 years old.



АДАПТИВНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА, ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Ксения Самсонова, Алмас Анарбаев

*Международный университет туризма и гостеприимства
Туркестан, Республика Казахстан*

almas_6262@mail.ru

Аннотация. Во всем мире растет интерес к воспитанию и обучению детей со сложными нарушениями, как в научном педагогическом сообществе, так и в обществе в целом. Основной целью обучения этих детей является максимальная социальная адаптация и вовлечение их в процесс социальной интеграции и личностного развития. Все это говорит о том, что общество и государство эволюционируют, чтобы соответствовать нуждам, потребностям и образованию этих детей. Однако существует острая необходимость в поиске эффективных методов работы с детьми со сложными нарушениями.

Ключевые слова: адаптивная физическая культура, социальная адаптация, дети со сложными нарушениями.

Введение. В последние годы особое внимание, специалисты уделяют проблеме физической реабилитации инвалидов, восстановлению здоровья и привлечения их к общественно полезному труду. Теория адаптивной физической культуры, несет в себе три крупных области знаний: физическую культуру, медицину и педагогику. В настоящее время человек и его культура, образование, научное развитие, здоровье рассматриваются не только как средство по преобразованию природы и общества, но прежде всего, как цель, результата, этих преобразований и существования самого общества. Так же человек с отклонениями состояния здоровья рассматривается в адаптивной физической культуре как индивид, обладающий уникальными свойствами. Принципиально неприемлемым является дихотомический подход к его изучению и определяемые методами исследования конкретных наук.

В связи с этим АФК уделяет внимание не на «физическое совершенствование» занимающихся, а на его всестороннее развитие в процессе занятий физическими упражнениями (интеллекта, эмоционально-волевых качеств, эстетическое, этическое, физическое и др.). Полное восстановление трудоспособности инвалидов и возвращение их к предыдущей профессиональной деятельности наблюдается крайне редко. В связи с этим проблема реабилитации инвалидов приобретает особую остроту.

Во всем мире растет интерес к воспитанию и обучению детей со сложными нарушениями, как в научном педагогическом сообществе, так и в обществе в целом.

Основной целью обучения этих детей является максимальная социальная адаптация и вовлечение их в процесс социальной интеграции и личностного развития. Все это говорит о том, что общество и государство эволюционируют, чтобы соответствовать нуждам, потребностям и образованию этих детей. Однако существует острая необходимость в поиске эффективных методов работы с детьми со сложными нарушениями.

Цель исследования заключается в изучении влияния адаптивной физической культуры и занятий реабилитационным спортом на развитие основных систем организма, коррекционных и компенсаторных функций инвалидов.

Задачи исследования: 1) Изучить разработанность исследуемой проблемы по данным отечественной и зарубежной литературы. 2) Провести сравнительный анализ развития адаптивной физической культуры за рубежом и в Казахстане. 3) Выявить проблемы и пути решения в адаптивной физической культуре

Методы исследования: анализ научной литературы; опрос; педагогическое наблюдение; математическая обработка собранных материалов.

Результаты исследования и их обсуждение. Первая теория Первая теоретическая идея о воспитании и обучении глухих людей была выдвинута итальянским профессором Кардано в 1561 году. В 1847 г. было объявлено о первых результатах обучения группы слепоглухонемых в Швейцарии, а 1886 г. в г.Скара была основана школа для слепоглухих, при которой было организовано отделение для детей с множественными нарушениями. Постепенное совершенствование методик лечебной физической культуры дало толчок развитию нового направления, получившего название реабилитационного спорта в лечебных целях.

Эффективность регулярной спортивной деятельности специалисты говорят, подчеркивая, что реабилитационный спорт приносит занимающимся физическим и моральным удовлетворением, чувство коллективизма. Шведские ученые разрабатывают требования и стандарты к спортивным

